

ҲАЛИМА МАЛИКОВА

**ЛҮЛИ
ҚИЗНИНГ
БАХТИ**

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2007**

Маликова, Ҳалима.

Лўли қизнинг баҳти — Т.: «Шарқ», 2007.— 208 б.

Шоира Ҳалима Маликова кейинги пайтда насрда ҳам баракали ижод қилиб келмоқда. Қўлингиздаги ушбу китобдан унинг дастлабки ҳикоялар тўплами — «Фориш қиссаси» ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олингандан бўён ўтган давр мобайнида яратган бир қанча қизиқарли қисса ва ҳикоялари ўрин олган.

Ўйлаймизки, тўплам сизга, албатта, манзур бўлади.

ББК.84(5Ў)6.

ЛҮЛИ ҚИЗНИНГ БАХТИ

Бу воқеа анча йиллар аввал бўлиб ўтганди. Самарқанд университетига кириш имтиҳонлари топшириш учун тайёрланиб юрган пайтимда хонадош бўлган Офтоб исмли қиз бошқалардан кўра эътиборимни ўзига тортди. У бошқа қизларга ўхшаб кўп гапирмас, у ёқ-бу ёққа айланишга ҳам чиқмас, эртаю кеч имтиҳонга тайёрланиш билан банд эди. Сўзлаганда тили бир оз тожикчага, қоши-кўзи лўлиларга ўхшаб кетарди.

— Офтоб, дугонажон, қўй энди бир оз дам олгин, ҳаддан ташқари кўп ўқийверсанг ҳам фойдаси йўқ. Чунки мия чарчагандан кейин ўқиганларинг кўп ҳам хотирангда қолмайди, — дедим билғонлик қилиб. Шунда Офтоб китобларини ёпиб йиғиштирида-да, сим каравотга чўзилди.

— Дугона, нега сенинг талаффузинг сал бошқача, — дейман яқинроқ танишгим келиб.

— Отам лўли-да, шунинг учун ҳам гапирганимда сезилади, — деди ҳижолат бўлиб.

— Онанг-чи, у ҳам лўлими?

— Йўқ, — бошини чайқади, — онам ўзбак.

— Наҳотки? Улар қандай турмуш қуришган, қаршилик бўлмаганми? Офтоб хиёл кулимсиради. У шунчалик жозибадор, хушсурат эдики, қараб туриб эртакларда тасвирланган маликалар ҳам бунинг олдида бир жориядай бўлса керак, деб ўйлардим...

* * *

Норой қўқонлик маҳсидўз қосибнинг қизи. Истараси иссиқ, ўрта бўйли, ҳушбичим бу қизни мактабдан келди дегунча уйдан кўчага чиқаришмасди. Маҳаллада яшовчи Тўрабой қиморбоз ўғли Дадабойга сўраб шу хонадонга совчилар юборди. Дадабой Тошкентдаги қайсиидир олий ўқув юртида таҳсил оларди. Отаси қиморбоз бўлса ҳам, ҳарқалай боласи олий маълумотли, оқ-қорани таниган яхши йигит бўлса керак, деб ўйлади маҳсидўз.

Үқиши тугатиб келган ўғлига келин олишмоқчи экан-лигини, маҳсилдўз Деконбойнинг қизининг бошини «бой-лаб» қўйишганини айтишганда Дадабой лоқайдлик билан “ўзингиз биласиз”, дегандай елкасини учирив кўйди. Ўғлиниг чехрасида бирон-бир ўзгаришни сезмаган Тўрабой қиморбоз:

— Ҳа ўғлим, ёки бошқа гаплашганинг борми, нега хомушсан, — деб сўради.

— Йўқ, юрган қизим йўқ. Лекин мен ҳали уйланаман деб тиқилинч қилаётганим йўқ-ку.

— Қайси йигит отасига уйлангим келаяпти, деб айтади. Сен тенгилар бир-иккита болалик бўлишди. Үқиши тугатиб олсин деб беш-олти йилдан бери топганимизни қўлингга бераятман. Ўз тенгиларинг ичидаги фоз юргин деб пулни аямадим. Онанг ҳам мэндан яшириб ҳар келганингда пул бериб турди. Энди ўқишинг тугаган бўлса дипломингни қачон беришади? Мен маориф мудири билан гаплашиб қўйганман, иш бераман, деган.

— Ота, мен давлат имтиҳонидан ўта олмадим. Келаси йил имтиҳонга бораман. Ўтолсам дипломимни беришади. Ҳозирча бошқа бирор иш қилиб туарман.

— Ие, бу нима деганинг падари қусур. Имтиҳондан йиқилган бўлсанг нега ўша куни етиб келмадинг. Домланг билан ўзим гаплашиб тўғрилаб келган бўлардим.

— Кўяверинг, энди фойдаси йўқ, келаси йилгача бир гап бўлар.

Шу куни ста-бала узоқ тортишишди. Лекин бу пайтда у ўғлиниг учинчи босқичдаёқ ўқишдан ҳайдалгани, гиёҳвандликка берилиб, қимор ўйнаб юришини билмасди. Дадабой бир ойда бир марта уйга келарди. Ёлғиз ўғил бўлгани учун ҳам ҳеч нарсадан зориқмасин деб айтганини икки қилишмасди.

«Майли, тўйни ўтказиб олайлик, иш бўлса бир гап бўлар», деб ўзига далда берди Тўрабой.

— Ота, тўйни кейинроқقا сурсак, дипломимни олганимдан кейин кўтармиз...

— Нималар деялсан, дипломининг тўйга нима алоқаси бор? Кўявер ўғлим, сикилма, дипломингни ўзим олиб бераман, — у қўли билан чўнтагини кўрсатиб кўйди.

Шу вақтда онаси Ражабгул инқиллаб-синқиллаб чой олиб келди.

— Мана кўрдингми ўғлим, онанг касалманд бўлиб

қолган. Келин олсак, сал жони тинчирмиди дейманда.

Лекин Дадабойнинг юзида бу гал ҳам ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганини кўриб бошқача хаёлга борди. “Балки қизни ўзига муносиб кўрмайтган, сулув эканлигини билмаса ҳам керак. Бир кўрса питирлаб қолар. Тавба, бу қандай йигит бўлди. Унаштирдик десам ҳам қизиқиб, бир кўрайин демайди-я”, — хаёлидан ўтказди отаси.

— Болам кун иесик, устингдаги костюмингни ечиб ўтири. Терлаб кетибсан-а, — деб онаси ўғлининг устидаги кийимига ишора қилди.

“Бўлари бўлди, бира тўла ҳозир билгани яхши, барibir эртами-кечми сезиб қолишади». Кўнглидан шу сўзлар кечган Дадабой оҳиста костюмини ечди. Енги калта кўйлак кийгани боис билакларидағи игна излари шундоқ кўзга ташланиб турарди.

— Вой, вой болажоним, тобинг қочиб қолдими? Билакларингда укол излари тўлиб кетибдику, — деди содда аёл.

— Тўхта, бу нимаси, қачондан бери игнага ўтирдинг? Мен нимага шу пайттacha сезмадим? Ҳой палид, ифлос бу нима қилганинг, — Тўрабой ихтиёrsиз ўғлини тепиб юборди. Даствурхондаги коса ағдарилиб овқат тўкилиб кетди.

— Ҳой, дадаси, бу нима қилганингиз, болангиз нима қилди? Нега бекорга шунча тўпалон кўтараяпсиз? — онаизор боласини ҳимоя қилиб, тўкилган овқатни қошиқ билан сидириб оларди.

Тўрабой аёлга эътибор бермади.

— Падарлаънат, нега жимсан, қачон бошлагансан? Дилемни хонавайрон қилдинг-ку, олган пулларингни ҳаммасини шу заҳри қотилга ишлатдингми? Ёлғиз ўғлим, мададкорим бўлади, ўқиб дўст-душманнинг ичиди юзими ёруғ қилади, деб умид қилгандим.

Дадабойдан яна садо чиқмагач, Тўрабой баттар ўкира бошлади. Ниҳоят гап нимада эканлигига тушунган Ражабгул қўллари қалтираб, юрагини ушлаб қолди. Аёлни қора тер босиб ранги ўчиб, буқчайиб ётиб қолганда ҳам ўғли унга лоқайдлик билан бир қараб кўйди, холос.

Аслида фожеа анча олдин бошланганди...

Тўрабой илгаридан кўкнори экар, ўзи тенги тўрт-беш ошналари билан ўтиришиб уни эзиб ичишарди. Чой ташиб хизмат қилиб юрган ўн беш ёшли Дадабой аввал бу

нима экан деб қизиқсина, оз-оздан ичиб юриб ўрганиб қолди. Кейинроқ, эзилган күкнорини яширинча ичиб, ўрнига бир оз сув қуйиб қўярди.

Ўғлиниңг бу ишидан хабарсиз Тўрабой “Негадир кўкнорининг кучи камайган, ширасини олмаган эдим-ку”, деб ҳайрон бўларди.

Дадабой ўқишга кетгач, кўр-кўрни қоронгуда танийди деганларидаи икки-уч нафар ўзига ўхшашларни топиб чека бошлиди, кейинчалик ундан қониқмаганлари игнага ўтишди. Учинчи курсгача ота-онасидан, тога-ю амакиларидан олиб турган пуллари эвазига амаллаб етиб олди. Амма-ю-хола, амаки-ю, тогалар ҳарқалай ўқищдаги йигитта керак бўлади, деб пул бериб туришарди. Кейинчалик ҳар кимнинг ўз рўзгоридан ортмай қолди. Улар пул бермай қўйгач, кейинги уч йил ичидаги қариндошларни кига қадам босмай қўйди.

Бир куни кекса аммасининг вафот эттанини эшитиб, этиборсизгина «Опангиз ўлибди», — деди отасига. Тўрабой: «Вой опажоним, жигарим, муштипарим», деб йиглаб кетишга тайёрланар экан, Дадабой хотиржам ичкари ўй томонга юрабошлиди.

— Нима қилассан, тайёрлансанг-чи, мунча анқаясан, — жаҳл қилди отаси.

— Қаерга бораман, мен у ерда нима қиласман? Сиз билан онам борса бўлди-да, — деди бепарво ўғил.

— Нима дединг, оқибатсиз фарзанд, туғишган опам ўлса-ю, мен нима қиласман, дейсан. Бир вақтлар топганини, нафақасига қўшиб қўлингта тутқазар эди-ку, — жиғибийрон бўлди Тўрабой.

— Мен борсам тирилиб қолармиди, сизлар бораверинглар, мен уйда қоламан. Кимдир уйда қолиши керак-ку.

— Уйни бўри ейдими, қулфлаб кетамиз, болам у нима қилганинг, бунча тошбагир бўлмасанг, — кўзига ёш олди онаси. — Сен туғилганингда ёлғиз жигарим иккита бўлди, деб то чиллам чиққунича сени еру-кўкка ишонмай ўзи парвариш қилганди, ўғлидан кам кўрмасди боёқиш.

— Бир оз тобим қочиб турибди. Худойиси куни борарман. Мени кутмай кетаверинглар, — деб ички уйга кириб кетганди.

Шундан кейин эру хотин анча вақтгача боласининг ўзгариб, лоқайд бўлиб қолганидан нолишганди.

Мана, шунга ҳам олти ой ўтди. Бу орада қариндошуроғлар йиғилишиб, “Тўйни қиласверинглар, хайрли ишни орқага ташламанглар”, — деб тўйни тезлатиб юборишиди. Дадабой эса лоақал бирор марта бўлғуси келин билан учрашувга чиқмади. Тўй кечаси эса қолмоқчи бўлган келинчакнинг янгасига, “Ҳозирча мазам йўкроқ, кетаверинг, ўзимиз кейинчалик келишиб оламиз”, — деди. Куёвнинг гапига ҳайрон бўлган янга “ўзингиз биласиз”, деб жўнаб кетди. Тўйдан икки ойлар ўтиб, нима иш билан келиннинг ётогига кирган онаси ўғли билан келиннинг тўшаклари бошқа-бошқа солинганини кўриб:

— Болам эндиғина чиллангиз чиқди-я, ҳозирдан нега жойларингизни алоҳида солгансизлар, — деди келинита.

— Болажоним, яна ҳам ўзинглар биласизлар, эр-хотин бошқа ётса орага шайтон киради, дейишади. Бунақада бир-бирларингиздан совиб кетасизлар-ку.

Унинг саволига жавоб беролмаган келинчакнинг қўзларида ёш кўринди.

— Ҳа, келинжон, тинчликми, нега йиғлагаяпсиз?

— Йўқ, йиғлаганим йўқ, ўзим, шунчаки... Мен қандай келган бўлсан, ҳозир ҳам шундайман, ўғлингизни кўнгли бошқадами дейман.

— Вой, менгина ўлай-да қолай, нима дедингиз, ҳалиям «қиз боламан» демоқчимисиз? Келин боши билан “ҳа” ишорасини қилди. — Нега шу пайттacha индамай юрибсиз, — деди ҳаяжондан ўзини йўқотиб қўйган қайнона.

— Мен нима ҳам дейман, эшилган кулоқقا уят... Ҳозир ҳам ўзингиз сўрамаганингизда, билдирамаган бўлардим, — деди норози оҳангда Норой.

Шу куни Дадабой жуда кеч — ярим тунда келди.

Онасининг «қаерда юрибсан», деган саволига, жавоб ҳам бермай уйга бурилди. Онаси келини билан бўлиб ўтган суҳбатни эрига айтишга мажбур бўлди.

— Йўғ-е, нималар деяпсан, бўлмаган гап, — юраги бир нимани сезгандай қалтираб кетди Тўрабой.

— Ҳа, келинингизнинг ўзи шундай деди, ўғлингизнинг келинга кўнгли йўқми деб кўрқаман.

— Йўқ, ундей эмас, бу ерда бошқа гап бор. Эртага биламан бунинг сабабини.

— Вой ўлмасам, ўғлингиздан қандай сўрайсиз? Уят бўлмайди-ми?

— Уят дейсанми, эртага кудалар билса, эл-халқ билса ана унда уят, ана унда шармандалик бўлади, — чуқур уҳ тортди Тўрабой.

Эрталаб келиннинг қовоқлари қизариб йиглагани билиниб турарди.

— Ҳа, қизим, нима бўлди, нега йигладинг? — сўради қайнона.

— Сирғам билан узугимни ёстигимнинг тагига кўйганлим, икки кундан бери тополмаяпман. Бу уйга ўғлингиздан бошқа ҳеч ким кирмайди. Улар катта энамдан ёдгорлик эди. Бу тилла тақинчоқларни шу неварамга берасизлар деб васият қўлган экан, — келин бу сўзларни айтар экан кўзларидан дув ёш куйилди.

— Э, худо, энди бу ташвиш ҳам бормиди, — қайнона бурилиб ичкарига кирди. Зум ўтмай Тўрабой чиқди-ю, дарвоза томонга кетаётган Дадабойни чақирди. У тўхтади, секин қайтиб отасининг олдига келди.

— Қани бу ёқча юрчи, — у шундай важоҳат билан ўшқирди. Дадабой бир сўз демай эргашишга мажбур бўлди.

Тўрабой индамай ўғлининг узун енгли кўйлагини ечиб билагига разм солди.

— Мана булар кейинги беш-үн кунда олинган, хўш бунга пулни қаердан олдинг?

Дадабой ерга қаради. Унинг қараашлари маъносиз эди.

— Сенга айтаяпман, оқладар, энди бу ишни қилмайман деб ваъда берган эдинг-ку!

Ўғилдан яна садо чиқмади. Тўрабой уйнинг тўрида якtagи устидаги энлик қайишини олиб уч-тўрт марта туширди. Дадабой қайишини отаси қўлидан тортиб олмоқчи, кучи етса, ҳатто урмоқчи бўлди. Лекин эндингина эллик ёшга кирган бақувват отанинг қўлидан камарни тортиб ололмади, қайтанга чириган дараҳтдай ағдарилиб тушди.

— Тиллаларни нима қилдинг, сотдингми ёки, мана бунга алишдингми? — деди Тўрабой ўғлининг билагига бармоғини ниқтаб.

Ундан бирор тайинли жавоб ололмагач, кўзи қонга тўлиб қутуриб кетиб аёвсиз ура бошлади. Шу вақтда онаси дод солиб ўзини боласининг устига ташлади. Аччиқ устида бир-икки зарба аёлига ҳам тегди. Дадабой тишлирини ғижирлатиб оғзидан кўпик чиқариб, қўлларини мушт қилганча ағнаб ётарди. Тўрабой қайиш билан ўғлининг

қўлини, арқон олиб келиб оёқларини боғлаб ташлади.

— Шу уйдан сенинг ўлигинг чиқади, ёки одамлар сафига қўшилганингдан кейин чиқасан, — деди Тўрабой ўрнидан турар экан. — Агар ким уни ечиб бўшатса, қонига ботираман, — унинг газаб билан айтган сўзларидан хотини сесканиб кетди. Ўғлининг гилам устида ётишига ичи ачиб, қийналиб кўрпага силжитди.

Шу куни Ўратепада турувчи акасининг қўшниси келиб қолди. Тўрабой шошиб:

— Ҳой хотин, келиннинг уйига жой қил, меҳмон келди, — деди. Ўтиришиб сўрашиб бўлгач, келган киши акасининг оғир касал бўлиб қолгани, тез етиб боришини айтди. Сўнг фақат бир пиёла чой бўлса майли, овқатта уринманг. Сизни ҳозироқ олиб кетишими мумкин, деди. Меҳмоннинг олдига чой қўйиб Тўрабой тезда тайёрланди. Кетаётуб Дадабойни олдига сув, нон қўйиб оёқ-қўлини ечди-да ҳожатта ҳам чиқмайсан деб тайинлаб, тоғорани кўрсатди.

— Мен икки-учга кунга қолмай етиб келаман. Билиб қўй, бирор ёқса боришини ҳаёлингта келтирма, акс ҳолда, — у қўлини томоғига олиб келди, — сўйиб ташлайман.

Тўрабой уй эшигини кулфлади. Аёлига келиннинг уйида ётишини тайинлаб меҳмон билан чиқиб кетди.

Тўрабойнинг асли ота ҳовлиси Ўратепада бўлиб, маҳалласида булардан ташқари яна бир қанча ўзбеклар истикаомат қилишарди.

Улар бир ота-онадан, икки ака-ука бўлиб Тўрабой бухгалтерлар тайёрлаш техникумини тутатгач, Кўқонда яшовчи тоғаси — колхоз раиси уни чақиртириб олди. Тўрабой ҳам, унинг акаси Жўрабой ҳам уйланиб кенг ҳовлида яшашарди. Тоғасининг ёрдамида данғилама уйлар курди. Тоғаси вафот этгандан кейин ҳам шу ерда таниш-билиш орттириб, тоға авлодлари орасида яшаб қолган эди. Акасининг фарзанди бўлмади, ёши бир жойга борган бир болалик аёлга уйланди. Жўрабой шу болани катта қилсан, кексайганимда ўз боламдек бўлар деган хаёлда эди.

Уч ёшдан боқиб ўстирган ўғлини ўрта мактабни тутатгач, курилиш техникумига ўқишига жойлади.

— «Ўғлим, бу ўқиши йигит киши учун ўлмас касб ҳисобланади. Ўқишини тутатсанг ҳеч қачон ишсиз қолмайсан, — деган эди. Ўғил ўқишига киргач, унинг ташлаб кетган амалдор отаси излаб борибди.

— Ўғлим тақдир экан, сенга вақтида ёрдам беролмадим. Бир неча марта борганман, лекин онанг менинг ёрдамимни олмаган. Сенга бу ҳақда айтмаган бўлса керак. Кејинги аёлимдан уч қиз кўрдим. Ҳаммасини узатдим. Хай-ҳотдек ҳовли, бир бориб кўргин, нақ қаср дейсан. Сени ҳуқуқшунослик институтига жойтайман. Келажакда курувчи эмас, юрист, прокурор бўласан. Қони бошқа ўтайди эмас, ўз отанг кўлида яшайсан. Онанг сенга нима деган билмайман-ку, мен ташлаб кетганим йўқ, онангни ўзи сени олиб мени ташлаб кетган», деб йигитни чалғитди. Шундан сўнг отаси тез-тез келавергач, «майли ўзингиз биласиз», деб жавоб берди. Ота-бала кенгашгач, Дадабой ўқишини ташлади. Таниш-билиш ва пулнинг кучи билан институтта жойлади. Бундан хабар топган Жўрабой жуда хафа бўлди.

— Ҳа, бурунгилар, «етим қўзи асрасанг оғзи бурнинг мой бўлар, етим бола асрасанг оғзи бурнинг қон бўлар», деб бекорга айтишмаган экан. Сен нонкўр, итвачча менга хиёнат қилдинг. Тузим урсин сени, бугундан бошлаб уйимга қадам босма, сени худога топширдим, — деб аразлаб кетди. Уйга келиб хотинига эшитганларининг тўғри эканлигини ва бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берди.

— Нима ҳам қиласидим, ўғлим отаси билан учрашганини менга айтмаган. Мен сиз билан ўн олти йилдан бери яшаб келаяпман. Ўғлим отасини деса ўзи билади, лекин сизни ташлаб кетмайман. Агар ўзингиз мени қувиб юбормасангиз, — деди. Жўрабой оққўнгил, меҳрибон аёлига меҳр билан қараб тақдирга тан берган бўлди:

— Ҳа, майли, энди иккимиздан ўзга бир-биримизга ғамдош инсон йўқ. Илоҳим сени мендан ажратмасин...

Буларни Тўрабой ҳам биларди. Тўрт ой илгари келиб кетганида ҳам акасининг соғлиги яхши эди. Жўрабойнинг саратон хасталиги билан оғригани маълум бўлганидан кейин жуда ғамгин бўлиб қолди. У болалиги ўттан қадрдан ҳовлига кириб акасининг аҳволини кўргач титраб кетди. Эртаси куни акаси Тўрабойга:

— Ука менинг аҳволимни кўриб турибсан. Қўзимнинг тириклигига уйларингни сотиб, ҳовли-жойга эгалик қил, ота-бобомиз ўтган уйга сен кўчиб келмасанг чироғимиз ёқилмай қолади. Уйга етти ёт бегоналар кириши мумкин. Чунки мен ҳаётдан кўз юмсам ҳамма мол-мулк хотинимга қолади. Унинг бафри бутун, мен кетсам ўғли келиши

мумкин. Шу сабабдан бир ҳафтада күчингни күтариб кел, ҳарқалай сенинг ўғлинг бор. Авлодимизнинг давомчиси бўлади. У бошқа гапиролмади, чарчаб жимиб қолди.

— Майли, ака, бир ҳафтада кўчиб келаман, — деди, бунга жавобан Тўрабой кўзига ёш олиб.

Эртаси куни уйига келганида Дадабой дераза панжарасини қайриб чиқиб кетмоқчи бўлиб тўполон қилаётган эди. Унинг кўзлари қизариб кетган, яна дорининг хумори тутиб қалтирас, аъзои бадани қақшаб оғриётганди.

— Отажон очинг, чиқариб юборинг, ўлиб қоламан, яна бир марта ўшандан қабул қиласайин кейин ҳеч қачон бу йўлга кирмайман, — деб зорланарди. Тўрабой кетишидан олдин йўлда дўхтир ўртоғи билан гаплашган, у биринки кун ичидаги худди ҳозиргидай ҳолга тушишини, олдиндан айтган, боғлаб бўлса ҳам яна икки уч кунни тинимсиз курашиб даволаб ўтказсан кейин енгиллашиб қолади, деганди. Тўрабой шуни эслаб ўғлини чалғитган бўлди:

— Ўғлим сен айтган нарсани ҳозир олиб келишади, озгина сабр қилгин, ҳаммаси яхши бўлади.

Дадабой бўлса илондай тўлганиб, типирчилаб жон аччиғида тишларини гичирлатар, девору эшикларни деразаларни тепарди. Ойналар чил-чил синган, аммо чиқиб кетишга бақувват панжаралар халақит берарди.

Абдуҳамид дўхтир етиб келгач, икки кишилаб тутиб яна боғлаб ташлашди. Кутурган буқадай бўкириб ётган Дадабойни отаси бир-икки марта қайиш билан жонини оғритиб урди. Абдуҳамид аввалдан тайёр дорилар билан укол қилди. Дадабой бир оз типирчилаб кейин ухлаб қолди.

— Ўлиб қолмайдими? — хавотирланиб сўради Тўрабой.

— Йўқ үлмайди, бир неча соат ухлайди. Бироқ уйғонгач, яна қийналиб ўзини ҳар томонга отади. Унгача ўзим келиб кечаси билан бўлса ҳам қараб чиқаман. Шундай қилиб икки-уч кунни ўтказсан, кризисдан ўтиб олади. Кейин даволашимиз ҳам ўз самарасини беради. Секинаста бирор ҳафтадан кейин енгиллашиб қолади. Қарабсизки, бир ойларда гиёхвандлик балосидан кутулиб олади.

Тўрабой уйларини сотиб Ўратепага кетмоқчи эканлигини маълум қилди. Бир икки кунда уйларига харидор кела бошлади. Орадан бир ҳафта ўтди, лекин ҳали ҳам Дадабой босилмади. Ўн кундан кейин у хиёл ўзини босиб

олди. Шунгача Тўрабой уйини сотиб ҳамма нарсаларини кўчишга тахт қилиб қўйди. Азобли икки ҳафта ўтиб, ўғли анча ўзига келди. Унинг оз бўлсада ўзгариб босиқ бўлиб қолганини кўрган Тўрабой кудаларини, кўни-кўшни, ёру-биродарларини чойга чақирди. Эртаси куни хайр-хўшлапшиб икки машинада юкларини ортиб жўнаб кетишди. Булар бориб жойлашгандан кейин, Жўрабой бандалик қилди, Дадабой маракаларга ўзй бош-кош бўлиб турди. Уйларини ён қўшниларига сотишган, пулининг ярмини беш-олти ойдан кейин берамиз дейишганди. Жўрабойнинг маракаларига буларнинг пули кетмади. Ўлимлигимга деб йигиб қўйган пуллари бемалол етди. Энди тўққиз ой ўтказиб йилини қиласиз, деб қўйишиди. Жўрабойнинг маракалари ўтгач, унинг беваси Зоҳида:

«Бу ерда бирор танакорим бўлмаса энди кетаман», деб айтганида келини Норой ва овсини:

— Йўқ, сизга рухсат бермаймиз. Сиз ҳаммамизга бир қайнонадек бош бўласиз. Уйнинг тўри сизники, — дейишиди.

— Агар қол десанглар, қоламан, — деб хўрсинди аёл.

Дадабой ҳам соғайиб Норой келин билан аҳил яшай бошлиди. Жўрабойнинг йил маракаси яқинлашгандা уйнинг пулинни олиб келамиз, деб Кўқонга жўнашди. Кун иссиқ бўлгани учун ҳам Йўлда дуч келган юқ машинасининг устига чиқиб олишиди. Машинада одам ташишга мослаб тахтадан ўриндиқлар қилинганди. Йўлда дарёдан ўтавиб ҳайдовчи ухлаб қолдими ёки техник носозликданми бурилишда машина қирроқдаги қалин бетонга урилиб, устидаги беш-олти йўловчи билан бирга сувга ағдарилиб кетди. Улардан иккита ёшроғи сузиб чиқишга улгурди. Тўртгаси эса кексалиги ва сузишни яхши билмагани учун чўкиб кетди...

Дадабой ота-онасининг келишини кутиб икки ҳафтани ўтказди. Аввалига ўрганиб қолган жойларида меҳмон бўлиб юришгандир, деб парво қилмади. Худойига бир неча кун қолганда хавотирланиб йўлга чиқди.

Кўқонга келмаганини билиб излашга тушди. Милициядан йўлдаги фожиани, тўрт кишининг чўкиб кетганини билди. Маълум бўлишибча, уларнинг мурдасини тошишгач, иккитасини қариндошлари таниб олиб кетишган, иккитасининг эса ёнида ҳеч бир хужжати бўлмаганидан ўн икки кун маҳсус жойда сақлашибди. Уч кун

бурун жаноза ўқиттириб, шу яқин жойдаги қабристонга дағын этишган экан. Суратта қараб иккала мурданы ҳам таниб ўзини йүқотиб қүяёзди. Дадабой қабристонга бориб тупроқни қучиб:

— Отажон, онажон сизларга кўп озор бергандим, энди кунингизга ярайман деган пайтимда, ҳатто сизларни сўнгти йўлга кузатиш ҳам насиб этмади, кечиринглар, — деб зор-зор йиглади. На чора, бандаси ҳар қандай азобга қайфуга бардош беради. Амакисининг худойисига ота-онасининг маракаларини қўшиб ўтказди. Уларнинг фожиасидан хабар топган Кўқондаги уйларини сотиб олганлар қолган пулни олиб, фотиҳага келиб кетишиди. Тўрабойнинг Кўқондаги уйи жуда катта пулга сотилганди. Икки хўжалик учун хужжатлаштириб, баланд қилиб солинган иморатлар, Кўқоннинг энг кўзга кўринган уй ҳовлиларидан бири эди. Пулнинг ҳаммаси Дадабойга қолгач, шу ердан орттирган жўралари билан секин-аста яна аввалги ҳолига қайта бошлади. Унинг пули кўплигини билган қиморбозлар кўлтиғига кириб даврасига тортишарди. Энди уни тергайдиган кишиси йўқ. Ўзи хон, кўланкаси майдон. У уйдаги пулдан кўтариб чиқиб кетар, ютқазиб қўйган кунлари ичиб, чекиб келиб уйдаги аёлларга кун бермасди. Баъзан катта ютуқ билан қайтар, шунда олиб келганларини Норойнинг кўлига бериб, «кўриб қўй, менинг кимлигимни», деб мақтанаради.

Кейинги сафар олиб кетган пулларини ютқазганда, хотинига:

— Сен шукур қилиб нолимай яшайвер, Сидиқнинг хотинига ўхшаб сени қиморга ютқазиб юборсам нима қиласардинг, — деб юборди.

Унинг гапларига тушунмай:

— Нима хотинларни ҳам ўйинга кўйишадими, — деб сўраганида Зоҳида Норойга «жим» ишорасини қилди. Дадабой эса:

— Э товуқмия хотин, уларнинг ичилда уйларини, тикиб юборувчилар топилади, — деди. Дадабой қимор ўйнагани кеттан куни эртасига кечгача донг қотиб ухлади. Шу куни Зоҳида Норойга кўп нарсаларни гапириб берди.

— Раҳматли эрим — қайноғангизнинг ўтмишини билласизми, сирли оҳангда деди Зоҳида. Норой «йўқ» ишорасини қилгач, эшитганини бирма-бир сўзлаб берди.

— Э, қизим, нимасини айтай, буларнинг ҳаммаси

уроф авлоди билан қиморбоз ўтган экан. Мен қўлимда ўғлим билан шу одамга турмушга чиққанимда бу киши эллиқдан ошган эди. Аввалига мен ҳам билмаганман. Шу уйга келганимдан кейин қўшниларимдан эшитдим. Урушдан олдин қаҳатчилик йилларда ҳам қимор ўйнашар экан. Ўшанда ичиб, чекиб ўтириб ҳамма нарсасини ютқазиб алам устида хотинини ҳам тикиб юборибди. Унинг чиройли аёлига қўз-тикиб турғанлардан бири уни ютиб олибди. Шуидан кейин у яна уйланибди. Унинг қиморбозлигидан хабарсиз аёл иложсиз бармоқ тишлаб қолибди. Қиморбозларда бир одат бор. Айтайлик биттаси аёлини ютқазиб кўйди. Шунда ютиб олган одам уларнинг уйига хотинини олиб кетгани келади. Агар аёлни қиблага қараб жойнамоз устида қўлини дуога чиқиб ўтирган ҳолда кўрса, олиб кетолмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолатда олиб кетар эканлар.

— Э, нимага жим тураверишган, милицияга айтса бўлмасмиди, — гапни бўлди Норой.

— Қизим, илоҳим бу савдолар сенинг бошингта тўшмасин, агар ютқазиб кўйса-ю, аёлми ёки бирортаси органга хабар берса қиморбозлар уларни битта-битта сўйиб ташлашади. Қиморбозларнинг пули ҳам, органда одамлари ҳам бор.

— Вой, мунча қўрқинчли, юрагим чиқиб кетай деяпти, — деди Норой ёқасига туфлаб.

— Аввал гапимни охиригача эшит. Шундай қилиб Жўрабой қайноғангнинг бу аёли эри ўйинга кетган вақтда жон ҳовуҷлаб қиблага қараб ўтираверган. Ажralиб кетай деса қаҳатчилик, ҳарқалай бөшқаларга қараганда қорни тўқ яшаган. Шундай пайтда уруш бошланиб қайноғангиз урушга кетибди. Жонидан тўйган аёл номаълум томенга бош олиб чиқиб кетган.

Уруш тутагач, у киши қайтиб келиб менга уйланди. У бефарзанд эди. Мен тушганимдан кейин ҳам яна қимор ўйинини давом эттирди. Бир куни мен дарвозани кулфлаб эндиғина ётган эдим, девордан икки кишининг ошиб тушганини сезиб колдим. Улар то уйга кириб келгунларича рўмолимни ёпиниб, жойнамоз устига ўтириб олдим, келганлар менинг холатимни кўриб чиқиб кетишиди. Эртаси куни хўжайним уйқудан тургач, мен ажрашиб кетаман, деб туриб олдим. Бу вақтда унинг ёши ўтинқираб, соғлиги ҳам бир мунча ёмонлашганди. Айниқса, ўғлимни ўзи меҳр кўйиб ўстираётган эди. У сиқилган пайтларида

уни эркалатиб овнарди. Унга ўз ўғлидай меҳр қўйганди.

Ўша қунлар хўжайиним менинг кетиб қолишимдан хавотирланиб бир неча ой ўйинга бормай қўйди. Лекин унинг ютиб олган дунёси жуда кўп эди. У бир қуни ғалати гапни айтиб қолди. Айтишича, ўша қунлар қиморда биттасининг қизини ютиб олган. Шериги ўкириб «истаган ҷарсангни ол, бир мардлик қил, қизимга тегинма», деб ялинибди. Шунда у қизингни нима ҳам қылардим, иккى хонали уй қуришга етадиган пул берсанг розиман, дебди. Ютқазган киши иккى қунда шунчагулни келтирив берди... Ана шундай гаплар. Яхши ҳамки, сен ўз вақтида мени қайтариб өлдинг. Бўлмаса моли-дунём ҳайсувурилиб кетармиди, деганди. Дадабой ҳам худди амакисига ўхшаб қиморга ўч бўлди. Охири баҳайр бўлсин, — деб сўзини тутатди Зоҳида.

Бир қуни Норой ширин уйкуда эканлигига кимдир кучли зарб билан эшикни тепди. Эшикнинг зулғини чиқиб кетиб, ўйга олатасир иккى киши кириб келди. Норой ўзини ўнчаб олмай туриб боши аралаш нима биландир ўраб, чирмаб ташлашди. Зўр базур нафас олаётган аёл бошига қандай савдо тушганлигини сезди. У бирор соатлардан кейин ўзини безатилган катта уйда кўрди. Бу вақтда у йигирма иккى ёшда бўлиб, жуда кўркам аёл эди. Унӣ ютиб олганлар аввадан билғанлари учун яширин исловотхона хўжайнига катта пулга сотишли. У ерда Норойни қўшмачи аёллар ювингтириб, кийинтириб бойваччаларга кўша бошлабди. У қаршилик қўлган эди, бир уйга қамашгач, гавдалиқ, қора одам ёнидан ялтираб турган катта пичогини чиқарди. Сўйиб ташлайди деб кўрқсан Норой:

— Тавба қилдим, энди айтганларингни қиласман, — деб ёлворди. У кўнглида бирор кун албатта қочиб кетаман, деб ўйларди. Унинг хуснини, ёшлигини кўрганлар пулларини аяшмасди. Норойнинг орқасидан мўмайтина даромадга эга бўлганлар унга яхши муомалада бўлишарди.

Бир қуни ҳеч пайт хали ухлашга улгурмаган Норой қарши томондаги уйга кимнидир ўраб кўтариб киришганини кўриб қолди. Бу, ўша қуни пайт топиб қочиб кетган яна бир ёшгина аёл эди. Унинг орқасидан қувиб етиб ушлаб олганлар бақирмасин деб оғзига латта тиқиб ўраб олиб келишаётган пайтда ҳаво етмай йўлдаёқ жон таслим қилгандж. Унинг ўлиб қолганини сезмаган тўда айғоқчилари аёлнинг оғзидагини ечиб кўрқиб кетишибди. Норой

қоронғуда секин юриб бориб буларнинг барини кўриб қолди.

— Буни қопга солиб, отга ўнгариб кўлга ташлаб келинглар буйруқ қилди улардан бири. Норой қўрқиб орқасига қайтаман деб ҳовлидаги обдастага қоқилиб кетди. Уни кўриб қолганлар «энди сиримизни билади, ўликни кўрди», деб ҳавотирланишиб, уйга қамаб устидан қулфлаб кўйишиди. Норой энди ўлдим, мени ҳам ўлдиришади, деб қўрқиб турган пайтда, эртаси куни тушга яқин шу уйнинг хўжайини келиб қолди. У бўлиб ўтган воқеаларни эшитиб, ҳайдовчисига Норойни машинага ортиб, узокроқ жойга олиб бориб гум қилиб келишларини буюрди. Оғзига латта тиқиб, кўли боғланган Норойни «Победа» машинасининг орқасига тиқиб олиб кетишиди. Улар бир соатдан кўпроқ юриб тўхташди. Аёлнинг хушсуратларини, ёшлигини яхши билган каллакесар югурдаклар, аввал аёл билан бирга бўлиб, кейин тинчтамиз, деб келишишиди. Машинани ҳеч ким йўқ жойга олиб ўтиб тўхтатишиди. Норойнинг оёқ-қўлини ечиб ерга қандайдир гиламчага ўхшаш нарсани ёзишиди. Муқаррар ўлимини кутиб турган аёл жавдираб атрофга қаради. Бир икки километрлар чамаси узоклиқда пастқам лой шувоқ уйлар кўринди. Улардан бири шеригига:

— Аввал сен бошлайқол, кейин мен келаман, — деб нарироқча кетди. Аёл билмасликка олиб хийла ишлатди. Кулиб туриб:

— Мен билан бирга бўлиш учун шунча жойга олиб келиш шартмиди, унингиз ҳам сизни бир-икки кўриб ёқтириб қолгандим, — деб суйкалиб эркаланди. Кейин: — Аввал хожатта чиқайин, — деб сўради. Аёлнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ деб ўйлаган йигитлар рухсат беришиди. Юраги қинидан чиққудек бўлиб секин юриб пастроқча — қамиш ўсган зовур ёнига борган аёл ўзини сувга отди. Сув тиззагача бўлиб, туби ботқоқлик экан. Жон талвасасида ботқоқдан нариги томонга ўтиб, қоча бошлади. Уни кўриб қолган йигитлар орқасидан кува кетишиди. Ботқоқча кириб кетиб бир-бирини тортиб чиққунларича аёл анча узоқлашди. Улар ҳам ўтиб олгач, Норойнинг кетидан югуриб кетишиди. Аёл қишлоқча кириб биринчи дуч келган уйнинг молхонасидағи сомон орасига яширинди. Аёлнинг молхона ичига кириб кетганини деразадан кўриб қолган уй эгаси — лўли йигит югуриб чиқди ва кувиб келаётган

йигитларни кўриб тўхтаб қолди. Улар уй эгасидан шу ҳовлига бир аёлнинг кирган-кирмаганинги сўрашди.

— Ҳа, яшил кўйлакдамиди, у хув, анави томонга югуриб ўтиб кетди, — деб уй орқасидаги ўша зовурнинг давомини кўрсатди. Ўзи ҳам қўшилиб пастгача тушди-да, — мана шу ерга тушганди, — деди. Дарҳақиқат у ерда янги босилған излар турарди. Улар зовурдан нариги томонга ўтиб машиналар қатнаб турган катта йўлни кўришиди. Аёлни қочиб, дуч келган машинага ўтириб кетган деб ўйлашиб ғазабдан сўкинишди. Сўнг шефга тинчтиб келдик, деймиз. Барибир у аёл бизни тутиб бермайди. У қутулганига шукур қилиб, бирор бир узокроқ жойдан паноҳ топади. Энди уни қидиришдан фойда йўқ, деган холосага келди. Уларнинг кетиб қолганини кўрган лўли йигит молхонага кириб:

— Ҳой хотин, қаерга яширинган бўлсанг ҳам чиқавер, сени қувиб келганлар кетишиди, — деди. Шундан кейингина Норой босилған ўтлар орасидан чиқди. Аёлнинг ярим белигача лой эканлигини кўрган эркак уйга кириб кийим-бош ва сув олиб келди. Норой ювениб, кийимларни кийиб уйга кирди. У ҳамон кўркувдан қалтиради. Уй эгаси дастурхон ёзив чой-нон кўйди. Тўрда ухлаб ётган уч ёшлар чамасидаги бола уйғониб йиғлашга тушди. Аёл туриб болани қўлига олиб овутади. Дастурхон ёнига олиб келиб қўлига қанд беради. Уларни кузатиб турган йигит аста хўрсиниб кўйди.

Шу куни Норой ва йигит анча вақт ҳасратлашиб, ўз тақдирларини сўзлаб беришиди. Уй эгасининг исми Но-мозбой бўлиб, унинг аёли мана шу болани туғиш вақтида вафот этган экан. У уч йилдан бери сўққабош. Ўзи билган лўлилар орасида тенгини топмаган. Оқсоқолининг маслаҳати билан энди Қашқадарё томондаги лўлилар орасидан турмуш ўртоқ излаб ўша ёқларга бормоқчи бўлиб юрган экан. Норой бўлса ўзи ҳақида сал бошқача гапирди. “Отанаси ўлиб кетган, болалар уйида тарбияланган. Эрга теккан, эри касал бўлиб ўлган. Кечаси ёлғиз ухлаб ётганида безорилар аёлни ўғирлаб олиб чиқиб, бир четда номусига тегмоқчи, сўнг гумдон қилмоқчи эканлигини” айтди. Шу кеча Норой узоқ ўйлади. Агар бу ердан кетиб онасиникига борса, унинг исловотхонага тушгани-ю, қиморга ютказилганигача ҳамма эшитган, шу боис одамлар орасида бош кўтариб юролмайди. Эрга текканида ҳам юзида тав-

қи лаънат қолади. Қолаверса, анавилар унинг тириклигиги билса, уларнинг бошқа югурдаклари ҳеч қачон аёлга тинчлик бермайди.

Энди нима бўлса пешанамдан кўраман. Шунча вақт таҳликали ҳаёт кечирдим. Хавотирли яшацдан бездим. Балки шу йигитта тегиб, сокин ва осойишта яшарман, кейинчалик бир гап бўлар, деган фикрга келди. Ўша куни Норой болани бағрига олиб шу ерда тунади. Эрталаб чой вақтида:

— Мен шу ерда қолиб ўғлингизга оналик қиласам дегандим, — деди минг хижолатлик билан. Буни кутмаган Номозбой бир оз анграйиб қайта сўради. Эшитганлари рост эканлигига ишонч ҳосил қилиб, ўзларининг оқсоқоли турган уйга кетди. Оқсоқол:

— Агар ўзбек аёли тегаман деса қарши эмасмиз, — деди. Шундан кейин Норой Номозбойдан никоҳимиздан кейин тиланчиликга чиқмайсиз, деб сўради. Унинг сўзларига Номозбой:

— Бизнинг уруғимиз эркаклари колхозда ишлашади. Мол қилишади. Фақат аёллар баъзи-баъзида чиқиб туришади, — деди. Шу тариқа Норой Номозбойга никоҳланади.

Номозбой колхоз ерида ишларди. Томорқага турли мева, сабзавотлар экарди. Норой бўлса сигир соғиб, молга қараб рўзгорни юргиза бошлиди. Бир йил ўтар-ўтмас Норой кўзлари қоп-қора қизалоқ туғди. Унга Офтобой деб исм кўйишиди. Мактаб улар турган жойдан бир оз узоқ бўлгани учун уни ўн ёшгача Норойнинг ўзи алифбе ва бошқа китоблардан уйларида ўқишига ўргатиб турди. Тўртинчи синфдан бошлаб эса акаси Курбон билан бирга қўшини қишлоқдаги мактабга ўқишига қатнади.

Норой икки сигир соғарди. Дастурхонидан қаймок, сариёф, сут, қатиқ узилмасди. Тухум бостириб, жўжа очириб, товуқ кўпайтирди. Рўзгори бут бўлди. “Бир оз яшайчи”, деб ўйлаган Норой Номозбойнинг оққўнгил, меҳрибонлигидан, рўзгорининг осудалигидан унга кўнгил кўйиб ўрганиб қолди. Бошқа лўлилар, бу аёл сенга вафо қилмайди, бир куни кетиб қолади, дейишганди. Норой қиз кўрганидан кейингина унинг бир умрлик бўлганига ишондилар.

Норой ташкилотчиликни қўлига олиб раиснинг олдига Номозбой билан уч-тўрт оқсоқолни етаклаб борди. Бир-

галикда шу қишлоққа электр симлари тортиб келишларини илтимос қилишиди. Шундан кейин симёочлар ўрнатилиб симлар тортилди.

Улар битта буқасини сотиб, уйларига телевизор ва радиоприёмник сотиб олишди. Пахта теримида, чопиқ ва бошқа ишлар бошланганда Норой колхозчилар билан суҳбатлашар, аёлларни тушликка чойга чақиради. Шу тариқа баъзилари билан борди-келди қила бошлади. Норой уларга ўғли учун бирорта қиз тогиб беришларини қайтакайта сўрарди. Бир куни қўшни қишлоқдан дугонам деб юрган бир аёл келиб қолди. У кўп болалик узоқроқ бир қариндошининг қизини беришга кўндирганини айтиб келди. Унинг айтишича уч боласи билан хотинидан ажралган бир йигитдан совчи келганмиш. Бошқалар эса боласи кўп, қашшоқ оиласдан келин қилишни исташмаган экан. Хурсанд бўлиб кетган Норой бу хабарни Номозбойга етказди. У индмай қулоқ солди. Мулоҳазали йигит.

— Майли, келин билан сен муомила қилиб яшайсан, ўғлингга маъқул бўлса ўзинг биласан, — деди. Тез орада совчи қўйиб унаштириб қўйищди.

Ўрта мактабни битиргач, Офтобнинг ўқишига киришига Номозбой ҳам қаршилик қилмади. Норой қизини Самарқанд университетига олиб бориб ҳужжатларини топширтирди. Ўқишига киргани келган уч-тўрт нафар қизга қўшиб, керакли пул билан таъминлаб, бу катта шаҳар, эҳтиёт бўлиши кераклигини айтди. Айниқса, қизларни яшаб турган уй бекасига бемаҳал кўчага чиқармасликни тайинлаб жўнаб кетди.

Норой унаштариш маросимини ўтказиб келган куни Офтоб ҳам имтиҳонлардан ўтиб ўқишига қабул қилинганини айтиб келиб қолди.

Курбонбой Норойнинг бағрида ўсиб, уни ўз онасидай яхши кўрарди. Норойни лўлилар жамоасида ўзининг хушмуомаласи, тўй ва таъзиялардаги меҳнати билан, тиланчилик қилишдан бошқа барча урф-одатларига амал қилгани учун ҳам қадрлашар эди. Ниҳоят унинг орзуси ушалиб келинни тушириб олди. Тўйдан икки-уч кун ўтиб эрталаб Номозбой билан Норой телевизор кўриб чой ичишар экан, эшиқдан икки косада ширчой кўтариб келин кириб келди. У қайнона ва қайнотасига таъзим қилиб, уларнинг олдига косаларни қўйди. Келинининг ҳаракатидан мамнун бўлган Номозбой Норойга меҳр билан қараб

күйди. Барча орзуси ушалган, баҳтидан мамнун осуда яшаштган қайнона келинігі қараб: «Күп яша, құша қаріб баҳтли, ували-жували бўлинглар», деб дуо қилди. Ҳаяжонданми, эсига ота-онаси ёки аччиқ аламли ўтмиши келдими, ҳарқалай кўзлари ёшланди.

* * *

Офтоб олийгоҳнинг учинчи босқичида таҳсил олаётганда ўзи билан бир хонада турувчи дугонаси Холниса қишлоқ хўжалиқ олийгоҳининг охирги босқичида ўқиётган Шодмон исмли йигит билан севишиб, кино ёки истироҳат боғларида учраша бошлаганди.

— Дугонажон, онамнинг гаплари ёдингдами, йигитларга ишониш керакмас, эртага юзинг шувит бўлиб қолмасин тағин, — деб огоҳлантириди Офтоб.

— Нима қиласай, кўрмасам туролмайдиган ҳолатта тушдим. Севги деганлари шу бўлса керакда, бизнинг аҳдимиз қатъий. Келаси йил Шодмон ўқишини тугатади, мен эса сиртқи бўлимга ўтаман. Айтишига қарагана ёзда тўйимиз бўларкан, — деди гууруланиб Холниса.

— Йигитингни сўзи рост бўлса майлия, Назирага ўхшаб чув тушмагин тағин. Кўрдинг-ку, унинг йигити сенга уйланаман деб катта кетарди. Нима бўлди, бир йилча алдаб юрди-да, қишлоғига жўнаворди. Шундан эҳтиёт бўл, дейман. Тўғриси, мен йигитларга ишонмайман.

— Менинг Шодмоним ундейлардан эмас. Ҳатто оналарини бизнинг уйга совчиликка ҳам жўнатибди.

— Ундей бўлса яхши. Лекин ҳар ҳолда эҳтиёт бўлгин.

— Бўпти «қайнонажон», ҳадеб тергайверасизми. Сенинг юрагингта ҳам бирор йигит чўф солар, шунда кўрамиз холингни, — ҳазилга олди Холниса.

— Йўқ, мен онамга сўз берганман. Йигитлар билан учрашмайман...

Офтоб сўзини тутатмай эшик тақиллади. Холниса туриб эшикни очди. Остонада Шодмон билан яна бир йигит турарди. Қизлар шошиб қолишиди. Дарров жой тўғрилаб йигитларни ўтқазишиди. Кун иссиқ бўлишига қарамай Офтоб нимчасини кийиб олди-да, ошхонага кириб кетди. Йигитларнинг қўлида масаллиқ солинган иккита халта бор эди.

Ўтиришиб сўрашиб бўлгач:

— Кеча менинг онамга, бўлғуси қайнона-қайнотамиз розимиз деб жавоб берибдилар. Тўй насиб бўлса ёзда, —

худди маъруза қилаётгандай гапирди Шодмон. Унинг ха-зил аралаш гапига Холниса «вой ўлай», деб юзини яшири-ди. Лекин хижолатликдан иккинчи йигит қутқаришга уринди.

— Қани қизлар, бир димлама қилайлик, сизлар ов-қатга, бизлар эса салат тайёрлашга уннаймиз, — деб хал-талардан ошқўк, помидор, гўштни олиб қўя бошлади. Бир соатлардан кейин дастурхон чиройли таомлар билан бе-залди.

— Энди бу янгиликни ювмасак бўлмайди, — Шод-моннинг шериги олиб келган шампан виносини очмоқчи бўлди.

— Йўқ, йўқ, бундай ичимликни бу ерда очманг, ба-рибир биз ичмаймиз, — эътиroz билдириди Офтоб.

Бунга жавобан у:

— Бу мает қиласидан ичимлик эмас, шунчаки бир хўпламдан олиб, икки ёшга баҳт тилайлик, — деб пақили-латиб шишани қопқоғини очиб юборди. Тўртта пиёлага вишиллаб турган ичимликдан кўйиб бўлгач, Шодмон пиёлаларни ҳар бирининг олдига кўйиб сўз бошлади.

— Хўш, аввалом, бор мен ўзимнинг қадрдан дўстим Акмал билан таништирай. Бу асли Қаршидан. Мана бе-шинчи боеқичгача бир хонада яшаб, ўқиб келаяпмиз. Хул-лас, бу қобилиятли студент, спортчи, яхши дўст, асосий-си ҳозирча бўйдоқлар сафида турибди.

Унинг «Кавказ асираси» фильмидагидек қилиб таниш-тирганидан ҳаммалари кулиб юборишиди.

Учаласи пиёлани қўлига олди, лекин Офтоб “ичмай-ман” деб туриб олди. Офтоб яхши биладики, йигитлар озми-кўпми ичишади, Холнисани уйидагилар катта амал-дор, байрам, туғилган кун баҳонасида аввалдан ичиб юр-ган, Офтобларнинг уйида ҳеч қачон ичимлик ичилмаган.

— Майли, ичмасангиз ҳам, икки ёшнинг баҳти учун бир нима деб қадаҳни қўлингизга олинг, — деди Акмал қиздан кўзларини узмай. Офтоб бу йигитни бирингчи марта кўриб туриши. Акмал Шодмондан ва Холнисадан бу қиз ҳақида кўп эшитган. Оқ кўнгил, уятчанг яхши қиз сифа-тида айтиб беришганди. Офтоб шу хислатлар билан бирга гўзал, сунбул сочлари ярашган жозибадор қиз эди. У пиё-ланни қўлига олиб:

— Майли иккаласи баҳтли бўлсин, — деб уриштириб дастурхонга кўйди.

— Ие, энди шу сўзни чин дилдан айтган бўлсангиз ҳеч бўлмаса бир хўпланг-да, — деди Шодмон. Бошқалар ҳам қистайвергач бир хўплади-ю юзларини яшириб олди. Акмал ўтиришда Офтобдан кўзларини узолмай қолди. Буни сезган қиз ерга қараб totиниб турарди. Йигитлар бироз ўтириб хайрлашиб чиқиб кетишиди.

Эртаси куни Шодмон келиб «Шарқ» кинотеатрига чилта олганини айтиб қизларни кинога таклиф қилиб кетди.

— Мен бормайман, — деди Офтоб Шодмон кеттач, — ўзинглар бораверинглар. Иккалангиз ўрталарингда менга нима бор.

— Йўқ дугонажон, сен бормасанг мен ҳам бормайман. Эртага якшанба — дам олиш куни. Талабалигимизнинг уч иили ўтиб кетди. Бирор марта кинога ёки паркка бориб айланмабмиз. Етар энди, бу кунлар ҳам ғанимат. Ўзинг айтганингдай бир ўзим кечқурун кинога боришга қўрқаман-ку, — деди. Лекин Шодмон Холнисага тўртта билет олганини, Акмал Офтобни ёқтириб қолганини ҳам айтиб кетган эди. Уларнинг режаларидан бехабар Офтоб кечга яқин дугонаси билан кинотеатр биноси олдига келишиди. Уларни Шодмон кутиб олиб, ичкарига йўл бошлади. Белгиланган жойларига бориб ўтиришгач, бир оз ўтиб ёнларига Акмал келиб ўтиреди. Буни кутмаган Офтоб Холнисага нега уни келишини менга айтмадинг, деб аччиқланган бўлди.

— Дугонажон, Акмал аканинг келишини билмаган эдим, ҳа нима бўлиби, қелса келар мен борман-ку, қўрқма, — деб шивирлади.

Акмал атайлабми ёки бехосданми ўнгайсизланиб қўли ва оёғи бир-икки бора Офтобга тегиб кетди. Кеча келганида ҳам бу келишган йигитта яширинча разм солган, сўзлари дадил, қўркамлигини ҳис қилганди. Йигит киши билан биринчи бора ўтираёттаниданми ҳаяжонланиб, юраги гуппилаб урар, буни гўё ёнидагилар эшитаёттандай ўзини вазмин тутиб индамай ўтиради. Кино тамом бўлгач, тоза ҳавода ёайр қиласиз деб тўртталаси пиёда кетишиди. Офтоб ҳамон ўзини Акмалдан олиб қочар, хиссиётини сездирмасликка ҳаракат қиласиди. Кечаси алламаҳалгача уйкуси келмади. Қараса Холниса ўёқдан, бу ёқقا ағдарилар, уйғоқлиги билиниб турарди.

— Холниса ухламаяпсанми?

— Ҳа, негадир уйқум келмаяпти, — жавоб берди Холниса.

— Эңди Шодмон ака анави йигит билан келмасин.

— Нега ундаи дейсан, бир ўзидан кўра иккаласи келса яхши эмасми?

— Йўғ-е нимаси яхши, гап-сўз бўламиз-ку.

— Қўйсангчи, ким гап қиласарди, келиб-кетганини ҳеч ким кўрмаяпти-ку. Қолаверса, Акмал ака сени ёқтириб қолибди.

— Йўқ, ундаи бўлса ҳеч ҳам келмасин. Агар келса уйга киритмайман, — аччигланди Офтоб.

— Офтоб, айт-чи, ёшинг нечада?

— Сен билан тенгман-ку, нима билмайсанми?

— Ҳа биламан, шунинг учун сўрайпман. Ёшимиз йигирма иккода, ҳадемай йигирма учга кирамиз. Ўқиши тугатгунимизча йигирма тўрт ёш. Бу, биласанми, салкам ўтириб қолган қиз дегани. Дипломни олиб боргач, йигирма беш ёшингда сени кутиб уйланмай ўтирган сен тенги ёки ёши каттароқ бўйдоқ борми? Борлари ҳам ўн саккизга кирганини танлайди. Мана бизнинг қишлоғимиздаги мактабда иккита қари қиз бор. Олий маълумотли, биттаси илмий бўлим мудири. Сенга ўхшаб ўқиши тамомлай деб ўтирибди, кетмончи ёки курувчини менсимайди. Ўзига мос маълумотлилари шаҳар кўрмаган ёшроғини танлайди.

— Сен ҳали университетни тугатмай эрга тегмоқчимисан? — пичирлаб сўради Офтоб.

— Нима қилибди, сиртқи бўлимга ўтқазаман, Шодмон ака бу йил ўқиши тугатади, ёзда таҳсилимиз тугаб таътилга чиққач тўйимиз бўлади. Ўзинг ўйла, у дипломни олиб бориб ишга кирса, уйидагилари менинг диплом олишимни кутиб ўтиrmайди-ку. Биттасига уйлантириб қўйишади.

— Қайси бўлимда ўқияпти Шодмон аканг? — Офтоб бу билан Акмал ҳақида ҳам билгиси келиб сўради.

— Икковлари ҳам ветеринар врач бўлишади, — фахрланиб гапирди Холниса.

Шундан кейин ёшларнинг учрашувларига байрам, туғилган кун ва бошқа баҳона кўпайиб кетди. Офтоб йигитни ёқтириб қолган бўлса ҳам ҳамон сездирмас ўзини одобли, иболи тутарди. Бу Акмалнинг севгисини янада кучайтиради. Улар деярли икки-уч кунда кўришар, иккаласи

ҳам бир-бирини севиб қолишганди. Акмал бирор марта «сени севаман», деб айтмади. Лекин ёшлар дил изҳорисиз ҳам бир-бирларини тушунишарди. Ўқишилари тугашига бир оз вақт қолганда Акмалнинг уйидагилари, аввалдан айтиб юрган қизга унаштирмоқчи бўлишди. Шунда у, ёқтирган қизим бор, бошқаси керак эмас, деб жавоб берди. Шунда отаси:

— Ҳой, эси паст бола, у ерда гаплашганинг бўлса, нега бу қизни умидвор қилиб юрибсан? — дея аччиғланди.

— Ота, мен қачон у қизни умидвор қилдим?

— Шунга уйланасан деганимизда индамаган эдинг-ку. Қолаверса, сен у қизга кўнгил қўйганингни айтмагандинг. Кимнинг қизи, қаерлик? — қистовга олди отаси.

Ана шу жойда Акмал танг вазиятда қолди. Ахир Офтобнинг онаси ўзбек бўлгани билан отаси лўли. Буни қандай айтади. Кўнармикан.

— Унинг онаси ўзбек, отаси...

— Хўш... — отаси ўғлининг индамай қолганидан аччиқланди.

— Колхозда ишлаб ўтроқ бўлиб... ўзбекларга аралашиб... ўзбекча ҳаёт кечираётган... лўлилардан.

— Нима дединг? Лўли? Э, палид, оқпадар энди бир камим лўли билан қуда бўлиш қолувди, — сакраб ўрнидан туриб қўлини ўғлининг пешонасига тиради отаси.

— Куданг ким деса лўлини кўрсатаманми? Уругимни, қонимни айнитаманми, йўқ, тушингни сувга айт. Бу ўйинга мен ўйнамайман, — ғазабланди ота.

Акмал индамай ўрнидан турди, томорқанинг серсоя жойига ўрнатилган сўрига бориб чўзилди. У шу ерда фикрини жамлаб, отасини қандай кўндиришни ўйларди. Ҳаёли Офтоб билан танишган ва кейинги кунларга кетди.

Аслида Акмал ҳам қизнинг отасини лўли эканлигини билгач, орада алоқани узиб унтишга ҳаракат қилганди, йўқ қўлидан келмади.

Қизнинг қирқ кокил узун соchlари, шаҳло кўзлари, қалдирғоч қанотидай қошлари сира кўз ўнгидан кетмас, Шодмон билан деярли кунора келарди. Ўзи келганида Офтоб унинг ёнига чиқмасди. Уятдан кўзларини ердан ололмай, тортиниб туришлари яна ҳам ярашиб йигитнинг юрагини оловлантиради.

— Шодмон дўстим, Офтобнинг отаси лўли экан, буёги

қандай бўлди, — юрагини очди Акмал бир куни.

— Нима бўлибди, улар ўзбеклашган, ўтроқ тиланчиликга чиқмас экан. Колхозда ишлашаркан-у, — деди Шодмон.

— Буни ўзим ҳам биламан, лекин ота-онам, қариндош-уруслар нима дейди.

— Агар чиндан севсанг барча қаршиликларга кўкрак тутиб берасан.

— Шунда ҳам рози бўлишмаса-чи, унда нима бўлади?

— Унда, олиб қочиб бирор жойда паноҳ топасизлар, кейинроқ уйдагиларнинг жаҳлидан тушиб, тушуниб кетишади, — деди Шодмон дангалига.

— Мана шу варианting менга маъкул бўлди, агар кўндиrolmasam Қамашида турадиган холамникига олиб қочаман.

— Сен ҳали қиз қочишга рози бўладими-йўқми, ўз режангни маъқуллаяпсан.

— Худди сен менга айтганингдай севса, ўзини менга курбон қилиши керак. Қочмаса, демак, у менчалик севмайди.

Акмал уйидагиларнинг икки келинни бир вақтда олишимиз керак, деб тиқилинч қилишганидан кейин уларга:

— Мен бу йил уйланмайман, акам мендан бир ёш катта, йўлини очиб бермоқчиман. Бемалол тўй қилиб келин туширинглар. Кейинчалик бир гап бўлар, — деб гапни чўрт кесади. Кейин отаси катта ўғлига келин туширди. Келин аслида жигари — Тешабойнинг синглисини қизи, олти ўғилнинг ичидаги битта бўлганиданни эрка тантисқ бўлиб, ишёқмас, салга аразлаб йўлга тушадиган бўлди. Келин олиб тинчийман деган қайнона икки ўт орасида қолди. Бир нима деса қайнисинглисини қизи, кетиб қолса нима бўлади деб, жони халак эди. Тешабойга айтса ҳар қалай жигарининг қизи кўнглига келади деб қийналарди. Эрта тонг сигир соғаёттан кампири ёнига бориб:

— Хой Зубайда, нега ҳали ҳам ўзинг соғаяпсан, Равшанага айтсанг бўлмайдими, — деди ҳайрон бўлиб.

— Кўяверинг, кейинчалик соғиб кетар, ҳали ёш, — деди шўрлик қайнона. У келинининг «Мен сигир соғишини, нон ёпишни билмайман, бир-икки йилгача бундай ишларни қилмайман», деганини Тешабойга айтмаган эди. Тушга яқин кампирининг нон ёлаётганини кўриб росмана жаҳли чиқди. Кейинги пайтда қайнона-келин ўртасида

келишмовчиликлар бўлаётганини сезар, то ўзлари айтмагунча гапни кўпайтирмасдан билмасликка оларди. У кеча келиб кетган синглисингагини эслади. Ўшанда у: «Ака, чечам қизимни ёмон кўради. У ўзининг синглисингагини келин қилмоқчиди. Энди нима қилиб бўлса ҳам қизимни ёмонга чиқармаса бўлдийди», — деганди.

— Сен ҳам бундоқ келинга ўз қизингга қарагандай қараб, билмаганини ўргатсанг бўлмайдими, — аччиғланди Тешабой. Хотини унинг дашномига жавоб бермай:

— Равшана қизим, бу ёққа келгин, мен нонларни ёпиб кўйдим, энди юзига сув уриб узиб олсанг бўлди, — деди келинига қараб. Равшана тандир ёнига келди, бир зум қараб тургач:

— Ҳа, атайлаб уриштиришга чақирдингизми, нон ёпишни билмайман дегандимку, — чимирилди у.

— Билмасанг ўрганасан, мен ёпиб бераман, сен узиб олсанг, кейинги сафар қандай ёпишни ўргатаман.

— Йўқ, келинчаклик кийимларим куя бўлади, ҳар доимги тирикчилигингизни қилавермайсизми, мен картошка арчияпманку, қараб ўтирганим йўқ, — деди-ю бурилиб кетди. Унинг жавобларидан гангиг қолган Тешабой энди оғиз жуфтлаганда, Равшана уйга кириб кетди.

Эрталабки нонушта пайтида келин уйдан чиқмади, ўсли Нормуроднинг қовоғидан қор ёғиларди. Отаси киноя билан сўради:

— Ҳа, нима бўлди, лаби лунжинг осилиб қолибди?

— Ишдан чарчаб келсам, уйда халоватим бўлмаса, қийналиб кетдим.

— Ким қийнайти сенларни? — жаҳли чиқди Тешабойнинг.

— Келинингиз тушганига эндингина уч ой бўлди. Халитдан, ўтиrsa ўпоқ, турса сўпоқ, нон ёпиш, сигир соғиши ҳам оғир ишми? Мана ҳамсоямиз Жумагул хола онамдан беш-олти ёш катта, бир ўзи тўртталаб сигир соғиб, кунора нон ёлади. Бизникида бир сигир, тўрт-беш кунда бир тандир нон шу ҳам ғиди-бидига сабаб, — ўғил сутли косани суриб кўйди. Унинг гапларидан чол ва кампир довдираб қолди. Чунки қўшни аёлнинг нима иш қилиши ни ўғиллари умуман билмайди. Бу келиннинг ўғлига ўтказган таъсири.

— Ўслим ҳамсоямизнинг ҳали келини йўқ, лекин Равшана ҳам қайнонаасининг оғирини енгил қилиб қўйгани

йўқ. Нима келинни кўргазмага қўйиш учун олганмизми? Туни билан сени чилдирмасига йўнатиб бўлиди-да.

— Ота, у нима деганингиз, нима мен ўзим топиб уйланганим йўқ-ку, ўзларингиз аммангни қизини оласан, деб мажбур қилгандинглар. Ёқмаса ана катта кўча кетаверсин. Мен этагига ёпишиб олганим йўқ. Ўғил чойини ҳам ичмай туриб кетди.

— Вой ўзгариб кетибди. Аввалги ўзимни болам эмас, — йиелаб юборди Зубайда хола. Тушга яқин кийиниб кўлига тутунча ушлаб олган Равшана томорқага сув тутаётган қайнотасининг ёнидан ўтаётиб:

— Мен уйимизга кетаяпман, — деди.

— И, болам сенинг уйинг шу ер эмасми? Нимага кетаяпсан? Нега сўроқсиз йўлга тушдинг?

— Биринчидан, сўроқсиз деб тухмат қилманг, уйимизга кетаяпман деб айтдим-ку, иккинчидан, бугун отамнинг туғилган куни.

— Ундай бўлса нега аввалроқ айтмадинг. Биз ҳам бирга қўшилишиб борар эдик. Бир ўзинг сўппайиб, ёлғиз аёлга ўхшаб кириб бормас эдинг, — зарда қилди Тешабой.

— Нега ёлғиз аёл дейсиз, ниятларинг щуми ҳали, нега ўзингизни билмасликка оласиз, илгари онамни, отами туғилган кунини эсингиздан чиқармас эдингизларку, — Равшана қайнотасининг жавобини ҳам кутмасдан жўнаб кетди. Буларнинг гапларини жимгина эшишиб турган Зубайдада хола чуқур «уҳ» тортиб ичкарига кириб кетди.

Кунлар жуда қийинчиллик билан, тортишиш, жанжал, баъзан бақир-чақир билан ўтарди. Равшана аразлаб кетиб қолар, Тешабой ҳар гал ёлғизгина синглимдан ажралиб қолмайин деб бўйин эгиб, олиб келарди. Акмал бу орада бир неча марта Офтобни кўргани келиб кетди. Иккаласи ўлсак ҳам бир-биримиздан ажрамаймиз, деб аҳду-паймон қилишиди. Акмал кейинги келишида совчиларни юборолмаётгани ҳақида гапиришга қийналиб, гапни узокдан бошлиди. Ҳамма нарсага ақли-фаросати етган Офтоб:

— Акмал ака ўзингизни қийнаманг, тушуниб турибман, айтмасангиз ҳам биламан, отаси лўли экан, деб уйингиздагилар кўнмаётган бўлса керак. Уларни норози қилманг. Кўнглидаги келинни олиб берсин сизга, — деди кўзига ёш олиб.

— Йўқ, уйлансам фақат сенга уйланаман, бўлмасам дунёдан шундай ўтаман.

— Ҳай, ҳай нафасингизни иссиқ қилинг. Оллоҳ ҳеч кимни тоқ яратмасин.

— Офтоб, юр уйларингта борамиз.

— Нима, нима дедингиз, йўқ, нега борасиз, нимага, — чўчиб сўради Офтоб.

— Онанг билан отанг билан юзма-юз гаплашадиган гапим бор.

— Вой ўлай, қандай қилиб ўзингиз...

— Ҳа, ўзим, юр деяпман, қийналиб кетдим. Узоқ вақтдан бери дилимда сақлаб келаётган режаларимни уйингдагиларга айтмоқчиман. Холниса сени бетоб дейди, биринки кун машгулотларга қатнашмасант осмон узилиб ерга тушмас, — негадир дағал жавоб қилди Акмал.

Офтоб унинг юзига қаради. Акмалнинг юзи ёш боланикдай буришиб, титраб турарди. Ҳозир йифлаб юборар даражага келганди. У сўзсиз, нима бўлса бўлар деб тайёрланиб йўлга тушишди. Автобусни ҳам кутмай такси гаплашиб жўнаб кетишди. Улар қишлоқдан бир чақирим берида машинадан тушишди. Офтоб Акмалга тушунтира кетди:

— Акмал ака, бирга етаклашиб бормайлик, уйимиз хув четдаги оқланган уй, орқасида трактор турибди. Мендан ярим соат кейин келинг. Мен унгача онамга тушунтириб оламан.

Офтоб бир йилдан бери онаси билан маслаҳатлашиб, кўнглини ёриб келарди. Онаси эса отаси билан келишиб олганди. Лекин дугонасининг тўйи бўлиб ўтганига бир неча ойлар бўлган бўлса ҳам, Акмал томонидан ҳеч ким келмаётганини ўзича тахмин қилганди.

Демак, улар лўли қизини келин қилишмоқчи эмас. Шунинг учун ҳам келмаяпти, деб Офтоб ҳам севги оташида, ҳамда хавотирда қийналарди. Норой Акмалнинг келаётганини эшитиб беҳад қувонди. Чунки кейинги ойларда Номознинг узокроқ амакиси ўғлига сўратиб келиб кеттандан бўён унга қизини бергиси келмай ўз ёғида қоврилиб келарди. Акмал тут дарахти соясида ўтириб, Шодмон билан Офтобларнинг квартирасига борган кунларидан бирини эслади...

Ўшанда йигитларнинг келганини кўриб кун иссиқ бўлишига қарамай Офтоб нимчасини кийиб олганди.

— Ҳой дугонажон, қўйсанг-чи шу қилифингни ким айтади сени икки йил шаҳар кўрган қиз деб, иссиқдан ҳаво ёнай деяпти-ю, сен бўлсанг нимчангни ҳам кийиб олибсан, — деди Холниса ошхонада газ устига қозонни кўяркан.

— Уяламан, — деди Офтоб қўлларини кўкси устига кўяркан.

— Тавба, ҳозир қизлар атайин, кўкрақдор бўлиб кўри-нишни истаб ўзларини ҳар кўйга солиб юрса-ю, сен бўлсанг худо берган чиройли кўксингни яшириш билан оворасан.

— Майли бошқаларни кўябер, табиатим шунаقا бўлса нима қиласай, — деди паст овозда Офтоб.

Табиатан анча зийрак бўлған Шодмон:

— Дўстим, сен танлаган қиз том маънода фаришта, кўрдингми биз келгач торгиниб нимча кийиб олди, — деди Акмалга кулиб.

— Кийиб олса нима қилибди, — ҳайрон бўлди Акмал.

— Э, ёмон соддасанда. Юзида ҳаёси бор қиз, биздан уялиб, — у қўлини кўксига кўйди, — ўшани кийиб олди. Сен бўлсанг уни сезмай ҳам қолдинг, — деганди Шодмон. Акмал ўша кунларни эслаб «ух» тортиб кўйди.

Қизининг келаётганини кўрган Номозбой уйлари ёни-даги далада фўзага сув тараётган жойидан кетмонини жўяқ устига қўйиб етиб келди. Норой қизини дарвоза олдида тўхтатиб, йигитнинг қаршиликка учраганини ва ўзи ке-лишга мажбур бўлганини қисқача сўзлаб берди. Ош-сувдан кейин учаласи ўтириб кенгашиб олишди.

— Мен ҳар қандай тазиикларга бардош бераман. Ти-рик эканман. Офтобни бошқага бериб кўймайман. Ҳозир ишлаб турган жойимдан уч хонали уй беришди. Офтоб яхши билади — менинг жондан азиз Шодмон деган дўстим бор. Унинг ота-онаси менинг ота-онам бўлиб келинни янги уйга туширамиз. Шу билан бу ердагилар сезишмайди. Ке-йинчалик кўрасизлар, ота-онам ўзларининг хатосини ту-шунишади. Офтоб уларнинг қизидай бўлиб қолади. Ҳозир чечам уларни қийнаб юборган. Ҳали уни ташлаб бизнинг уйимизга келишади. Ўшанда бу келинларини яхши кўриб қолишади.

У бу гапларни гуурланиб сўзларди. Акмалнинг ҳамма гапини эшиштан Офтобнинг ота-онаси ўзаро келишиб олишди. Номозбой бир оздан кейин ишга кетди.

— Ўёлим мени түгри тушунинг, мен ўз миллатимга бераяпман, буларнинг олдилда юзимни ерга қаратиб кўймасиз, — деди қийнала-қийнала Норой.

— Йўқ, онажон ҳеч қачон қизингизга вафосизлик қилмайман. Насиб бўлса сўзимнинг устидан чиқаман. Энди сизлар ҳам менга ёрдам берасизлар, дўстимнинг ота-онасига бир келишда розилик бериб юборасизлар. Уларнинг қайта-қайта келишига хижолат бўламан, — деди Акмал ўнгайсизланиб.

— Тўйни ихчам, кам харж қилиб ўтказишга розиман. Лекин совчилар ҳеч бўлмаса икки марта келсин. Ҳар қалай мен бу жамоада ёлғизман. Ўз обрўйим учун курашаман, — деди Норой дастурхон сочиини ихтиёrsиз фижимлар экан.

— Майли сиз айтгандек бўлсин, биринчи сафар ўзим билан ишлаётган акахонларни юбораман, — деди Акмал хиёл ўзини бардам тутиб.

Шу куни у анча-мунча ишларни Норой билан келишиб, дўсти Шодмонникига жўнаб кетди.

* * *

Шодмон ўта мулоҳазали йигит. У Акмалнинг баъзи жиҳатларининг акси — ҳар бир нарсага эътибор берадиган йигит эди. Оиласада кичик ўғил бўлиб, акаси Рўзибой ҳаётда ишбилармон, уddабурон..

Шодмон дўст сўзини муқаллас билар, у Акмалга содиқ эди.

Рўзибой қурилиш бўйича мутахассис бўлиб, иш жойи уйларидан анча йироқда. У ишига пишиқ пухта йигит қаердан фойда келишини яхши билади. Уйлангач ота-онаси билан уч-тўрт ой бирга яшади. Иш жойи баҳонасида оиласини кўчириб олиб кетди. Бир йил деганда уй атрофига баланд девор, ҳашаматли дарвоза қурдирди. У иш жойида ўта тартибли ҳар бир ишни ўз вақтида бажарар ўзи бошлиқ участкада ҳам ишчилардан ҳам шуни талаб қиласди. У аёлита ниҳоятда қаттиққўл бўлиб, ёлғиз ўзини бозор-ӯчарга, кўни-кўшнинг тўйи-маъракасига ҳам юбормасди. Ота-онасини соғинган бўлса бир неча ойда бир марта дам олиш куни ўзи бирга олиб боради, бир неча соат ўтиришиб, ош-сувдан кейин олиб қайтади. Ётиб қолай деса: «Ҳа, мана соғинган бўлсанг кўрдинг, гаплашдинг, шартми ётиб қолиш», деб олиб кетади.

Қайнота-қайнонаси бир куни қизларининг гапига

кириб, күёвларини «тартибга солиш» учун бел боғлаб келишганди. Дарвозага ўрнатилган құнғироқ тұгмасини босиши. Ичкаридан “ким” деган товушни эшишиб, үзларини танитди. Нега бундай деб ҳайрон бўлишди, қишлоқ жойда ҳеч ким эшикни ёки дарвозани қулфлаб ўтирайди. Бу ердаги уйларнинг деярли кўпчилигининг, ҳатто дарвозаси ҳам йўқ. Аччигланиб келган кексалар ҳовлиниң кўмкўк дараҳтзорлигини, ишкомлардаги узумларнинг туриши-ю, ерга тангадек офтоб тушмаслитини, тандир, ўчиқача газ қувурлари ўрнатилганигини кўриб анча хотиржам бўлишди. Бостирма тагида зотдор сигир, тартиб билан босилган пичангача разм солиши. Уйда ҳам яшаш учун ҳамма нарса жой-жойида — етарли. Улар овқатланиб, озода ҳаммомга кириб ювиниб чиқиши. Бу орада Рўзибой ҳам ишдан келиб қолди.

— Рўзибой ўёлим, — деб гап бошлиди узоқ йиллар ўқитувчи бўлиб ишлаган қайнотаси Шодибой. Ҳозир қайси даврда яшаяпмиз, ахир аёл киши чўри ёки асира эмаску, қулфда сақлашга, бозорга, у ер-бу ерга ёки бизниги ўзича чиқиб боролмаса. Тенгқур аёллар ҳозир гап, гаштак ўйнашайлти, уларга қўшилолмаса, бу нима гап, — ўткаланди.

— Ҳм, шундай денг, демак, қизингиз шикоят қилиби. Мен қийнаб юборибманда. Ҳўш, бўлмаса эшиting. Қизингизни шу уйга тушгандан бери бирор шапалоқ урибманми, бошқалардай сўкибманми. Қасрдай уй куриб бердим. Кўлидаги болалари билан ҳеч нарсага зориқтирмай кўйганман, ҳарқалай қозонимиздан хали ёғ-гўшт узилмаган. Кийимлари бошқа тенгқурлариникидан кам эмас. Баъзиларга ўхшаб ичиб келмасам... Шунча ҳаракатим ёқмаса мана катта кўча, олиб кетаверинглар, рангли телевизор ҳали кимларнингдир орзузи бўлган пайтда мен аллақачон олиб келиб қўйганман, — Рўзибой гап тамом деғандай шаҳд ўрнидан туриб чиқиб кетди. Шодибой айтган тапига пушаймон бўлиб, қизидан ўткаланди.

— Куёв болам тўғри айтди. Сенинг гапинингга кириб нотўғри иш қилдим. Айтар сўзимни мулоҳаза қилмадим. Бугун кетишим керак эди. Лекин күёвни хафа қилиб кўйдим, энди унинг ишдан қайтишини кутишим керак. Шу куни кечгача Рўзибой ҳам: Жуда ошириб юбордимда, бирданига олиб кетинг қизингизни, дейишим яхши бўлмади», деб хижолат бўлиб юрди. Кечта яқин уйга кел-

ганида қайнотасини кўриб, яхши гапириб кўнглини кўтармоқчи бўлди.

Овқатланиб бўлишгач, Рўзибой аёлита болаларни олиб чиқиб ухлатишини айтди-да, қайнотасига:

— Ота, мени кечиринг-у аёлларга, кўпам ишонмайман, — деди ерга боқиб.

Ия, ўелим, бу нима деганинг, беш қўлинг баробар эмас-ку.

— Ҳа, тўғри айтасиз, мен юз фоиз демоқчи эмасман... Рўзибой бир зум жим бўлиб қолди, сўзини давомини айтишга истиҳола қилди.

— Хўш, нима сабаб бўлди-ки, ишончинг қолмапти, — куёвининг кўзига синчков тикилди Чорибой.

— Йўқ ота, сабабини айтолмайман, — деди ерга боқиб. Шу аснода телефон жиринглаб келин:

— Сизни телефонда сўрашаяпти, — деб қолди. Рўзибой гаплашиб бўлгач қаттиқ چарчаганини айтиб, узр сўраб дам олгани ичкарига кириб кетди. Лекин уйкуси келмади. Хотинлардан қандай кўнгли қолгани, ишончи йўқолганини эслади. Ҳаммаси яна кўз олдидан бирма-бир ўтабошлади. Ҳаёл уни болалик, ўсмирилик йилларига олиб кетди...

Ўн олти ёшларда бўлса керак, уларга қўшни уйга ёшгини бир оила кўчиб келганди. Эри қўшни колхозда бош агроном ёрдамчиси бўлиб ишларди. Аёли ёшгина, жуда дилбар эди. Атрофдагилар бу келинчакни ўта тақводор, намозхон деб билишарди. Кўчага рўмол ёпиниб, эркаклардан юзини тўсиб чиқарди. Таъзияларда бир уй аёлларни йиғиб гўри-қиёматдан китоб ўқиб берарди. Бу аёлнинг ўзидан бир ёш кичик синглисини бўлиб, у ҳам одамлар назарида қофозга ўралган қантдек аёл эди. Опа-сингилинг эрлари аввалдан борди-келдили қалин ўртоқ, эди. Уларнинг маслаҳати билан қарама-қарши уй солишиди. Узун — қирқ сотихли томорқа ўртасидан тўр сим тортиб қўйишганди. Ҳовлилар куюқ, қалин дараҳтлар билан ўралган бўлиб, томорқаларгача мевали дараҳт экилган. Бир куни Рўзикул шу аёлнинг дарвоза олдида онаси билан айтишиб турганини кўриб қолди.

— Совчиларингизни айнитиб қайтарган бўлса ажаб қилибман. Қизингизнинг калта кўйлак кийиши, эркаклар билан бирга ишлаши ёлғонми? — чақчайди тақводор хотин.

— Бирга ишласа ёмон қыз бўладими? Ўз йўлига тўғри бўлса, бўлди-да. Ҳозир ҳамма бирдек калта кўйлакда юради-ку.

— Оёқлари тиззасигача очик, кўз-кўз қилиб юради. Лозим кийиб олса бўлмайдими? Йўқ, у ўз баданини кўрса-тишдан торгинмайди, — лабини буриб киборларча қўл силтаб қўиди аёл.

— Сен диндор бўлсанг, имонинг бутун бўлса ҳозир ҳаммадек кийиниб юрган қизимнинг орқасидан гийбат қилиб ёмонламасдинг. Сенга ўхшаганиларга хайф менинг сўзим, — дея онаси бурилиб кетди. Йўлнинг бу бетида уларни кузатиб туриб, номаҳрам эркакта юзини очиб кўрсатмайдиган бу аёлни Хадича хола айтганидек фариша-та бўлса керак, деб ўйларди у.

Шу йили математика бўйича мактаблараро мусобақа бўлиб, аввал туманда, кейин ғолиблар вилоятда куч си-нашди. Бир хонада тўрт бола гаплашиб ётишарди. Шунда Фанишер деган бола:

— Рўзибой жўра, сен Бодомча қишлоғидансан-а? — деб қолди.

— Ҳа нима эди, — деди Рўзибой.

— Яқинда бизникида меҳмонлардан бири Бодомча қишлоғида икки отинча опа-сингил бор экан. Йккаласи бир-бирининг эри билан юармиш деб айтганини эши-тиб қолдим.

— Йўғ-е, бизнинг қишлоғимизда унақа бузуқ хотин-лар йўқ, — деди Рўзибой.

— Билмадим, улар юзларини очиб юрмас экан. Йкка-ласининг томорқаси ўрталиқда, уйлар бир-бирига қараб қурилган экан, — катта одамлардай тушунтириди ўша бола.

— Э, тўхта, тўхта сен айтган аёллар бизнинг кўшни-миз. Лекин улар художўй аёллар. Улар бузуқ эмас, — деди Рўзибой қатъий қилиб.

— Улар кўринишдан шунақа, лекин йўли эгри деб айтишиди-ку.

— Одамлар туҳмат қилиши мумкин. Яна ҳам билма-дим, — деди Рўзикул ҳайрон бўлиб.

Орадан беш-олти ой ўтиб, ёзги таътил кунлари Рўзи-бой томорқани сугораётган эди. Кечкурун сувни тўхтатиш учун энди кетмонни кўтарганида, ён томондан икки ки-шининг шивирлаб гаплашатганини эшитиб қолди. То-вуш чиқармай овоз келган томонга яқинлашиди. Ўртада

елка бўйи девор, нариги томон халиги опа-сингилнинг қуюқ дарахтзор боғи.

— Жоним, мунча соғинтириб юбордингиз. Кечаки икки соатдан кўпроқ кутдим. Келмадингиз. Ўзим уйингизга кирай десам қайнопангиз бор экан, нимага кетмаяпти, бойкүшга ўшаб айвонда ўтирган экан.

— Ҳа келмай ҳар нарса бўлсин. Бирам синчи, бирам гапчи. Етмиш икки томиридан гап чиқади. Ўтган йили келганида ҳам ҳафта туриб кетган, яхшиям уйи бошқа вилоятда, бўлмаса ҳар куни келиб бошимни қотираради. Укасини айтмайсизми, опа-опажонлаб ўлиб қолади. «Юраверинг, ўн-ўн беш қунда ўзим олиб бориб қўяман», дейди-я.

— Кўяверинг, ҳаёт ташвишларини, дунёнинг барча лаззати васлингиздан ширин эмас. Шундан кейин типиртипир этган товуш, аёлнинг хиринглаши ва ғалати овозлар эшиттилди. У қизиқсиниб деворнинг устига чиқиб олди. Улар шундоққина оёғи остида ётишарди. Иккаласи уни сезишмас, висол лаззатидан сармаст эди. Рўзибой ўзини сездирмай жимгина бу беҳаёликни томоша қиласади. Бир оздан кейин эркак ўрнидан турди. Бу хотин қўшни аёл Рашида эди. Эркак киши унга эртадан кейин соат кечки ўнларда яна шу ерга келишини айтиб жўнаб кетди. Рашида ҳам ўёқ-буёғини тузатиб кетмоқчӣ бўлганда:

— Қалайсиз қўшни? — деди Рўзибой шивирлаб. Бу вақтда ўн етти ёшда бўлиб, ҳозиргина кўрганларидан қони қизиб, караҳт ҳолга келганди. Рашида қичқириб юбара-ёзди:

— Кимсиз, нима қилиб ўтирибсиз?
— Нима қиласадим, мазза қилиб текин томоша кўрдим,
— деди рўзибой.

— Вой алайнай, Рўзибоймисиз?
— Ҳа, танимай қолдингизми?
— Ўргилиб кетай, кўрганингизни ҳеч кимга айтманг, нима десангиз бераман, истасангиз... — аёл гапдан тўхтаб пастга ишора қилди, — тушушингиз мумкин, — аёл титрар, ялинарди.

— У ерда нима қиласан? — деди фурур билан Рўзибой.

— Тушинг айланай, келинг, — шивирлаб оёқ-қўлига ёпишиб ёлворарди. У ихтиёrsиз боя кўрганлари таъсирими, ёки ўшлиқ қилдими, ҳарқалай аёл томонга тушди. У

Рўзибойнинг юз-кўзидан, лабларидан ўпар, қучоқлаб кўли билан баданини сийпалаб, беҳаё қилиқлар қиларди. У ҳаётида биринчи бор аёл зоти билан боғлиқ муносабатга бўйсунди.

Орадан уч ойлар ўтиб, кун анча салқинлаб қолганда мактабдан қайтаёттанды юқ машинасидан қандайдир одамлар мебель туширишаётганини кўриб қолди. Уйга кириб нима гаплигини сўради.

— Янги кўшни кўчиб келди, — бамайлихотир жавоб қилди онаси.

— Нимага кўчиб келади, Рашида опалар-чи, — деди ховлиқиб.

— Кеча уйларининг олди-сотди ишларини тутатган. Эрталаб соат ўнларда хайрлашиб кетишиди.

— Улар қаёқча кўчишиди? деди юрагидан кечаеттан фалаённи сездириб қўймаслик учун ўзини жиддий тутиб.

— Билмадим, Наманганинг қайсиdir районига кўчиб кетишиди шекилли. — Онаси гапира-гапира кўлидаги кийимлар солинган бўғчани ички уйга олиб кириб кетди. Рўзибой бирдан ўзини ёлғиз қолгандай ҳис қилди. Чунки кейинги уч ой ичида Рашида бир неча марта ёнига чакририб олиб, ҳеч кимга айтмайсизми деб ялиниб, илондай чирмашиб ўзини унга бағишлаган эди. У ўзи сезмаган ҳолда аёлга ўрганиб қолганди. Икки кун кўрмаса дарвоза ёки дёвордан мўралаб қарайдиган бўлиб қолганди. Онаси ичкаридан чиқар экан, ҳамон норози бўлиб нимадир дерди.

— Она, нима деяпсиз, кимга гапирайпсиз? — ҳайрон бўлиб сўради у.

— Э, болам, Рашида бир оз ифвогар бўлгани билан ўзини номаҳрамга кўрсатмайдиган, уйдан кўчага чиқмайдиган аёл эди. Яқинда бир маракада аёллар ичида шариат йўлида куйиб-пишиб гапирди бояқиш. Унинг айтишича телевизорда беҳаё кўрсатувлар бўлса имоним кетади, деб ўчириб кўяркан. Ҳар ҳолда ўзи билан ўзи тинч кўшни эди. Билмадим, эндинги қандай бўларкан. Баҳор холанганинг кўшнисига ўхшаган болалари ўғри, ўзи уришқоқ бўлса нима қиласиз, — деб куйиб пишарди.

Рўзибой ёшлигига дўхтир бўламан, деб орзу қилганди. Икки йил имтиҳон топшириб киролмади. Охири умидини узиб, отасининг маслаҳати билан курилиш техни-

кумига ўқишига кирди. Кейинчалик негадир аёл зотидан күнгли қолди. Ҳаммаси хиёнаткордай кўринарди кўзига. Ўшанда агар уйлансан хотинимни кўчага чиқармайман, унга ҳеч қачон ишонмайман. деб аҳд қилган.

Ҳар замонда ўзича ўйлаб қолади: «Ҳамма хотин ҳам бирдек эмас. Бир аёлнинг айби билан барчани айблаш керак эмас. Буни тушунаман, лекин ўша болаликдаги аҳдимга кўра, хотинимни ишга чиқармайман, бозорга, ўёқ-буёққа ўзини юбормайман ва бу ҳаракатимни тўғри деб қабул қиласман».

Рўзибой шу ўй-хаёлда ухлаб қолди.

* * *

Эрталаб нонушта пайтида ҳаммалари жам бўлиб овқатланишар экан, телевизордаги аллақандай кўрсатувни муҳокама қилишарди. Қайнота-куёв ундай бўлиши керак, бундай бўлса яхши бўлармиди, деб ўз билгандарича фикрлашарди. Бундай гаплашишга мавзу топилганидан ҳар иккиси ҳам мамнун эди. Сезиларли даражада ўргадаги ҳижолатлик кўтарилиб бораётганидан хурсанд эдилар.

Шодмон Акмал билан шу куни Рўзибойнинг уйига борди. Рўзибой Акмал билан Офтоб масаласини эшитиб:

— Ҳа, иш шунчаликка етган экан, мен акант сифатида совчи бўлиб боришим мумкин, лекин иқтисод масаласи қандай бўлади? Ота-онанг қарши бўлса, ўзинг эндинина пул топиб турсанг, — деди салмоқлаб.

— Бу ёғи бир гап бўлар, ёри жўрам бор, ўзимнинг бир оз йиққаним бор, — деди Акмал ерга қараб.

— Тушунарли, мана қўрадан бир қўйни сенга ёрдам сифатида бераман. Келаси якшанбада Шодмон билан совчи бўлиб бораман, — деди.

Акмал ҳаяжон ва хижолатда бир ҳафтани ўтказиб, эрта билан барвақт етиб келди. Бу вақтда Шодмон билан Рўзибой «Москвич» машинасини ювиб, тайёрлаш билан овора эди. Учаласи гап-гап билан Офтобларнинг қишлоғига яқинлашганида йўл четида тўхташди. Акмал машинадан тушиб, уларнинг уйларини кўрсатиб, ўзи йўловчи машинада қайтиб кетди. Кечкурун Рўзибойнинг уйига келган Акмал янгиликдан кувониб кетди. Маълум бўлишича, Номозбой икки кунга Бухородаги қариндошларини кўргани бориб келганида Норой унга Офтобга совчилар келганини, у бўлмаганингиз учун ҳеч нима айттолмай

жўнатиб юборганини айтибди. Номозбой бу совчиларнинг қизи ёқтирган йигитдан келганини билиб, шу ердаги оғайнилариникига бориб уларга айтиб қўйган экан. Рўзибойлар келганида Номозбой далада эди. Офтоб қўшни болани Номозбойни чақириб келишга жўнатиб, ўзи уларга илгари ҳам келганмиз деб айтинглар, деб огоҳлантириб қўйди. Келганлар Норойнинг фаросатига офарин айтиб туришганида Номозбой келиб қолди. Бир оз вақт ичида уйга, беш-олти киши тўпланди. Ош-сувдан кейин ўзаро келишиб нон синдиришни ўтказицди. Тўйни фақат эрталабки ош бериш билан ўтказишларини айтишди. Шундай қилиб, тўй икки ҳафтадан кейин бўлишилигини белгилашди. Бу хабардан Акмал шошиб қолди. Ҳали тўйга тўла тайёр эмаслигини, баъзи етишмовчиликлар борлигини айтди. Шодмон билан Рўзибой топганини келтиришини, етишмаганини ўzlари кўшишини айтишди. Бир ҳафтада баҳоли кудрат ҳаммалари топганини бир жойга йиғицди. Акмал тўй ҳақида бирорта қариндош-уругларига айтмади. Чунки тўй хабарини отаси эшитса, тўйни бузиб тўполон қиласди, деб ўйлади. Тўй ўтиб Офтоб Акмалнинг ишхонасидан берилган уйга келин бўлиб тушди. Тўй белгилангандан кейин Офтоб университетта бориб оиласвий шароитига кўра ўқишини сиртқи бўлимга ўтказиб келди.

Тўйдан уч-тўрт кун ўтгач, бу хабар Акмалнинг отонасига етиб келди. Онаизор:

— Шу келинга рози бўлмадингиз, болам бечора гариб етимчадай уйланибди, — деб йиғлаб юборди. Уйидаги келиндан, унинг кўрсатган хунарларидан озор еган отаси «Келин дегани шу бўлса, келин уруғига қирон келсин», деб кўл силтаб қўяқолди. Офтоб янги курилиш кетаётган шаҳарчадаги мактабга ишга кирди. Унинг тиришқоқлиги, одоби, ўзини тутиши мактаб маъмурияти ва атрофдаги одамларнинг назаридан четда қолмади. Шундай кунларнинг бирида Акмалнинг турмушга чиқмай уйда ўтириб қолган опаси Сожида меҳмон бўлиб келди. У кириб келганда ҳовли атрофига қўчатлар экилган, ҳаммаёқ озода эди. Офтоб бикъилаб қайнаб турган қозонга нимадир солиш билан овора, Акмал эса бугун дам олиш куни бўлгани учун ҳам ёнбошлаб телевизор кўтарди. Уни кўрган Акмал шошиб ўрнидан турди. Опа-ука кучоқлашиб кўришди. Сожиданинг кўзларидан ёш қуйилиб келарди.

— Айланиб кетай бўйингдан, ҳеч бўлмаса мени кўргинг

келмадими, соғиниб кетдим-ку. Ҳатто уйингни манзилини ҳам айтмагансан. Суриштириб зўрға топиб келдим, — деди йиглаб.

Уларни кўрган Офтоб қандай кўришишни билмай турарди.

— Опа, келинингиз, — деди хижолатлик билан Акмал.

Сожида келинининг юзларидан ўпиб, бағрига босиб кўришди. Офтоб бир зумда дастурхон ёзиб, уни турли ноз-неъматлар билан тўлдириб ташлади. «Опажон дастурхонга қаранг, олинг-олинг», деб мулозамат қиласади. У дастурхонни йигиштириб, коса-товоқни ювиш учун чиқиб кетганида, Сожида уйдаги келини ҳақида гапириб берди.

— Отамнинг ҳозир боши қотган. Нима қиласарни билмаяпти. Унинг аввалги қилиқлари холва экан. У сен уйлангач, уйда ота-онанг ёнида қоласан, мен алоҳида бўлиб чиқиб кетаман, деб ўйлаб юрган экан. Сени бу ердан уй олиб уйланганингни эшиттач биратўла тўнини тескари кийиб олган. Ҳеч кимнинг сўзига қулоқ солмайди. Укагинамни бурнидан ип ўтказиб олган. Оламда фақат хотини ҳақ, унинг сўзи қонун.

— Сиз гапирсангиз бўлмайдими. Нега бунча талтайтириб юборгансизлар. Нега алоҳида яшашни хоҳляяпти? — аччиғланди Акмал.

— Мен унга ҳеч нима демайман. Эрга тегмаган қизи бизга кун бермаяпти, деб кўп жойда гап-сўз қилган. Бир нарса десам мени балога қўйиб, отасиникига кетиб қолади. Отам уни ажратиб юборай деса қариндошлилк. Мен бир нарсага ҳайронман, нега баъзи келинлар алоҳида яшашни исташади. Чол-кампир уларнинг текин хизматкорлари-ку. Боласи ота-онамнинг елкасидан тушмайди.

— Отам томорқаю, молларга қараш билан овора, иккисининг нафақаси ҳам рўзғорга кетса яна нима истайди, — деди куйиниб Акмал. — Тергайдиган назорат қиласадиган одам керакмас буларга. Букчайган чол-кампирнинг кирини ювишни, бирор ёқقا бормоқчи бўлса сўраб кетишни истамайди.

— Кўявер, улар бир гап бўлар, ўзинг қандайсан. Ишиндан, оиласандан гапириб бергин.

— Э, опажон, ишим Худога шукур, жойида. Мана, шу ошна-оғайниларим бир бўлиб уйлантириб қўйди. Опа,

отамлар қийналаётган бўлса бизникига келиб турса бўлмайдими. Ана битта хона бўш турибди. Шу баҳона мени кечириб, ярашиб кетармилик.

— Мен ҳам шу ҳақда ўйлаб турувдим, уйга бориб бир гаплашиб кўрай-чи, бу келиннинг феъли қанақа, хали билмадим, — ўйланиб қолди Сожида.

— Опажон, ҳозир бир нима деёлмайман. Келажак кўрсатади. Қани келишсин-чи, кейин бир гап бўлар.

Сожида дам олгани бошқа хонага кириб ётди-ю, кўзига уйку келмади. Мана икки укаси уйланди, чол-кампир кексайган. Ҳозирча билинмаяпти, улар оламдан ўтиб кетишгач, бу келин билан бир уйда туришини тасаввур ҳам қилолмайди. Ақли-хуши жойида ойдеккина қиз бўлса, нега қисмат унга ёлғизликни рано кўрди. Кўнгли бузилиб йиглаб юборди. Хаёл уни болалик йилларига бошлаб кетди.

* * *

Сожида болалигида ҳам оғир, вазмин қизалоқ эди. Биринчи ва иккинчи синфда ўқиб юрган кезларида партада ўтирганича дарс вақтида ухлаб қолар, қўнфироқ чалиниб, болалар гурр этиб,чувиллашиб туришганида уйғониб кетарди. Кейинчалик бу одати қолиб кетган бўлса ҳам синфда яна битта Сожида исмли қиз бўлгани учун унга «уйқучи Сожида» деб лақаб қўйишганди. Ўнинчи синфда ўқиётган пайтида ўзидан бир ёш катта бўлган Кувват исмли синфдоши дарсдан сўнг уйга қайтишаётган пайтида:

— Сожида, бошқа болалар сенга тегишиб ҳазил қиласин, мен сени яхши кўраман, — деди дабдурустдан. Сожида ундан буни кутмаган цекилли, довдираб қолди.

— Вой, нима деялсан, бу нима деганинг? — деди уялиб.

— Сени ҳеч кимга бериб қўймайман, яхшилаб эшишиб ол. Кувват шу гапни айтди-да уйларига бурилиб кетди. Унинг бундай дейишига сабаб бор эди. Икки кун илгари уйларидаги телевизорлари бузилиб қолиб, синфдоши Чорининг уйига футбол кўргани кирди. Футбол бошланишига бир оз вақт борлиги учун икки бола бошқа каналдаги кўрсатувни кўришаётганида ички уйдан уч-тўрт кишининг суҳбати эшитилиб турарди. Эшик очиқ тургани боис икки марта Сожиданинг исмини айтиб гапиришгани кулогига чалинди.

— Кимни гапиришайтти, Сожида дейишшайттими? — сүради Қувват Чоридан.

— Ҳа, акамни уйлантиришмоқчи, уйкучи Сожидага совчи юборишни гаплашшайтти, ўқиши тамом бўлгунича олди-берди, тиким-бичим ишларини қилиб олишмоқчи.

Қувват бу сўздан бир қалқиб тушди. У бирор йилдан бўён Сожидани ёқтириб юрарди. Лекин унга ҳали сездиргани йўқ эди. У шу куни тонгни зўрга оттирди-да, туни билан ўйлаб, айтмоқчи бўлганларини бирданига айтди-кўйди. Бир неча кун ўтиб Чориларнинг уйидан Сожидага совчи келди. Қишлоқда ўрта хол, тинч, аҳил яшаётган бу оиласа кўпчилик ҳавас қиласади. Хурсанд бўлган хонадан эгалари уларни яхши кутиб олишди. Бу янгиликни айтиш учун онаси Иқбол хола Сожидани меҳмонларга кўринмасликни, улар совчилар эканлигини айтиш учун хамир қориётган уйга кирди.

— Қизим сенга совчи келди, тағин билмай улар ўтирган хонага кириб кўйма, — деди. Сожида онасидан совчилар кимдан келганини билиб, ўйланиб қолди.

— Ҳозир ўйлаб қўрамиз деб жўнатамиз, кейинги келишларида бир гап бўлар, — қизининг жим бўлиб қолганини розилик аломати сифатида қабул қўлган онаси, мамнун бўлиб ўрнидан тураётганида Сожида:

— Шошманг, ҳозир бир фикрга келаман, — деди бирдан. Иқбол хола нима деркин дегандай қизига қараб қолди. Сожида бор-йўғи икки-уч дақиқа ўйланди. Ана шу дақиқа унинг хаётида ўчмас из қолдирди. Ўтган кунги Қувватнинг сўзини эслади. Султон эса оғир, вазмин йигит, бир қишлоқда туриб, бир-бирларини тез-тез кўриб турса ҳам Сожидага бирор марта яхши кўришини, уйланмоқчи эканлигини сездирмади. Шу сабабли Султонга нисбатан кўнглида бирор илиқлиқ йўқ эди. У икки-уч дақиқа орасида иккисини таққослаб аниқ ҳукм танлади.

— Онажон, Султонга кўнглим йўқ, — деди қатъий.

— Вой қизалогим, бекор қиласапсан, яна ҳам ўзинг биласан. Оиласи обрўли, Султоннинг ўзи эса биласан қўли гул қурувчи, ичмаса, чекмаса.

— Нима қурувчиларнинг ҳаммаси яхши бўлаверадими, айтдим-ку кўнглим йўқ деб.

— Кўнглинг бошқа йигитдами? — онаси синовчан тикилди. Сожида ерга қараганича боши билан «ҳа» ишора-сини қилди.

— Майли ўзинг биласан, кейин афсус чекмасанг бўлди,
— онаси ўйланганича чиқиб кетди. У совчилар ўтирган
хонадан хурсанд, ҳаяжонда чиққан бўлса, ўйчан ҳолда
қайтиб кирди.

— Қизим ҳали ўқийман, турмуш қурмайман деяпти,

— деди аллақандай титроқ товуща.

— Ҳали ҳам биз ҳозир тўй қўлмоқчи эмасмиз, ёзгача
орзу-ҳавас, борди-келди дегандай, имтиҳонлар тугагач тўй
қилимиз.

— Йўқ, қизим ўқитувчи бўламан, ўқишга кетаман
деяпти, — деди онаси эрига қараб. Абдуғаффор отанинг
қовоғи солинди. У бундай жавобни кутмаган эди. Икки
ўғил ичидা битта қиз. Айттани-айтган бўлиб ўсди. Унинг
устига қўҳликкина, ёқимтой қиз бўлганидан болалиги-
дан отасининг эркаси бўлди.

— Нима ҳам дер эдик. Ўзларингиз биласизлар, Султон
қурувчиликни тугатган, ишлайпти, энди уйланиши ке-
рак. Қизингизнинг бирор ўқиши тугатишига қараб ту-
ролмаймиз, — дейишиди.

Шу куни совчилар кетгач, чол-кампир анча сан-ман-
га боришиди.

— Ҳар қандай одам булар билан қуда бўлишига жон
дейди. Йигит меҳнаткаш, пул топармон бўлса, қизингиз-
ни бошқа яхши кўргани борми дейман, — деди хотини.

— Ҳа, шунақага ўхшайди, — Абдуғаффор ота бир зум
кампирига қараб турди-да, қўлини силтаб чиқиб кетди.
«Бекор қилди, бекор қиласяпти қизим, бу мен билган
йигитлар ичидা дурустроғи эди. Танлагани ким экан. Иш-
қилиб хато қилиб кўймаса яхши эди», такрорларди кўнгли-
да.

Кувват Чоридан ҳар куни билмасликка олиб янги-
ликни сўраб турарди. Совчиларнинг қурук қайттанини
эшитиб, хурсанд бўлган эди. Мактабдан қайтишаётган
пайтда:

— Эшитдим, Султонга рад жавобини берисизлар.
Албатта сен меники бўласан, — деди имтиҳонлар тугаган
куни уйларига қайтишаётганида ҳаяжонланиб Сожидага.

— Сожида, мен Самарқанддаги савдо институтига
кирмоқчиман, — деди Кувват.

— Беш йил ўқийсизми, ундан бўлса мен ҳам ўқитув-
чи бўлсан, бирор ўкув юргига кирсан дегандим, нима
дайсиз? — Сожида ҳаяжонланди.

— Ўқийман дейсанми, мен бор-йүғи бир-икки йил ўқийман, кейин сиртқи бўлимга ўтказиб олиб шу ерда ишлайвераман, — деди норози оҳангда. Унинг уйидагилари, айниқса, амакиси ўқиган келинга тоқати йўқ. Аёл кишиими, уйда ўтиурсин, бола туғсин, эрига қарасин, унинг топиб келганига қаноат қилсин. Тамом, бошқача бўлиши мумкин эмас.

— Марҳабо ҳолам айтдилар. Самарқандда хотин-қизлар педагогика билим юрти бор экан. Ўнинчи синфни тутатганлар икки йил ўқишаркан. Сиз учинчи босқичда сиртқи бўлимга ўтказганингизда мен ўқишни тутатиб диплом олган бўламан. Қолаверса, иккимиз бир шаҳарда ўқиймиз, — у умидвор қиёфада термулди. Лекин Кувватнинг чехрасида заррача ўзгаришни кўрмаган қиз жавоб кутиб, юришдан тўхтади. Чунки уйларига яқинлашиб қолишганди. Сожиданинг тўхтаб жавоб кутаётганини сезиб, Кувват нима дейишини билмай иккиланиб қолди.

— Биласанми, уйимиздагилар сени ўқишингни истамаяпти, менинг ўқиганим бўлади, дейишаяпти.

— Икки йил бекор ўтиргунча, ўқисам нима қилади. Зарари йўқ-ку, шароит тўғри келса ишларман, бўлмаса уйда ўтиарман.

— Ҳа, тўғри айтдинг, ишламай уйда ўтиришингни хоҳлашяпти, — дадилланиб жавоб берди Кувват.

— Йўқ мени тўғри тушунмаяпсизлар, гапнинг қисқаси сиз ўқишига кирсангиз, мен ҳам ўқийман, — у шарт бурилиб тез-тез юриб кетди. Сожида айтган сўзида туриб Самарқанд хотин-қизлар педбилим юртига имтиҳон топширди. Ўтган бир-икки ой ичиди Кувват бирор маротаба Сожиданинг олдига келмади. Қиз бундан қаттиқ ранжиб аламини имтиҳонга тайёрланишдан олди. Мандалдан ўтиб, ўқишига қабул қилингандан сўнг уйларига қайтиди. Кувватнинг ҳам омади чолиб, орзу қилган олийгоҳига қабул қилинди. Ҳафта ўтгач, ўқиши бошланиб улар яна шаҳарга қайтишиди. Бу орада Сожида севги ўтида қоврилиб азоб чекар, лекин севгисини пинҳон тутиб на Кувватга, на бошқаларга сездирди. Машғулотлар бошланиб кетгач, Кувват Сожидани излаб келиб қолди. Қизнинг юраги севинчданми, соғинчданми потирлаб кетди. Йигит ҳам севгилисини кўришига зор-муштоқ эди. Лекин оиласидагилар Сожида ўқишига хужжат топширгандан бошлаб энди у билан учрашмасликни, энди келин қилишмоқчи эмаслигини

таъкидлашган. Шу боисдан ўтган кунларда учрашувга келломаганди. Кувват ҳеч нарсани яширмади, уйдагиларнинг, қариндошларининг фикрини очиқ айтди-кўйди.

— Лекин, — деди йигит жиддий қиёфада, — ҳар қанча тўсиқ бўлса ҳам иккаламизнинг муҳаббатимиз мустаҳкам бўлса енгиб ўтамиш. Мен сендан бошқага уйланмайман.

Орадан йиллар ўтди. Сожида икки йил деганда ўқишини тамомлаб дипломини олди. Бу орада ёшлар деярли ҳар уч-тўрт кунда кўришиб туришди. Сожида қишлоқдаги ўрга мактабнинг бошланғич синфига ўқитувчи бўлиб ишга кирди. «Икки йилдан кейин сиртқи бўлимга ўтказаман», деган вазъалар бўлмади. Уни сиртқи бўлимга ўтишига рози бўлишмади. Оиласидагиларнинг назарида Сожида уни яна уч йил кутмайди. Эрга тегиб кетади, кейин бир гап бўлар, деб туриб олишди. Аммо икки ёш ўзларининг аҳдига вафо қилиб бир-бирлари билан учрашиб, яна уч йилни ўтказишди. Кўҳликкина, оғир-босиқ ўқитувчи қизга узоқяқин жойлардан совчилар келиб-кетишли. Қанча йигитлар дил изҳорини айтишли. Сожида Кувватнинг умидида ҳаммасига рад жавобини бериб келди. Ниҳоят, кутилган пайт келиб, Кувват ўқишини тутатиб, дипломли бўлди. Бироқ ҳар қанча уринмасин, барибир қаршиликка учрайверди. Охири йигит:

— Мени тинч қўйинглар уч-тўрт йил ишлайнин. Кейин уйланаман, — деди тўнини тескари кийиб. Туман матлубот жамиятига ишга кирган йигит аламини ишдан олди. Шундан бошқасига уйланмаслигига кўзи етган ота-онаси қариндошларини йиғиб маслаҳат қилишди. Чорасиз, Соҳидаларникига совчи юборишга мажбур бўлишди. Бу хабардан қизнинг шодлигинининг чеки бўлмади. Уни эшигтан Соҳиданинг уйидагиларига қўни-қўшни, таниш-билишлари «Ҳой бунча танламанглар, келган совчиларни қайтараверманглар, тозисига учраманглар», — деб тегишарди.

Маслаҳат билан совчиликка Кувватнинг тогаси ва амакиси боришадиган бўлди. Совчиларни яхши кутиб олишиб, олдига булар ҳам қариндош урувларини айтишли. Соҳидани келин қилишни истамаган амакиси Ёкуббек негадир чимирилиб, ҳеч кимни менсимай ўтиради. Ошсувдан кейин уй эгалари, майли ўзимиз бир маслаҳатлашиб олайлик, кейинги сафар натижасини айтамиш дейишли. Одатда, совчи дегани бир неча марта келишади. Ёкуб-

бекка иккинчи марта келиш малол келиб:

— Иккинчи келишимизни кутиб нима қиласизлар, ҳозир бир ёқлиқ қилиб юбормайсизларми? — деб зарда қилди.

Үтирганлар ажабланиб бир-бирларига қараб қолищди. Бу гап оғир ботган қизнинг отаси:

— Сизларга уч-түрт марта қатнанг демадик-ку. Таомилда бир келишдан «ҳа» деб юбориш бўлмаган-ку.

— Бир келишдан «ҳа» демай иложларинг йўқ-ку. Иккоквларининг иши пишиб, учрашиб юришибди-ю, ўн беш яшар эмаску, — кеккайиб жавоб қилди Ёқуббек.

— Нима дедингиз, иши пишган дедингизми? Аниқ биласизми? Қани бир сўраб кўрайлик-чи. Жавобини ҳозироқ айтиб юборамиз, — Абдугаффор ранги учеб, жаҳл билан Сожида ўтирган уйга кириб, Ёқуббекнинг гапларини айтиб берди.

— Иши пишган дедими, мени енгилтак қиз деб ўйлабдими? Ундей бўлса чиқиб айтинг, мен рози эмасман кетаверишсин, — деди.

— Чин кўнгилдан айтаяпсанми, кейин пушаймон бўлиб юрмайсанми, ўйлаб кўр, — қатъий сўради.

— Йўқ, кўнглим йўқ, жавобларини бериб юборинглар, — деди жиддий тарзда.

Совчилардан дили оғриб ранжиган ота-она оғир сўлиш олиб, уйга кириб борищди.

— Хўш, айтганларингдек бўлди. Бирданига жавоб берадиган бўлдик. Қизимизнинг йигитда кўнгли йўқ экан. Тегмайман деб аниқ жавоб айтди, хуш келибсизлар, яхши боринглар, ўғилларинг бемалол уйланаверсин, — деб эшикни кўрсатишиди.

Бундай бўлишини кутмаган Ёқуббек дами чиққан гуфакдек ўтириб қолди. Кувватнинг тогаси «Бекор бундай кўполлик қилдингиз», деб бошини чайқаб кўйди. Буларни ялинтираман, деб ўйлаган Ёқуббек, бўлар иш бўлди, фишт қолилдан кўчди, деган фикрга борди..

— Йўқ сизлар мени нотўри тушундинглар. Мен иш пишган деганда икки ёшнинг аҳд-паймонини назарда тутгандим, — деди.

— Ха, бизлар ҳам шу маънода тушундик. Лекин қизимиз рози бўлмаяпти. Шундай деб бориб айтинг, — Сожиданинг отаси ўрнидан турди. Чорасиз қолган совчилар курук қайтишга мажбур бўлишди.

Сожиданинг рад жавобидан гангиг қолган Кувват бир неча марта гаплашиб олиш учун мактабга борди. Лекин Сожида бирор оғиз гапирмай терс ўтирилиб кетаверди. Ахийри тоғасидан бунинг сабабини аниқлаб, Сожиданинг уйига ўзи келишга қарор қилди.

Абдуғаффор, кейинчалик мендан домандир бўлмасин деб, қизи билан иккисини деб ёлғиз қолдириб чиқиб кетди.

— Ҳа, нима бўлди, мендан қандай гуноҳ содир бўлдики, рози бўлмабсан, мен ҳам сенга етиш учун олти йилдан бери садоқат кўрсатиб келяпманку, — деди Кувват.

— Йўқ, ишимизни пишганини билмаган эканман. Бева аёлга ҳам ҳеч бўлмаса икки марта совчи келади. Менинг қариндош-уругларим, ота-онам олдида юзимга қора суртди. Мен энди бу доғни бир умр ювиги ўтаман. Энди уйланаверинг, розиман амакингиз айтган ўн беш ёшлигига уйланинг. Сиз ёлғиз йигитсиз бир умр ота-онангиз билан яшаб ўтишим, уларга хизмат қилишим керак. Мен кўп ўйладим. Қариндошларингиз, ота-онангиз мени ёмон кўришади. Барибир бизни тинч яшашга кўйишмайди. Кейинчалик ажрашиб қайтиб келганимдан кўра ҳозирдан бу ишни тўхтатиш керак, — деди йиглаб.

Уйдагиларининг ва яқинларининг гап-сўзидан безор бўлган йигит Сожиданинг сўзини жимгина тинглади-да:

— Майли ўзинг биласан, кейин аттанг қилмасанг бўлди, — деб чиқиб кетди. Сожида Кувватга ниҳоятда ишонарди. Унинг муҳаббатини енгилмас деб биларди. «Ундей дема, яхши яшаймиз, мен сени ҳимоя қиласман, сендан бошқасига уйланмайман. Мен фақат сени дейман», дейишини куттанди. Уни дарров чекиниб кетади, деб ўйлаганди. У Кувватнинг келишини биларди. Аммо шу тариқа чиқиб кетади, деб хаёлига ҳам келтирмаганди. Нахотки олти йиллик муҳаббатим, орзуларим тугаб битган бўлса. Кувватни ўртага олишиб ўзлари айтгандай ўн олти ёшли чиройли қизни кўрсатган бўлса кўнгли бўлиндимикин. Менинг олдимга шунчаки расмиятчилик учунгина кирган эканда. Энди нима қиласман. Кувват мен учун энди ўлган. Унга йиглаб аза очайин деб куюндай қўйилиб келаётган ушбу сўзларни зор-зор йиглаб айтди.

*Кўнглимдаги ёримни юрагимдан ўчирдим,
Неча йилки, бошимдан ишқ савдосини кечирдим.*

*Тақдир экан нетайин сор лочиним учирдим,
Сендан мангу айрилдим.*

*Ичмоқчи бўлган сувим нечундир лойли бўлди,
Хижроннинг азобидан кўз ёшим сойли бўлди.
Ёрим деб кўрганларим саробу зое бўлди,
Энди сени йўқотдим.*

У ўзининг аламини ишдан олди. Дарсдан қайтгач, уй ишларини ҳам батамом қўлига олди. Эл орасида баъзилар Сожида билан Кувват бирга юриб энди олмай ташлаб кетибди деса, баъзилар «Сожида мағрурлигидан совчиларни ҳайдаб юборибди», деб гийбат қилишарди. Кейинчалик ҳам бир неча жойдан совчилар келишди. Улар хотини ўлган ёки хотинидан ажralган кишилардан келишарди. Совчиларнинг кимдан келганини ҳам эшиттиси келмай рад жавобини бериб юборарди. Унинг сирдош дугонаси Комила бир куни насиҳат қилиб қолди:

— Ўртоқжон, совчиларни қайтариб бекор қиласан. Кувватга аччиқ қилиб кейин пушаймон бўлмагин. Ана Кувват ўн ети ёшли қизга уйланиб, сени унугиб қўйди. Шундай пайт келади-ки, менинг сўзимни тўғрилигига имон келтирасан. Ҳали ҳам бирортасини танлаб турмуш кургин, ота-онангни сенга боғлаб бергани йўқ, улар ўтиб кетишгач, ёлғизликнинг мудҳишлигини сезасан. Унда кеч бўлади.

Аввал бундай гапларга эътибор бермаган бўлса, кейинчалик ёши ўтиңқираган, боласи борлардан келганларни ўзига тенг кўрмади. Мана энди икки укаси ҳам уйланниб кетди. Ота-онаси касалманд, кекса.

У Кувватга аччиқ қилиб турмуш қурмаганидан афсулана бошлаган эди. Сожида хаёл дарёсида сузар экан, бир пиёла қатиқ кўтариб Офтоб кириб келди.

— Опажон, манави қатиқни ичинг, — деб бош томондаги стол устига қўйди. Сожиданинг ҳаёти ҳақида Акмал гапириб берган, опамга раҳмим келади, ёлғизлик эзив юбормаса бўлди эди, деб ачинганди.

— Офтоб, сен бемалол дам олавергин, эрталаб яна ишга кетаеан, сен кўпроқ дам олишинг керак, — дея ҳомиладорлигига ишора қилди.

— Опажон қийналмаяпсизми, насиб этса сизни бундан кейин ёлғизлатиб кўймаймиз, — деди Офтоб. Унинг

гапига қизиққан Сожида ёстиққа ёнбошлаб олиб:

— Хүш, менга қандай күмак бермоқчисизлар, — деди кулиб.

— Опажон биласизми, — у бир оз дудукланиб түхтаб қолди. — Агар эсон-омон қутулиб олсам, ўғил туғылса насиб этса бир ёшта түлгач, күкракдан ажратиб сизга бутунлай бераман. Ўзингиз номингизга ўтказиб, фарзанд қилиб оласиз. Бу гапдан Сожиданинг кўзи беихтиёр ёшланди. Офтобни кучиб юзларидан ўтди.

— Қачон дам олишга чиқасан?

— Насиб этса бир ҳафтадан кейин. Агар хоҳласангиз шу ерга, бизникига келиб туришингиз мумкин. Бу ерда ҳам янги қурилган мактаб бор.

— Раҳмат жоним, илоҳим қўша қаринглар. Лекин менинг уйим, ўргантган мактабим, қадрдонларим бор.

— Ҳўп, майли опажон, яхши тушлар кўринг.

Офтоб чиқиб кетгач, унинг боласини бериш таклифини ўйлаб анчагача уйкуси келмади. Офтоб Сожидани хурсанд қилдим деб ўйласа, бир томондан Ақмалдан ижозатсиз боламни бераман деганига хижолат бўлиб, ўрнига чўзилди.

— Ҳа, келдингми, опам ухладими? — сўради Ақмал.

— Ҳа, лекин опамни ёлғизлик эзив юборибди. Бирорта фарзанди бўлганида бағри тўлиб қолармиди.

— Афандимисан, турмушга чиқмаса, фарзанд ҳақида тапириш ўринсиз-ку.

— Акангиз болаларидан бирини опангизнинг номига ўтказиб, фарзандликка берса бўлмайдими? — синчков билан сўради Офтоб.

— Бола дейсанми, янгам бола тугул, оқар сувни ҳамраво кўрмайди-ку, — зарда қилди Ақмал.

— Агар фарзанд кўрсак биттасини опангизга берармидингиз? — хавотирланиб сўради Офтоб.

— Сен болангни беришга рози бўлармидинг? — ҳайрон бўлди Ақмал.

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, ёш чақалоқни олиб ўзи тарбияласа, кўнгил қўяди. Ўзи уйлантиrsa, невара кўрса, худди ўзининг боласидек бўларди, бизга эса яхшилик қилганимиз учун Оллоҳ яна фарзанд ато қиласр эди, — деди ҳаяжонланиб.

— Феълинг, бағринг кенг очиқ аёлсан, илоҳим мақсадингта ет, — меҳр билан боқди Ақмал.

Ой куни етиб Офтоб ўғил кўрди. Бир томондан ўелини бағрига босиб эмизаётганида севинса, иккинчи томондан яқин орада болани қайн опасига бериб юборишини эслаб ўзи сезмаган ҳолда титрарди. Аввал ярашишга кўнмаган ота-онаси болани қизларига бергандан кейин, меҳри товланиб, кечириб борди-келдини бошлаб юборишиди. Аллакимдан эчки сути болага фойдали деб эшигтан Сожида бозордан серсугт эчки сотиб олди. Бола олти ойлик бўлганда уни ўзига расмийлаштириб олиб, эчки сути билан боқа бошлади. Қиши кунларидан бирида кейинги фарзандига бошқоронги бўлиб юрган Офтоб меҳмон бўлиб келган қайнота ва қайнонасини кутиб олди. Улар бундан илгари ҳам бир келишган, келинидан кўнгли тўлиб кетишган эди. Офтоб уларни иссиққини уйга киргизиб, кийимларини илгичга илиб қайнотасининг маҳсисини ечиб, пайтавасини ювиб, қуритиб берди. Қайнонасининг оёқларини уқалаб, оғригини қолдирди. Бир ҳафта деганда чол-кампир кетмоқчи бўлишганда, Офтоб:

— Отажон, бизникида қолаверсангизлар бўлмайдими? Биз ҳам сизларнинг фарзандларингизмизку, — деди ийманиб. Худди шу таклифни кутиб туришган кексалар бир-бирларига маъноли қараб олишиди.

— Умрингдан барака топ қизим, уйимида ўзимизга яраша тирикчилгимиз бор. Уларни тутатиб, кейин келармиз, — дейишиди хижолат бўлишиб. Орадан икки ҳафта ўтиб, Акмал ўртоғининг машинаси билан бориб, акасининг олдига кирди. Ота-онасининг кўчиши ҳақида билмаган акаси ва янгаси шошиб қолди. Акаси оталарининг кўчиб кетишини чин дилдан истамаса ҳам, ҳар куни қайнона-келин ғиди-бидисидан чарчаганди. Онаси ўзининг ҳақлигини исбот қилишга уринса, келини ўзининг қилаётган ишини тўғрилигини айтмоқчи бўларди. Отаси эса синглисисининг қизини олганидан пушаймон бўлиб, ҳамма нарсага бепарво қўл силтаб қўйган эди.

— Ҳа, сизлар ўғлингизнинг уйига меҳмондорчилик учун эмас, биздан шикоят қилиб борибсизларда. Кўрамиз, бир куни лўли келин ҳам пух сассиқ бўлиб қолар, — чимирилди катта келин. Шунча вақтдан бери ҳеч гапсўзга аралашмай сукут сақлаб юрган қайнотанинг тоқатитоқ бўлди. У келинининг олдига бориб:

— Иккинчи маротаба уни ҳақорат қилма, у келин сенга ўхшаган жигаримдан юз чандон оқибатлироқ...

У яна ҳам аччиқ, сўзларни айтмоқчи бўлди-ю, «сенга хайф менинг сўзларим», деб бурилиб чиқиб кетди.

Акмалнинг илтимосига кўра шу қишлоқдаги қариндош-уругларини бир пиёла чойга таклиф қилди. Ошдан кейин фотиҳа ўқилгач, Акмал йифилганларга қараб:

— Кўриб турибсизлар, менинг иш жойим анча узоқда. Таомил бўйича ота-она кичик ўғил билан бирга бўлиши керак. Мана, акам, янгам ҳеч қаёққа юбормаймиз, ўзининг қадрдан уйи, деб жавоб беришмади. Отa-онам эса, булардан ажralиб, мен билан кетишни исташмади. Буларни кўндингрунимча бўларим бўлди. Энди сизлардан жавоб олиб ота-онамни олиб кетмоқчиман, — деди.

Лекин қишлоқдаги қариндош-уруг тутул бегоналар ҳам катта келиннинг уйдагиларга муносабатини яхши билишарди.

— Менга ҳеч қандай кўч-кўрони керак эмас, ота-онамнинг ўзини олиб кетсан бўлди. Албатта бир оёғимиз шу ерда — акамникида бўлади, — деди Акмал ҳаяжонланиб.

* * *

Кейини тўрт йил ичида Офтоб бир қиз ва бир ўғиллик бўлди. Иқбол хола невараларининг парвариши билан Абдуғаффор ота эса томорқага дараҳт ва бошқа экинлар экиш, уй юмушлари билан машғул. Офтоб ишдан келди дегунча қайнонасини чарчатмаслик учун барча кирларни ювиб қўяди. Идиш-товоқларни озода тутиш унга онаси-нинг қатъий таъкидлашидан қолган. «Қизим, идиш-товоқ кечаси ювиқсиз қолса шайтон ўтириб кетади, ризқ кама-яди», деб айтган. Офтоб мактабда илмий бўлим мудири бўлиб ишлаётганига уч йил бўлди деганда мактаб директори нафақага чиқадиган бўлди. Учта номзоддан тажрибали, ишchan жамоа билан бир оила каби ишлаб кета оладиган Офтобни директор қилиб тайинлашди. Энди унинг зиммасидаги масъулияти яна ҳам кучайди. У биринчи кунларданоқ мактабдаги тартиб-интизомга, озодаликка эътибор берди. Ўқитувчиларнинг дарс ўтиши усуулларини кузатди. Ютуқларини мақтади, камчиликларини рўй-рост гапирди.

Офтоб шундай катта жамоага бош бўлгандан кейин кекса ўқитувчилар, оқсоқоллар билан кенгациб, уларнинг тажрибаларига суюнди. У совхоз директори Фурқат Ҳамроевнинг олдига мактабнинг ёнида ташландиқ ҳолга

келиб, темир-терсак чиқиндилаар түкілған икки гектар ерни мактаб ихтиёрига беришини сұраб кирди. Офтоб ҳалигача директор қабулида бўлмаганди. У Офтобни яхши кутуб олиб, янги лавозим билан табриклиди, сўнг:

— У ерни нима қўлмоқчисиз? — деб сўради, синчковлик билан.

— Мен... биз у ерни тозалаб боғ яратмоқчимиз, — деди ҳаяжонланиб.

— Яхши, яхши, агар ўша ердан боғ яратмоқчи бўлсангиз, албатта, сизга берганим бўлсин. Мен керакли хужжатларни тайёрлашни ўринбосаримга топшираман. Бу шахсан менинг ёрдамим бўлсин, — деди мамнунлик билан. Чунки Офтоб илтимос қилған ер қишлоқнинг кўркини бузиб, тикон ва ёввойи ўтлар ўсиб ётарди. Директор қабулидан хурсанд бўлиб қайтган Офтоб олдин педагогика жамоа, кейин ота-оналар мажлисини чақирди. У икки гектар ерни ўқувчилар боғи қўлмоқчи эканлигини ва унга ота-оналар кўмаги кераклигини айтди.

— Биз, — деди сўзини давом эттириб, — ҳар бир синфга 10 сотихдан ер берамиз. У ерга мевали дараҳтлар экамиз. Агроном билан нечта кўчат экишимиш кераклигини ҳисоблаб чиқдик. Ҳар бир ўқувчига иккитадан кўчат тўғри келар экан. Ҳозир январь ойи, февралнинг охиридан бошлаб экишни бошлаймиз. Унгача ерни тозалаб, экишга тайёрлашимиз керак. Сиз — ҳурматли ота-оналар, фарзандларингиз боғи учун ҳисса кўшишингизни илтимос қиласдим. Уруш қатнашчиси Ҳошим ота туриб, шу мактабда унинг 9 та невараси ўқиётганини, бу кутлуг тадбирга кўшилиб боғ атрофига 500 та терак қаламчалирини беришини айтди. Шундан кейин ўн нафар болани ўстираётган Шахри опа сўзга чиқиб, қайнотаси уч йил бурун қантак ўригидан юздан ортигини экиб кўйганини, ҳозир улар бир ярим метрча ўсиб қолганини ва ундан йигирматасини олиб бериши мумкинлигини айтди. Шундай қилиб Офтобнинг директорлик фаолиятининг бошланиши зафарли бўлди.

Икки йил ўтиб, каттароқ кўчатлар нишона гулинни кўрсатди. Ўқувчилар ва жамоатчилик ёрдамида боғ атрофи девор билан ўралди. Кейинги йилда боғнинг ярми ҳосилга кирди. Ҳар бир синф ўқувчилари ўзларига бириктирилган ердаги дараҳтларни бошқаларнидан яхшироқ парвариш қилишга ҳаракат қилишар, илк гулининг ҳоси-

лини кўрганда шодлиги ичига сифмасди. Офтоб ишдан кейин уйга келиб рўзгор ташвишлари билан банд бўларди. Ўғил-қизи, қайнонаси-қайнотаси бағрида.

Бир куни ишдан кейин уйга келганда овсинининг овозини эшитиб қолди. Ёз куни бўлганлиги сабабли очиқ деразадан унинг гаплари бемалол эшитиларди.

— Мана, қизингиз беш ёшга тўляяпти. Кўриниб турибдики, хотинингиз энди турмайди, икки бола билан дунёдан ўтмоқчимисизлар. Топарман эр бўлсангиз, яна биттасига уйланиб олинг.

Акмал уйнинг ичкарироғидами ёки секин гапирдими, ҳарқалай унинг нима дегани эшитилмади.

— Лўлининг қизини деб ўтиб кетмассиз, хоҳласангиз онаси ўтмаганидан топиб бераман. Энди директор бўлдим, деб яна ҳам тумшуғи кўтарилар экан-да. Ҳали сизга ҳам буйруқ берса керак-а. Мана, онангиз бирор ерга меҳмонга ҳам ўзи ёзилиб боролмай, боласини етаклаб кетибди-ку.

Бу сафар Акмалнинг овози аниқ эшитилди.

— Нега онангиз дейсиз, менинг онам сизнинг онангиз эмасми? Боласини деяпсиз, ўзининг неварасини етаклаб ўйнатиб кетган, ўзи чопиб юрадиган бола бўлса. Тағини ҳўл қиласиган ёшда эмас. Қолаверса, мен ҳам, Офтоб ҳам ўзимизнинг қадримизни ва ўрнимизни яхши биламиз, — деди зарда билан.

— Ўх-хў, мунча ёнини олаяпсиз, бурнингиздан ип ўтқазиб олибди-ку.

— Ҳеч қачон бир-биrimизга ҳурматсизлик қилиб яшамаймиз.

— Директор бўлганига бир ҳафта бўлмай соясига салом беряпсиз-ку! Кейинчалик билмадим, бу лўлига кун туғиб, ҳаммани оёқ ости қилмаса бўлди. Мен сизга янга сифатида эмас, қариндошлиқ юзасидан жоним ачиб огохлантириб қўяяпман.

Офтоб кулоқларига ишонмади. Наҳотки овсини шу қадар тубан кетса. Авваллари келганида Офтоб унга қандай иззат ва ҳурмат кўрсатиб бир неча марта ўзига олган қимматбаҳо кўйлакларини совфа қилиб юборган. У бошқа гапларини эшитмай деб секин юриб дарвазадан чиқдида, бир оздан кейин қайтиб кирди.

— Унинг келаётганини кўрган овсини ҳеч нарса билмагандай:

— Соғ-саломат юрибсизми? — деб қучогини очиб ўпиб

кўриши. Офтоб ҳам илгари ўтиб кўришарди. Ҳозир эса шунчаки ўзини қўйиб берди, бағрига босмади, ўпмади ҳам. Ундаги ўзгаришини эри ҳам, овсини ҳам сезди.

— Ҳа овсинжон, машқингиз пастроғми дейман, нима бўлди, кайфиятингиз йўқقا ўхшайди? — деди бидирлаб.

— Озроқ тобим қочди шекили. Бошим оғриб турибди — деди-ю овқатга уннаб кетди. Бу орада неварасини эргаштириб қайнонаси қўшни аёлникидан — меҳмонга айтилганни жойдан келиб қолди. Катта келини билан кўришиб сўрашиб кетди. Кампир оққўнгил бўлгани учун ҳам ўтган гиналарни аллақачон унугтан эди. Равшана шу куни ётиб қолди. Офтоб Равшана билан бир уйга жой солиб ётди. Унинг гапларига шунчаки «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб қайтарар, ўзини бетобликка соларди. Равшана Офтобнинг директор бўлганини эшитган куни илон чаққан одамдай тўлғаниб, қийналиб тонг оттирди. Эшитганим ростми ёки ёлғон деб, меҳмон бўлиб келди. Эшитганини ростлигини билгач, ичидан зил кетиб, титраб турган бўлса ҳам:

— Овсинжон, амалга минганингизни эшитиб табриклилагани келдим, — деди. Офтоб унинг кечаги сўзини эшишиб қолмагандан чин юракдан қутлагани келган деб ишонган бўларди.

Офтоб кейинги кун Акмалга Равшана ҳақида гап очди.

— Овсиним табриклигани келибди-я, мени яхши кўрадими дейман, — деди. Акмал:

— Илон билан чаённинг вазифасини яхши биласанми. Равшана ундан ҳам баттарроқ аёл, — деди.

— Нега ундей дейсиз, нима, бирор ножўя гап қилдими? — атайин сўради Офтоб.

— Қўявер, аҳлатни титсанг сасииди. У эски аҳлат. У ҳақда гапиришни истамайман, — деди асабийлашиб. Офтоб Акмалнинг Равшана ҳақидағи фикрини эшитиб кўнгли хотиржам бўлди.

Акмал олийгоҳга киришдан олдин ҳайдовчилар курсини тамомлаб, бир оз хўжалик бош муҳандисининг машинасини ҳайдаган эди.

Бу ерда яшай бошлагандан бери иш, зиёфат туфайли анчагина ёри-дўст, таниш билиш ортириб олди. Айникса, қўшни хўжаликнинг бош иқтисодчиси Ўсаркул ва беш-олти оила билан борди-келидиси анча қуюқ эди. Орадан икки ёки уч кун ўтар телефон жиринглайди.

— Алло қандайсан, аҳволларинг яхшими?

— Ўзинг қандайсан, эшитдингми, Чорининг сигири туғиби. Ражаб уйларига контрамарка печка қурибди, ювмасмикан, бормаймизми? — деб ўртоқлари ўтиришга баҳона излашарди. Туғилган кунларини-ку қўяверинг. Ҳар бир борди-келди қилаётган оиланинг катта-кичигининг туғилган кунини ёзib олишган. Шу сабабдан ўтириш, зиёфат кўпайиб қолган эди. Шундай пайтларда Офтоб:

— Жуда чарчаганман, дам олишим керак, — деб уйда қолса, даврадагилар:

— Ҳой Ақмал, Офтоб нега келмади? «Ҳа-я, у директор-да, бизнинг аёлларимиз ўқимаган, оддий, ўзига тенг кўрармиди, — деювчилар ҳам учраб турарди.

Офтоб даврадош аёллар ичида энг кўзга яқини бўлиб, зиёфатда ўзини тутиб одоб сақлаб, ичкиликни номигагина лабига тегизиб қўйиб қўяр эди. Мусиқа оҳангига рақс тушаётган пайтда уни камдан-кам ҳолда рақсга таклиф қилишарди. Чунки у жуда босик, обрўйини сақлай оладиган аёл эди. Шунинг учун унга унча-мунча киши ҳазил, қочирим гап ҳам айтольмасди. Бундан ташқари, лўли қиз деб орқаваротдан гапиришларини яхши биларди. У таклиф қилинган жойларга турли сабабларга кўра камроқ боришга ҳаракат қиласди. Баъзан у Ақмалга:

— Ақмал ака, зиёфатлар кўпайиб кетмаяптими, — деб қўярди.

— Кўйсанг-чи, ўтиришимиз ишимизга халақит берәёттаний йўқ-ку. Ишдан кейин дўстлар даврасида дам олишнинг нима зиёни бор, — дерди.

— Ўзингиз ўйланг. Биринчидан, уйқудан қолаяпсизлар, иккинчидан ичкиликка ўрганиб қолмаяпсизларми? Қолаверса, шу ўтиришларингиз аёлларсиз бўлса бўлмайдими? Утган сафар сезиб қолдингиз-ку. Илҳом Барнони рақсга таклиф қилиб билагидан тутганда, унинг эри нима деганини эшитдингиз-ку. Секин-аста ўргаларингизда низо чиқа бошлайди. Ичкилик таъсирида «Ўйнасанг ўйнамайсанми, билагингдан ушлатиб кўз сузмай», — деб юборди. Яхши ҳамки бошқалар ҳазилга олишиб, рақс бошланиб, бир оз бўлса-да ҳижолатпазлик кўтарилди, — деди хомуш тортиб.

— Ҳа-я, негадир ўтирганларида ҳам ёнида аёли туриб ўтган сафар Илҳом санҷқи билан гўштни “газак қилинг”, деб Барнога узатиб, шундай қарадики, кўзлари ёниб кетди. Илгари ҳам кўз уриштириб туришганини сезгандим.

— Мана кўраяпсизми, сиз сезган бўлсангиз яна бирортаси сезади. Кейинчалик кўнгилхиралик келиб чиқмай, турли зиёфатларни, айниқса, аёллар билан ўтиришини камайтириш керак, — деди ўйчан ҳолда Офтоб.

* * *

Офтоб ишхонасида талабчан тадбиркор аёл бўлиб, жамоа орасида яхшигина обрўга эга бўла бошлади. Икки тектар ерга экилган дарахтлар тўлиқ ҳосилга киргач, уларни сотиб керакли чолғу-асбоблари ва кийим-кечаклар сотиб олди. Мактабдаги ҳаваскорлар тўгараги нафақат туманда, балки вилоят танлов кўрикларида қатнашиб фарсли ўринларни эгаллади. Туман ва хўжаликда бўладиган турли байрам ва маросимлар шу мактаб санъаткорларисиз ўтмасди. Офтоб мактаб ишидан ташқари қайнона-қайносининг ҳурматини жойига кўйди.

Бир куни ишдан чарчаб келиб эндиғина овқатлангани ўтирган пайтида бир нотаниш аёл келиб қолди. Офтоб уни дастурхонга таклиф қилди. Аёл нимадир демоқчи бўлар, айтольмай қийналарди.

— Опажон, нима демоқчисиз, бемалол айтаверинг. Аввало ўзингизни таништиринг. Кимсиз, қандай иш билан келдингиз? — хотиржам сўради Офтоб.

— Мен, мен... Шарипов Аширкулнинг аёлимани, — унинг кўзларида ёш томчилади.

— Нима гап, тинчликми, нима қилди? — хавотирланиб сўради Офтоб.

— Бир йилдан ошди, деярли ҳар куни ичиб келаяпти. Рўзгор, бола-чақа қизиктирмай қолган. Бир-иккита ичувчи ошноларига қўшилиб олган. Бир нима десам чидасанг шу, бўлмаса катта кўча, кетавер, — дейди.

— Илгари ҳам ичиб келармиди, кет деб айтармиди?
Аёл боши билан «йўқ» ишорасини қилди.

— Яқиндан бери шундай бўлиб қолган. Уч-тўрт кун аввал улфатлари билан ичиб ўтириб, шериклари туриб кетишибди, чойхонада бир ўзи ухлаб қолибди.

— Хўп опажон, сиз бораверинг, мен ўзим гаплашман, — деди Офтоб ўйчанг ҳолда.

— Синглим, агар эрим арз қилиб келганимни билиб қолса, бу куним ҳам холва бўлиб қолади.

— Хавотир олманг, келганингизни билдирамайман, — дея аёлни кузатиб кўйди. У ўйланиб қолди. Шарипов ишга ўз вақтида келади. Тартибли одам, сира ичиб келганини

сезмабман-а. Демак, у дарсдан кейин ичади. Кечаси ухлаб эрта билан ҳеч нарса бўлмагандай юраверар экан-да.

Эртаси куни Офтоб Аширкулни кабинетига чақиртириди. Илгари кўп ҳам эътибор бермаган эканми, қовоқлари салқиб қолганди. Икковлари анча-мунча суҳбатлашди. Лекин у ичтанини бўйнига олмади, нуқул:

— Ким айтди сизга? — дея такрорларди.

— Чойхонада ётиб қолганингиз ҳам ёлғонми? Шу юришингизга оиласиз, аёлингиз қаршилик қилмаяптими? Сизни ичиб юрганингизга индашмаяптими?

Аширкул аёлидан гумонсираб, шу келиб айтган, деган хаёлга бордими:

— Ҳа, озроқ улфатлар билан ўтиришган эдик, ёнбошлиб ётиб ухлаб қолибман, маст бўлиб эмас, — деди.

— Болаларингиз нечта?

— Тўртта, ҳаммаси ўғил, — деди фурурланиб.

— Оилавий шароитингиз қандай? Уларни таъминлаб турибсизми? Улфатлар билан ўтиришга кетадиган пулга уйга озиқ-овқат олиб борсангиз бўлмайдими? Менга келган маълумотга қараганда рўзгорга қарамай қўйибсиз.

— Ким айтди уйга қарашмай қўйган деб. Яқинда бир қоп ун олиб борганман.

— Ие, шунча одам фақат нон ейдими, бошқа ҳеч нарса керак эмасми? Ичкилик биринчидан соғлигингизни, иккинчидан обрўйингизни барбод қиласи. Ахир сиз ёш авлодни тарбиялайдиган тарбиячи, ўқитувчисиз-ку. Учинчидан иқтисодингизни, тинчингизни тамомлади.

— Ўзи шу кунларда жигарим саншиб юрибди, — деди Аширкул.

— Ҳа, мана кўраяпсизми, ўғилларингиз уйланиши керак. Эртага улар сизни хурматламай қўйиши мумкин, шу тариқа ичаверсангиз. Сиз ҳақингизда унча-мунча ёқимсиз гап-сўз келиб турибди. Энди уйингизга бориб, оила вий шароитингизни бир кўрмоқчиман.

— Йўқ-йўқ, — сергакланди Аширкул. Етарли, сизга сўз бераман. Энди оғзимга олмайман. Майли бирор ойдан кейин келинг, ўзим бир зўр ош дамлаб кутиб оламан. Сиз менинг қилган ошимни емагансиз. Ош қилишга шундай устаманки, — шошиб ҳаяжонланди Аширкул.

— Бўлти келишдик, бу гапларни аёлингиз билмасин. Бўлмаса хурматингиз кетиб қолади. Эрта бир куни на болаларингиз, на аёлингиз сизни қадрламай қўйишади.

Аширкул бошини силкитиб «түгри» ишорасини қилиб ўтирад, ёшига нисбатан анча кексайиб қолган кўринарди.

Офтоб мактабдаги таълим-тарбияни, интизомни яхши йўлга кўйиб олди. Бунда нафақа ёшига яқинлашиб қолган ўқитувчиларнинг тажрибасига, маслаҳатига суюнди. Кутубхонани кенгайтириб, унинг бир томонига ўқитувчи ва ўқувчилар кучи билан ясалган, чизилган кўргазмали қуролларни тартиб билан кўйдирди. Яхшигина спорт майдончаси бунёд этилди. У тиним билмай ишлар, бунча куч-файрат қаердан келаётганига баъзан, ҳатто ўзи ҳам ажабланарди.

Дарс таҳлилидан чиқиб хонасига кирганда у ерда бир кекса аёл кутиб ўтиради. Бу аёл шу мактабда физика ўқитувчиси бўлиб ишлаётган Ноиланинг онаси эди. У Офтобга қизининг ёши ўттизга етгани, ҳали ҳам турмушга чиқмай ўтириб қолганини, икки болалик ўзи тенги аёли вафот этган йигитдан совчилар келганини, қизининг «йўқ тегмайман», деганини куйиб-пишиб гапириб берди.

— Сиз ҳам озроқ таъсир қилмасангиз жуда қийналдик, — деди сўзини якунлаб. Офтоб аёлни кузатиб Ноилани хонасига чақиртириди. Ноила тортиниб кириб ўтиреди. Ҳол-аҳвол сўраш ва бошқа расмиятчиликлар тугагач:

— Синглим, шахсий ҳаётингизга аралашганим учун узр. Нега турмушга чиқмаяпсиз? — деди. Қиз ерга қаради, чуқур уф тортди.

— Бунинг тарихи узун. Шу сабабли, қўйинг, яхиси ҳаётдан шундай ўтмоқчиман.

— Ноила, биласизми, одам юрагида энг нозик сирларини ҳам ишонган одамига айтиб туриши керак. Акс ҳолда ичда сақлаб, эзилиб юриш соғлиқ учун кони заарар. Биласизми, менга ишониб айтилган гап ҳеч қачон тилимдан чиқмайди. Юрагимда қолиб кетади. Агар ишонсангиз айтинг, кўлимдан келганича ёрдам қиласман.

Ноила бош чайқади.

— Менга Яраттандан бошқа бирор ёрдам бера олмайди, — деди хўрсиниб.

— Истасангиз айтинг, яна ҳам ўзингиз биласиз.

— Вақтингизни олиб нима қиласман. Ҳозир бирортаси кириб қолса, сўзимиз тўхтаб қолади.

Офтоб стол ёнбошидаги тутмачани босди. Котиба қиз кўриниш берди.

— Азиза, мен тумандаги йигилишга тайёрланаяпман. Шунинг учун ҳеч кимни киргизмайсан, телефон күнғи-роқларига ўзинг жавоб беріб тур, — деб тайинлади.

Ноила бир оз ўйчан ҳолда сүз бошлади:

— Университеттінг учинчи босқычыда үқиб юрганимда тошкентлик курсдошим Зарифа уйларига таклиф қилды. Шанба куни эди, барибир зерикіб ўтиргандан күра борсам бора қолайин деб бирга жүнадик. Ҳамхона қызға «Мен ўртогимниңкіга кетаяпман, хавотир олма», деб та-йинладим. Улар Юнусободдаги маҳалләда туришар экан. Йўналиштаги автобусдан тушиб ҳовлига кирдик. У сумкасидан калит олиб дарвозаны ва уй эшигини очди. Мен ҳайрон қолдим. Бир ўзинг турасанми, ота-онант қаерда дедим. Атрофга қараб лол қолдим. Кўм-кўк дараҳтлар, гуллар, ҳамма ёқ озода. У йўл-йўлакай ота-онасининг Бухородаги опасини кўргани кетишганини, бир ўзи қолгани сабабли мени таклиф қилганини айтди. Уйга кирдик. Қишлоқдан чиққан эмасманни, анқайиб қолибман. У ўзини баъзи-ларга ўхшаб қишлоқдан келган қизлардан юқори тутарди. Музлатгичдан гўшт олиб овқатта уннаб кетди. Икковлашиб дастурхон тайёрладик. Овқат пишгунча енгил танаввул қилиб чой ичиб олдик.

— Ҳаммомга кириб, ваннага тушиб чиқ,— деди Зарифа. Мен ён томондаги эшикни очиб ичкарига кирдим. Икки томонга ҳам одам бўйи келадиган ойналар ўрнатилган, оппоқ ялтираб турган кафеллар тўшалганди. Ваннани кўп жойда кўрганман, кўзим тушган. Унинг қандайligини тасаввур қиласдим. Бу эса уч киши бемалол сифадиган ба-ланд ва каттакон эди. Зарифа бу орада уни сувга тўлдириб қўйганди. У сувнинг ҳароратини текшириб, кран жўмра-тини буради. Сув кучли босимда отилиб чиқарди. Сочла-римни куритиб, Зарифа берган халатни кийиб энди овқатланамиз деганда эшик қўнғироги жиринглаб қолди. У:

— Ким бўлди экан, шу пайтда келган, — деб чиқиб кетди. Қайтишида кўлида катта кути кўтарган йигит билан кирди. Шунга ўхшаган қутини ташқарига чиққаним-да деворнинг чап томонидаги стол устида кўргандим. Зарифа менга у йигитни амакиваччам деб таништирди. Мен бу йигитни танир эдим. Анчадан бери олдимдан чиқиб, мен билан танишмоқчи бўлиб юрарди. Отамнинг қаттиқ илтимоси ва талабига кўра шаҳарлик йигитлар билан танишишни хоҳламасдим.

— Э, яхши қиз салом. Саломатмисиз. Күришган жойимизни қарангта, — деб мулозамат қилди. У сўрашиб қайтиб чиқиб кетмоқчи бўлди.

— Қаёққа кетаяпсиз, ризқингиз баланд экан, овқатнинг устидан чиқдингиз, ўтилинг, — деди.

— Акам тайинлаган мана бу ноёб нарсани топиб олиб келгандим. Келсалар айтасиз. Қайтишим керак, — деди қўлидаги соатта қараб.

— Иш ўлсин, у ҳеч тамом бўлмайди. Ўтилинг, овқатланиб кетинг, — қайта таклиф қилди. У иккиланиб ўйланаб турди-да:

— Ҳа, майли, ризқимизни ташлаб кетмайлик, — деб омонатгина ўтириди. Ўртоғим музлатгичдан қандайдир ичимликни олди. Мен унинг очилишига қаршилик қилдим. Зарифа:

— Туроб ака, бемалол ўтилинг, бизга соқийлик қилинг, — деб илтимос қилди.

— Ҳа, ундей бўлса бугунги ишларни отложит қила-миз, — деб костюмини ечиб ўтириб олди. Қаршилигимга қарамай пиёлаларга қип-қизил ичимликдан қўйди. Бизнинг уйда ҳеч қанақа ичимлик ичилмаган. Мен ҳам ҳали-гача ичиб кўрмагандим. Жуда қолоқ экан, деб кулмасин деган мақсадда Зарифа нима қилса, таваккал, мен ҳам шундай қиламан, деб ўйладим. Ичсам ҳам ўзимни тутиб ўтирсам бўлди, деб ўйлардим. Бундан ташқари, йигитнинг менга мулозамати жуда самимий туюлди. Мен овқат олдидан унча қаршилик қилавермай ичимликни қўлимга олдим. Туроб қадаҳ сўзи айтди.

— Агар биринчи қадаҳни охиригача ичмай қолдирса, яна қуиб берамиз. Иккинчи марта ичиш талабга кўра бўлади, — деди. Мен унинг айтиётган сўзларини тўғри қабул қиласадим.

— Одина биринчи бўлиб ичсин, — дедим. У бир кўта-ришда ичиб юборди ва Туроб тутиб турган ялтироқ қофозли шоколаддан газак қилди.

Кўп жойларда кўрганман, ичкилик ичгач, қандайдир шўр ёки аччиқ нарса ейиларди. Конъяқ ичгач, шоколад ейиш кераклигини билиб олдим-да, мен ҳам бирдан кўта-риб ичиб юбордим. Кўзим чиққудай бўлиб ичим ёниб кетди. Мендаги ўзгаришни улар ҳам сезди. Лекин мен ўзимни тутиб олиб, йигит тутиб турган шоколадни оғзимга солдим. Шундан кейин овқат ейишни бошлидик. Зум ўтмай

бир пиёла конъяк ўз кучини кўрсатди. Мен ўзимни жуда баҳтиёр ва эркин тутардим. Косалардаги ярим қилиб сузилган шўрвани ичиб бўлгач, лагандаги гўштга навбат келди. Унгача гап-сўз, ҳазил-мутойибага айланиб ултурган эди. Зарифа шишани очиб яна куймоқчи бўлди.

— Ие, менинг ҳам кўлим қайтмасинда, мен ҳам бир тилак айтмоқчиман, — деди. Бу сафар ичимликни қишиқизил чиройли, лекин катта қадаҳларга куйилди. Унинг ичидаги ичимлик деярли бор-йўқлиги билинмасди. Иккинчи қадаҳни ҳам кўлимга олдим. Энди мени жуда ҳам қисташнинг ҳожати йўқ эди. Аввалги тортичоқлигим анча камайган эди. Зарифа дўстлик, тинчлик ҳақида анча гапирди. Унинг қанча ичганини билмадим. Лекин мен ўзимнинг қадаҳимни охиригача ичдим. Кейин билсам, улар иккинчи қадаҳни шунчаки номигагина кўтариб, лабига тегизиб қўйган экан. Зарифа ўрнидан туриб мусиқа кўйди. Ундан юракни қитиқловчи ажиб бир куй янгради. Мен жуда яхши рақсга тушар эдим. Мен кўп ҳам ноз қилмай рақсга тушиб кетдим. Ўйнаётганимизда Туроб кичкина қадаҳга ичимликдан куйиб газак тутиб турарди. Ихтиёrsиз ҳолда қаршилик қилмай иchar эдим. Кулардим, оламда мендан баҳтли қиз йўқ эди. Дунёнинг ташвишларини унугтандим, фақат кулардим... Туроб уйланган, икки боласи билан ажрашган экан. Мени кузатиб юриб, суриштириб соддалигимдан фойдаланиб кўлга туширмоқчи, агар ёқиб қолсам уйланмоқчи экан. Курсдошимни уйга таклиф қилиши, йигитнинг кириб келиши атайлаб уюштирилган экан. Мен эса уларнинг қурбонига айланиб қолган эдим. Менга қайта-қайта ичклилик тутаётган пайтда ўзлари ичмай шунчаки қадаҳни кўтариб, яна жойига қўяётган эканлар...

Эрталаб кўзимни очиб қаерда ётганимни эслолмай антрайиб қолдим. Аъзойи баданим зирқираб оғрирди. Юрагим ёрилар даражада кўрқиб, туришга ҳаракат қилдим. Тўшакка қараб йиғлаб юбордим. Шу пайт Зарифа кириб келди. У ўзини вазмин тутар, ҳамма ишга гўё фақат мен айбдордай эдим.

— Ноила, биласанми ўртоқ, мен сени шунчалик енгил қиз деб ўйламаган эдим, — деди.

— Нима дединг, мен енгилтакманми?

— Ҳа, кеча кечкурун рақсга таклиф қилганда Туробнинг бўйнига осилиб олдинг. Сизни яхши кўриб қолдим,

дединг. Тураб ундей деманг, деса, «нима мен сизнинг севгингизга арзимайманми», деб туриб олдинг. Ҳатто ўзингни унинг кўлига ташлаб ётоқхонага бошладинг, — деди қовоқ уюб.

— Наҳотки, шундай қилган бўлсам, йўқ бўлиши мумкин эмас, — бор овозда йиглаб юбордим.

— Додлама, сен ўзингни шармандаларча тутдинг, энди ўзинг пиширган ошни ўзинг ичасан.

— Энди нима қиласман. Туробнинг ўзи қани. Менга уйланармикан, — дедим кўркқанимдан энди нима қилишимни билмай.

— Туроб уйланиб ажрашган, мен гаплашиб кўрай, балки сенга уйланар, — деди Зарифа бамайлихотир. Кечагина мендан кўра баҳтлироқ қиз оламда йўқ эди. Шу уй ва ҳовлилар жаннат мисол кўринган эди. Ҳозир эса нақ дўзахнинг ўзи бўлиб туюларди. Шундан кейин Туроб билан учрашувимиз кўпайди. У менга «сенга уйланаман», деб таъкилларди. Биз уларнинг Чилонзордаги икки хонали ҳеч ким яшамаётган уйида учрашардик. Бир куни телефон жиринглаб қолди. Мен ваннахонада эдим. У ердан чиқсан Туроб ким биландир сўзлашарди. У мени ҳали ювинаяпти, деб ўйлаб бемалол гаплашаяпти. «Айтаяпманку, уйланмайман деб, шунчаки кўнгилхушлик учун юрибман», деган сўзини эшишиб аъзои баданим музлаб кетди. Туроб мени кўриб шошиб қолди. Мен сумкамни қўлимга олдим-да индамай чиқиб кетдим. Ўзим ўша пайтда ҳомиладор бўлганимни билмагандим.

Кунлар, ойларни минг азобда ўтказдим. Ҳомилам тўрт ойлик бўлганда Туробнинг олдига бордим. У мени беписанд кутиб олди. Мен фарзандимиз ҳақида айтдим. У менга уйланолмаслигини, бир ой илгари уйланганини айтди. Мен ундан ҳомилани олдиришга ёрдам беришини сўрадим.

— Эртага соат тўққизда шу ерда бўл. Унгача мен бирорта гинеколог билан гаплашиб кўяман, — деди хавотирланиб. Эртаси куни айтгилган вақтда етиб келдим. У менинг қўлимга бир қофозча тутқизди.

— Шу манзил бўйича бориб, номи кўрсатилган аёлга учрашасан. Менинг юборганимни айтгасан. Ҳаражатларини қилиб қўйдим, — деди.

Мен ўша манзилни топиб бордим. Розия исмли аёл уйида ноқонуний abortларни амалга оширап экан, у мени текшириб кўриб:

— Ҳомилангиз катта экан, — деди. Мен:
— Нима бўлса ҳам қутулсан бўлди, — дедим. У бўлса:
— Агар буни олиб ташласам қайта фарзанд кўришин-
гиз номаълум бўлиб қолади, розимисиз? — деди.

— Розиман, фақат отасиз, никоҳсиз бола туғибди,
деган тавқи лаънатдан қутилсан бўлди, — дедим. Аборт-
дан сўнг аҳволим оғирлашди. Катта пул олган докторнинг
ўзи ҳам шошиб қолди. Икки кун уйида даволаб, овқат-
лантириб турди. Шундан кейин аввал эркак зоти кўзимга
алдоқчи бевафо кўринган бўлса, кейинчалик фарзанд
кўролмасам нима қиласман тўрмушга чиқиб, деб ҳамма
совчиларни қайтардим.

— Ҳозирги совчи кўйган йигитни если-ҳуши, ду-
руст, — деб эшийтдим деди Офтоб.

— Биласизми, у мени турмушга чиқмаган қиз, деб
ўйлади.

— Йўқ, ундей демаса керак, чунки икки фарзанди
бор, ёши катта одам-ку. Сен у билан учрашувга чиқ. Гап-
лашиб, ўтириб озгина сездириб қўй. Лекин аборт қилди-
ганингни айтма. Мана кўрасан, у сенга уйланади. Агар
фарзанд кўрсанг яхши, башарти кўрмасанг унинг икки
боласини яхши тарбияласант, ўз болангдай бўлиб кетади.
Бағринг тўлиб, келажакда мудҳиш ёлғизлик балосидан
кутуласан. Ноила:

— Қани ўйлаб кўрай-чи, — деб чиқиб кетди.

Бирор ой ўтиб, Ноила қўлида таклифнома билан ки-
риб келди.

— Опажон, келаётган якшанбада тўйимиз бўлади.
Икки томон бир ерда ресторандаги ўтказадиган бўлдик, —
деди севинчини яширмай. Ноила чиқиб кетаётиб эшик
олдида бир зум тўхтаб, яна орқасига қайтди.

— Опажон, раҳмат сизга, — деди.

Шу йили Офтоб «Маориф аълочиси» нишони билан
тақдирланди. Саккизинчи март байрами муносабати би-
лан хўжалик ва мактаб биргаликда катта шодиёнага тай-
ёрланди. Байрамга фахрийлар, отахон ва онахонлар, иш-
лаб чиқариш илфорлари, ишчи-хизматчи аёл-қизлар ча-
қирилди. Мактаб ҳаваскорлик тўгараги аъзолари санъат-
ларини намойиш этдилар. Туман, хўжалик раҳбарлари сўзга
чиқиб, илфор аёл-қизларни табриклашди. Шунда фахрий-
лар орасидан Хожи бобо сўзга чиқиб, аёл-қизларни бай-
рам билан табриклаб, сўзи охирида шундай деди:

— Мана шундай илғор, обрўли аёлларимиздан яна бири — мактабимиз директори Офтобхон Номозовани алоҳида гапирмоқчиман. Бу қизимиз тиниб-тинчимас, меҳнаткаш. Мактаб атрофини гули-гулзорга, боғу-бўстонга айлантириди. Мактабда таълим-тарбия, интизом яхши йўлга кўйилди. Спортивиз, санъатимиз вилоятдан республика-гача бориб етди. У нафақат ишда, балки одамийликда ҳам тенгсиз. Қанчадан-қанча аразли оиласларни яраштирди. Беморлар, қийналганларнинг ҳолидан хабар олди. Мен Офтоб қизимни байрам билан табриклаб, келаси йигилишгача катта-катта унвонларга сазовор бўлишига тилакдошман, — деди.

Зални гулдурос қарсак овози тутиб кетди. Шу пайт кўл кўтариб, табриклаш учун Офтобнинг қайнотаси Тешабой aka сўзга чиқди.

— Мен бугун байрам билан ҳамма қизларимизни табриклийман. Ҳожи акамизнинг сўзи менга қаттиқ таъсир қилди. У бурилиб Ҳожи бобо турган томонга қаради. — Тўғри айтасиз, Офтоб келинимни, яъни қизимни қанча мақтасак арзийди. Кампиримиз иккаламиз бу қизимдан бир умр розимиз. Илоҳим ўсиб унсин, тупроқ олса олтин бўлсин, ўслим билан кўша-қарисин, — деб жойига бориб ўтириди.

У сўзини якунлаётган пайтда Офтоб қўлинни қўксига кўйиб, ўрнидан турди. Унинг кўзларида баҳт, севинч ёшлари кўринди.

ҲИСОБЛИ ДУНЁ

Сурайё ҳар томонлама тўқис, аҳил, иноқ оиласда ўсиди. Ахир у кимсан туман биринчи раҳбарининг қизи. Унинг отаси нақ ўн тўққиз йилдан бўён шу лавозимда ишлаб келмоқда. У уйларида икки акасидан кейинги қиз бўлиб, сал қаттиқкўл она тарбиясини олганди. Аммаси Ҳожар опа баъзида:

— Ҳай Дилбар, биттаю-битта қизингиз, отаси амалдор бўлса, бунча қаттиқ тергамасангиз, отасининг даврида яйраб ўйнаб қолсин, — дер эди.

— Опа, ахир бу қиз эртага бирор жойга келин бўлиб тушадику. Ҳозир ҳеч нарса ўрганмаса кейин қийналадику, — деб нолиб қўярди Дилбар опа. Иккала акаси олийгоҳларда таҳсил оларди.

Уларнинг уйлари хўжаликнинг марказида туманга яқин жойда бўлиб ташқаридан қараганда уйлари ҳовлига эмас, балки дараҳтзор боқчага ўхшарди. Асли касби агроном бўлганиданми ёки файрати, қизиқиши кўплигиданми у ҳовлисига йигирмадан ортиқ турдаги сон-саноқсиз мевали дараҳтлар экканди. Катта ҳовлининг гир атрофига эллил тупдан кўпроқ ёнроқ дараҳти баланд ўсиб, уйларини деярли кўрсатмасди. Атҳам буларни йигирма йиллар илгари хўжаликда агроном бўлиб ишлаб юрган пайтида ўтқазганди.

— Ёнроқ дараҳти уй олдидан сал четда бўлгани яхши. Чунки у ўзидан карбонад ангириди чиқаради, — дерди. Ҳар бир ёнроқ дараҳтининг оралигини тўрт-беш метрдан кўйган бўлса ҳам шохлар ёйилиб ўстанидан бир-бирларига ўтиб чирмашиб кетганди. Унинг ўртоқлари, ҳамкаслари гул жинниси, деб ҳазиллашарди. Ҳовлисида йўқ гулнинг ўзи бўлмаса керак. Йил бўйи икки ой — қишини ҳисобга олмаса, чаман-чаман бўлиб гуллаб ётишарди.

Буларнинг оиласидаги тартибни ҳавас қилса арзигулик томонлари кўп эди. Эр-хотин ҳеч қачон болалар олдидиа бир-бирлари билан айтишмаган, ҳатто бирор марта Дилбар опа эрининг юзига тик қараб гапирмаган.

Дилбар опа баъзан эрига:

— Анави туман котибининг уйи қасрга ўхшайди. Сиз нега уйингизни қайта кўрмайсиз, ёки бошқа данғиллама уй сотиб олмайсиз? Нега мол-дунё йиғмаяпсиз? — деб нолиб қоларди.

— Шунинг учун ҳам йигирма йиллардан бери бир жойда ишлаб келаяпман. Уйқум бехавотир. Дарвоза очиқ қолса ҳам тинч ётаман. Менинг кўлим булғанмаган ва ҳамиша шундай бўлиб қоламан, — дер эди.

— Ўғилларингиз эр етиб қолди, ҳадемай уйлантирамиз, бундоқ йиғиб кўйган ортиқча пулимиз ҳам йўқ.

— Ҳозирча ҳамма нарсанг етарли. Даствурхонингда камчилигинг йўқ.

Ўғилларни уйлантироқчи бўлсак, унга ҳам етадиган ҳаражатларни топиб бераман, — деб кўнглини кўтариб кўярди. Туман вилоятда энг илфорлар қаторида эди. Кўчалар, хиёбонлар, ҳатто пахта далалари четига ҳам дараҳт эктиради. Атҳам Собирович йиғилишида, ҳар йили мингминглаб дараҳтлар эктираётгани, вақти келиб одамлар буларни ким эктирганини эслашлари ҳақида гапирарди.

Атҳам Собирович анча вақтдан бери қон босимининг

юқориلىгидан азият чекарди. Пархез тутарди. Тоғдан кийик ўт олдириб, чой ўрнига шуни ичарди. Барыбир иш жараёними ёки бошқа сабабми, ҳарқалай тез-тез бетоб бўлиб қоларди. У жуда оғир ҳолга келмаса унча мунча касалликка парво қилмай оёқ учидаги ўтказар, ётиб қолмасди. Ишхона столи тортмасида, машинасида турли дорилар тайёр туради. Навбатдаги қон босими қўтарилганда кексароқ, бунинг устига қўзойнагини қўндириб юрадиган, қотмадан келган даволовчи шифокор:

— Атҳамжон, дунёга бир марта келасиз, нега соғлигинизни ўйламайсиз? Сиз бу касалингизга кўпам эътибор бермаяпсиз. Қўйинг шу ишни, таътилга чиқиб дам олишга боринг, ётиб даволанинг, — деб неча марта айтган. Лекин у:

— Организмим бақувват, ҳеч нарса қилмайди. Ўтиб кетади, — деб парво қилмасди.

Улар йигилишдан қайтишар экан, бошининг орқа томонида нимадир фувиллаб, кўнгли бехузур бўла бошлиди. Ҳайдовчи машинани касалхонага бурди. Етиб келишганида у батамом хушсиз ҳолатда эди. Шифокорларнинг барча ҳаракатлари бекор кетди. Атиги уч-тўрт соат олдин минбарда нутқ сўзлаб, барчанинг дикқатини ўзига қаратган тадбиркор бу одамнинг бандаликни бажо келтиргани ҳақида хабар беришганида қўплар:

— Воягина йигилишда ўтирган эдику, ўлим қош билан қовоқ орасида деганлари шу бўлса керак-да, — деб афсусланишиди.

Мусибат қайси уйга келса фақат ўшалар унинг жабрини чекади. Бошқалар, қариндош-уруглар турли маърқаларида келишади, йиглашади, кўнгил сўрашади. Ҳар кимнинг ўз муаммоси бор. Ҳаммаси аста-секин уй ўйлагига тарқалишади. Кечагина ҳаммани эътиборида бўлган одам секин-секин унугила борди. Айрилиқ азоби Дилбар опанинг қаддини эгиб қўйди.

— Намунча куйиб пишмасанг, бўлдида энди. Шунча йиглаганинг билан қайтиб келармиди. Бу ҳолда касал бўлиб қоласанку, — дейишди дутоналари.

— Тушунаман, лекин нима қиласай унугтолмасам. Ўттиз йил бирга яшаб бирор ёмонлик кўрмадим, мөҳмондек яшаб ўтибмиз, — деб зорланарди. Вақт олий ҳакам. Аста-секин ҳаёт ўз изига тушиб кетар экан. Аёл ҳаётга, яшашга интилиб ўзини ўнглаб олди. Иккى ўғлини уйлантириди. Ик-

каласи ҳам ҳаётда ўз ўрнини топиб, ишга жойлашиб кетишиди. Дилбар кечалари уйқуси қочиб ўйларди. Қизим ўнинчи синфни тугатди. Олтин медаль олиши керак эди. Чунки ўқиши батамом аъло баҳода эдида. Лекин медални совхоз директорининг ўғлига беришиди. Ҳозир уларнинг иши юришган, пули кўп. Сурайёнинг отаси-чи, ўн тўққиз йил бир ерда туман раҳбари бўлиб ишлагани билан шу яшаб турган уйларидан бошқа уй курмаган. Бу уйлари ҳам қишлоқдаги бошқа уйлар қатори, салгина баландроқ. Атҳам Собирович биринчи котиб бўлгандан кейин, туман марказидан уй олиб кўчишмоқчи бўлганида ота-онаси:

— Болам шу уйга сифмайсанми? Туман маркази атиги тўрт-беш километр. Қатнаб ишласанг ҳам бўлаверади, — дейишганди. Отa-она фикрини муқаддас билган ўғли шу уйда яшаб қатнаб ишлайверган. Кейинги пайтда шу уй ўрнидан сал бошқачароқ қилиб уй солганди. Иймон-инсофли, намозхон ота-она тарбиясини олган Атҳам бошқа жойдан уй олиб қўйиш, ёки дунё йиғишини ўйламаган. Туманда қурилаётган уйлардан иккитасига ўғилларини уйлантириб киргизишини мақсад қилиб қўйганди. Лекин тўсатдан келган ўлим барчасига нуқта қўйди. Ўғиллари уйлангач, биттаси совхозда қурилаётган уйларга кўчиб ўтди. Ўша йили Сурайё ҳам қишлоқ хўжалик олийгоҳининг ипакчилик бўлимига имтиҳон топширди ва ўқишига қабул қилинди. Икки акаси ишлар, онаси нафақа оларди. Ҳарқалай орттиришиб, Сурайёга ҳам пул етқизишарди.

Сурайёга олийгоҳда ўқиб юрган кезлари унга шаҳарлик Мансур исмли бойвачча йигит кўнгил қўяди. Пахта заводи директорининг ягона фарзанди бўлиб, ўта мағрур эди. Унинг онаси Моҳинабону оиласада айтганини қилдидрагидан аёл бўлиб, эри Орзубек ҳам кўпинча унинг фикри билан ҳисоблашарди. Орзубек ўғлини юрист бўлишини хоҳлар, Моҳинабону эса унинг шифокор бўлишини истарди. Мансурда эса билим олишга чидам ва сабот етишмасди. Лекин онанинг маслаҳатига биноан тиббиёт олийгоҳига ўқишига кирди. Таниш-билиш ва пулнинг кучи билан имтиҳонлардан ўтиб олди. Биринчи босқични аранг, отасининг бир неча марта келиб кетиши билан тамомлади.

Моҳинабону ўғлини койиган пайтда:

— Қўйинглар, мен ўликларни кесиб, уларни ўрганишга тоқатим йўқ. Яххиси мени савдо бўйича ўқишига киргизинглар, деб таклиф киритди. Унинг бу орзузи ҳам

ушалди. Олийгоҳнинг учинчи босқичида ўқиб юрганида қишлоқ хўжалиги олийгоҳида ўқиб юрган ўрготи Анвар түғилган кунига таклиф қилди.

— Эй дўстим, сингленинг оғатижон курсдоши бор, момақаймоқ. Уни қўлдан бермасдиму, афсус, бошқага унаштирилганман. Шунинг учун бундай гул begona бўлмасин, — деганди. Мансур кўринишдан анча кўркам, бунинг устига бойвачча бўлгани учун ҳам атрофидаги истаган қизни гапта солиб орқасидан эргаштира оларди. Унинг қиз ҳақидаги сўзига аввал эътибор бермади. Лекин шундай бўлсада совға кўтариб келиб қолди.

Сурайё курсдоши Оқибатларницида бир неча марта бўлган. Уларнинг самимий муомалаларини кўриб, бир яқин кишиларидек қачон уйларига таклиф қилса борар, унинг ўзи ҳам Оқибатни уйларига олиб кетарди.

Анвар синглисига Сурайёни олиб келишини таклиф қилади.

— Зўр ўртоғим бор, таништирамиз, — дейди. Түғилган кунини нишонлашни яшаб турган квартирасида ўтказадиган бўлишди. Шу куни ҳаво булат бўлиб, бир-икки томчи ёмғир ёғиб турган эди. Кечга томон чақмоқ чақиб шаррос ёғингарчиллик бўлди. Баҳор ҳавоси қизиқда — ҳадемай ёмғир тинди. Ҳаво жуда ёқимли бўлиб, кишининг баҳри-дилини очиб юборарди.

Мансур ўтиришда аввал қизга эътибор бермади. У ерда Анварнинг унаштирилган қайлиғи дугонаси билан ҳамда иккита курсдош ўртоғи таклиф қилинганди. Таомлар тортилди. Рақс тушишди. Мансур ўтиришнинг сўнгида бир мунча ўйчан ва камгап бўлиб қолди. У батамом Сурайёга боғланиб қолганди. Түғилган кун сабаб бўлиб, улар кейиччалик ҳам учраша бошлишди. Сурайё Мансурни шунчаки ёқтириб қолганди. У кутилмаганда қизнинг олдидан чиқиб қолар, илтифот кўрсатарди.

Мансур Оқибатдан унинг түғилган кунини билиб олди. Шу куни Сурайёнинг квартирасига эрта тоңга бир киши келиб, катта саватдага йигирма икки дона гулдан иборат гулдастани қўйиб кетди. Гулнинг ичида бир мактуб бўлиб «Түғилган кунингизга Мансурдан», деб ёзилганди. Уни кўриб Сурайё ва дугонаси ҳам курсанд бўлиб кетди. Мансур Сурайёни биринчи котиб бўлиб ишлаган одамнинг қизи сифатида билади. Кейинги кун боғ айланиб юришар экан:

— Эртага менинг туғилған күним. Уни бир ўртоғим-нинг квартирасида кичкина даврада ўтқазаман. Ўзимнинг квартирамда ўтқазсам уйимиздан ва бошқа яқинларимиз, ўртоқларимиз кўпайиб кетади. Кўнглим энг яқинлар билан ўтиришни истаяпти, — деб қолди. Сурайё:

— Нима бир ўзим бораманми, — деди ҳайрон бўлиб.

— Йўқ, нега энди, албатта Оқибат билан келасиз, — деди бамайлихотир. Эртаси куни Сурайё ўртоғига Мансурнинг таклифини айтганда:

— Албатта борамиз, шундай йигит таклиф қиласди-ю, бормаймизми, — деди. Машгулотдан кейин овқатланиб ўтиришганида Оқибат қандайдир ўзини безовта тутар, уни Сурайёга сездирмасликка ҳаракат қиласди. У йигитнинг турар жойини яхши билса ҳам Сурайё айттан манзилни атай-ин бир қоғозга ёзиб олдида:

— Дугонажон, сен ўзинг боравер, мен тикувчига кўйлак буюрган эдим. Шуни олиб етиб бораман, — деди. Оқибат гапираётганида ва ҳаракатларидағи безовталикни сездирмасликка қаракат қиласди. Унинг бу қолатини Сурайё сезмасди. У кийинаётганида ҳам, йўналишдаги машинага ўтириб ўша манзилга етиб келаётганида ҳам жуда баҳтиёр эди. Келишган, ўқтам бунинг устига бойвачча йигитни ўзиники қилиб олганидан мамнун эди. У белгиланган хона эшигига етиб келганда у кулфланмаган шунчаки ёпиқ ҳолатда турарди. Қиз ичкарига кирди. У ердан димлама ва хушбўй сабзавот, зираворларнинг ҳиди хонани тўлдириб юборганди. У ҳеч ким йўқлигини кўриб хижолат тортиб тўхтаб қолди.

— Келинг, келинг йўлингизга муштоқ бўлиб тургандим. Ҳозиргина ўртоғим қўнғироқ қиласди. У севгилиси билан келаётган эмиш, — деди телефонни кўрсатиб. Сурайё торгиниб юмшоқ креслога ўтирди. У зимдан хонага разм солди. Хона жиҳозларига қараб бу бойваччанинг уйи эканлигини сезди.

— Вақтни ўтишини қарангта, кечагина варрак учирив, ланка тепиб юрган бола эдик. Мана йигирма тўртни уриб қўйган, оила масаласида бош қотирадиган йигиттга айланиб қолибмиз. Кеча уйга борганимда уйдагилар сени уйлантироқчимиз, зўр қиз топиб қўйдик, дейищди. Мен уларга «Йўқ, ўзимнинг гўзал маҳбубам бор, шу қизни олиб берасизлар дедим». — У гапира-гапира дастурхонга алланарсаларни келтириб қўйди.

— Так, — у девордаги соатта қаради, — Мәҳмоналар келгүнича у-будан танаввул қилиб турамиз, — деб қызни дастурхонга таклиф қилди. Қадаҳларга ўткир спиртли ичимликдан қўйди.

— Хўш, улар келгунга қадар биттадан олайлик, сўз сизга, менга қандай тилагингиз бор.

— Аввал улар келсин, кейин ичайлик, — деди ҳаяжонланиб Сурайё. — Қолаверса, биласизку бунақа ичимликни ичолмайман.

— Ҳозир келиб қолишади, қани сиз менга бирор нима айтгингчи, — деб қызнинг кўлига қадаҳни тутди. У тортиниб ўзини нокулай вазиятта тушиб қолганини сезди. Шундай бўлса ҳам қадаҳни кўлига олди.

— Соғ бўлинг, баҳтли бўлинг, — деб уриштириб дастурхонга қўйди.

— Йўқ, бунақаси кетмайди. Агар тилагингиз рост бўлса биринчи қадаҳни оқ қилиб берасиз, ахир мен ҳам онамнинг кўзига суртган ёлғизиман-а, — ҳазилга олди йигит. Сурайё қадаҳни номигагина лабита тегизиб кўймоқчи бўлди. Лекин йигитнинг жуда яқин келиб турганидан уялиб, бир хўплаган бўлди.

— Қани, қани, ундей эмас, иккинчи зўрлаш йўқ. Кейингиси хоҳишга кўра. Лекин буни олмасангиз бўлмайди, — деди қистаб. Қиз, нима бўлса бўлди, майли биринчи сини ичсам ича қолай, кейин ичмайман, — деб ўйлади. Қадаҳни Мансурнинг ўзи тутиб, уни охиригача ичирдида, дарҳол газак тутди.

— Яшант, бу бошқа гап. Мана энди навбат бизга. Иккимизнинг муҳаббатимиз абадий бўлсин, — деб қўлидаги қадаҳни бўшатиб жойига қўйди.

— Мен овқатдан хабар олайчи, — деб қўзғали Мансур.

— Мен қарай қолай, — деди Сурайё.

— Йўқ, сиз меҳмонимсиз. Эртага уйларингизда сиз хизматда бўласиз, — деб ички хонага кириб кетди. Сурайёнинг бу вақтда озгина боши айланиб, кайфияти кўтарила бошлаган эди. Унинг дикқатини деворга илинган сурат жалб қилди. Баланд тогдан оқиб тушаётган зилол сув, кўм-кўк дараҳтлар чизилган манзара унинг кўнглини яна ҳам кўтариб юборди. Лаганда буғи чиқиб турган димламани кўтариб Мансур кириб келди. Қўлидагини дастурхонга кўйиб, ўзи қызнинг ёнига ўтирди. Кутилмаганда Сурайёни бағрига босди. Ўзини йигитнинг кучоғида кўрган қиз

бирдан сергакланди. Бошини у ёқ-бу ёққа ташлаб ўптири-
масликка ҳаракат қилди. У қизни бир муддат шу алфозда
ушлаб турдида, күйиб юборди.

— Кечириңг, ўзимни тутиб туролмадим. Шундай дил-
барсизки, — Мансур қизни мақтайды-мақтайды овқатланишга
ундади.

Иккинчи бор қадаҳларга қуяётган пайтда Сурайё қар-
шилик қилди.

— Мемонлар келишмаяптыку, — деди.

— Ҳозир келиб қолишади, — такрорлади йигит. —
Энди сүз навбати менга дүстлигимиз абадий бўлсин, меҳ-
муҳаббатимиз яна ҳам кучайсин. Юзларга кириб юрайин.
Сиздек барно қиз йўлимда ҳамроҳим бўлсин, — кулги
аралаш анча сўзлади-да, қўлидагини ичип юборди. У қиз-
нинг ёнига ўтириб:

— Менинг фикримга қаршимисиз. Ёшлик бу бебаҳо
неъмат. Ундан фойдаланиб қолайлик. Эртага ўқиши туга-
тиб уйга борсак яна турмуш ташвишлари, иш мажбурияти
елкамизни эзиб юборади. Ўшанда севги масаласи ҳам ик-
кинчи ўринга чиқиб кетмаса эди деб қўрқаман, — деди
нақ қулоғининг остида шивирлаб. Сурайё баҳтиёр эди. У
дунё ташвишларидан ҳоли, йигитнинг сўзлари нишонга
тегиб борарди. У Мансурнинг қўлидаги қадаҳни беихтиёр
ичип юборди. Мансур унга бир бўлак гўштни едирдида яна
қучогига олди. Бу сафар қаршилик камроқ бўлганлиги
сабабли лаблар ихтиёrsиз бирлашди. Шундагина қиз бир-
дан ўзига келди. Йигитни ўзидан итаришта ҳаракат қилди.

Шу тобда эшик қўнғироғи жиринглаб иккиси ҳам
хушёр тортишди. Эшик олдида Оқибат турарди. Мансур
аввал келишиб олган бўлсада, яна қўзини қисиб қўйди.
Унга қаратса Оқибат ҳам калласини силкитди. У ҳеч нарса
билимасликка олиб, тикувчидан шикоят қила кетди.

— Борсам ҳали тикимаган чала жойи бор экан. Дарров
тикиб бераман, деди. Карасам жуда кечикаяпман. Эртага
оламан деб келавердим, — деди. У гапининг орасида ярим-
дан озроқ қолган шишага қараб қўйди. Бу пайтда Сурайё
ширингина маст эди. Мансур пайтдан фойдаланиб уч қадаҳ-
га конъяк қўйди. Тўлмади, деган баҳонада иккинчи ши-
шани очди. Бу ароқ эди. У усталик билан Сурайёнинг қада-
ҳига ароқдан қўйди.

— Э, бунақаси кетмайди. Биринчидан конъякни бун-
дай катта қадаҳга қуишиш мумкин эмас. Бу ичимликни оз-

оздан кичкина рюмкаларда ичиш керак, — билағонлик қиласы Оқибат. У маңноли тикилиб турған Мансурға күзи тушиб, унинг аввал айттан сүзини эслаб гапини давом эттириди.

— Шундай ичимликни сиздай йигит тавсия қылса, албатта ичтанимиз бўлсин, — деди. У қўлига қадаҳни ушлаган ҳолда қисқача табрик сўзини айтди. Қадаҳлар уриштирилди. Сурайё қип-қизил бўлиб кетган, кўп куларди. У кўпам ноз қилмай ичиб юборди. Шундан кейин учаласи лаганни ўртага олиб, олинг-олинг қилишиб иштаҳа билан овқатни ейишга бошлиши. Лаган яримлаганда Мансур қадаҳларни яна бир бор тўлдириди. Унинг иккитасига оддий сув, Сурайёникига эса ароқ куйганди. Бу вақтда қиз анчагина сархуш эди. Йигитни қисқа нутқидан кейин учаласи яна оқ қилиб ташлади.

Оқибат шунчаки келажакни ўйлаб:

— Дугонажон, кўп ичиб қўйибсанку, энди ичмагин, — деди Мансур ички уйга кириб кетган пайтда. Икки хил кучли ичимлик ўз кучини кўрсатди. Қиз маст эди. Оқибат бир пиёла чой ичдида чиқиб кетди. Бу вақтда Сурайё креслага суюнганича ухлаб қолганди.

Йигит қизни даст кўтариб ёткөхонага олиб кирди. Қиз эртаклардаги малаклар каби гўзал эди. Мансур Сурайёга бир оз тикилиб ўтириди, эҳтирос билан оғушига олди...

Тонг саҳарда уйғонган қиз аввал қаерда ётганини, нима савдолар бўлиб ўтганини эслолмади. Фикрини жамлаб ёнига қаради. Йигит қаттиқ уйқуда эди. Сурайё ўзининг ҳолатидан хўрлиги келиб, ҳам кўрқиб йиглаб юборди. Ўрнидан туриб ювиниб чиқди. Сочларини тузатиб кийинди. Унинг аъзойи бадани зирқиради. Бу орада Мансур ҳам уйғониб, қизнинг йиглаб турганини кўриб бағрига босди.

— Йиглама, жоним, сени барибир ўзим оламан. Сен меникисан, — деди сенсираб. Сурайё ҳозир бунинг фарқига борадиган ҳолатда эмас, қўрқув ваҳимасида йиғларди, холос.

У квартирасига келиб, дам олиш куни бўлгани сабабли ўрин солиб ётди. Бир оздан кейин нон, ширинлик кўтариб Оқибат келиб қолди. Сурайё ҳозир ёлғиз ташлаб кетгани учун уришаман, ўпкалайман, деб турганида Оқибат эшикдан кира солиб бақира бошлиди.

— Ҳа, келдингми, жуда енгилтак экансанку. Йигитларни кўрсанг суюлиб, суюнгинг ҳам қолмас экан-ку. Одам

ҳам шунақа бетасир бўладими? Мен борганимда ичиб тайёр бўлган экансан. Кўй дугонажон, энди ичма десам ҳам “ишинг бўлмасин”, деб индамай олиб ичавердинг-а. Кетайлик десам йўқ, кетмайман ўзинг кетавер, дединг. Уят бўлдида. Ўша ерда ётиб қолдингми? Нима бўлди, тинчликми ишқилиб, — деди Сурайёга нима бўлганини яхши билса ҳам билмасликка олиб.

— Нима бўлганда ҳам бир ўзимни ёлғиз ташлаб кетишинг инсофдан эмас.

— Ҳа, нима қилай бўлмаса. Сен кетавер деб ётиб хурракни урдинг. Сени турғизолмасам. Мен билан ишинг бўлмасин, дединг. Сенинг ахлоқингта ҳайрон қолдим. Нима бўлди ўзи. Сенга тегиндими?

У бош иргади.

— Вой шўрим, нима қилиб кўйдинг. Майли энди йиглашнинг фойдаси йўқ. Барибир сенга уйланаман деб юрибди. Энди унинг кўнглига қара. Кўпам ноз-фироғ қилмай айтганини қилиб тур. Жонига тегсанг уйланмай ташлаб кетади. Унда ҳолингта маймунлар йиглайди, — деди аччиқланган оҳангда.

Улар шу тахлитда бир неча марта учрашишди. Мансур дипломини олиб уйларига кетишга тайёргарлик кўраётганида Сурайё ҳомиладор бўлганди.

Мансур бу янгиликни эшитиб:

— Ўқишингни сиртқига ўтказ. Уйларингта совчи юбораман, — деди. Йигит шу куни уйига юз ҳижолатлик билан келди. Аввал келишида онаси ижрокўм раисининг қизини “қоғозга ўралган қантдек қиз” экан, шу қизни келин қиласиз, — деганди.

Сурайё билан бирга юрган бўлсада, бўйида бўлмагани сабабли бир иложи бўлар, деган умидда юрган эди. Энди уйланишдан ўзга чораси йўқ. Отасининг амалию, обрўси, ўзининг келажаги. Агар судга бериб давогарлик қиласа шармандачилик. Яххиси, нима бўлса ҳам уйланади. Ёқмаса марҳамат ковушини тўғрилаб орқасига бир тепади. Отасининг уйига бориб тушади. У шу ўй-фикрда онасига:

— Яхши кўрган қизим бор, ўшани олиб бера қолинглар, — деди дангалига.

— А, нима дединг. Яхши кўрганим дедингми? Нега аввалроқ айтмадинг?

— Ҳа, нима бўлибди, энди айтсам, — ерга боқди ўғил.

— Мен сендан бу ишни кутмагандим. Қаерлик, ким-

нинг қизи? Бизга тўғри келадими? — у устма-уст саволлар берарди.

— Жиззахлик экан, отаси йигирма йил районда райком бўлиб ишлаган экан.

— Ҳой, нега ҳа деб экан, экан дейсан. Ҳозир нима иш қиласкан?

— Отаси қазо қилган, икки акаси уйланган. Оилада бир қиз экан, — деди ўғли ерга қараб.

Онаси бу янгиликни отасига айтди. Орзубек:

— Уйланадиган ўғлинг, келинни эксперт қилиб олувчи ва у билан умргузаронлик қилувчи сен. Сенга қайси бири маъкул келса менга барибир, — деди. Кунлар ўтган сайин Мансурнинг диққати ошибб, онасини тезроқ совчилликка юборишга ҳаракат қиласкан.

— Ойи, борадиган бўлсаларингиз бормайсизларми,— деб тўнғиллади.

— Ҳа, мен сен айтган манзилга билдирамай одам юбориб ҳаммасини билиб олдим. Биринчи котиб бўлиб ишлаб фақат ном чиқарган экан. Уйлари ҳам қишлоқларникидай. Бирор кўзга ташланадиган жойи йўқ экан. Гапнинг анифини айтганда бизга тўғри келмас экан, — деди дангалига.

— Йўқ, ойи, бормасангиз бўлмайди. Тезроқ ҳаракат қилмасангиз... — у гапда чайналиб қолди.

— Ҳа, нима демоқчисан. Бормасак осмон узилиб ерга тушмайдими?

— Тушши ҳам мумкин. Тезроқ боринглар, тезлатинглар. Йўқса ...

— Бундай тушунтириброқ гапирсангчи, нима бўлган, ит тегмагандир.

— Келинингиз ҳомиладор. Тезроқ тўй қилмасангиз қорни сезилиб қолади, — шартта айтди, кўйди.

— Вой, келинингиз дема-я. Юзи курсин у расвони. Қорнини қаптайтириб келган келин оламан, деб ўстирганмидим сени. Нонкўр, аглаҳ,— деб бақириб юборди. Энди қайсарлик қилишнинг фойдаси йўқлигини ҳис қилган Моҳинабону кечқурун эри келганда ҳамма гапни айтиб берди.

— Нима қилибди, ҳомиладор бўлса ўғлингдан эканку. Тўйни тезлатиб юборайлик. Ҳаракатингни қил. Мунча куйиб пишасан. Сен айтганингдан кейин мен ҳам суриштирдим. Жуда обрўли, яхши одам бўлган экан отаси.

— Ие, раҳбар бўлмай ҳар нарса бўлсин. Шунча ишлаб

тузукроқ уйлари ҳам йўқ эканку. Ойликка қараб кун кўрармиш. Энди тенгимиз ўшалар бўладими? Қуданг ким деса, кимни кўрсатамиш. Биласизку ҳозир ўғлиниң кела-жагини ўйлаганлар казо-казолар билан куда бўлишаяпти. Уларнинг келажаги йўқ одамларга ўхшайди.

— Кўй, куйиб пишма, фойдасиз. Нима бўлса ҳам тўйни тезлат. Биттагина ўғлимиз. Олий маълумотли, оқ-корани таниган йигит. Дуч келган қизга кўнгил очмаган бўлса керак. Демак, келинимиз ўғлимизнинг дидига мос бўлса керак.

— Сиз ҳам келинимиз дейсиз-а, қаердаги тавияни.

— Ахир келин демай нима деймиз, қизим демаймиз-ку, — Орзубек шундай деб чиқиб кетди.

— Келин эмиш, имкони бўлса эшигимдан киргизмас эдим-а. Ҳа, болам енгилтаклигинг билан бўйимизга бўй бўлмаганларга тенгладингга, — деб норизо гудурланарди.

Моҳинабону тўкин хонадоннинг қизи. Отаси Кўлдош кўп йиллар колхозда бош муҳандис, онаси эса мактаб директори бўлиб ишлаган. Оиласа уларнинг тўрт фарзанди бўлиб, учтаси ота-оналари каби камтар ва одобли эди. Моҳинабону эса мағрур, бетга чопар бўлиб ўсади. Дарс пайтида баъзан писта чақиб ўтирас, орқа томондаги болалар билан гап талашиб жаңжал чиқарарди.

— Ойим мактаб директори, ким ҳам мени уриша оларди, — деб ўйларди. Бир куни онаси дўкондан икки қизига бир хилда тайёр тикилган кўйлак олиб келди. Моҳинабону-дан икки ёш катта опаси:

— Вуй, бунча чиройли, — деб кийиб олди. У эса кўйлакнинг у ёқ, бу ёғини кўриб:

— Фу, модадан қолган бунаقا кўйлакни киймайман, — деган. Унга қараб туриб ота-онаси:

— Бу кимга ўшаган бўлди. Биз кагтаписанд бўлмасак. Бу бунчалар димоғдор-а, — деб ҳайрон бўлишарди.

Ёзниң иссиқ кунларидан бирида ҳовлидаги соя салқин сўри устида ўтиришиб тушлик қилишарди. Шу пайт дарвоза олдига “хайр қилинг”, деб бир гадой келиб қолди. Уларнинг овқатланаётганини кўриб:

— Ҳой яхшилар, менга ҳам бир пиёла чой берингизлар, — деди.

— Киринг, келинг биз билан чой ичинг, — деб таклиф қиласади Кўлдош.

Болалари индамайди. Моҳинабону эса:

— Энди бир камимиз гадой билан бир дастурхонда чой ичишимиз қолувди. Нега уни чақирайпсиз? — деди жаҳли чиқиб. Улар ўтирган жойга яқинлашиб қолган чол қизнинг гапини эшигиб тұхтаб қолди.

— Келаверинг, эътибор берманг, қани ўтириңг, — деб Күлдош ёнидан жой берди. Шунда Моҳина болуның күлидаги қошиқни столға тақ этиб қўйдиди силтаниб туриб кетди. Гадой овқатланиб кетгач, Күлдош ўзича қизини чакириб койимоқчи бўлганди, тескариси бўлиб чиқди.

— Нима энди исқири, битлиқи ўтирган жойда ўтириб шу ушлаган пиёлада чой ичамиزمи? Нега ҳар бир қаланғи-қасанғиларни уйга таклиф қиласерасиз? — деб зарда қилди.

— Хой қизим, қўйсангчи, бу нима деганинг. Гадой ҳам худди ўзимиздек одам. Унинг фарқи фақирилигида.

— Эй, қўйинг-е, одам эмиш чиқиб кетган бўлса ҳам ҳовлимиздан ачиган, сасиган ҳидлар келаяпти, — деди жирканиб.

Дарҳақиқат, куннинг иссиғида терлаб кетган кир кўйлаклаги чолдан аччиқ, ёқимсиз ҳид келиб турарди.

Кўлдош барибир қизига гап уқтира олмаслигига кўзи етиб, индамай кўя қолди.

Ҳайит арафасида кўшнилар бир-бириникига чўзма ёки ош тарқатишарди. Серфарзанд, бир оз камбағал туралиган қўшниси олиб чиқкан ошни кўриб нари суриб қўйди.

— Нега ундей қиласан, овқатдан жирканишинг нимаси, — деб онаси койиганда.

— Чурвақаларини тўйдирсинг олдин. Ош сузган товоғини қаранг, сири кўчган сопол лаганни ҳам ташлаб юбормай ишлатишади-я, — деди тап тортмай.

— Нима қилибди, сири кўчган бўлса ҳам ишлатса бўлаверади. Үнча катта кетма қизим. Сал пастга тушиброқ гапир. Отанг ҳам, мен ҳам бунақа эмасмиз. Бунчалар мағуррликни қаердан ўргандинг, — деди онаси.

— Нега паст кетишим керак. Сиз директор, отам бош муҳандис бўлса. Кўрмайсизми, иши тушганлар отамга “хўжайин” деб эгилиб туришади,— фуурланди Моҳина болуны.

У жуда кўркам бўлмасада, кўзга яқин, дуркунгина қиз эди. Дил изҳорини қилган йигитларга оилавий дара-жасига қараб муомала қиласерди. Ўзидан бир синф юқори

бўлган Обид исмли йигитдан совчи келганда:

— Энди бир умр сасиган мой ҳидлаб ўтарканмиизда,— деди юз-хотир қилмай.

— Кизим, мен сенга шунга тега қол деяёттаним йўқ. Нега у сасиган бўлсин, у илфор механизатор-ку. Ўзинг биласан. Лекин ҳаммадан камчилик топавериб қўнглингдаги шаҳзодани қаердан топар экансан,— деди ўйланиб.

Обид отаси ёнида юриб трактор ҳайдашни ўрганиб олганди. Механизаторлар курсини тутатиб, эндиликда далада мустақил ишлаёттанди.

Орадан бир-икки ой ўтиб, Обид уйланадиган бўлди. У шу ерлик бригадирнинг қизини олаётган эди. Тўйга таклифнома олгач, беписандлик билан:

— Таклифномани ҳам оддий, арzonидан олишибди. Бундай суратларни қўйдирив, буюргма асосида қилдирса ўлармиди, курумсоқлар,— деди менсимай. Қизларга қўшилиб тўйга борган Моҳинабону Обидга қараб лол қолди. Аввал эътибор бермаган эканми, куёвлик кийимида худди хаёлидаги кўркам бараваста йигит туради. Қизнинг юраги жиз этиб кетди.

— Нега аввал тузукроқ қарамаган эканман. Бинойидек эканку. Шу трактор ҳайдагани бўлмайди-да. Шу кўринишга олий маълумотли бўлганидами, менбоп йигит бўларкан-да,— деб хаёл қилди. Шу пайт улар ўтирган столга куёвнинг узоқ қариндошларининг бирини ўтказицди. Йигитнинг кўринишидан, ўзини тутицидан Моҳинабону айтганидек “простой” эмаслиги билиниб туради. Тўй бошлиниб озгина ичib олгач дарров таниша бошлиашди.

— Исмим Орзубек, Обиднинг бўлаваччасиман,— деди ён-атрофдаги қизларнинг эътибор бериб қарашаёттанини сезгач.

Гап-гапга уланиб, йигитни яқингинада олийгоҳни тутатгани-ю, ҳали бўйдоқлар сафидан ўчирилмаганигача билиб олишиди.

— Ў, зўрку, бу бошқа гап,— дилидан ўтказди Моҳинабону — буни кўлдан чиқазмаслик керак. У ён-верига разм солди. Бошқа қизлар ҳам унга илтифот кўрсатаётганини сезди. Лекин меҳмон бошқаларга нисбатан анча тўкис ва чиройли кийинган мағрур Моҳинабонуга назари тушиб қолди. Кўзлар бир неча марта тўқнашди.

Спиртли ичимлик жуда кўп қўйилган бўлиб, ёшлар дам келин-куёвнинг соғлигига, дам уларга баҳт тилаб кўта-

ришарди. Бора-бора баъзилари ўзларининг қаерда ўтириш-гандарини ҳам унугиб қўйиши.

Моҳинабону кетиш учун қўзғалди. Йигитлар ҳамон кўлларидағи қадаҳарни уриштириш билан банд. Орзубек ихтиёrsиз ҳолда қизни кузатиб қўйиш учун орқасидан юрди. Тўйхонадан чиқишигач:

— Яхши қиз, кузатиб қўйишга рухсат берасизми? — деб сўради.

Шу таклифни кутиб турган қиз қаршилик қилмади. Улар бир оз сўзсиз юришигач:

— Энди кетишингиз мумкин, уйимиздагилар кўриб қолади, — деди овози титраб.

— Исламизни Моҳинабону эканлигини дугоналарингиздан билиб олдим. Телефон номерингизни берсангиз. Суҳбатлашиб турардик, — йигитнинг овози ёқимли ва босиқ эди. Қиз айтган телефон рақамини кўнглида бир неча марта қайтарган йигит кейинги кун кўнгироқ қилди. Ҳар лаҳзада йигитнинг овозини эшишишга муштоқ бўлиб турган қизнинг юраги севинчдан орзиқиб кетди.

Шундан кейин уларнинг учрашувлари кўпайиб, охирни тўй билан тугади.

Не-не орзуласар билан келин туширган Орзубекнинг онаси тўйдан кейин келиннинг ишёқмас, бетга чопарлигидан ранжиб қолди. Лекин ўғлининг ва келинининг кўнглига қараб, тезгина рўзгорини бошқа қилиб қўйди. Алоҳида яшаш орзусида юрган Моҳинабону секин-аста оиласида сўзини ўтказа бошлади.

Табиатан оғир, майда гапга тоқати йўқ Орзубек ишлаб пул топиб келар, аёлининг ҳар бир гапи унинг учун фармон каби эди.

— Мен нима қилсан ҳам сизга яхши бўлсин деб, рўзғоримиз бут бўлсин, деб пул сарфлаяпман. Тенгларингиз ичида кам бўлманг, деб ҳаракат қилаяпман, — дер эди.

Орзубекнинг назаридаги аёли ғамхўр, оқила. Тўғрида, деб ўйлаб қоларди баъзан, хотинининг сўзларини дилида тақорорлаб. Топиб келганимни сочмаса, йиғиб-териб кўзга кўрсатса, ўғил туғиб берган бўлса, рўзгорим тинч. Яна нима қерак. Онам билан синглим нега бизни ёмон кўришади. Моҳинабонунинг сўзи билан айтганида «бегонада», шунинг учун гапиришиади, — деб ўйлайди. Онаизори ўғлига бир-икки шикоят қилиб кўрди. Лекин ўғлида ҳеч ўзгариш бўлмагач, қўл силтаб кўяқолди.

Аёл аёлнинг ҳолатини яхши билади. Келган кишини ёқтирмаса ёмон галирмайди, қовоғидан, ҳаракатидан озгина сездириб қўяди. Эрининг олдида меҳмонга турли нознеъматлар чиқариб ўзини яхши кўрсатади. Орзубек онаси ёки синглисни шикояти бўйича бирон сўз айтса борми, яхшилаб ёқасига ёпиштириб қўяди.

— Ўзингиз ўйланг, тунов куни акамникига кетмоқчи эдим, синглингиз келгани учун бормай яхшилаб кутиб олдим. Бирон оғиз ёмон сўз айтмасам. Боримни олдига қўйсам, қизғанмасам. Кўриб турувдингиз, бекаттача кузатиб чиқсан, яна нима қиласай энди. Бир хил хотинларга ўхшаб топганингизни отамникига ташимасам. Уйни озода тутсам. Айтингчи, бирон марта ёқангиз кир бўлиб ишга борганимисиз. Ёки қилган овқатимдан камчилик борми? — деб сўзларни қалаштириб ташлайди. Шундан кейин ким яхши, хотиним яхши, деб юрар эди. Димоғдор келиннинг дастидан онаю, сингил жуда кам келадиган бўлди. Моҳинабону бунга ҳам гап топар эди.

— Мана, синглингиз тукқанидан кейин онангиз бир ойгача қимирлатмай ётқизиб ҳамма ишларни ўзи қилибди. Кечаси билан чақалоқнинг бешигини тебратиб чиқаркан. Онангизга қизи билан күёви бўлса бўлди. Ўғилнинг кераги йўқ. Мен туғруқхонадан чиққандан кейин атиги икки кечча ётиб қолувдилар. “Вой-вой-ей, бунча боланг йиғлоқи”, деб баҳона қилиб кетиб қолдилар. Қизи эканда, йиғласа ҳам малол келмай қарайди, — деб гийбат қиларди. Вазиятга бир томонлама қараган аёлининг ҳар бир сўзини тўғри қабул қилган йигит унинг чизган чизигидан чиқмай, ишлаб пул топиш, уни фидойи аёли қўлига топширишдан бошқа нарсани ўйламасди.

Қаерда, кимницида яхшироқ нарсани кўрса дарров айтиб келар, шуни бунёд этмагунча тинчимас эди. Моҳинабону эринг сўйди, элинг сўйди, деган мақолга амал қилиб, давлатманд, топар-тутари яхши эрнинг паноҳида яна ҳам димоғдор бўлиб кетганди. Унинг бахтига Орзубек Моҳинабонуга севиб уйланди. Энди унинг мағрурлиги яна-да ошиб кетганди.

Иложсиз қолган Моҳинабону қайнисинглиси билан эшик очар қилиб Сурайёларникига кетищди. Иномарка машинадан тушган бу икки аёлнинг кимлигини улар дарров фаҳмлаб олган эдилар.

Сурайё ҳомиладор бўлиб қолгағамга ботиб, иложи бўлса ҳозирданоқ беписанд бўлиб қолган Мансурга тек-кунича болани тушириб ташламоқчи бўлиб қорнига ис-сиқ босди. Баъзи аёллар билан маслаҳатлашиб, турли до-рилар ичди. Сув тўла идишни кўтариб ташлади. Ҳовлида-ги дарахтга чиқиб, ерга сакради. Тащландиқча тош тег-мас, деганларидай болага зиён етмай ўсиб борарди. Тўрт ойликдан ошгач, капрон рўмол билан тортиб боғлаб кўйди. Энди унга охирги йўл, уйларига бориб онасига юрагини очиш. Сурайё кўнда, баъзан уч-тўрт кунда бир Мансурга кўнғироқ қилиб тезроқ совчи юборишиларини талаб қиласарди. Охири зир титраб онасига бор гапни айтиб берди. Онаизор юм-юм йиғлади.

— Энди нима қиласиз, агар йигит уйланмаса холинг нима кечади, — деб зор қақшади. Лекин Сурайё...

— Мана кўрасиз, совчи юборади, уйланади, — деди ишонч билан. Кейин Мансур ва унинг оиласи хақида эшит-ганларини айтиб берди. “Жуда бойвачча, катта одамлар”, бу гап Дилбар холанинг миясида ўрнашиб қолди. Ҳар кун Мансурнинг совчиларини кутиб турган аёл виқор билан келаётган икки хотинни тахминан таниди.

— Ўшалар бўлса керак, — деган фикр яшин тезлигидан хаёлида ўтди.

Уйлари ўртамиёна бўлгани билан атрофи боғ, гулзор, кўркам ва озода эди. Ҳовлини кўриб кўнгли жойига туш-ган совчилар одмитина кийинган Дилбар хола билан кўри-шиб, ўртacha ҳолатдаги уйга киришгач, бурунларини жи-йириб кўйишиди. Аёллардаги холатни Дилбар хола ҳам сезиб турарди. Агар қизи юкли бўлмаганидами, бунақа бурни кўтаришган ойимпошшоларни «Сиз ўз тенгингизни уйига боринг, бизга муносиб эмассиз», деб кўчани кўрсатиб кўярди. Ҳозир эса иложи йўқ. Қизи шуларнинг хонадони-га келин бўлиб тушаяпти, кейин бир гап бўлар. Аёллар кибр билан ўтиришиб ўзларини таништирдилар. Дилбар ҳеч нарсани билмагандек меҳмондорчиликни жойига кўйди.

Уларнинг олдига яқинларини чақириларди. Дастурхон-дан кўнгли тўлган бўлса ҳам барибир «рядвой» одамлар экан деб ўтиришиди. Қатиқ тўкилса юқи қолади, деганла-ридай Дилбар хола ҳам туманнинг биринчи раҳбарнинг аёли бўлгани сабабли унинг гап-сўзи, ўзини тутиши, дас-

турхонга кўйган таомларини кўриб ортиқча сўз айтишмади. Улар ўелининг Сурайёни севиб қолганини, келин қилиш учун шу ҳовлига келишганини айтишди. Шу бўйича ўз хурматларини сақлаган ҳолда кетиши.

Моҳинабону ҳам ўз қадрини ва ўринини биладиган аёл сифатида келинининг қорни билиниб қолмай, эл-халқ олдида гап-сўз бўлмай деб, тезликда эркакларни совчилликка жўнатди. Олди-бердиларни жойига кўйиб, тўйни тезлатиб юборди. Орзубек аёлининг талаби ва таклифига биноан ёлғиз ўғлига ҳовлининг чап томонидан олти хонали уй солдирган эди. Бу уй ичида алоҳида ҳаммом, дам олиш хонаси, ётоқхона, меҳмонхона мавжуд эди. Ҳамма хоналар энг сўнгги замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Қимматбаҳо гиламлар тўшалганди.

Моҳинабону қудасига ҳеч қандай мебель қилмаслигини, фақат кўрпа-тўшак қилишлигини айтди.

— Бизнинг ҳам ўзимизга яраша орзу-ҳавасимиз бор. Қўлимиздан келганча қиласиз, — деганида:

— Қилган мебелингизни кўядиган жойимиз йўқ, — деб қайтариб ташлади. Ўзича узоқни кўра оладиган аёл, барибир бир кунмас, бир кун ажрашиб кетишиди. Тақиртукурни озроқ олганимиз маъқул, — деб ўйлади. Хуллас, тўй бўлиб ўтиб, Сурайё келин бўлиб тушди. Унгача ҳомиласи олти ойлик бўлиб, қаттиқ бойлагани туфайли унча сезилмасди. Ўтган олти ой давомида қанчалар қайфургани, ташвиш чекканини ҳеч қачон унотолмайдиган даражага етганди. Нима бўлганда ҳам оқ кийиб, чимиликқа кириши, фарзанди никоҳли бўлиб туғилиши лозим эди. Шунинг учун ҳам камситишларга, қийинчиликларга чидади. Баъзи кечалар ёстиғи хўл бўлар даражада йиғлаб чиқарди.

— Ана шунаقا, ароқ ичиб майшат қилишнинг оқибати қанчалик ёмонликларга сабаб бўлди. Агар шу кўнгилсизликлардан чиқиб кетсан спиртли ичимликни ҳеч қачон оғзимга олмасдим, — деб онт ичди.

У қайнотасини бир мунча инсофли, ўй-фикрли одам деб эшиштганди. Сурайё шундай катта ҳовлини фирға-ширада туриб супурар, сув сепар, нонушта тайёрларди. Қайнота келининг зимдан назар ташлади. Бир оиласига ярашикли хусни борлиги, меҳнаткашу одоблилигини кўриб кўнгли тўлиби.

— Онаси, нега хизматкор аёлга жавоб бериб юбординг, — деди бир куни.

— Хизматкор келдику, бўлди-да, нега керак бошқаси, — чимирилди аёл.

— Келинингни ҳомиласи ўзинг айтганингдек еттинчи ойга ўтган бўлса авайлаш керак-ку.

— Ўлмайди, керак бўлса тукқунича ишлатаман. Ёқмаса тезроқ даф бўлади.

— Ундан дема, бу ҳам бироннинг фарзанди. Уволи бор. Ҳарқалай эшигимизга ярашиқли экан, — синчковлик билан тикилди аёлига.

— Ярашмай ўлсин эски тогора. Яна оқ кийганига ўлайми,—лабини бурди қайнона.

— Нега ундан дейсан, харна бўлганда ҳам биринчи кўз очиб кўргани ўғлинг бўлса, қорнидагиси ҳам ўзимизники бўлса. Сенга нима фарқи бор, қаерда бўлса ҳам боламиз билан бўлганку. Бунча фижинасан, — аччиғланди Орзубек.

— Ҳа, бунча ёнини олиб қолдингиз. Сизга ҳам кўз сузуб улгурдими дейман, — чақчайди Моҳинабону.

— Хотин, эсинг киравли-чиқарли бўлиб қолибди. Оғироёқли келининг ҳақида шундай фикрга боришга уялмайсанми, менга аёл зоти керак бўлса шу ёшимда ҳам онаси ўтмаганини қўйнимга солишга тайёр турганлар бор, — дангал айтди-қўиди. Ишнинг шу даражага боришини кутмаган аёл эсанкираб қолди.

— Ўлсина, элликни қоралаб қолган одамга қизлар тушиб қолибдими. Мунча осмондан келмасангиз, — унинг қўллари титрагди.

— Шундай қўшмачи эркаклар, айниқса, аёллар борки, бир ишорангда кетворган жононларни ест қилади, уни еб ўтирамайсан, бир қошиқ сув билан ютиб юборсан, — ҳазил аралаш жавоб қилди. Орзубек хотинини ўта рашқчилигини билар, шунинг учун ҳам унинг олдида аёллар ҳақида кўп гапирмасди. Ҳозир мавриди келганда унинг кўнглига бир оз фулфула солиб қўиди. У ўзининг қадр-қимматини яхши биладиган, зийрак киши эди. У аёлларга ўта эҳтиёткорлик билан муносабатда бўларди. Ўзидан олдинги директор маккора аёл тузогига тушиб, шарманда бўлганини яхши билади. Унинг қабулига ҳар куни заводда ишловчи аёл-қизлардан камида беш-олтитаси турли масалада киришарди. Баъзилари арзимаган иш билан кириб, ўзини кўз-кўз қилишади. У ҳеч қачон уларга сир бермайди. Чиройли ёш аёллар қабулига кирганда баъзан:

— Синглим, эшикни очиб қўйинг. Хона дим бўлиб кетибди, — дерди, гарчи у ердаги совуттичлар хонани бир меёрда сақлаб турган бўлса ҳам. Ёки тутмачани босиб, котиба қизни чақириб унга қандайдир топшириқ берар ва кутиб туринг, мана бу синглимни ишини бирёзлик қиласай, кейин сизга қолган ишларни айтаман, — деб уни ҳам ўша ерга ўтқазиб қўярди. Бугунги қабулидаги аёл бутунлай бошқача:

— Уҳ, одамзот ҳам шундай лобар бўладими? Агар расом хаёлан паризодни суратини чизганда ҳам шунча ўхшатолмаса керак. Нималар деди, баъзи сўзларини эшитолмай ҳам қолдим. Ёлғиз онаман, битта қизчам бор, деди-я. Эй инсон, шундай парирухсорни қандай жавобини бериб юбординг. Ажралишга қандай кўнглинг борди, — деб ўзича ажрашган эрини айбларди. Орзубек, ўзининг тили билан айтганда «рядвой» бўлиб ишга кирган йилларданоқ кўп йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган отаси шундай деганди:

— Ўғим, мен сенинг келажагингта, иқтидорингта ишонман, сенга айтадиган битта қатъий насиҳатим бор. Агар ўсаман десанг, обрўли бўламан, десанг ҳеч қачон қўл остингда ёки бирга ишлаётган бирорта аёл зотига ёмон кўз билан қарамагин. Гўзалларнинг ҳаммаси бирдек разил ва маккора, деб айттолмайман. Лекин айрим рақибларинг чиройли аёлларни ишга солиб, оёғингдан чалишга ҳаракат қиласи, — деганди.

Аввалги котиба қиз турмушга чиқиб, ўрни бир неча кундан бери бўш турганини билган аёл дарҳол қабулхонага юргурганди. «Лекин бу аёлни котибаликка қабул қилсан арзиди, — кўнглидан ўтказди Орзубек. У аёлни турмушга чиқмаган қиз бўлса керак», деб ўйлаганди. Орзубек ихтиерисиз ҳолда аризага имзо чекди.

Эртаси куни у қабулхонага кирганда янги котиба қизнинг дидига кўнглида тасанно айтди. Хона озода, тартибли гулдондаги гуллар ифор таратиб турарди. Котиба ўрнидан туриб, Орзубекни кутиб олар экан, у бугун яна ҳам очилиб, гўзаллашиб кетганди.

— Кечирасиз, сизнинг хонангизни ҳам тартибга солай дегандим, менда калит йўқлиги учун киролмадим, — деди ноз билан сузилиб.

— Йўқ, йўқ хоналарни тозаловчи фаррош аёл бор, — деди қабулхонага кираётib.

Орзубек аёл ҳақида ўйламасликта ҳаракат қилиб, стол устидаги қоғозлар уюмита шүнгіб кетди. Эшик секингина очилиб, чойнак-пиёла күттарган котиба кирди. У күлидагиларни бошлигининг ёнига құяр экан, аёлга эътибор бермасликка уринган эркакнинг димогига шундай хушбүй атир ҳиди урилдики, ихтиёрсиз аёлга бир қараб қўйди. Моҳина-бону ҳам атирга ўч аёл. Пардоз ойнаси олдида турли мамлакатларнинг хилма-хил атирлари жой олган. Лекин бу аёл сепиб олган атир ҳидини ҳеч қачон туймаган эди.

— Қабулингизга келгандарни киргизаверайнми?

Бошлиқ қандайдир қоғозларни кўздан кечираётгандай аёлга қарамаган ҳолда:

— Ҳа, кираверсинлар, — деди. Шу онда унинг хаёлида:

— Ҳамма аёл ҳам бир хил. Бунинг юзи сал текисроқ. Буни яхши биламиз. Ёру жўралар даврасида аёллар ҳақида қизиқ, баъзан нозикроқ латифалар айтамиз. Аммо ҳозирига ўшаган аёллар билмадим, қанчадан-қанча манаман дегандарни йўлига зор қилиб, баъзан қўлидан қўғирчоқ бўлиб ўтса ҳам негадир интилаверамиз, — деган хаёл ўтди.

Иккинчи кун эрталаб гўшакни кўттарган Орзубек сирдош ўртоғи — вилоятда қурилиш бошлиғи бўлиб ишлаётган Бердиёрнинг овозини эшитди.

— Орзубек дўстим, дидингта қойил, бунақа гулрухсони қаердан топдинг?

— Қаердан эшита қолдинг, бурнингни ҳид билиши зўрда, дарров ис оласан, — чин дилдан хоҳолаб кулди.

— Кечанинг ўзида менга қўнғироқ қилишиб айтишган, кўргани бормоқчиман ёки қизғанасанми?

— Қўй-е, бундай гапларни, биласанку мен бузоқнинг ҳақи бор деб сигирнинг сутини ичмайман, — икки ўртоқ бир оз дилдан сухбатлашишди. Орзубек билади. Бердиёрнинг гўзал аёллар борасида суюти йўқ, мен билганим ўндан ортиқ машуқаси бор. Билмаганим қанчадир. Ўттан йили ўели аварияда ҳалок бўлганидан кейин бир неча ой босилиб қолганди. Йил ўтмай яна ўзини майшатга урди. Аёли билмаса керакда, Моҳинага ўшаган бўлса шунчаликка бормасди.

Тушликка яқин қабулхонада кимнидир баланд овозда гапираётгани эшитилди. Бу Бердиёр эди. У котиба билан кўришиб, нима ҳақидадир бир зум гаплашиб қолди. Сўнгра эшик очилиб ўзи кўринди. Бир оздан кейин чақчақлашаётганлар олдига чой кўтариб кирган котиба гап мавзуси асосан ўзи ҳақида кетаётганини сезди, — Оҳ, оҳ, шундай

гўзалнинг қўлидан чой ичарканмизда, кечирасиз исмингиз нима?

Бердиёр дилдан сўрагани билан Орзубекка қаради. У индамай елкасини учирив қўйди.

— Ие, ҳали бошлиғингиз исмингизни ҳам билмайдими дейман.

— Ўзлари сўраганлари йўқ. Билсалар керакда, аризамда ёзилганку, — у жон олгувчи кўзлари билан Бердиёрга маъноли боқиб чойни узатиб чиқиб кетди. Синчиков йигит уни бир зумда кўздан кечириб ултурганди.

— Бу бошқа гап, Моҳичехра — ойнинг чехраси ҳақиқатдан ҳам ойданда тиниқ экан. Эй бунча тўнка бўлмасанг, икки кундан бери исмини ҳам билмаган бўлсанг. Нима бало, хотининг ўқитиб, аёллардан совутиб қўйганми дейман, — ҳоҳолаб кулди. Кеча шу десанг уч-тўрт жойдан қўнғироқ бўлди. Котибангни овозаси оламни тутди. Нега илгари бу қиз ҳеч қаерда кўринмаган ёки бошқа вилоятданми? Эри бормикан? Лекин бундайлар оила курмайди...

— Ҳозиргача ҳеч қаерда ишламаган. Битта боласи билан яқинда эри билан ажрашибди....

— Ана айтдимку ёлғиз бўлса керак деб. Аммо қоматини кўрдингми? Туқдан аёлга ўхшамайди. Фигураси бузилмаган. Бунга бирор жойдан уй олиб бергинда, кўнгилхушигингни қилиб юравер. Ишдан бўшатиб ол. Котибангни довругини эшитган бойваччаю, амалдорлардан бир илиб кетмасин, — деди бошини чайқаб. Одамни сўз бузади дегандай кейинчалик майшатта, эътиборга, талпинувчи Моҳичехрага шашардан икки хонали уй олиб ўша ёқقا кўчирди. Ўрнига ўрга ёшли, ўзини тутиб олган бир аёлни котибаликка олди. Моҳичехранинг гўзалиги ҳақидаги хабар Моҳинабонуга етиб, уни кўриш учун қабулхонага келганида унинг ўрнидаги аёлни кўриб: «Мактаганлари шуми, қари аёлку, буни нимасини тарифлашди экан», деб ҳайрон бўлди.

Моҳичехра билан Орзубекни ширин учрашувлари бошланди. Орзубек ўзини ёшаргандай сеза бошлади. Моҳинабону шубҳаланмаслиги учун уни ҳам эътиборсиз қолдирмади. Вилоятта, бошлиғининг олдига, йиғилишга тез-тез қатнаб қолиб кетишларни тўғри тушунган аёлга совға-саломсиз қайтмас эди.

— Мен эртадан бошлаб таътилга чиқдим. Кримга дам олишга кетаяпман, — деди бир куни.

— Сизсиз қандай яшайман. Ҳар куни учрашмасак ҳам

ҳарқалай менга яқин жойда яшаб ишилдіттан эдингиз, — деди әркаланиб Моҳичехра. Худди атайлаб қылғандай дам олишга кетаман деган куни ёлғиз ўғли Мансур қорнини ушлаб ётиб қолди. Касалхонага келтиришганица уни күр-ичак билан оғригани маълум бўлди. Шу туфайли операция қилишга тўғри келди ва икки-уч кунга дам олиш саёҳати кечиктириладиган бўлди. Учинчи куни ўғли ўрнидан туриб юра бошлиғандан кейин, кўнгли жойига тушган Орзубек Моҳичехранинг олдига борадиган бўлди. Моҳинабону ҳам ўғлининг ташвиши билан чарчаган, уйларига дам олишга кетганди. Орзубек севгилисисининг ёнида тонгни оттириб, эрта аzonда самолётда учаман, деб ўйлади.

Сумкага энг керакли нарсаларни солиб, кечга яқин Моҳичехраларнинг уйига келди. Иккинчи қаватга кўтарилиб, кўнғироқ тұғмачасини босди. Ҳадеганда эшик очилаверма-гач, уни қайта-қайта босаверди. Ниҳоят эшик очилиб, Моҳичехра кўринди. У қандайдир безовта ҳолатда эди. Орзубекни дам олишга кетган деб, унинг келишини хаёлита ҳам келтирмаганди. Ҳеч нарсадан хабарсиз, ҳозир аёлни шодлигидан чехраси ял-ял ёниб кутиб олади, деб ўйлаган Орзубекка унинг эшик олдида титраб туриши галати ту-юлди. У ичкарига қадам кўйди. Аёл орқага сўзсиз чекинди. Нимадир кўнглига шубҳа солиб, ичкарига кирганда теска-ри қараб кийинаёттан Бердиёрга кўзи тушди.

— Сен, сен бу ерда нима қилиб турибсан? — У ғазабдан титрарди. Орзубек муштумини қисиб уни урмоқчи бўлдию, ниманидир эслаб шаштидан қайтди.

Бердиёр шундай бўлиши мумкин дегандай бамайлихотир кийиниб ташқарига чиқиб кетди. Моҳичехра бир четда дёворга қапишиб ранги гезарип турарди. Орзубек ўзини ту-толмай икки-уч шапалоқ тортиб юборди. Бор-йўғи ярим йилгина овунчони бўлган аёлнинг юзига туфладида чиқиб кетди. У сиҳаттоҳда бўлган пайтида ҳам бўлиб ўтган воқеа-ларни ўйлаб дам олгандек бўлмади. Шу билан аёл Орзубекни, у эса аёлни йўқламади. Ширин учрашувлар ниҳоясига етиб, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолди. Лекин Орзубек узок йиллар дўстим деб ишонган Бердиёрни йўқотди. У анча вақттacha гарантсиб юрди.

У шундай хаёлларда турган пайтда келин оҳиста кириб:

— Адажон, нонушта тайёр, чиқингизлар, — деди одоб билан.

— Қилпангламай ҳар нарса бўл-еї. Ойижон деб менга

айтса ҳам бўлардику, — тўнғиллари келинининг орқасидан қайноаси.

Орзубек аёлининг бу ҳаракатига ҳам бош чайқаб кулиб қўя қолди. Ҳаммаёқ озода, саранжом-саришта дастурхонга қараб кишининг иштаҳаси очилади. Чой дамланган, устига баҳмал ёпқич ёпилган, ҳамма идишлар батартиб. Келин шу аснода икки коса сариёф қўшилган сут олиб киради. Орзубек сутни ичар экан:

— Жуда мазали бўлибди, — деб қўйди.

— Нима дедингиз, мазали дейсизми, нима унинг ичига бирор нарса қўшилгани йўқ-ку. Хизматкор аёл пиширганидек сутга мой қўшган, холос, — жаҳо қилди қайнона.

— Ойижон, унга чой билан туз ҳам қўшганман, — деди Сурайё таъзим билан узатар экан. Унга жавобан:

— Мансур нега чойга чиқмаяпти, ҳали ҳам ухлаяптими? Турғизиб, чойга чақириб келсанг бўлмайдими? — зарда қилди Моҳинабону.

— Ўғлинг ёш болами, уни ювинтириб, кийинтириб чақириб келгани. Ишга бориши керак. Кап-кагта йигит ҳадемай ота бўлади, — аёлининг сўзини кесиб ташлади.

— Битта эрни эплаб, кўнглини топиб турғазмаса нима қилиб юрибди бу ерда. Чақирсан, ишдан чарчаб келгандир, — бобиллади. Келин ерга қараганича чиқиб кетди. Унинг кўзида ёш йилтиарди. У ётоқхонага кирганда Мансур уйғониб, керишиб ётарди.

— Сизни ойимлар чақирайтилар. Чойга чиқар экан-сиз. Боя ҳам уйғотгандим, ойим мени уришдилар, — деди ўйчанг холда.

— Ҳозирдан чақимчиликни, шикоятни бошладингми? Мен сенинг сўзинг билан иш қилмайман. Онамнинг сўзи сен учун қонун. Буни яхши билиб ол. Иккинчи марта ойим ҳақида арз қилма, — деди дабдурустдан.

«Бу ҳам қайнонамнинг ўғлига ҳар куни ўргатган гаплари. Мана бир соатдан кейин эркаклар ишга чиқиб кетишади. Ёқтиргмаган қайнона билан ёлғиз қоламан. У менинг ҳар битта ишим ва ҳаракатимдан камчилик топади», — деб эзилиб ўйланиб қолди.

Кунлар жуда зерикарли ва қийинчилик билан ўтарди. Уларнинг молхонасида иккита сигири бўлиб, биттаси тепонғич эди. Бир куни Сурайё уни согаётган пайтда беҳосдан тепиб юборди. У қорнини чанглаб букчайиб, турман деб ҳаракат қилди, лекин оғриқнинг зўридан бақириб,

үтириб қолди. Молхона томонда келинининг овозини эшишиб Моҳинабону бир оз кутиб турди. Кейин кўнгли бир хавфни сезиб у томонга юрди. Келинининг аянчли ҳолда ётишига қараб ижирғанди.

— Ҳаммаёғинг мол тезаги бўлиб кетибдику, нега ялпайиб ётибсан, турсанг бўлмайдими?

Сурайё жавоб бермади. У инграрди. Вазиятнинг жиддийлигини кўрган қайнона сигирнинг телиб юборганини билиб, дарҳол касалхонага кўнғироқ қилди. Кўшни хотинни чақириб келинини турғизиб, ювингириб тез ёрдам келгунча кийинтириб улгурди. Шу куни Сурайё туғруқхонада саккиз ойлик ҳомиласидан ажралди.

Моҳинабонуга шу керак эди. Энди ундан қутулиш осон. Орзубекка бу йўқотиш оғир бўлди. Чунки у ёлғиз йигит. Унинг устига ўғли ҳам ёлғиз бўлди. У тезроқ набира кўришни, авлод давомчилари кўп бўлишини истаганди.

Моҳинабону кўнгли қолса кетар, деб туғруқхонага Мансурни юбормади. Ўзи бир марта борди. Лекин онаси, акаянгалари ва бошқалар қатнаб туришди. Туғруқхонадан чиқаётган куни Сурайё ўйлади. Агар Мансур келмаса ўзларининг уйига кетади. Лекин Орзубекни қистови билан охирги кун бориб, уйига олиб келишди...

Моҳинабону ўзига яқин олган аёллар билан телефонда соатлаб гаплашарди: «Бундоқ тузукроқ кийинишини ҳам билмайди. Ким айтади йигирма йил раҳбар бўлган одамнинг хотини деб; тиила тақинчоқлари ҳам йўқ. Юраверишган эканда чоригини судраб. У ер, бу ерга кудам деб олиб боришга уяламан. Шунинг қизи нима бўларди. Пастлигига боради-да. Шу бўлиши бўлса боламнинг ҳам келажаги бўлмайди, косаси оқармайди. Бундоқ тагли-тугли, қуданг ким деса киройи ярашадиган, келажакда боламни ҳам суюб бирор яхши-ёмон кунда корига ярайдиган жойдан қуда бўлишини истагандим».

— Ундай бўлса шунчаки тўй қилиб кўйсангиз бўлмасмиди. ЗАГСдан ўтказиб нима қиласдингиз,— деди кибор, ўзига баҳо берган давлатманд дугонаси.

— Мен бу ёгини ҳам пухта-пишиқ қилиб кўйганман. ЗАГСдан ўтаётганда бошқа қофозларга қўл кўйилган. Бирор ерга расмийлаштирилмаган. Гувоҳнома ҳам ўшандада сохта эди. Шунчаки йўлига бузилган гувоҳномани беришган эди. Уни ичини очиб ўқимасданоқ ўғлим менга берган, мен уни йиртиб ташлаганман.

— Агар шикоят құлса нима қиласызлар?

— Шикоят құлса «Үша куни никоғдан ўтиш учун аризага құл қўйған эдинг. Ҳали никоғдан ўтганларинг йўқ, деймиз. Мудира ҳам билади. Шу куни атайлаб никоғдан ўтиш учун ёзилған аризага құл қўйдирив олганди. Арз құлса, ҳа келишган эди. Лекин улар биринчى ариза ташлашлари, кейин муддат етгач, никоғдан ўтказиб расмийлаштирамиз деб айтишади,—деди бепарво оҳангда.

— Вой бону, шунчалик ишбилармон экансиз-а, билмабман. Агар бирор олийгоҳни тутатганингизда вилоятга раҳбар бўладиган қобилиятингиз бор-а, — деб мақтаб қўйди.

— Биласизми, бу ишлардан отаси бехабар. Тўй ўтгач, айтдим. У бошини чайқаб қўйди, бекор қилибсан, деди. Ана шунақа. Энди боласи йўқ, ажралиш осон. Лекин неғадир хўжайним унинг ёнини олгани-олган. Кеча хизматкор аёлни яна чақиртириб олиб келтирди...

Шу пайт овқат кўтариб хизматкор аёл кириб, гаплари узилиб қолди. У чиқиб кетгач, икки бекорчи аёл яна валаклашга тушишди. Сурайё уйларига қўнгироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрай деб, йўлакдаги телефон гўшагини кўтарди. Унда қайнонаси билан аллақандай аёлнинг суҳбати қизиб бораради. У ўзгаларнинг гапини эшитиш яхши эмаслигини билгани учун ҳам гўшакни жойига қўймоқчи эди. Лекин улар айнан ўзй ҳақида гапиришаёттанини сезиб, қулоқ солишга мажбур бўлди.

— Беш-үн йил котиб бўлиб ишлаганлар ҳам қанчалар дунё йигишади-ю, бунинг отаси Миркуруқ бўлиб юраверган эканда.

— Ҳайронман. Ўзига дунё орттиришга ақли етмаган одам қандай шунча йил раҳбар бўлиб ишлаган экан.

— Честний бўлганда, честний, — бу сўздан кейин иккиси ҳам масҳаромуз кулишди. Сурайё чидаб туролмади.

— Сизларга ўхшаб давлатнинг пулини эгри йўллар билан совуриши керакмиди, — деди жаҳд билан.

— Вой ўлай Моҳинабону, ким у гапираётган. Кимдир гапимизни эшитиб турганми дейман.

Шу тобда овозлар тиниб қолди. Сурайё йиғлаганича нариги уйлари томонга кетди. Гапларини эшитиб турганини сезган қайнонаси ҳам аччиғланиб, ҳам хижолат тортиб қолди. Келинини ҳеч нарса демай хонасига кириб кетганидан ўйланиб қолди-ю, сизларга ўхшаб эгри бўлиши

керакмиди, деган сўзи учун бир таъзирини бердираман, деб қўйди. Сурайё ётоқхонага кириб обдон йиглаб олди.

— Бу нима қўргилик. Нима қилиб қўйдим. Шу тариқа яшаб бўладими? Янгаларим акаларимга қай тариқа турмушга чиққанимни достон қилиб бўлган. Улар айтмагандা ҳам икки-уч ойлик келинлик давримда қорним билиниб қолдику. Икки акам қанчалар изтироб чекишган бўлса керак. Онажоним барибир кечиради. Кўнглигта қарайди. Акаларимчи... Кўни-қўшни, қариндош-уруғларчи, — у шу ўй-хаёлда жуда сиқилди.

Кечки овқат пайтида Орзубек аёли билан ниманидир гаплашиб, кулишиб ўтиришганида ичкаридан қовоқлари йигидан қизариб шишиган Сурайё чиқади. Қайнотаси унинг йиглаганини сезиб:

— Қизим, тинчликми? Нима бўлди? Соғлигинг бўлмайтими? — деди.

— Дада, мен бир-икки соат олдин онамнинг соғлиғини билиш учун қўнғироқ қилайин деб гўшакни кўтарсам ойим билан бир аёл гаплашаёттан экан. Дарров жойига қўймоқчи эдим. Лекин булар дадамни фийбат қилишаётганди. Қачон бўлса камситадилар. Дунё, давлат йигмаган экан деб. Кейин у қайнонасига юзланди.

— Ойи, дадамлар мол-мулк йигмагани билан обрў, қадр йигди. Яхши фарзанд тарбиялади. Шаҳарнинг кўчасини ва боғчани отамнинг номига қўйишиди. Шу қадр бойлик эмасми?

— Тилингни тий, сен бизларни эгри, давлатнинг пулени совурадиган дединг. Исбот қилиб берасан эгрилигимизни, — бўш келмади қайнона. Орзубек аёлининг сўзини тўхтатди-да:

— Бас қил, етар. Тинч яшашга қўясанми йўқми. Ким қўйди сенга раҳбарларни муҳокама қилишга. Тўғри айтади, одамлар узоқ вақтгача у кудамни номини хурматлаб эслашади. Кўча ва боғчанинг номи туфайли ҳар куни бир неча марта тилга олинади. Эртага биздан нима қолади. Сен ўзингта керакли гапни сотиб олибсан.

— Келин, — у келининга юзланди. — Кўй ҳафа бўлма қизим, ҳаммаси яхши бўлади. Ойинг хатосини тушуниб қолади, — вазиятни юмшатди қайнота. Шундан кейин «Ҳа сеними», деган қайнона енг шимариб ишга киришиди.

Мансур ўзини жуда бепарво тутар, хотиним деб кўнгил сўраш, сұхбатлашиш йўқ. Сурайё қувватга кириб, энди

сөғайған күнләри курсдош дугонаси Ҳолида кириб келди. У Мансурни бир қызы билан бир неча марта бирга күрганини, уни машинасида олиб юрганларини айтди.

Аёл ўғлини бошқа қызлар билар учрашиб юрганини билгач, ўғлига усталик билан гап ўргатарди.

— Агар бошқага уйланадиган бўлсанг бизга муносиб одамлар бўлсин. Лекин сен хотинингта бепарво бўл. Ажралишаёттанингда шикоятга йўл қолдирма. Урмасам, сўкмасам егани олдида, кийгани етарли, хизматкорлар хизматини қўйса, яна нима керак бунга, — деб туриб ол. Бошқа аёл ҳақида гапирса, бирга ишлаётган қызлар, йўл-йўлакай машинамга миндирганман, дегин, — деб ўргатган.

Тўйдан олдин ва кейин ҳам Мансур Сурайёга унча бефарқ эмасди. Ўзи тенги йигитларнинг хотинидан ортиқ бўлса борки, кўриниши, ўзини тута билиши, маълумоти кам эмасди. Лекин онасининг сенга ва оиласизга номуносиб деб кечакундуз айнитишлари самарасиз кетмади. Ўғил бошқа қызлар билан вақтичоғлик қила бошлиди. Кечки овқатта Мансур кам қатнашарди. Кеч келиб, бошқа хонада ёки ётоқхонада тескари қараб ухлаб қоларди. Қайнонасининг камситишига чидар, лекин Мансурнинг ўзини тутишига қараб хўрлиги келди. Мансур эрталаб ҳеч нарса бўлмагандай ишига чиқиб кетарди. Сурайё эрига бошқа қызлар ҳақида гапирганда у бепарво:

— Қызлар ишхонамда, йўлда, ҳар қадамда учрайди. Бирга ишлагандан кейин таниш аёлларни йўл-йўлакай машинамга миндириб кетаман. Шунга нима бўлибди. Тунов куни тушлик қилиш учун барга кирсам синфдошим ўтирган экан. Бирга овқатландик, — деб уни ҳам кўшиб ўтди. Чунки гаплашиб юрган қизи билан ўтиришганида Сурайёning дугонаси кўриб қолган эди. Барибир етказиб келади, деб олдини олиб кўйди.

Мансур онасининг дашномларидан, ўргатишиларидан безиб, кўп қызларни кўз олдидан ўтказди. Отаси бой бўлса қизи ёқмасди, ёки қиз ёқса отасининг амалдор эмаслиги тўғри келмасди. Шундай күнларнинг бирида туман матлубот жамияти раисининг қизи билан танишиб қолади. Оҳ-оҳ, қизмисан қиз. Савлатли, келишган Мансур ҳам қизга маъқул келди. Энди фақат унга уйлангани ҳақида айтиш керак эди. Қизни учрашувга таклиф қилиб, совглар олиб бериб, ўзига ўргатиб олгандан кейин бир куни уйлангани ҳақида айтишга қарор қилди.

— Гулчирой, биласизми, менинг ҳайтимда бир қизиқ воқеа рўй берган. Анча кундан бери қандай айтишни билмай юрибман. Агар кўнглингизга олмасангиз айтиб берай, — деб қолди. Шу пайт қандайдир ёқимсиз шамол эсиб, стол устини ва таомларни чанг ва дараҳт барглари босди.

Кизнинг юраги ҳадиксираб унга қараб қолди.

— Ўтган йили бир курсдошимни туғилган қунида кўпроқ ичиб ётиб қолибман. Эрталаб менга ёнингиздаги ўтирган қизга тегиндингиз дейишди. Ҳой мусулмонлар, мен бу қизни илгари кўрган бўлмасам, кимнинг қизи эканлигини билмасам қандай қилиб қизга тегинаман, — дедим. Лекин улар ўзаро келишган бўлса керак, оёқтираб туриб олишди.

У куйиб-пишиб гапирав экан. Гулчиройнинг ранги ўзгариб, лаблари пирпираб борарди. Мансур энди гапни бошладимми, нима бўлса бўлди. Охирига етишм керак, деб сўзини давом эттириди.

— Орадан икки ой ўтгач, ўша қизнинг уйидан қизимиз ҳомиладор, унга уйланмасанг жавобгар қиласиз, деб келиб қолишиди. Отам ва мен тўй қилишдан бошқа чора топа олмадик. Онам норози бўлиб, дод-вой қилди, касалхонага тушди. Илож бўлмагач, кичикроқ тўй қилдик. ЗАГСдан ҳам ўтмадик. Мен икки ой давомида бирор марта унга яқинлашмадим. Агар туссанг болани текширитираман. Агар чиндан меники бўлса кейин бир гап бўлар, дедим. Буни қарангки, бола мендан бўлмагани, менинг бойлигим, маълумотим, ҳозирги лавозимимни ўзиники қилиб олишни мақсад қилиб кўйишгани аён бўлди-қолди, улар бизнинг бошқа жойда ҳам уйларимиз борлигини билишарди. Қолаверса, ягона меросхўр ўғилман. Бизнинг молдунёмизни жуда кўплигини ҳам сезишган экан. Онами кўриб келай деб баҳона қилиб уйларига бориб, болани эзиб ўлдиришибди. Чакалоқ ўлик туғилди. Шундан кейин менга керак эмассан, деб ҳайдаб юбордим. Лекин ҳали ашқол-дашқолини йигиб кеттани йўқ. Шу яқин кунларда арзимаган нарсаларини ортиб бериб юбормоқчимиз,— деди.

У атайнин қизни жаҳлидан тушириш, бир оз бўлсада ўйлантириш учун бойлигини, уйларини бўрттириб, қайтариб айтиб ўтди. Қиз бир зум жим бўлиб қолди. Унинг қовоқлари уюлган, лаблари чимирилган эди.

Мансур қизнинг қўлини ушлаб юраги устига қўйди.

— Мана, сезаётган бўлсангиз керак. Юрагим Гулчи-

рой, деб ураяпти. Мен сизнинг шайдойингизман. Сизни баҳтли қила оламан. Зарларга буркайман. Маликалардек яшайсиз. Яқинда бошқа машина оламан. Уни сизнинг номингизга ўтказаман, — у ваъдалар берар экан, қизнинг ранги ўзгариб бораради. У мамнун эди. Чехрасига ним табасум ёйилди. Озигина шабада эсиб атрофлаги гулларнинг ёқимили ҳиди димоққа уриларди. Тошдан-тошга урилиб, шовуллаб қирғокқа зарра-зарра бўлиб отилиб сачраб оқаётган сувлар ўта мафтункор кўриниш касб этар. Лекин бу гўзалликни мол-дунё ҳирс эгалари бўлган бу икки ёш сезишмасди. Уларнинг бири онасининг ўйтларидек бойваччанинг, ўзларининг тенгларини қизини алдаб бўлса ҳам илинтириш, иккинчиси эса уйланиб ажралишган бўлса ҳам бадавлат, ягона меросхўрни кўлдан чиқаргиси келмай йўлита ноз фироқ қиласди.

Шундай кунларнинг бирида:

— Мансур ака, бугун онамнинг туғилган куни, кечроқ бирга бориб келмаймизми? — деди Сурайё.

— Менми, эҳ нега кеча айтмадинг. Бир оғайнимни туғилган кунига жўралар билан борамиз деб келишиб қўйгандик,— деб баҳона қилди. Аслида онаси ҳеч қачон уйларига бормайсан, — деб тақиқлаб қўйганди.

— Майли, ўзинг боравер. Тўрт-беш кун туриб келишинг мумкин, — деди Мансур. У жанжал қилишга бирор баҳона топишга ҳаракат қилас, бундай вақтда Сурайё бир гапдан қолиб индамасди. Шу туфайли кунлар бир алфозда зерикарли ўтарди. Лекин отаси:

— Болам, ҳар бир нарсанинг ҳам уволи бор. Келинни хор қилма. Яхши одобли экан. Хаёлингни бузма, бу уйга ўзга келин керак эмас, — деб айтиб қўйганди.

Сурайё қайнонасининг олдига кириб:

— Ойижон, бугун онамнинг туғилган куни. Бирга бориб келмаймизми, — деди ийманиб.

— Йўқ, бир оз тобим бўлмай турибди. Борсанг ўзинг боравер, — деди бепарво. У ерга қараганича индамай чиқиб кетди.

Икки кун ўтгач, Мансур Сурайёни отасиникига кетганидан фойдаланиб, Гулчиройга бир кўнгил ёзиб ўтирайлик, дугоналарингиз билан келинг, мен яқин кунларда бутунлай ажралиб бошимни очиб оламан, деганди. Шу баҳонада келин бўлмишни онасига кўрсатиш, қизга эса бойлигини кўз-кўз қилиш эди. Гулчирой икки дугонаси-

ни олиб келганди. Мансур ҳам ўртоқларини чақыртирган эди.

Дастурхонга қарасанг күз қамашади. Тандир кабобдан, жүжа гүштигача, икрадан торғыб энг тансиқ таомларгача тайёрланғанди. Моҳинабону бўлғуси келинини кимнинг қизи эканлигини билар, унинг ўзига ярашиқли ҳусни ҳам мафтун этганди. Овқатланиб, ичкилик ичиб олишган уч жуфтлик мусиқа оҳангига рақс тушишарди. Уларни кузатиб турган киши рақсдан кўра бир бирларига ёпишиб чирмашиб олиб қўмирилаб турган уч гавдани кўрарди, холос.

Сурайё икки кун турдим. Энди кетайин, кўпроқ қолсам жанжалга баҳона бўлади, деб кетмоқчи бўлди.

— Кетаман десанг майли қизим. Лекин бугун кун жуда иссиқ. Кечроқ аканг машинасида олиб бориб қўяди, — деди қизини аяб. Ишдан келган акаси Тошпўлат овқатланаб бўлгач, йўлга тушиши.

Улар бир соатда етиб келишиб дарвоза олдида тўхташиди. Уйдагилар уни яна бир-икки кундан кейин келишади, — деб ўйлаб туришганди. Дарвозадаги тутмачани босганда Моҳинабону малол келиб дарвозани очди. Аёл Сурайёни кўриб анграйиб қолди. Акаси Тошпўлат ҳеч нарсадан бехабар:

— Куда хола яхшимисиз? — деб ичкарига кирди.

— Ойижон, яхши ўтирибсизми? Акамга мени уйга олиб бориб қўйинг, кундузи иссиқдан қийналиб юрмайин дегандим, — деди. Ҳовлига кирган келин нариги уй деразасидан рақс тушаётгандарни, мусиқа садоларини эшлитиб:

— Ойижон меҳмон борми дейман, — дея гапира-гапира уйлари томонга кетди. Қайнона нима қиласарини билмай қотиб турарди. Сурайё эшикни очди. Бу вактда икки жуфтлик чирмашиб рақс тушишарди. Улардан бири Сурайёни таниб мусиқани ўчирди. У ётоқхонага кирди. Ҳеч нарсадан хабарсиз, ичкилик ва висол таъсирида сархуш Мансур ва Гулчирой тўшакда қучоқлашиб ётишарди.

Хавотирда қолган қайнона, унинг орқасидан Тошпўлат ичкарига киришди. Уёқ-буёгини тузатиб ултурган Гулчирой ва бояги икки жуфтлик тезгина чиқиб кетишиди. Мансур ерга қараганича миқ этмай турарди.

Сурайё бир муддат қараб турдида «лаънати, ифлос», деди ва кичикроқ сумкага баъзи нарсаларини солиб чи-

қиб кетди. Лекин жуда қысқа вақтда кетганидан, бақириб жанжал құттармаганидан мамнун бўлган Мансур Сурайё-ни бутунлай чиқиб кетганига амин эди.

* * *

Қизининг қайтиб келганини эшитган Дилбар опа кўллари билан бошини чангллади. Қон босими ўта юқори бўлган аёл касалхонага тушди.

Докторлар Сурайёга ва акаларига оналарининг қон босими хавфли эканлигини, ҳозирча бир оз меъёрига тушгани, қаттиқ ҳаяжонланиш мумкин эмаслигини айтишди. Сурайёни келганидан норози бўлган кичик келин Феруза эрига ҳар нарсадан баҳона излаб шикоят қила бошлади.

— Синглингиз жуда беандиша бўлиб кетибди. Ойижонимга қаттиқ галириб, қон босимини кўтариб юборди. Ҳалиям Оллоҳга айтганимиз бор экан. Йўқса ундай кучли босимдан қон томирлари ёрилиб кетиши мумкин эди,— деди. Бошқа куни яна нимадандир айб топиб ёмонлади.

Дилбар опа касалхонадан келгач, Сурайё имкони бори-ча тантиқ янгаси билан тил топишишга ҳаракат қила бошлади.

Орадан бир ой ўтди. Лекин бу вақтда Мансурнинг уйидан ҳеч ким келмади. Дилбар опанинг кўнглида қудалари ёки күёви кечирим сўраб олиб кетса керак, деган умид учкунни турарди. Бир куни кечта томон дарвоза олдига бир юк машинаси келиб тўхтади. Унда Сурайёning келинлик кўрпа-тўшаги ва кийимлари бор эди...

Балки ярашиб кетар, деб ўйлаган келин яна ҳам тўни-ни тескари кийиб олди. Сурайё баъзан сиқилиб йиғласа:

— Йиғлагандан кўра яхши келин бўлишингиз керак эди. Яхши хулқи келинни ҳеч ким ҳайдамайди. Буни аввалроқ ўйлашингиз керак эди, — деб чақиб оларди.

— Мен қандай келин бўлганимни сиз қаердан биласиз. Мен билан нима ишингиз бор. Тилингизни тийиб юринг, — Сурайё яна нимадир айтмоқчи бўлди-ю ўзини тутди.

— Тўғри айтасиз. Мен сизга бегонаманку. Мени гапиришга ҳаққим йўқ. Тилимни тийиб юришга ҳаракат қиламан, — атайлаб овозини баланд қилиб айтишарди келин. Дилбар опа икки ўт орасида уларни тинччиш учун ҳаракат қиласарди. Лекин иккаласи ҳам бир гапдан қолгиси келмасди. Уларни эшитиб қолган акаси:

—Хой, құясизларми-йўқми, тинчлик борми ўзи, — деб бақириб юборди.

—Мен нима қиласай, ўзлари жаңжалға фурсат пойлайды. Ҳурматини қилиб индамай келдім. Менга тилингни тий, сен кимсан, деди. Ростда, мен сизлар учун кимман. Бегоналигимни юзимга солмаса ҳам ўзим биламан. Бундан кейин ҳаётимни ҳам қандай бўлишига ақлим етиб турибди. Ойижонимни қон босими юқорилигини билганим учун ҳам чидаб келяпман, — у гап орасида йиглаб уйга томон юрди.

— Ўзидан бўлди. Мени чиқишишимаяпти. Юрагим зардоб бўлиб кетди, — йиглаб юборди Сурайё. Эшик олдига етган келин темирни иссигида бос дегандай:

— Қачон қовоқ уйдим, ойижон сиз гувоҳсизку. Кўнглига келмасин деб, ҳаттоқи боламга ҳам қаттироқ гапиролмайман. Ёки кетишимни истаяптими? Майли мен билан яшашни хоҳламаса кетишим мумкин. Мен ҳам кўчада қолганим йўқ, — деди.

— Ўчир овозингни, ким сенга кет деяпти. Бунча шанфилайсан,— зарда қилди Тошпўлат. Дилбар опа қайси бирига нима дейишни билмай қараб турарди.

Эртаси куни Сурайё ажралиш ҳақида ариза бериш учун ЗАГС мудирасига учрашди.

— Опа бизнинг турмушимиз бузилиб кетди. Тўйимиздан кейин никоҳ гувоҳномасини йўқотишибди чоғи кўрсашибади. Орамизда фарзанд йўқ, — деди ғамгин бўлиб.

— Синглим, сиз ҳали никоҳдан ўтганингиз йўқ. Ўша куни сиз никоҳдан ўтиш учун аризага имзо чеккан эдингиз. Паспортингизга қарангчи, белги кўйилганми?

—Э, мен унга қарамабман. Лекин шу куни гувоҳнома берган эдингизку.

—Йўқ, эслай олмайман. Мана бу ерда қайд қилиш учун ёзган аризангиз бор, холос, — ўзини ҳеч нарсадан хабарсиздек кўрсатди мудира.

—Яхши бўлибди, бўёғи ҳам осон кечибди. Кутилганимга шукр, — деди Сурайё. Аммо ишни ўта режали қилишганидан, мудирани маккоралик қилаёттанидан ичичидан эзилди. У зўрға ташқарига чиқди. Унинг кўзларидан шошқатор ёш оқарди. Сурайё уйларига кайфиятсиз, тушкин ҳолатда қайтди. Айвонда Дилбар опа Тошпўлат ва келин тушлик қилишар, қандайдир кўрсатувни муҳокама қилиб кулишиб ўтиришарди.

Дилбар опа нимага кайфиятсиз қайтдинг, деб сўраганида:

— Мен ажралиш учун ариза ёзгани борган эдим. Аслида улар бизларни никоҳдан ўтказмаган экан. Улар аввалдан мудира билан келишиб ЗАГСдан ўтказдик, деб ёлғондан айтган экан. Сиз фақат аризага имзо қўйгансиз, деб ёлғон гапирди. Лекин уни энди исбот қилолмаймиз, — эзилиб гапирди Сурайё.

— Майли яхши бўлиди. Қайтага енгил ажралибсизлар, — кўнглини кўтармоқчи бўлди акаси. Бироқ бу хабар Дилбар опанинг сўнгти умидини ҳам сўндирганди. Қанчадан-қанча ёшлар кўрпа-тўшагини кўтариб келишиб, яна бир оз ўтгач ярашиб кетишади. Лекин булар аввалдан ажралишни ўйлашган эканда, деган ўй қийнаб ташлади. У ўрнидан туриб ичкарига кирдида, ўринга чўзилди.

— Энди қизим нима қиласди? Бор-йўғи бир неча ой келин бўлиб ажралиш, таниш-билиш, қариндош-уругига нима дейди? Энди қандай жойга тушади? Болалик ёки катта ёшгами, унгача манови бетга чопар келин билан қандай яшайди?

У шу ўй хаёлда бир оз ётди. Бошининг орқа томонида нимадир ўрмалагандай бўлди. Дори ичиб олай деб турганида эшик олдига йиқилди. Уни кўриб қолган Гулзода:

— Тошпўлат ака югуринг, ойижоним йиқилиб қолдилар, — деб чинқирди. Дилбар опани кўтариб олишганида у ҳеч нарсани сезмасди. Уни дарҳол касалхонага етказишиди. Лекин энди кечикишган, унинг юраги уришдан тўхтаган эди.

Сурайё дод солиб йиғлар экан, атрофда баъзиларни шивирлаб уни кўрсатиб нимадир дейишаётганини сезиб, икки ўт орасида қийналарди. Келин таъзияда ўзини кўрсатиб дод-вой соларди. Гулзода келин дод солиб қайноғаси ва эри Тошпўлат олдида айтиб йиғлар экан, унинг сўзлари нишонга тегиб борарди.

Қайнонасининг маракаси ўтгач, бир куни эрига:

— Синглингизни шунчалар бағритош деб ўйламаган эдим. Ҳеч бўлмаса икки оғиз айтиб йўқламади-я. Мен туфайли умри хазон бўлди, деб қайфурмади-я, — деб акани сингилдан совитиб борарди.

Энди Сурайёни энг машаққатли, тахликали ҳаёт кутарди. Оналарининг бевақт ўлимига сабабчи бўлганидан акалари Сурайёни айблашарди. Айниқса, эридан ажралиб

келиб, бошимизга биттан бало бўлади, деб ўйлаган янгаси:

— Эсизгина, қандай ойижонимиз бор эди. Энди давр сурман деганда синглингиз хазон қилди. Кун кўрмай кетган ойижоним, — деб сохта оҳ-воҳларди. — Ўзининг қадрини билиб, номусини сақлаб юрганида топиларди битта эр. Ўша ёқдан қорнини қаппайтириб келмаганида ўзимизга яраша тенти чиқарди. Қилди-қилди ойижонимга қилид жабрни, — деб эрини қулоқларига қуярди.

Бу ўзи туғилиб ўсган ота маконидаги кичик келин ўта худбин, маҳмадона аёл эди. Дилбар опа ҳам ҳар замонда қизига нолиб қоларди.

— Катта келиним имон-инсофли. Уни бекорга ажратиб чиқардик. Асли кичик ўғлимнинг уйини бошқа қилиб кўйсак бўларди. Мол бўлса экан бозордан бошқасини олиб келсак. Болалари бор иложим йўқ, — дегувчи эди. Янгасининг қовоқ солиб юриши, яхши гаплашмаслигини, ёқтирумаслигини айтганида акаси:

— Майли, нима ҳам қилардим, иложим қанча, она миздан ўлиб ажралдик. Бунисини истасант жавобини бериб юбораман. Болаларини боқиб ўтираверасан, — деб узиб олди. Бу сўздан кейин Сурайёнинг кўзи ярқ этиб очилди, мана бир йилдан бўён тишини-тишига кўйиб чидаб келаётган эди. Энди яшашга, бу уйда қолишга чидаб бўлмайди. Катта янгаси Ойимхолни олдига бориб, бўлиб ўтган гапларни айтиб, кўнглини бўшатиб олди.

Бу аёл ўта мулоҳазали бўлиб, ҳар доим Сурайёни кўнглини кўтариб келарди.

— Бизнида яшасангиз бўлмайдими? Бирор тенгингиз чиқса бахтингизни топиб кетардингиз, — деб бирга яшашни таклиф қиларди.

— Йўқ, бунинг иложи йўқ. Ўзим ўсган ота-онамнинг уйи туриб бу ерга келсам, ана ёмонлигидан ота уйига сифмай кетди, деб янгам ва бошқалар гап-сўз қиласди. Кўяверинг, бир гап бўлар, — деганди.

Айниқса, кейинги кунлар оғир кечди. Кичик келин ошкора сиғдирмаётганди. Энди ҳеч қачон акасига шикоят қилолмайди. Келин Сурайёни мерос талашиб ота-оналари яшаган уйнинг ярмини олиб қўяди, деб кўркарди. Бир кун арзимаган нарсадан жанжал чиқарди:

— Уйни бўлиб оламан, деб овора бўлманг. Менинг болам бор. Қонун мен томонда. Сиз бир марта чиқиб кетгансиз, — деди бақириб. Сурайё қулоқларига ишонмади.

— Уйни бўлиш дедими. Ё тавба, мерос дейди-я, бу ҳақда, ҳатто ўйлаб ҳам кўрмабман. Қонунимизда меросдан қизлар ҳам ўз улушини олишарканда. Агар шундай бўлган тақдирда ҳам ҳеч қачон давогарлик қўлмаган бўлардим. Э, шунга янгам жон талашиб уйнинг бир қисмини олиб қўяди, деб кўрқиб юрган эканда. Во дариф, қисматни қаранг. Кечагина ота-онамнинг эркаторий бўлиб шу ҳовлида ўйнаб ўсмаганмидим. Бир куни келган келин туфайли ўз уйимга сифмай қоламан, шу уй ва ҳовлилар бегона бўлади, деб ким ўйловди.

У оғир сўлиш олиб ичкарига кирди. Кичикроқ сумкага ҳужжатларини, айрим кийимларини солиб дарвозага чиқди. Бу вақтда ҳовлида ҳеч ким йўқ. Янгаси боласини ухлатиш билан овора эди.

У бир хўрсиниб, кўнглида сўнгти марта шу ҳовлига қараётгандай бир зум тўхтаб атрофга разм солди. Куйилиб келаётган ёшини аранг тўхтатиб, бир ютиндига илдам юриб кетди.

Сурайё катта йўлгача ўзича режа тузиб олди. Агар Хоразмга бораётган автобус тўхтаса Ҳивага келин бўлиб тушган бўласининг уйига боради. Бухоронинг автобуси биринчи тўхтаса Олот туманида яшовчи курсдош дугонаси Фариданикига, агар Қаршининг автобуси тўхтаса Қамашида яшовчи курсдоши Маҳфиратникига боради. Қайси бири биринчи тўхтаса таваккал — Оллоҳ йўл очган бўлади. Ҳозир у жуда эзилган, уларнинг қайси бириникига борса ҳам икки-уч кун меҳмон бўлади. Шароитга қараб кейин бир гап қиласман, деб йўлга тушди.

У ўзини худди эртаклардаги қаҳрамонлардай қайси бир йўл тақдирим йўли экан, деб борарди. Бир соатлардан кейин Тошкент—Бухоро катта йўлига чиқди. Олдинма-кейин икки автобус тўхтамай ўтиб кетди. Биттаси Навоийга, иккинчиси Самарқандга борадиган экан. Бир оздан кейин узоқдан автобус кўринди. Бекатдагиларга қўшилиб у ҳам кўл кўтарди. Автобус бир оз ўтиб тўхтади. Унинг ойнаси олдида Қарши деб ёзилган белги бор эди. Ундан бир қанча одамлар тушди. Ҳайдовчи юкхонасини очиб уларнинг нарсаларини олиб берди. Шундан кейин йўловчиларга қараб: «Фақат Қаршига борадиганларни оламан, йўлда тўхтамайман», деди Сурайё автобусга чиқиб жойлашиб олди. Ёнида кетаётган аёлга «яҳшимисиз» деб қўйди.

У бир оздан кейин ён томондаги ўриндиқча қараб

титраб кетди. У ерда худди онасига ўшаган аёл ўтиради. Ён томондан қараганда бир томчи сувдек, фақат олд томондан сал бошқача күринишида эди. Сурайё аёлга қараб күзларидан дувиллаб ёш күйилиб кетди. У ҳеч кимга сездирмасликка ҳаракат қилиб, рўмолчаси билан юзларини артган бўлди. Лекин уни йиғлаганини ёнидаги аёл сезиб улгурди.

— Синглим, нега йиғладингиз? — синчков тикилди аёл.

— Манави ёнимдаги аёл онамга жуда ўшаб кетаркан. Кўнглим бузилиб кетди.

— Онангиз вафот этганми? — сухбатни давом эттириди. Сурайё бош иргаб «ҳа» ишорасини қилди.

— Жуда қизиқ бўлдида, бугун тушимда мен ҳам онами кўргандим. Сиз чиқмасингиздан аввалроқ онами эслаб йиғлаб тургандим.

— Йигитларга мазза, ҳеч қачон ўлган яқинларини эслаб бизга ўшаб йиғлаб эзилиб юришмайди.

— Йўқ, ундей эмас. Улар ҳам эслашади, лекин бизларга ўшаб йиғлашолмайди. Йўл узоқ, ёнингдаги одам билан ҳамсухбат бўлиб кетмасант вақт ўтмайди. Ҳозир ёнимда ўтирган аёл билан Тошкентдан бирга чиққандик. Бояти бекатга тушгунча бирор оғиз гапирмади. Бир-икки нарсани сўрагандим, бош силкиб қўя қолди. Яхши ҳам сиз чиқдингиз, бўлмаса зерикиб қолардим,— аёл гапдонгина экан.

Шу ерда сухбат узилиб қолди. Бир оздан кейин у яна савол берди.

— Каршига бораяпсизми?

— Йўқ, Қамашига бормоқчиман.

— У ерда кимингиз бор. Қашқадарёликка ўшамайсиз.

— Ҳа, мен чинозликман. У ерда курсдош дугонам бор, шуларниги бораяпман. Негадир манзилини ўзгача айтди.

— Туғилган кунигами, ёки тўй қилаётгими?

Тавба, деб ўйлади Сурайё, бу қандай аёл ўзи. Савол бериб битта-битта ичингдаги бор гапни суғуриб олади-я. Лекин бир томондан сиқилиб турган пайтимда бир юрагимни бўшатиб олсан яхши бўлди, деб бир оз сукут сақлаб турдида ўзи ҳақида қисқача гапириб:

— Ана шунаقا гаплар, мен боя айтганимдай нимага бораётганимни ҳам билмайман, — деди. Сурайёнинг кўзларида ёш кўринди.

— Неччига кирдингиз, исмингиз нима?

— Йигирма түртдаман. Исмим Сурайё.

— Менинг исмим эса Зубайда. Дәхқонободликман.

Сурайё унга қараб бош иргаб қўйди. Атроф кенг далалар. Ҳар ер, ҳар ерда нефть қазиб олувчи қурилмалар кўзга ташланади. Ана бир қанча қўй-қўзини ёйиб юрган чўпон. Тоза ҳавода, ям-яшил далаларда юришибди. Қандай жозибали қўриниш. Ўша чўпон бу манзарадан завқ олаяпти микан, ёки туғилиб, кўз очиб кўрган далаларига кўнишиб, ҳеч нарса ҳис қўлимаяпти микан. У шу ўй-хаёлда турган вақтда Зубайдада унга қараб маҳлиё бўлиб турарди.

— Жуда ҳам кўркам аёл экан, — кўнглидан ўтказди.

— Тошкентда яқинларингиз борми, нимага боргандингиз? — савол берди Сурайё.

— Вой ҳайрият, сиз ҳам савол бераркансиз-а, — кулиб гапини давом этирди пединститутни тугатганман, икки йилдан бери ўқитувчилик қиласман. Дипломимни олишга келувдим. Мана олиб кетаяпман. Энди ўқишимни тугатдим, деганимга ажабланаяпсизми? Мен аввал пед билим юртини тугатиб, бошланғич синфга ўқитувчи бўлдим. Кеинироқ қайнотам сиртдан ўқигин, деб рухсат берди. Яратганга шукур. Олийгоҳни ҳам сиртдан ўқиб тугатдим, лекин неча йилда, биласизми? Етти йилда. Ҳозир уч ўғлим бор, оғир-оёқ бўлиб ёки туғиб, ўқишиларга қатнаша олмай қолардим. «Гос»га қорнимдаги саккиз ойлик болам билан қатнашганман. Охирги имтиҳонни топшириб бўлганимдан кейин уч кун ўтиб туғруқхонага тушдим.

Аёл гапирав экан, у ҳаётидан мамнун ва баҳтиёрлиги сезилиб турарди.

— Сурайё синг'лим, бир нарса эсимга тушди. Сиз бизникига юринг. Бир оз меҳмон бўлиб сал ғамингиз кўтарилади. Бизнинг қишлоғимиз тоғ бағрида. Тоғ ҳавоси кайфиятингизни кўтаради.

— Э, қандай бўлади. Эрингиз, одамлар, йўқ, тўғри келмайди.

— Нега тўғри келмайди. Етти йиллик ўқиш давримда ҳар йили икки-уч марта Тошкентта келиб, бир ойлаб қолардим. Отасига тушунтираман. Бошқаларга етти йил шу синг'лимнинг уйида турганман, ҳозир соғлиги йўқ экан, қўймай олиб келавердим, дейман.

Зубайданинг чин кўнгилдан, самимий таклифидан кейин ўйланиб қолган Сурайё:

— Қизиқ бўлди-ку. Билмасам, — деб елка қисди.

— Ҳеч қанақа қизиқ-пизиги йўқ. Шундай яхши қайнонам борки, ишонаверинг, ҳатто онамнинг ўрнини босиб, бор-йўқлигини билдирамайди, десам муболага қилмайман.

Сурайё ихтиёrsиз бош иргади.

— Вой айланай ўзимнинг синглимдан, — Зубайда шундай деб ихтиёrsиз унинг юзларидан ўпиб олди. Сурайё учун қаerга борса ҳам бари бир. Тинч, осойишта жой бўлса бўлди. У шуларни ўйлар экан, тақдирнинг ўйинига қараб туриб йиглаб юборди. Автобус бир маромда гувиллаб борар, ён-атрофда ўтирганлар ухлаб кетишарди. Шу икки-уч соат ичида кимдир ором олиб ухлади, кимдир кўзларини юмиб ниманидир режалаштируди. Бу икки аёл сұхбати орасида бир инсоннинг келажак тақдиди хал бўлиб бўлганди.

Иккиси бир бекатда тушиб, йўловчи “Москвич” машинасига ўтиришди. Бир соатлардан кейин қандайдир бекатта тушиб қолишли. Сурайё атрофга қараб:

— Бу ерда ҳеч қандай қишлоқ кўринмайди-ку, нега тушдик, — деди ҳайрон бўлиб.

— Ҳозир бир оз юрайлик, хув анови қирдан ўтгач, қишлоғимизни кўрасиз, — деди. Улар сўзсиз кетишар экан, эски бешик тахталари сочилиб ётган жойдан ўтаётгандариди, булар нима? — деб сўраб қолди.

— Ҳа, бу эски қабристон. Илгари чақалоги ўлса, қабри устига ирим қилиб бешикларини кўйиб кетишган. Ҳозир ҳам айрим жойларда бу сақланиб келмоқда.

Бу орада улар тепалик устига чиқиб улгуришган эди. Пастда ям-яшил дарахтларга бурканган қишлоқ ястаниб ётарди. Зубайдаларнинг уйига етиб келишганида кун иссиқ бўлишига қарамасдан қават-қават рўмол ўраган нуроний кампир қарши олди. У келинини ҳам, Сурайёни ҳам «Айланай чироғим, яхши келдингларми», деб кутиб олди. Худди эски қадрдонлардай Сурайёнинг юзларидан ўтти.

Зубайда ҳамсояларига ва яқинларига Сурайёни таништириб улгурди.

— Етти йил шу синглимнинг уйларида яшаб ўқидим, ота-оналари илгарироқ ўтиб кетишган эди. Охирги имтиҳонни топширишга борганимда тўйлари бўлувди. Кеча дипломимни олгани борсам ҳали бир йил ҳам турмуш

куриб улгурмаган эри аварияда ҳалок бўлибди. Бир йилдан бери қуёвига куйиб касал бўлиб қолибди. Мен, юринг бизниги, ҳаво алмаштириб соғлиғингизни тиклаб оласиз, деб қўймай олиб келдим, — деб такрорларди. Сурайё икки-уч кунни зерикмай ўтказди.

Зубайданинг эри ферманинг молларини боқарди. Рустам исмли бу йигит ўта меҳнаткаш, камгап, очиққўнгилик эди. Экрани кенг оқ-қора тасвирли телевизорлари фақат иккита йўналиш бўйича кўрсатарди. Зубайда сигир соғиши, кир ювиш, мактабга қатнаш билан овора. Қайнонаси Ойларбиби ҳам қимир-қимир тинчимайди. Невараларга қараш ҳам кампирнинг зиммасида. Сурайё уч-тўрт кунни телевизор кўриш, китоблар ўқиши билан ўтказди. У бирор ишга қарашай деса “йўқ, меҳмонсиз”, деб уч кунгача ҳеч ишга кўл урдирмади. Кечаси Ойларбиби билан бир уйда ётишар экан, кампир қизиқ воқеаларни, қишлоқдаги янгиликларни гапириб берарди.

— Мана шу келинимнинг киндигини ўзим тош билан кесиб, момолик қилганман. Ўшандаёқ бошига рўймол ташлаб, бешиккериғи қилиб қўйгандим. Яратганга шукр, ўзим келин қилиб олдим. Энди болаларини катта қилиб беражпман. Ўзингнинг болангни катта бўлганича боқасан, неварангни ўлганингча, дегани рост экан. Бу безориларни ширинлигини ҳеч баҳоси йўқ. Ўғлимдан ҳам шуларни яхши кўраман. Кечаси ҳам келинимга бермай ўзим қарагим келади. Ўғлим эса куни билан чарчаганингиз етади, кечаси ором олиб ухланг. Булар тунда уйқунгизни бузади, деб ўзлари билан олиб ётишади, — деб мамнунлигини сездирди.

— Момо, — деди Сурайё, — шу ерликларнинг одатига кўра киндигини тош билан кессанман дедингизми?

— Ҳа, бизда илгари боласи турмай нобуд бўлаверса шундай одат бор эди.

— Шу ҳақда гапириб беринг, жуда қизиқ экан, — деди Сурайё.

— Рўзигул қудамнинг илгари тўртта боласи нобуд бўлганди. Кейинги боласини туғишида ўзим момолик қилдим. Ёзнинг иссиқ кунлари эди. Улар чайлага кўчиб чиқишиганди. Мени чақиришди, борсам тўлғоқ тутаяпти. Борйўғи битта чайла, атрофда бошқа пана жой йўқ. Аксига олиб шу куни уйларига кўшини қишлоқдаги азайимхон мулла меҳмон бўлиб келган эди. Куз охирлаганда улар қишлоққа

келишарди. Баҳорда кун исиши билан яна чайлага кўчиб чиқишиарди. Шунда мен у аёлни маккапоя панасидаги қовун жўякнинг ичига олиб бордим. Бир нафасда осонгина кўзи ёрий қолди. Чақалоқ жўяк ичидаги бигиллаб йигларди. Деварли лой ичидаги ётарди. Мен ердан бир тошни олиб, қизчанинг киндингини тошнинг устига кўйдимда, бошқа тош билан уриб кесдим. Уни боғладимда устидан офтобда турган илиқ сувни қуийиб ва лойларини юваб, эски кўйлакка ўраб чайлага олиб кирдим. Қарасам у ерда ўтирган Рўзибой мулла кетиб қолибди. Ҳайрон бўлдим. Нимага келдию, нимага кетиб қолди. Кейин билсам Рўзигул кудамни аввалги тўртта боласи ўлгач, эри билан ажралиш учун ҳорнидаги ҳомиласини тушираман, деб муллага борибди. У кишининг ниҳоятда нафаси ўткир эди.

— Ие, ўзи мулла бўла туриб ҳомилани туширишни гуноҳлигини билмасмикан, — гапга аралашибди Сурайё.

— Қараб тур чирофим, ҳали гапимни туттагним йўқ. Шуйтиб Рўзибой мулла аёлнинг дарди-ҳасратини обдон эшлишибди.

— Жон бобожон, менга раҳмингиз келсин. Тўрт марта боламиз турмади. Жуда қийналиб кетдим. Хўжайним билан ажралишга аҳд қилганимда яна бўйимда борлигини сезиб қолдим. Ортиқ қийналишга сабрим қолмади, — деб ялинишибди. Унинг сўзларини эшигтан Рўзибой мулла:

— Сен эрингдан ва ҳомилангдан ажрамоқчимисан? — дебди.

— Бобожон ажраламан. Энди чидолмайман, — деб зорланишибди.

— Майли, мен нонга бир дуо ёзиб бераман. Шуни тахорат қилиб қиблага қараб, эй яратган Эгам шу нонга ёзилган дуо хурматидан мушкулимни осон қилгин деб егин, икки ой ичидаги ўзинг билмай қоласан тушиб кетади, дебди. Рўзигул мулланинг айтганини қилиб, нонни еб икки ой кутишибди. Ҳомила бу вақтда олти ойлик бўлган экан. Шундан кейин у яна мулланинг олдига келибди.

— Ҳомилам тушиш ўрнига каттариб бораяпти. Энди нима қиласман. Дўхтирга борсам бўларкан, — деб йиглабди.

— Чирофим, менга айтчи, нонни еб Оллоҳга илтижо қилганингда жойнамоз ҳам ёзганмидинг? — деб сўрабди.

— Э, йўқ-а, жойнамоз ёзиш кераклигини билмагандим.

— Гапимни диққат билан эшигит, яна бир дуо ёзиб

бераман, бу сафар жойнамоз устида илтижо қилиб егин, дебди. Фақат шу нонға ёзилған дуони ижобат айлагин, деб тилагин. Бошқа бирор сүз күшмагин, деб тайинлабди. Унинг дуосидан умидвор бўлган Рўзигул айтганинг тақрорлабди. Орадан яна икки ой ўтиб, бола саккиз ойга тўлиб, тўққизинч ойнинг юзини кўрибди. Аёл ғамгин бўлиб “ёлғончи” муллани олдига бориб арз қилибди.

— Эй, бўтам, наҳотки мен дунё юзини кўрмаган гўдакни нобуд қилишимга, рўзгорларингни ажратиб юборишимга ишонган бўлсанг. Иншооллоҳ, фарзандинг соғсаломат туғилади. Шу қизингни тақдири, ҳаёти порлоқ бўлади. Оиласнг бузилмайди, — деб сўзини тугатибди. Рўзубой мулла шу куни тўлғоқ тувиши ва фарзанд туғилишини сезиб атайин келган. Ўқиши керак бўлган дуоларни ўқиб, туғруқни енгил ўтказишга ҳиссасини кўшган. Ҷақалоқ ер юзига тушган ҳамоно туриб чиқиб кетган экан. Кўрмайсанми, ҳаттоқи қиз туғилишини ҳам олдиндан башорат қилган экан. Шундан кейин қудам яна икки ўғил ва икки қиз кўрибди.

— Вой, шунчалар нафаси ўткир муллалар ҳам бўлар эканда. Ҳозир у киши қаерда? — ҳайратланиб сўради Сурайё.

— Оллоҳ раҳмат қилсин, беш йил бўлди бандалик қилганига. Раҳматлик юз ёшга яқинлашиб кетдилар, — деди хурмат билан.

— Сиз тош билан киндигини кесдим деяпсиз. Тошлар ювилганимиди?

— Йўқ, ерда ётган тош билан уриб кесганман. Ҳеч қандай касал бўлмай ҳар билаги устундай полвон қиз бўлди. Ўтган йили туғруқхонада туғилган кичкина неварамнинг қонига инфекция тушганмиш. Ойлаб касалхонада ётиб даволаниб чиқди. Билмадим, илгари тупроғимиз бутунлай зарар ва зиёнлардан холи бўлган эканда. Ҳозир туғруқхоналарда асбобларни қайнатишади, алламбалолар билан дорилайди. Шунда ҳам касаллик юқтиради-я, — деди кампир бир эснаб.

— Уйқунгиз келдими. Майли ухлайлик, — деди Сурайё. У анчагача уйқуси келмай кампирнинг айтган сўзларини эслаб ётди. Ҳозир айни саратон палласи бўлишига қарамай тоф ён бағри бўлгани учун ҳам кечаси анча салқин. Кўрпа ёпиниб олишди.

Ойларбиби турмуш ўртоғи Қосим билан жуда яхши ҳаёт кечиришди. Уларнинг жанжаллашганини ҳеч қафон, ҳеч ким кўрмаган. Қосимбойнинг эшаги тахминан уйларига икки юз мётрлар қолганда худди ўргатилгандай ҳантарар экан. Уни эшитган Ойларбиби шошиб чой ўчоққа олов ёқиб эшик олдида кутиб оларкан. Эшагини боғлаб қўлига сув қуиб кўрпачага ўтқазаркан.

Шу уйга келин бўлиб узатилаётган куни онаси унга:

— Қизим, эр дегани ярим пир бўлади. У энди сенинг бош эганг. Унинг сўзи сен учун муқаддас. Эрга тик қараб гапирган аёлдан фаришта юз ўтирап эмиш. Агар жаннати бўлай десанг эрингта гап қайтарма, — деб тушунтирган. Шунга амал қилган аёлнинг, ҳаёти тинч ва осуда ўтган. Тўладан келган юзларидан нур томиб турган фаришта сифат бу аёлни қишлоқ аҳли ҳам хурмат қилишарди.

У чолининг ўлимидан кейин ҳам уч ўғлини хор қилмай, молини боқиб, урчуғини йигириб, олачасини тўқиб, ҳарқалай бир маҳал қора қозонини қайнатиб ўтган. Ойларбиби болалари жаҳлини чиқарган пайтида ҳам «Илоҳим уйинг донга тўлсин», дерди. Бу унинг қарғагани эди. Шу куни тушга яқин салобатли, қорачадан келган истарали йигит эшикдан кирган ҳамон Ойларбиби:

— Мунча ҳам соғинтиридинг болам. Нима бўлди? Нега бир ҳафтадан бери келмай қўйдинг, — кучоқ очиб кўриша кетди.

— Онажон, кеча буғдойни охиригача ўриб топширдик. Режамизни бир юзи ўн фоизга бажардим. Сизларга ажратган буғдойни бира тўла ун қилиб олиб келаман. Ҳали ҳам бир неча соатга келдим. Ерни шудгорлаб ўрнига экин экишимиз керак, сизни бир кўриб кетай, деб келдим.

— Айланай Ҳайитжон болам, қийналмаялсанми? Машинанг қаерда?

— Машинамни ташқарида қолдирдим. Тезда кетаман деб ичкарига киргизмадим.

Сурайё дарахт соясида ўтириб қандайдир китобни ўқирди. Лекин бу норфул йигитни ҳам назаридан қочирмасди. Ҳайитбой ҳам аёлга тез-тез қараб қўярди. Сурайё Ҳайитбой хақида Зубайдадан эшитган. Хотини вафот этиб, бир қиз билан қолган. Қизини эса қайнонаси йиғлаб:

— Ёлғиз қизимдан қолган ёдгорим, болам сен эртага уйлансанг фарзанд кўрасан. Менга қизимнинг ўрнига шу

гўдакни берсанг, ярамга малҳам бўлади, — деб ёлворгандан кейин бериб юборган. Қайноаси ҳам қизини бирикки ойда олиб келиб Ҳайитбойга қўрсатиб кетарди. Сурайё аввал эшиттан бўлса ҳам у ҳақда ўйламаганди. Унинг бунақа кўринишда деб хаёлига ҳам келтирмаганди.

—Агар олий маълумот олганда, бирорта хўжаликка раҳбар бўладиган кўриниши бор экан. Оддий кийимда, устлари чанг. Ҳозиргина буёдой топшириб келаяпти. Шунда ҳам ярқ этиб кўзга ташланади, агар бунинг қилаётган ишини Мансур қўлганда, шундай кийиниб юрса, амманинг бузогига ўхшаб қолган бўларди, — деб ўлади.

Эркак зотидан безиб, дили яраланган Сурайё Ҳайитбойга қараганда юраги жиз этиб кетганидан хавфсираб унга қайта қарамаслик учун китобини қўлига олиб дарахтларни оралаб нари кетди. Бир томонига райҳон, иккинчи томонига хина экилган торгина йўлакдан юриб борар экан, қалбидаги ширин туйғудан энтикиб қўйди. У қанчадан қанча ўсимлик ва гуллар ичиди негадир хина ўсимлигини, унинг ҳидини ҳам яхши кўрарди.

У райҳоннинг ва хинанинг шохларидан синдириб олдилда соя-салқин жойта ўтириб олди. Навбат билан уларни ҳидлаб, ширин хаёлларга берилди. Кейин йигитни ўла маслик учун деб китоб мутолаа қилишга киришди.

Бир оздан кейин у бутун борлиқни унутиб, асар воқеалари ичра шўнгигиб кетди. Шу пайт шип-шип этган товуш хаёлини бўлиб юборди. У китобдан кўзларини олиб товуш келаётган томонга зимдан назар ташлади. Сурайё сал аввал шу ерга келиб ўтирганида ширин хаёл сурисиб Ҳайитбойни бир нимани баҳона қилиб келишини жуда жуда истаганди. У янгилишмаганди. Келаётган Ҳайитбой эди. У Сурайё ўйлаганидек тоғлик, қишлоқлик йигитлардан бир мунча дадил ва ўқтам эди. У Сурайё билан кўришиб сўрашгач, бир оз берироққа ўтириб:

—Ўҳ-хў, бу ернинг ҳавосининг салқинлигини. Зерик-маяпсизми? Тошкентдай шаҳардан бу ерга келиб туриш, қийланмаяпсизми? Янгам сиз ҳақингизда кеча бизникига бориб жуда яхши гапларни айтди. Агар истасангиз икковларингизни тоққа олиб чиқаман. Сизга хаёлингизга келтирмаган гўзал манзараларни, ажойиботларни кўрсатаман.

Сурайё унинг сўзларини тинглар экан, йигитнинг болаларча соддалигини сезди.

— Йўқ, мен бир-икки кундан кейин қайтиб кетмоқчи-ман.

— Сизни кеткизамизми? Йўқ бўлмаган гап. Бу юрг-нинг сувини ичган одам ҳеч қаёқда кетолмайди, — ҳазилга олди йигит.

— Қани юринг, онам тушлик овқатга айтиб кел, деб юборганди. Сал бўлмаса унугаёзибман, — гапни бурди Ҳайитбой.

— Э, қойил-е, Зубайда. Қайнинг билан иккимизни ўртамиизда восьитачилик қилишга ҳам улгурибсан-а, чақ-қон экансан, майли охири баҳайр бўлсин, — деб ўйлаб борарди. Овқатланишар экан уларни кузатди. Тоғликларни қўпол овқатланишади, дейишарди. Бекор гап экан. Мана дастурхонга пичоқ, санчқи, қошиқлар кўйилган. Ҳамма-си, айниқса, Ҳайитбой ҳам рисоладагидай ейишарди. Тоғ ва тоғ атрофи қишлоқларда шаҳарга қараганда меҳнат жуда кўп бўлгани сабабли овқат ҳам бирмунча кўпроқ ейиларди. Шу сабаб бўлиб, баъзи гап-сўзлар тарқалган бўлса ажаб эмас.

Овқатланишаётган пайтда ҳам иккисини кўзи бир неча марта учрашиди. Сурайё ўзини оғир-вазмин, йигитта бе-парводай тутарди. Ҳайитбой тушлиқдан кейин кетишига шошиди. У янгасига нималарнидир тайинлади.

— Болажоним, бир зум ҳам тиниминг йўқ. Бир оз ўтиранг бўлмайдими? Офтобда куйиб кетибсан, — зорла-нарди Ойларбиби.

— Онажон бир ҳафтада иккинчи экинни экиб бўлсам ёнингиздан кетмай ўтираман, — у гап орасида Сурайёга қараб қўйди.

— Болам қачонгача ёлғиз юрасан. Икки йил бўлай деб қолди. Энди рўзгорингни тиклаб олсанг бўлмайдими?

— Бўлади, онажон, насиб этса яқинда тиклаб ола-ман, — деб қўлини дуога очди.

— Тупроқ олсанг олтин бўлсин. Бошинг омон бўлсин. Яратган эгам баҳтингни очсин, — деб онаси фотиҳа берди.

Шу куни кечга яқин дарвоза олдига оппоқ рангли волга машинаси келиб сигнал берди. Бу ердагилар унинг овозини танийди шекили янгам келди, деб югуришиб дарвозани очишиди. Ундан билаги-ю, бўйни, қўлларига олтин тақинчоқлар тақиб олган мағрур аёл тушди. У ҳов-

лига беписандлык билан назар ташлаб чорпоя устидаги күрпачага ўтириди. Ойларбиби у аёлдан айланиб-ўргилар нева-расининг соғлигини сўрарди.

— Момо, неварангизни уйлантироқчимиз. Эртадан кейин тўй, шунга айтиб келдим, — деди.

— Нима дединг, эртадан кейин тўй дейсанми? Болажонимдан қолган ёдгорим уйланадиган бўлдими? — кампирнинг кўзларида ёш қалқди. — Лекин нега олдинроқ келмадинг? Кимнинг қизи, қачон унаштирдинглар? — Ойларбиби келинига қаради.

Аёл бир зум жим бўлиб қолди. Унинг авзойи бузилганди.

— Момо, ёлғиз бошим билан рўзгоримни ўтказиб, ўғлимни ўқитиб уйлантироқчи бўлсам. Сизларга оғирим тушибаса. Ёрдам сўрамасам. Сизлар хабар олиш ўрнига яна ўпкалайсиз-а, — чимирилди аёл.

— Болам, кейинги пайтларда икки марта бордим. Дарвозанг қулф экан. Ҳамсояларингдан сўрасам бир марта курортга кетган, деди. Иккинчи боришимда қаёққа кетганини билмаймиз, дейишиди. Уйдан сени топмасак, — аччиғланди кампир.

— Ўйнаб юрганим йўқ, соғлиғим бўлмагани учун даволанишга борганиман. Бошқа вақт сизни қачон келишингизни билмайманку. Тирикчилик, бола ўқитиш уйлантириш ўзи бўлмайдику.

— Боламдан қолган мол-дунёни ётиб есанг, етмиш йилга етади. Нима камчилигинг бор.

— Болам, болам дейсиз. Битта болангиз эмас. Менинг ҳам хиссам катта бўлган. Унга отамдан қолган дунё ҳам қўшилган. Бўлмаса бизлар ҳам сизларга ўхшаб юрадик. Учма-уч яшаб.

Уларнинг тортишуви жанжалга айланмаслиги учун Зубайда гапга аралашди.

— Кўйинг янгажон, бегонадан эмас, ўзининг қизидай бўлиб қолгани учун ҳам сиздан ўпкалаёттилар. Насиб этса эртага етиб борамиз. Қўлимиздан келганича хизмат қилалими. Дастурхонга қаранг, чойингиз совиб қолди, — деб ўртадаги совуқчиликни кўтарди. Сурайё бу вақтда деразаси очиқ уйда ўтириб уларни кузатарди. Бир оздан кейин аёл ўрнидан турди. Машинасини ўт олдириб, совуққина хайрлашиб жўнаб кетди.

Шундан кейин Сурайё чиқиб, дастурхонни йигиб олди. У секин-аста рўзгор ишларига ёрдамлаша бошлади. Кеч-курун Зубайдада Сурайёни ёнига чақирди.

— Бугун хўжайним келмайди. Бир иш билан кетган. Келинг, гаплашиб ётамиз. Вой синглим-ей, кундузи бир пастгина гурунглашиб ўтиришга вақт тополмайман. Кеч-курун чарчаб ухлаб қоламан, — деди. Улар ёнма-ён жой солиб ётишар экан, Сурайё бояги аёл ҳақида сўраб қолди.

— Овсиним, исми Феруза. Э, бу ҳақда гапирсам ўзи бир достон. Қайноғам Қаршида олийгоҳда ўқиб юрганида ўша ерлик бадавлат кишининг ёлғиз қизи билан танишиб қолади. Қайноғам бу вақтда чоли вафот этиб, уч ўғли билан зўр-базўр кун кўришган. Гапнинг қисқаси қайноғам ўша уйга ичкуёв бўлиб қолади. Овсиним жуда эрка, тантиқ бўлса ҳам бойлигига учган қайноғам қидаб яшай бошлайди. Қайнатаси күёвининг ҳурматини жойига қўйиб, унга ишониб, бор топган дунёсини уларнинг қўлига тутқизганди. У одамнинг аёли вафот этган бўлиб, қанд қасаллиги билан оғриб келаётгани учун ҳам қайта уйланмаган. Бутун умиди шу қизи ва куёвига бўлган. У муҳтоҷ бўлиб келганларга фоизга пул бериб бойиб кетганди. Вақти келиб, у киши бандалик қилгандан кейин қайноғам билан овсиним барча мол-дунёнинг эгаси бўлишган.

Бу вақтда қайноғам қайсиdir курилиш ташкилотида бошлиқ бўлиб ишларди. Улар битта ўғил кўришган. Овсиним бошқа тумаган. Мен келин бўлиб тушганимда Рустам акам трактор ҳайдарди. Бир куни қишлоққа бурилишда икки бола йўлидан чиқиб қолади. Тракторни кўриб иккиси икки томонга қочади. Уларни босмайин деб рулни буради. Лекин бу вақтда биттасини уриб юборганди. Болани дарров касалхонга етказишади. Қамалиб кетмаслиги учун милицияга, боланинг ота-онасига катта пул бериш керак бўлди. Овсинимга, қайноғамга ёрдам сўраб бордик.

У киши овсинимдан ўтолмадими, ёки ўзи меҳрсизми, ҳарқалай ортиқча пулимиз йўқ, деди. Феруза: «Бир танишим бор, у фоизга пул беради. Ўртага тушиб олиб берайинми?» — деди.

Мен Рустам акамни қамалиб кетмасин деб рози бўлдим. Қайноғамга айтганидим. У киши «Майли ўзинг биласан», — деди.

Шундай қилиб, Феруза овсиним мени бир аёлникига

олиб борди. Йигирма фоизга келишиб, анча пул олдим. Овсиним ўзим кафолатман, деди. Мен илгари бундай ишларга аралашмаганим учун фоиз қоидасини билмасдим. Мен бир йилдан кейин қайтараман, дегандим. Улар ихтиёрингиз, йигирма фоиздан тўласангиз бўлди, деб тилхат ёздириб олди. Мен бир йилдан кейин пулнинг устига йигирма фоиз қўшиб беришим керак, деб ўйладим.

Рустам акам жавобгарликдан кутулиб, ҳамма иш жойжойига тушганда орадан уч-тўрт ой ўтди. Бир куни пул берган аёл шиддат билан кириб келди. У юзингда кўзинг борми демай:

— Нега фоиз пулини вақтида олиб келмаяпсизлар? — деб тўполон кўтарди. Мен:

— Бир йилга олгандимку, энди тўрт ой бўлди, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Фоизичи, ҳар ойда йигирма фоиз тўлашинг керак, — деди бақириб.

— Бу қанақаси, бундай келишмагандик-ку, майли пулнингизни эртага кейин етказиб бераман, — дедим.

— Қанча олиб келасизлар? — деди фоизчи аёл истеҳзо билан.

— Икки минг сўм олганман. Ҳозир қўлимда минг сўм бор бозорга икки сигиримизни олиб чиқамиз, минг сўмга етиб қолар, — дедим.

— Қарзингизни қанча бўлганини биласизми? Бир ойда тўрт юз сўмдан қўшилганда ҳозиргача фоизининг ўзи бир минг олти юз сўм бўлди. Жами уч минг олти юз сўм.

— Нима, нима дедингиз? Уч минг олти юз сўм бўлди дедингизми? — Рустам акам ўтирган жойида сакраб туриб кетди.

— Ҳа, уч минг олти юз қарзингиз бор, ҳисоблаб кўринг, — аёл бўш келмади.

— Ахир мен бир йилга йигирма фоиз дегандимку, — йифлагудай бўлдим.

— Каерда бор шундай қарз берадиган. Фоиз ойма-ой берилади. Мана ўзингиз қўл қўйиб берган тилхат.

Мен имзомни танидим. Бу ўша кунги қофоз эди. Пулни бир йилдан кейин қайтараман. Ойига йигирма фоиз билан деб ёзилганди. Мен ўша пайтда ойига деган сўзига эътибор бермагандим. Рустам акам ҳам тилхатни ўқиб чиқди. Аёл дағдага қилишга ўтди. Фоиз пули олиб қарз бўлгани-

миздан бошқаларнинг хабардор бўлишидан уйимиздагилар номус қиласди.

— Синглум, ўзи ишонганим икки сигир. Шуни сотиб берамиз. Лекин фоизини сабр қилиб туринг. Тўрт-бешта бузоқ бор қишигача боқайлик. Сотиб бераман, — деди илож топа олмай.

— Бўгти, душанба куни икки мингни етказинг. Қолганини кейинроқ берарсиз, — деди аёл. Қайнонам нима қилишини билмай бир бизга, бир ўша аёлга қараб жавдирар эди. Кенжамиз Ҳайитбойни уйлантирамиз деган тўрт бузоқ ҳам қўлдан кетаётгани учун йигиб юборди.

Икки сигирнинг пули бир минг бир юз сўм бўлди. Юз сўмни олиб қолиб уйдаги пулга қўшиб, икки минг қилиб олиб бордик. Унгача аёл янги тилхатни тайёрлаб қўйганди. «Ойига йигирма фоизли берган пулимиздан бир минг олти юз сўми қолди. Бугун иккинчи май. Қачон бўлса ҳам шу келишилган пулни фоизи билан қайтариб беради», деб ёзиб қўйган экан. Рустам ака тилхатнинг тагига «Қолган пулни октябрь ойида қайтариб бераман», деб ёзиб қўл қўйди. Октябрнинг охирида тўртта бузоқнинг нархи бир минг саккиз юз сўм бўлди. Биз бир минг олти юз сўмни олиб етиб бордик.

Нурхон фоизчи олдимиизга яна дафтарини очиб қўйди.

— Хўш, иккинчи майда бир минг олти юз сўм бўлган. Олти ойда ҳар ой уч юз йигирма сўмдан жами бир минг тўқиз юз йигирма сўм бўлади. Аввалги бир минг олти юз сўмга қўшсак уч минг беш юз йигирма сўм бўлади. Хўжайилим қалтираб кетди.

— Қандай одамсизлар. Ахир олган пулимиз ҳаммаси бўлиб икки минг сўм бўлса. Ҳозиргача уч минг олти юз сўм берган бўлсан, яна нимага сўрайсизлар. Инсоф борми сизда? — деди

— Э, тўхтанг бақирманг, мана ёзган тилхатингиз. Истасангиз ана судга беринг. Лекин сиз айттан инсофга келсак менинг инсоф халтам қачонлар тўлиб кетган. Менга унинг кераги йўқ, — аёлнинг юзи лоқайд ва тунд эди. У бизнинг соддалигимиздан, тажрибасизлигимиздан фойдаланган экан. Унинг «судга беринг» деган сўзни баланд овозда қатъий қилиб айтгани учун биз унинг сўзини суд тасдиқлайди, деб тушунибмиз. Рустам акам нима қиласмиз, деб менга мўлтиради.

— Кўяверинг, ҳеч чорасини тополмасак отамга бора-

ман, ёрдам беришади, — дедим. Күчага чикқач хўжайним «акамизниги борамиз», деди.

Қайноғам бадавлат бўлгани билан овсинимдан ўтиб пул бера олишига кўзимиз етмаса ҳам сувга чўкаётган одам хасга ёпишади деганларидаи, умидвор дунё, бир гап ташлаб кўрайлик, деб кириб бордик.

Ховлийнинг четида икки киши катта қўчқорни бўғизлаш билан овора. Эшболтга қайноғам машинаси юхонасидан бир неча қутилардаги нарсаларни олиб қўярди. У бизларни кўриб бир зум қараб турдида:

— Э келинглар, қалайдан йўқлаб келибсизлар, — деб кўриша кетди. Бизнинг келишимиизни кутмаган овсиним шунчаки совуққина кўришиб, сўрашди. У ичкарига эмас, кўрпачалар тўшалган айвонга тақлиф қилди.

Сўрашиб бўлгач, хўжайним:

— Кўй сўяяпсизларми? Қарашиб юборайми? — деб қўзгалди. Шунда қайноғам ҳам, овсиним ҳам:

— Йўқ, йўқ, Кўявер, ўзлари эплашади. Бугун нозик меҳмон келиши керак эди. Шунга тайёргарлик кўраяпмиз, дейишиди. Биз:

— Бир иш билан келгандик, дарров қайтиб кетмоқчимиз, — дедик. Шундан кейин хотиржам тортган қайноғам ўтириб:

— Нима гап? — деди. Мен овсинимга қараб:

— Фоизга пул берган таниш аёлингиз оргиқча пул талаб қиласяпти, — деб бўлган воқеани айтиб берган эдим. Унинг қовоғи уюлди.

— Бирорга холис хизмат қилиб кулфатдан қутқазсанг-у, раҳмат дейиш ўрнига ўпка-тина қилишингиз нимаси. Ҳозир ҳамма ҳам фоиз пул беради. Ким ҳам шунчаки қарз берарди, — чимирилди.

— Майли, лекин инсоф билан кўйсин, фоизни кўпайтириб юборибди, — гапга аралашди Рустам ака.

— Йигирма фоиздан ошириб айтдими? — синчков тикилди.

— Йўқ, йигирма фоиздан оширмади. Лекин ой сайин ҳисоблаганда жуда кўпайиб кетар экан. Шунча фоиз олиш гуноҳку. Шу пуллар эгасига буюрармикан, — жаҳл қилдим.

— Ие, гуноҳ дейсизми? Қамалиб кетишидан, касалхонада эрта ўлиб кетишидан кутқазиб, ялиниб келишгани учун келишилган пулни олгани гуноҳми? Савоб эмас-

ми, яхшиликка ёмонликми? — бобиллади овсиним.

— Майли қўйсин, лекин инсоф диёнат билан қўйсин. Олган пулимиз икки минг сўм эди. Ҳозиргача уч минг олти юз сўм бердик. Яна кўп минг пулни бўйнимизга илиб қўйишди, — деди Рустам акам.

— Коиддан ташқарига чиққан бўлмаса керак. Ана шуда, муҳтоҳ бўлганда ялинишади. Иши биттач дағдага қилишади, — деди.

Бизни пул масаласида келганимизни билгач, у олдимиздан кетмади. Кетмоқчи бўлаяпмизу қайноғамни ёлғиз қолдирмаяпти. Охири Рустам акам:

— Ака, биз фоизга пул олиб ёмон тушдик. Қараб турсак кундан кунга қарзимиз ошиб кетаяпти. Шунга бир оз қарз бериб турсангиз, — деди

— Аҳмоқ одам фоизга пул олиб қарз бўлади. Мени ортиқча кўчада тушиб қолган пулим йўқ, — деди акаси қовоғини солиб.

— Ака, доктор билан милицияга ишингиз тушмасин. Мажбур бўлдим олишга. Ҳозир уйимизда, ҳатто егулик нарсамиз ҳам қолмаган. Ҳамма топганимизни фоиз тўлашга бердик. Молларимиз ҳам қулоғини ушлаб кетди.

— Нима, биз хазина топиб олганимиз йўқ-ку, биз ҳам пешана теримиз билан топганимизга яшаб юрибмиз, — қайноғамнинг ўрнига хотини жавоб берди.

Иккимиз ерга қараганимизча ноумид бўлиб йўлга тушдик. Ҳеч бўлмаса онаси учун қўйнинг гўштидан бир парча ҳам бериб юборишмади. Эртаси куни отамнинг олдига бориб, бошимизга тушган муҳтоҷликларни айтиб бердим. Отам икки акамни чақириб воқеани тушунтирди. Кейин билсам улар кейинги ҳафтада машина олишмоқчи бўлиб туришган экан. Кичик акам мени сўзларимни эшишиб:

— Синглим, эртага ўша аёлникига бирга борамиз. Улар сизларни соддалигингиздан фойдаланиб роса шилмоқчи бўлибди. Лекин молларингизни бекор сотибсизлар. Тоғлиқ қишлоқда яшаб мол қўлмаслик мумкин эмас, — деди ўйланниб. Ўша куни отам ва акаларим маслаҳатлашибди. Акам Шодиёр билан эртаси куни Нурхонникига бордик. У бизни кўриб шошиб қолди. Акам тилхатни сўради.

— Нима қиласиз тилхатни? — деб малол келиб олиб чиқди. Акам хатни ўқиб йиртиб ташлади. Нурхон айёрлик қилиб:

— Нега тилхатни йиртасан? Судга бераман, — деб бақириди.

— Юринг, судга борамиз. Булар сиздан икки минг сўм олганмиди, — аёл “ҳа” ишорасини қилди. — Биринчи икки минг сўм бердими? Кейин бир минг олти юз олиб келдими? Қарзни тани берилгач фоиз ўсмайдику. Қаерда бор бундай қаллоблик. Юринг биз билан, борадиган жойингизга бораман, — деди акам ғазабланиб.

— Ҳозир боролмайман. Бетобман. Мен сизлар билан кейинчалик гаплашаман, — деб чинқирди Нурхон.

— Қачон десангиз манзилимни биласиз, бемалол судга беринг. Мен сиз билан ўща ерда гаплашаман, — бўш келмади акам ва қўлимдан ушлаганича судрагандай олиб чиқди ҳовлидан. Биз бир оз юргандан кейин қўлимдаги сумкачамни қолдириб кетганимни сезиб қолдим ва уни олиш учун орқамта қайтдим. Ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Мен сумкамни олаётуб, Нурхонни ким биландир телефонда асабийлашиб гаплашиб турганини эшишиб қолдим.

— Феруза опа, мени тўғри тушунинг, акаси закунчига ўхшайди. Йўқ, йўқ сизларнинг пулингиз эканлигини билишмайди. Ўзимнинг пулим, деб турибман. Кеча бир минг олти юз сўм келтиришганди. Майли сиз айтгандай олти юзини олиб қолиб минг сўмини ҳозир олиб бораман. Эшболта поччам уйда бўлмаса бир гурунглашиб келаман.

Мени дарров қайтиб чиқмаганимдан хавотирланган акам ҳовлига кирганди. Мен бармоғимни оғзимга кўйиб «жим» ишорасини қилдим. Нурхон гўшакни кўйиб, менинг ҳамма гапларини эшишиб турганимни сезиб шошиб қолди.

— Ҳа, нимага қайтиб келдинглар. Гап пойлагани уялмайсанми? — деб жаврай кетди.

— Мен гап пойлагани келганим йўқ. Сумкамни унубиб қолдирибман. Шуни олиш учун қайтиб келиб, гапларингизга гувоҳ бўлдим. Пул Феруза овсинимни эканку.

— Йўқ, пул ўзимники эди, — деди уялмай.

— Ҳозиргина ҳамма гапларингизни эшийтдим, — дедимда чиқиб кетдим. Мен акамга эшитганларимни айтиб бердим.

— Ака, кўп қийналганимизни бири — такси олайлик, — дедим. Акам рози бўлди. Такси машинаси ҳайдовчиси билан қайноғамнинг манзилига ва қайтиб бизнинг

үйимизгача олиб боришини келишдик. Биз етиб келгани-мизда булар ҳамма гапдан хабардор эди. Ҳовлидаги сўрида қайноғам кайфиятсиз ҳолда ўтиради. Биз кўришиб бўлгач, овсинимни сўрадим. У киши ўзини ҳеч нарсадан хабарсиздай тутиб:

— Бир иш билан чиқиб кетган эди. Тинчликми? — деди. Мен қисқача қилиб воқеани тушунтирдим.

— Аввало, Ферузанинг пул берганидан хабарим йўқ. Қолаверса, яхшиликка ёмонлик қилиб нега норози бўлиб келдинглар, — деди бақрайиб.

— Бирор орқали бердирмай, шу пулни ўзи берса ҳам бўлардику. Бегона эмасмизку, — дедим.

— Ферузанинг ҳам ортиқча пули йўқ. У ҳам бирордан олиб холисона яхшилик қилган бўлса керак, — деди пинагини бузмай.

— Ё, пирай, — дедим ичимда наҳотки шу одам қайноғам бўлса, наҳотки Ойларбибидай имон-инсофли аёлнинг ўғли бўлса. Пул, давлат одамни шунчалар худбин қилиб юборар эканда, — деб ўйладим, бошқа ҳеч нарса демасдан чиқиб кетдик.

Мен қайноғам Эшболтани нега бунчалар лоқайд бўлиб қолганини кейинчалик билди олдим.

Эшболта ичкуёв бўлгач, шаҳарнинг амалдорлари билан алоқаси яхши бўлган қайнатаси унга ҳар томонлама ҳомийлик қила бошлабди.

— Болам ўзингни қурилиш ишига ургин. У ўлмайдиган, бир умр керак бўладиган амал, — деб жуда катта қурилиш ташкилотига аввал кичик, кейинроқ кўтарилиб охири таниш-билиш ва пулнинг кучи билан шу ташкилотга бошлиқ бўлиб ишлай бошлабди.

Мойга мой томар, мошовага жаз ҳам йўқ, деганларидай, уларнинг бойлигига бойлик қўшилиб борди. Шундай кунларнинг бирида унинг орқасидан одам тушиб, қаёққадир оширилган бир неча “КамАЗ”даги қурилиш молларини маҳсус одамлар орқали қўлга туширишибди. Шунда қайноғам уларга ялиниб, келишишга чақирган.

— Майли, бир шарт билан ишни тўхтатамиз. Йигирма минг кўкидан берасиз. Агар рози бўлмассангиз ҳам ишдан кетасиз, камида беш-олти йил оласиз, — дейишибди.

Қайноғам рози бўлиб уйидаги жами пулини, тилласини ва бошқа нарсаларини йигиб, ўн беш минг тайёрлаб-

ди. Қолган беш мингни сўраб бир неча таниш-билишини-
кига борибди. Улар у кишининг қўлга тушганини эшитиб
барибир ишдан бўшатишади, деб пул беришмабди. Бу уйга
келиб укалари ва онасига бўлган воқеани айтиб борибди.
Бу вақтда укаларининг қўлида ҳеч нарсаси йўқ экан. Қай-
ногам онасига:

— Укандизнинг уйига бориб, пул олиб келинг, — деб-
ди. Ойларбиби укасининг уйига пул сўраб борганида:

— Ортиқча пулим йўқ. Хабарингиз бор, учта ўғлимни
икки йил ичида уйлантирдим. Ҳовли, уй олиб бердим.
Бор пулимни тутатдим. Агар бошқа пулим бўлганда ҳеч
ҳам аямасдим, — дебди.

Қайногам қариндошларидан хафсаласи пир бўлиб уйи-
га қайтгач, хотини:

— Ана айтгандимку сизнинг бирорта ҳам оқибатли
қариндошларингиз йўқ деб. Қамалиб кетсангиз суюниша-
ди. Чунки сизни кўришолмайди, — деб узуб олибди.

Айтилган бир ҳафталик ваъдага бир кун қолганда қат-
тиқ сиқилиб ётиб қолибди. Шундан кейин овсиним ака-
укаларидан қолган пулни олиб келибди. Шу-шу қайногам-
нинг яқинларидан кўнгли қолиб кетган. Айниқса, овси-
ним:

— Қариндошларингиз тугул укаларингизу, онангиз
ҳам сизга меҳрсиз. Ўзларидан бўлмаса таниш-билиш, яқин-
ларидан пул тўплаб келишса бўлардику. Сизни яккараб
кўйишган. Қамалиб кетасизми, ўласизми юраклари жиз
этмайди ўшаларингизни, — деб имкони бўлса ҳар лаҳзада
юзига солиб, унга бутунлай сингдириб юборган. Энди ўзи-
ча бирор кишига бирор сўм ҳам беролмайди. Чунки барча
маблағ хотинининг қўлида.

Кейинчалик қанд касалиги чалинганини билгач, яна
ҳам тошюрак бўлиб қолган. Дўхтирлар бир нарсадан қат-
тиқ кўрқиб сиқилгансиз, шу сабабли қанд касалига йўлик-
қансиз, дейишган. Буни эшиттан овсиним:

— Ана, яқинларингиздан сизга келган совға. Ўшанда
йифилишиб, меҳрибонлик ва ёрдам қилишганида бунча
сиқилиб касал бўлмасдингиз,— шу каби сўзлар деярли
тез-тез такрорланиб бориб ўз самарасини берди. Эшболта
қариндошларига бефарқ, меҳрсиз бўлиб узоқлаша борди.
Ферузадан рухсатсиз мустақил ҳеч кимга ёрдами тегмасди.

Акам шу куни бизницида ётиб қолди. Ҳўжайиним би-

лан узок гурунглашди. Эрталаб қарасам икковлари ҳам ўринларida йўқ. Тушга яқин юқ машинасида бир ёшлардан ошган ўнта бузоқ олиб келишди. Акам машина оламиз деган пуллига эрта тонгда бозордан бузоқ олиб берибди.

— Майли, келаси йил олармиз шу машинани. Бир йил буларни боқинглар. Ярими билан биздан қутуласизлар. Қолганини кўпайтирасизлар, — деди акам. Келаси йилгача подада юрган бузоқлар каттариб кетишиди. Бизлардан хабар олгани келган акам молларни кўриб:

— Ҳозир сотманглар. Яна бир оз кутайлик, туғсин, кейин бир гап бўлар, — деб кетди. Айтганидай орадан бешолти ой ўтиб, ўнтаси ҳам бузоқлади. Сигирларнинг олтиласини бозорга олиб чиқсан хўжайним кайфияти аъло бўлиб келди. Қўлидаги пули акам берган пулдан анча кўп эди. Гапнинг қисқаси бир ярим йил деганда ҳам акаларимга пулинни бердик. Ҳам тўртта сигир уйимизда қолди. Тўрт йил ўтиб, молимизни сони йигирмадан ошди. Қайнимни ҳам уйлантиридик. «Москвич» машиналик ҳам бўлдик.

— Овсинингиз билан учрашдингизми? — дедим.

— Ҳа, тўй, маракада учрашиб турдик. Қайногам уйимизга келиб турарди. Пул ҳақида на биз, на улар бирор оғиз сўз очмадик. Бир куни Эшболта қайногамни бетоб бўлиб касалхонага тушганини эшигдик. Миясида шиш пайдо бўлибди. Саратон касали дейишиди. Уч-тўрт ой ичида у киши бандалик қилди. Биз тез-тез бориб кўриб турдик. Таъзисида бир-икки кун қолиб кетдик. Шундагина уйлари орқасида курилаёттан иморатни кўриб анграйиб қолибмиз. Ҳали тўла битмаган уйнинг ойнаси қўйилмаган. Деразасидан бир неча той пахта, бочка-бочка ёғлар, ҳаттоқи совунгача япикларда таҳланиб турарди.

Мен ҳайратдан ёқамни ушлаб тавба қилдим. Қайнимни уйлантиришда кўрпага солиш учун, куда томонга беришга пахта тополмай қийналганимизни қайногам ҳам овсиним ҳам билган эдику. Катта-катта, тўрт-беш хонанинг ҳаммасида озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан тўла кутилар таҳланиб ётарди.

Қайногам тўй-маракада бир-икки кунлаб туриб, бош бўларди. Қўшганим, деб арзимаган пул узатарди. Уларнинг ўели биттагина эди. Овсиним биз билан очилиб гаплашмагани учун нимага бошқа фарзанд кўрмаганини бил-

мас эдик. У бизга паст назар билан қарапди. Қайноғам ўлғач, у яна ҳам ўзгариб кетди. У янги машина олди. Уни үзи ҳайдай бошлади.

— Гурунглашамиз деб уйқудан қолдирдим. Эрталаб қиладиган ишингиз күп, — дедим ҳижолат бўлиб.

— Ҳечқиси йўқ. Эртага дам олиш куни бир мириқиб ухлаб оламан, — деди кулиб. Мен Зубайданинг сўзларини ўйлаб ухлаб қолибман. Эрталаб ёнимга қарасам Зубайда йўқ. Мириқиб ухлайман деган аёл эрталаб сигир соғиш, молларни подага қўшиш, сут қайнатиш ва бошқа юмушлар учун эрта тонгдан туриб кетган эди. Мен секин-аста бу ерга меҳр қўйиб, кўнишиб қўлимдан келганича уй ишларига кўмаклаша бошладим. Овқатни ўзим пиширадим. Идиш товоқни ҳам ювиб қўярдим. Бир ҳафтадан кейин эрталаб нонушта пайтида Ҳайитбой келиб қолди. У яна ҳам қорайиб кетганди. У қайта экиладиган экинларни тугатиб, келганилигини тўлқинланиб гапиради.

Ҳайитбой тоғ бағрига дам олишга янгаси ва Сурайёни таклиф қилиб келганди. Бу ҳақда аввал янга-қайин келишиб олишган эди. Ўтган кунларда тоққа чиқиб бир мириқиб дам олиб келиш ҳақида Зубайда қайнонасига, кейин Сурайёга айтганди. Сурайё бу таклифга на ҳа, на йўқ демай елка қисиб қўя қолганди. У ўзича ўйлаб қолди. Хўп десам ўлиб турган экан, енгил табиат аёл экан, дейиш масмикан. Лекин у ерда бир ўзим эмас, ёнимда Зубайда ҳам бўлади-ку, деган ўйда эди.

— Сурайё синглим, жуда зерикиб кетдингиз. Бир яйраб келайлик, — деб чин юракдан қайта таклиф қилгач, индамай бош силкиб қўя қолди. Зубайда машина юкхонасини очиб, нима бор-йўқлигини аниқлаб етишмаганини топиб сола бошлади.

— Рустам ака ҳам биз билан борадими? — савол берди Сурайё. Зубайда кулди. Ўзингиз ўйланг. Ҳайитбой укаси бўладику. У кишининг олдида қайним бир хўплам ҳам ичолмайди. Ундан ташқари, бу ерда сиз бор. Тақдир насиб этса, балки келин бўлиб қоларсиз. Шунинг учун сизлар ўтирган жойда у киши ҳеч қачон бормайди. Ўзининг хурматини билади,—деди.

Ярим соат чамаси юриб, куюқ дараҳтлар билан ўралган жойда тўхтадик. Мен бу манзарани бирор эртакда ўқисам ёки кинода кўрсам муболаға қилибди, деб ишон-

масдим. Соя-салқын жойға палос түшаб, күрпачаларни ёзищди. Ажабо, тошлар орасидан күз ёшларидаи мильтираб зилол сувлар оқарди. Улар томчи-томчи бўлиб бир-бирига қўшилиб ажаб товур ҳовучлаб оладиганга келар, яна беш ўн қадам нарида сув ҳажми янада кўпайиб борарди.

Дастурхон устига беш-олти килолар чамаси гўштни олиб қўйишиди. Бир килоча думбани яримидан кўпроғини тўғраб, тошлардан тайёрланган қўлбола ўчоққа кичикроқ қозончани осиб, аввал уни чалароқ эритиб олишиди. Жиззани олиб, устига майда тўғралган пиёз сепиб, дастурхонга тортишиди. У ерда қушлар шунчалик кўп эдики, турли овозда сайрашларидан дил яйради. Унгача турли салатлар тайёрлашди.

Ҳайитбой халта ичидан битта ароқ олиб очмоқчи бўлганди Сурайё қаршилик қилди. Аслида Ойларбиби оиласидагиларнинг ҳеч бири ичмасди. Тошкентлик аёл, балки иchar деб олиб келишган эди. Бу ерга келишдан мақсад ҳам бир-бирини яхшилаб ўрганиш, дилдан суҳбатлашиш эди.

— Очайлик, оз-оздан иштаҳа учун ичайлик, — қайта таклиф қилди Ҳайитбой. Ҳавони, табиатни қаранг, кайфиятни ҳам, иштаҳани ҳам карнай қилаяпти, — ҳазилга олди.

— Ичкилик шарт эмас, агар ўзингизни ичкингиз келмаса, — деди сал жиддий тарзда Сурайё. Зубайдада эса гап қўшмай уларни кулламишиб кузатиб ўтиради. Жаздан кейин думба ёғига ош қилишиди. Орада бир оз айланиб келишиди. Ҳайитбой кабоб учун гўштни тайёрлаб қўйди. Кун тиккага келганда Зубайдада озгина дам олай, деб ухлаб қолди. Сурайё ҷарчаган бўлса ҳам Ҳайитбойнинг олдида ётишга ийманди.

Тош ўчоқ устида қайнаб турган чой идишдан чой дамлаб келишиди.

— Оҳ, оҳ, бунинг исини қаранг. Турли доривор ўтларни ёқиб қайнатганимиз учун ҳам гиёҳларнинг ва тутуннинг иси жуда ҳам ёқимли бўлиб чойимизни хушхўр қилиб юборибди, — деди кулиб, мақтаб чойни қайтарар экан Ҳайитбой. Гурунглашиб иккиси чойхўрлик қилишиди. Ҳайитбой ҳақида Зубайдада қисқача айтиб ўтганди.

Олийгоҳнинг иккинчи босқичидан қандайдир сабабга кўра ташлаб кетганини эшиштган. Лекин сабабини билгиси келгани учун ҳам:

— Ҳайитбой ака, нега олийгоҳни ташлаб келдингиз? — деди сал тортини.

— Ҳа, ўзим ҳам бу ҳақда айтиб бермоқчи эдим. Мен мактабда фақат аъло баҳоларда ўқиганман. Мақтаниш эмаску, лекин синфда эмас мактабда менга етадиган иқтидорли ўқувчи бўлмаса керак, деб ўйлардим. Олтин медалга икки киши давогар эдик. Менинг кўлим қисқалик қиради. Онам айтганидай ўша пайтда дастурхонимиз ярим метр эди. Бу дегани етишмовчилик деган маънони берарди. Шундай қилиб, дастурхони беш метрликлар илиб кетди. Мен олтин медалсиз ҳам Самарқанддаги қишлоқ хўжалиги олийгоҳининг агрономия бўлимига ҳеч қандай қийинчилксиз имтиҳонлардан ўтдим.

Иккинчи босқичда ўқиб юрган вақтимиз эди. Кечаси ширин уйқуда ётган жойимда тасир -тусур қилиб хонага бир қанча талаба йигитлар кириб келишди. Уларнинг бири бошқа вилоят боласи билан жанжаллашиб қолибди. уни ўша ерликлар ҳимоя қилишибди. Шу болани вилоятдошларим ёнини олибди. Шу сабаб бўлиб жанжал кучайиб кетибди. Охири йигитлар тарафма-тараф бўлиб кўчага чиқиб кетишибди. Шу сабабдан мени ҳам қашқадарёлик бўлганим учун чақириб келишган экан.

Воқеани чукур ўрганмай туриб ур, ҳа ур, деб тўдага кўшилиб чиқдим. Олийгоҳдан икки кўча берида тўпланишганларидан бир нечтаси бўғишиб, муштлашаётган эди. Биз ҳам ўша тўполонга кўшилиб улгурмай юзимга мушт тегди. Қоронғуда бир неча машинада милиция ходимлари етиб келишди. Болалар анор доналаридаи ҳар томонга сочилиб қоча бошлишди. Улар ушлаганини маҳсус машиналарга тикишарди. Мен қочишга улгурмай икки формали йигит кўлимни қайириб машинага тикиди.

Мен сўроқда жанжалга аралашганим йўқ, дедим. Елкасида ўлдузчали бадқовоқ киши:

— Ҳа, аралашмаганинг юзингдан кўриниб турибди, — деди. Шундан кейин тўполонда юзимга тушган муштни эсладим. Кўлим билан юзимни силаган эдим бир томоним шишганини сездим. Юз суягимда оғриқ борлигини ҳам. Кейин билсак бошқа вилоят йигитларидан иккитаси жиддий жароҳат олишибди. Биттасини боши ёрилиб, иккинчисининг икки қовурғаси синган экан.

Ушлаб келтирилганларининг ҳеч қаерида белгиси бўлма-

ганлар тұсатдан ўша ердан ўтаёттандык, деб қутулиб кетишиді. Учтамизни олиб қолишиді. Қизиги шундаки, бизнинг ҳеч биримиз жиддий шикастланмагандык. Жабрланғанларнинг ота-оналари келиб бизларни судга топширмоқчи бўлишиді. Агар иш шу тариқа кетса қамалиб кетишимишни англадик, унда ўқищдан ҳам ҳайдалишимиз аниқ бўлиб қолди. Лекин раҳбарият, айрим охирги босқич талабалар ишни бошқа томонга буришга эришибди.

Биз ва бошқалар узр сўрай бошладик. Ўша икки тала-банинг ота-оналари бизни ўқищдан ҳайдалиб шаҳардан чиқиб кетмас экан, давомиздан қайтмаймиз, дейишибди. Хуллас, оилавий шароитимиз ва соғлигимизга кўра ўқищдан четлатиш ҳақида ариза ёздик. Бизга тинчгина кетинглар. Кейинчалик бир-икки йил ўтиб, яна ўқишига тикла-нишларингиз мумкин, дейишиді. Шундай қилиб, ўқищдан ҳайдалиб, ишни бошладим.

Уйландим ва турмуш ташвишларига ўралиб қолдим. Ана шунақа гаплар. Мен бор-йўғи бир яrim йилгина тала-баликнинг нонини едим. Қайтиб келиб, колхоз раисига учрадим. Олийгоҳни иккинчи босқич талабаси деган қофозни топшириб, ўқишини оилавий шароитимга кўра давом эттиrolмадим. Сиртқи бўлимга ўтказмоқчиман, деб айт-тишга мажбур бўлдим. Лекин чинданда сиртқи бўлимга ўтказиш ниятим бор эди.

Хўжаликнинг энг четидан, янги очилаётган ердан ажратиб беришиді. У ер уйимиздан ўн беш километр чамаси олисда эди. Аввал қийналдим, лекин тиришқоқлигими-ни кўриб менга бригадирликни беришиді. Шукр, хўжа-ликда илфорлардан бириман, режаларимизни ортифи билан уддалаб келаяпмиз. Ҳозирча передавоймиз, — ҳазилга бурди сўзини.

Ҳайитбой кабобни тайёрлаб бўлганда Зубайда уйгон-дин. Овқатлангач, кўпам кечга қолмайлик, деб йўлга тушишиді. Сурайё шу кеча деярли ухламади. У Ҳайитбойни ёқтириб қолганди. Йигит севаман деб айтмаса ҳам ҳарака-тидан сезилиб турарди.

Сентябрь бошланиб, Зубайда ишга чиқиб кетди. Ҳаде-май пахта йифим-терими деб ўқишлиар тўхтаб, оммавий сафарбарлик бошланди. Энди Сурайё уй ишларини деярли қўлига олганди. Шу кунгача икки-уч кунда бир келиб турган Ҳайитбой энди ҳафтада бир келадиган бўлди.

Бир томондан пахта терими, иккинчи томондан экинларга ишлов масаласи. Сурайё Ҳайитбойни кўргиси келар, келмай қолган кунлар зерикарли ўгарди. Зубайдада билан ёлғиз қолди дегунча гап мавзуси айланиб Ҳайитбойга келарди. Уни гапиришдан янгаси чарчамасди.

Биринчи теримни тутатган қуни Ҳайитбой хуш кайфиятда келди. Етмиш саккиз фоизга режамизни бажардик. Ҳали далада хосилнинг ярми турибди. Иккинчи терим тамом бўлмай режамизни уddyалаймиз, деб фуурланди.

Ҳайитбой бу сафар хаётини, тақдирини узил-кесил ҳал қилиб олиш учун келганди. Манти қилиш учун хамир ёяётган Сурайёнинг олдига келиб:

— Синглим, кечирасиzu, ёлғизлик эзиб юборди. Ишдан кейин уйга қайтсам уй ютиб юборай дейди. Жуда қийналиб кетдим. Тўғриси, жўраларим бир неча қизларни тавсия қилишган эди. Мен барчасига рад жавобини бериб келаяпман. Жамоамида ҳам менга кўнгил берган қизлар бор. Уларнинг бирортасига тўғриси сизни кўрганимдан кейин кўнгил беролмадим. Сиз хафа бўлманг, дангал айтди деб. Агар истамасангиз гап орамизда қолсин, — деди дабдурустдан.

Сурайё эртами-кечми йигитдан шуни кутарди. Лекин у ўзини жиддий тутди. Уялиб нариги томонга юзини бурди. Бу оз бўлсада кўнгли борлитини хис қилган йигит:

— Мен янгамга қолган гапни айтиб кетаман, — деб сигир соғаётган Зубайдада томон юрди. Улар ўн дақиқалар гаплашишди. Ҳайитбой машинасини юргизиб кетиб қолди. Овқатланишаётган пайтда Зубайдада Сурайёга бот-бот қараб унинг юзидаги ўзгаришни уқиб олмоқчи бўларди.

Кечкурун идиш-товоқ ювиц билан машгул бўлгандада Зубайдада унинг олдига бориб бир оз ёрдамлашди.

— Бу ёқда юринг, гаплашиб олайлик, — деб ички уйга бошлади. Ҳамма гапдан хабари бор бўлган Ойларбibi ҳаяжон билан уларни кузатиб турарди. Зубайдада Ҳайитбой айтган барча гапларни бир оз қўшиб бўлса ҳам айтиб берди.

— Шундай гап синглим, мана икки йилдан бери ёлғизликда яшаяпти. Ҳеч бир йигит шунгча вақт уйланмай юрмайди. Ўртоқлари анча илгари уйлантироқчи бўлиб бир қизни кўрсатишган экан. Ўша кунлар сизни кўриб уйла-

нишни кечиктирибди. Энди яна ҳам ўзингиз биласиз. Агар рози бўлсангиз шу икки-уч кун ичида яқин қариндошлар билан кичкина йифгин қилиб, никоҳ ўқитсак деяпти.

Сурайё ўйланиб қолди. У унсиз йигларди.

— Ҳа, нимага йиглајпсиз? Кўнглингиз бўлмаса бу гаплар ташқарига чиқмайди. Иккинчи айтилмайди. Ўшандай менинг синглим сифатида юраверасиз, — деди шошиб. Сурайё бир оз сукут сақладида:

— Опажон, мен кўнглим йўқлиги учун эмас. Мусофир юртда ёлғизлигим, шундай кунда бирорта яқинларим йўқлигидан. Айниқса, ота-онам ҳаёт бўлганда бундай аҳволга тушмасмидим, — деб йиглајпман. Сиз қиёматли опам бўлдингиз қандай тўхтамга келсангиз мен розиман, — деди шошқатор ёшлар тўкиб.

— Синглим, биринчидан мусофир юрт деманг. Сизни акаларингиз излаб тополмай юрган бўлса керак. Истасангиз хабар бериб чақиртирамиз.

— Йўқ, кераги йўқ. Чақиришга ҳожат йўқ. Тақдирим сизнинг қўлингизда, мен розиман, — деди қатый қилиб.

— Бўлмаса бугун сешанба. Эртадан кейин пайшанба, никоҳни шу куни ўтказсак, нима дейсиз?

— Маъқул, билганингизни қўлинг, — деб бошини ёстиққа ташлаб ҳўнграб юборди.

Сурайё менга ўзингизга ёқсан қўйлагингизни беринг, — деди бошини силаб. У гап нимада эканлигини сезиб, енглари сал узун кўкрак бурмали қўйлагини олиб берди.

Пайшанба куни кўй сўйиб, қозон осишиди. Учта тикувчига берилган бешта кўйлак, рўмол, нимчалар ва бошқа кийимлар солинган катта бўғчани олиб киришиди.

— Сурайё, айланиб қетай, пальтони кейинроқ шаҳарга олиб чиқиб, ўзингизга кийдириб олиб берар экан, — деди Зубайда. Мулла никоҳ ўқигани келгани ҳақида айтишиб кийинтиришиди. Атлас кўйлакда озгина пардоз қилиб оппоқ рўмол ёпинган Сурайё эртаклардаги малак каби сувлув эди.

Мулла ўтирган хонага олиб ўтишиди. Шунда ҳовлидаги одамларнинг кўилигини кўриб:

— Бунча одам кўп, — секин шивирлади.

— Ҳали ҳамма қариндошларни айтганимиз йўқ. Барчасини чакирсан ҳовли, уйларга сифмай кетади, — деди астагина Зубайда. Улар кирган хонада мулла, Ҳайитбой ва

икки киши ўтиришарди. Сурайё ўтираёттанида рўмол та-
гидан юзи кўриниб кетди. Пардоз қылтаниданми ёки рўмол
аёл кишига гўзаллик бахш этадими ҳарқалай Ҳайитбой
ширин энтикиб қўйди.

Ҳамма расм-русумлар тамом бўлгач, иккита енгил
машинада Ҳайитбойларнинг уйига жўнаб кетиши. Янги
ер очиб бригадир бўлдим, деганича бор экан. Ўша ерда
бор-йўғи бешта уй бўлиб, улар ҳам кейинги икки-уч йил
ичида қурилган эди.

Сурайёга ёққани уйлари ёнидан ариқ тўла сув оқиб
ўтаркан. Тартибсиз бўлса ҳам ҳамма жойга дараҳт экил-
ган, айримлари ҳосилга кирган эди. Энг қизиги бешта
хонадоннинг бирортасида ҳам девор дарвозаси йўқ экан.
У ерларга электр сими тортилиб, ҳали газ этиб келмаган-
ди. Лекин катта кичик беш-олтига балонли газ ва плитаси
бор эди. Рангли телевизор, видеомагнитафон ва бошқа ҳўжа-
ликка зарур буюмлар бор эди.

Биринчи кунлар ҳовлига чиққан Сурайёни ваҳима
босди. Чор-атроф бийдай дала. Шу беш уйдан бошқа бирор
нарса кўринмасди.

— Уҳ, пешанам шўрмикан шунчалар, кўнишиб кето-
лармиканман, — деб йиглаб юборди. Уни кўрган Ҳайитбой:

— Жоним, нимага йиглаяпсан, бирор нарсадан кўнглинг
тўлмадими? — деди гап нимада эканлигини сезмай.

— Зерикарли жойлар экан.

— Ҳали беш-ўн кун турганингдан кейин ўрганиб, бу
ерлар кўзингта оловдек кўриниб кетади. Ҳали мени айтди
дайсан, — деди унинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб. Тош
тушган жойига оғир, деган мақол бор. Кўрпант қайдা бўлса
кўнглинг шу ерда деганларидай секин-аста ўргана бошлади.
Ичкарига кирди дегунча телевизор томоша қиласди.
Турли фильм ва концертлар ёзилган кассеталарни қўйиб
вақтини ўтказарди.

Кейинчалик ҳовлидаги ишлар, мол, товуқларга қараш.
Сигир соғиши каби ишларни зиммасига ола бошлиди. Би-
ринчи хотини вафот эттандан бери ситирларини қўшни
аёл соғиб ичар экан. Ҳайитбой эрталаб катта-кичик беш-
олтига қора молни даласи томонга ҳайдаб кетар, кечқу-
рун бирга олиб қайтарди. Ўттизга яқин товуқлар атрофда
ёйилиб юради. Кечқурун ўзлари катакларига киргач,
эшигини ёпиб қўярди. Товуқларга бир маҳал дон берилар

экан. Бошқа пайт атрофдаги ўсимликлар орасида ёйилиб юришаркан.

Сурайё қүшнилари билан борди-келди қила бошлабди. Тут дараҳтидай тез күкариб соя берадигани бўлмаса керак. Ариқ бўйига экилган икки туп тут ажабтовур соя бериб ҳовлига кўрк бағиштарди. Сурайё молхонадан тахланиб турган тахталардан бир нечтасини олиб чиқиб икки дараҳт орасига ариқнинг устига кўприксимон қилиб жой тайёрлади. Ўша пайтда келиб қолган қўшниси Анорбой тахталарни териб текислашда ёрдамлашиди. У атрофга сув сепиб супурди. Устига палос, кўрпачалар ёзди. Бир чиройли жой бўлди.

Октябрь охирлаб қолгани билан ҳали кундузи иссиқнинг тафти баланд эди. Тагингдан бир ариқ сув оқиб турса-ю, устида сояда ёнбошлиб чой ичишнинг гашти бошқача бўларкан. Сурайё санади. Йигирма олтита товуқ ва бешта хўroz бўлиб, негадир бир кунда бор-йўғи беш-олтита тухум олади. Товуқларнинг ҳаммаси туғмаслигига ҳайрон эди.

Кечки пайт энди дастурхон атрофига ўтиришганида қўшниси катта челякда лиммо-лим қилиб оқ-сариқ ранги тухум кўтариб келди.

— Ҳа, буни нимага кўтариб юрибсиз, қаердан олдингиз? — қулди Ҳайитбой. Чунки қўшнилари бу йил юзга яқин жўжа олиб боқишаётганди. Улар ҳали тухум қилишига икки-уч ой бор эди.

— Бугун тушда ҳовлида сабзи тўғраб турсам товуқларингиз бизнинг гўзапоя фарамимизнинг орасига кириб кетди. Бир оздан кейин бири қақағиб чиқиб бошқаси кирди. Шунга қизиқиб ўша ерга бориб қарасам, гўзапоянинг орасида анча очиқ жойи бор экан. Бундай ўтинни сурсам ичи тўла тухум. Товуқларингизнинг кўпчилиги ўша ерга тухум қўйишга ўрганиб қолган экан. Уларни челякка сикқанича солиб келавердим, — деди.

Сурайё шундай ҳалол яхши қўшнилари борлигига севиниб кетди.

— Опажон, беш-ўнтасини олиб қоламан. Қолганини болаларингизга олиб боринг. Сизга энди ҳалол бўлди, — деди.

— Ҳали у ерда яна бир оз тухум қолди. Ўшани олсан етади. Унингсиз ҳам ҳар доим тухумларингиздан бериб турибсизлар, раҳмат, — деди аёл.

— Яхши бўлди. Эрталаб онамни кўргани бормоқчи эдик. Уларга олиб борамиз, — деди Ҳайитбой. Улар эрта билан барваҳ туриб Зубайдалар энди нонуштага ўтиришганларида етиб келишди. Бир чеълак тухум олиб келишганини кўриб хурсанд бўлган Ойларбиби уларни узоқ дуо қилди.

Ҳайитбой бир соатлар чамаси ўтириб, туришга шошилди.

— Бунча тез тураяпсизлар, — ҳайрон бўлди онаси.

— Пахта режасини бажардик, хабарларинг бор. Энди ёғин-сочинга қолдирмай бир оз деҳқончилигимизни йиғиб олайлик. Қишида насиб этса ўтираверамиз, — деди Ҳайитбой.

— Майли болам, ишингнинг баракасини берсин. Танжонинг соғ бўлсин, — деди Ойларбиби улар қузатишаётганида.

— Опажон, бизларникига ҳам бориб туриналар, соғиниб қолаяпман, — деди Сурайё Зубайдага. Ҳайитбой машинани ҳовлига қўйиб ўзи далага молларини ҳайдаб кетди. Сурайё уни қузатиб қолар экан шундай аҳил инок, оқибатли инсонлар билан тақдирли қўшилганлигидан, осоийишта тинч яшаётганидан «Яратганга шукур», деб кўйди. Қишилласига борганда Сурайё бошқоронги бўлганда Хурсанд бўлиб кетган Ҳайитбой нимани кўнгли тусаса шуни етказиб турди.

Августнинг бошларида ўғиллик бўлишиди. Унгача кундошининг онаси икки-уч марта қизини олиб келиб кетди. Сурайё кампирнинг кўнглига қараб, «онажон» деб, кетаётганида кўйлакли мато бериб ҳурмат билан қузатарди. Қизчаси ширингина бўлиб қолганди. У Ҳайитбойнинг бўйнига осилиб, отажон деб бижилларди.

Аёл зоти қизиқ яралган, ҳар қандай пайтда ҳам эри қадрласа, эътиборини қаратса, севса бошқа муаммоларни унугиб юборади. Кечга томон овқат тайёрлаб Ҳайитбой келаётган томонига қараб турарди. Анча узоқдан енгил чанг кўтарилиб, молларини ҳайдаб келаётган эри кўриниши билан севиниб кетарди. Ёш боладай шошиб қоларди.

Молларни тинчтиб, ювинганича дастурхон ёзиб, овқатни ва чойни тайёрлайди.

— Чарчамадингми, зерикмадингми? — деб Ҳайитбой кулиб кўяди. Унинг меҳр билан шу боқишининг ўзидан Сурайёнинг кўнгли кўтарилиб яйраб кетади.

Бир куни қўшниси Содиқ туғилган кунига айтиб кетди. У сал оқсоқланиб юрар, хўжаликда кассир бўлиб ишларди. Ҳайитбой ва Сурайё совфа кўтариб кириб боришганида ёнидаги қўшнилари ҳам чиқишиган экан, зиёфат жуда яхши ўтди. Айниқса, Содиқ асқияга мойил йигит экан. Ҳар гапда бир қизиқ қулгили иборалар ишлатиб даврани қиздиради.

Сурайё уйларига қайтгач:

— Очиққўнгил киши экан. Оёғига нима қилган? — деб сўраб қолди.

— Э, бунинг тарихи узун. Ўтган йили уйларига меҳмон келиб, мени ҳам чақиришган эди. Борсам иккита формали йигитлар ўтиришган экан. Кейин билсам Содиқ саккиз йил милицияда ишлаган экан. Ўшанда меҳмон ўзи қолиб ўртоги Содиқ ҳақида қизиқарли воқеаларни гапириб берганди.

— Айтиб беринг, нима ишлар қилган экан, — қизиқиб сўради Сурайё.

Содиқ ички ишлар бўлимида хизмат қилиб юрганида яраланиб, нафақага чиқкан.

— Ким яралаган? Ахир у ички ишлар бўлимида хизмат қилган деяпсизку, — савол берди Сурайё.

— Ҳозир мен сенга унинг қандай яраланганигини айтиб бераман. Бир қишлоқда яшаётган Соли исмли одам бор экан. У ўзи каби бир киши билан қуролланиб вақтивақти билан талончилликка чиқиб турар экан. У шу қишлоқда яшовчи бир кишининг данғиллама уйларини соттани ҳақида эшитди.

— Уйини катта пулга сотибди. Яқинда бошқа жойга кўчиб кетар эмиш, — деб шеригини чақириб келди. Улар кечаси ўша уйта кириб пул излашаётган пайтда уй эгалари уйғониб қолишади. Шошиб қолиб иккалasi эр-хотинларга ташланиб пичоқлаб ташлашади. Жиноят изларини беркитиш учун мурдаларни қонли кўрпаларга ўраб, учтўрт километр нарида жойлашган кўлга ташлаш учун машина юхонасига ва ичига жойлаштиришади.

Улар катта йўлга чиқиб, энди буриламан деганда бир гуруҳ ДАН ва милиция ходимларига дуч келишади. Улар шу кеча содир бўлган бир жиноятни очиш учун чиқишиган эди. Соли машинасини сал берига тўхтатиб, ўзи уларнинг ёнига борди.

— Биз Тошкентта гўшт олиб кетаётган эдик. Рухсат берсангизлар, — деб уларнинг биттасини қўлига пул қистиради. Пул олган ходимни олдига келган Содиқ пулни нимага ва қанча берди, нега олдинг? — деб сўради. Пул юз минг сўм эди.

— Ўҳ-хўй, ўзи енгил машинадаги гўшт бўлса, унга ҳар тўхтаттан ходимга юз минглаб қистирса. Унда гўштининг нархи тиљла қатори бўлмайдими? Улар бу гўштдан қанча фойда қиласарди. Йўқ, бу ерда бошқа гап бор, — деб Солининг машинасини олдини тўсиб чиқибди.

Ишни бу тариқа ўзгаришини кутмаган Соли тезликни камайтирмай ўтиб кетмоқчи бўлиб Содиқни уриб юборади. У ердагилардан икки-учтаси Солини қува бошлабди. Бошқаси Содиқни касалхонага олиб кетишибди. Содиқнинг оёқлари майдаланиб кетгани сабабли шифокорлар аранг, кесмасдан сақлаб қолишибди. Шундан кейин у оқсаб босадиган бўлиб қолибди.

Ана шунаقا гаплар. Оллоҳга шукурки қўшиларимизни ҳаммаси яхши одамлар. Баҳордан бошлаб ҳар йили йигирма-ўттиз оиласа атрофимиздан уй қуриш учун ер беришар экан. Ҳали қараб тургин, келажакда бу ерлар обод қишлоққа айланади, — деди мамнун бўлиб.

Қишининг изғиринли кунлари иссиққина уйда телевизор кўриб, овқатланиб ўтиришганида:

— Ҳайитбой ака, ўша ўқиётган жойингиздаги жанжалга қанча вақт бўлди? — деб сўраб қолди Сурайё.

— Уч йилча бўлиб қолди, нега сўраяпсан?

— Энди бориб ўқишингизни қайта тиклаб олсангиз бўлмайдими? Сизда бир хўжаликка, ҳатто туманга раҳбарлик қилиш қобилиятингиз, ташкилотчилигинги бор. Назаримда келажакда сиздан яхши раҳбар чиқади, — деди ҳазиломуз Сурайё.

— Тўғриси мен бу ҳақда ўйламай қўйгандим.

Ишим яхши, бригадирман. Ҳосилимиз, даромадимиз нолийдиган эмас. Ишим тинч, кичкина жамоа. Мехнатта ўргангандман. Раҳбарликка кўтарилиб, ишёқмас бўлиб қолишни истамайман.

— Ҳа, ҳали раҳбарларнинг ҳаётини тинч, ишёқмас одамлар деб ўйлайсизми? Мана сиз ўн беш-йигирма одамга бошлиқсиз. Шуларнинг ташвишини қилиб юрасиз. Ҳатто уйда ҳам фалончи касал бўлибди, шаҳарга олиб боришим

керак, фалончи уришиб қолишибди, яраштиришим кепрак, деб қайғуриб юрасиз. Лекин ҳарқалай тинч ётиб ухлайсиз. Раҳбарларгачи, уларнинг ҳаётлари фақат ўй-фиркада. Ҳатто уйқусида ҳам халоватлари бўлмайди. Чунки елкасида катта, салмоқли масъулияти бор.

— Ўҳҳў, кўп нарсанинг фарқига борар экансан. Сенда ҳам раҳбарлик қобилиятини кўриб турибман, — деб Ҳайитбой Сурайёнинг кўнглини кўтариб қўйди.

— Менинг отам йигирма йилдан кўпроқ туманга раҳбарлик қилган. Эсимда, ярим кечада ҳам ниманидир режалаштириб, хонасини тутунга тўлдириб, сигарета чекиб ўтирганини бир неча марта кўрганман.

— Нима дединг, отанг райком бўлганми? — ҳайрон бўлиб сўради Ҳайитбой. Сурайё бир хўрсиниб «ҳа» ишорасини қилди.

— Нега шу пайтгача бу ҳақида айтмадинг. Нега оиласанг тўғрисида гапирмайсан? — ажабланди Ҳайитбой.

— Мавриди келгандা билиб оларсиз. Ҳарқалай жиноятчи, қочқинчи эмасман, — ҳазилга олди Сурайё.

— Сиз бошқа гапни қўйинг, ҳозир бекорчилик, иложи бўлса эртадан бошлаб ўқишингизни тиклаб олиш ҳараратини бошланг, — деди жиддий.

Ҳайитбой Сурайёнинг олий маълумотли ипакчи агрономлиги учун кейинчалик мендан хафа бўлмасин деб ишлашни таклиф қилди.

— Сурайё, колхозда сенбоп иш бор экан. Хоҳласанг ишлашинг мумкин, — деди синчков тикилиб.

— Йўқ, менинг баҳтим оиласам, яъни сиз, фарзандларим: Сиз ишласангиз бўлди. Мен ишламоқчи эмасман, — деди қатъий қилиб.

Орадан уч йил ўтиб, олийгоҳнинг тўртинчи босқичига ўтган пайтда ҳар йили режасини ошириб бажаргани учун, хўжаликнинг юксалишида унумли ҳиссаси борлигини назарга олиб Ҳайитбойни орден билан тақдирлашди. Бу вақтда қизчаси Барнохон уч ёшга етиб қолганди. Ёр-дўстлари барчасини бир қилиб «Ювмайсанми», деб туриб олишди. Шундан кейин ўзларига ҳам кийим-кечак олиб зиёфатга ул-бул харид қилиш учун Қарши бозорига боришибди. Боласини йўл-йўлакай оналарига қолдиришибди. Улар бозор айланишибди. Дўконларга кириб, керакли нарсалари ни олишибди. Ойларбибига ва Зубайдада янгасига ҳам совға

олишни унтишмабди. Улар овқатланиш учун ошхонага кириб овқат буюришганида ён томондаги столда ўтирган бир аёл ва бир эркак уларни кўрсатиб нимадир дейишиди. Сурайё уларга кўз қирини ташлаб қаердадир кўргандай бўлди.

— Вой, булар бизнинг кўчамиизда яшайдиган магазинчиларку, — бирдан хаёлига келди. — Улар ҳам мени таниб қолишиди. Энди кўришмасликнинг иложи йўқ, — деб ўйлаб турганида у аёл ўрнидан туриб Сурайё томон юра бошлади.

Иккиси кучоқлашиб кўришдилар.

— Сурайё синглим, бор экансанку. Акаларинг сени излаб жинни бўлаёзди. Сени йўқолиб қолган деб, қиди-рувга ҳам хабар берилган. Турмушинг қалай? Соғлифинг яхшими, нега қаерда яшашингни яшириб келаяпсан? Қочқинчи эмассанку, — кетма-кет савол берарди аёл.

Официант овқатни келтирганда икки столни бириктиришни буюришиди. Шундан кейин тўрталаси бирга ўтириб сұхбатини давом эттиришиди. Кичик янгаси қишида сёғи тойиб йиқилиб ногирон бўлиб қолгани-ю, ким вафот этди, ким турмушга чиқди. Ҳеч нарса қолдирмай айтиб беришиди.

— Хўш, ўзларингиз бу ерда нима қилиб юрибсизлар?
— деди ҳаяжонланиб ўтирган Сурайё.

— Қайнисинглим шу шаҳарга келин бўлиб тушганди. Кеча туғилган куни баҳона кўргани келгандик. Бугун шаҳарни томоша қилдик. Бозорларни айландик. Энди овқатлангани кириб сизларни кўриб қолдик. Синглим айт-чи, нимага хабарсиз бўлиб кетдинг. Катта янганг сен кетиб қолгандан кейин уйларингта келиб, Тошпўлат акантга янгангни қилмишини гапириб жанжал қилибди. Сен туфайли чиқиб кетган, сен кун бермагансан, деб роса уришибди. Акаларинг сени соғиниб адойи тамом бўлишган. Ҳайрият сени топдик, — дебди севиниб.

— Мана шу киши хўжайним, бир ўғлимиз бор. Ҳаётим тинч. Дехқонободда илгор бригадир бўлиб ишлайдилар, — ҳазил аралаш сўзлади Сурайё. Улар бир оз сұхбатлашиб ўтириб, кейин хайрлашиб жўнаб кетишибди. Уйларига боргач, Тошпўлатнинг олдига бориб суюнчи олишибди. Бу хабардан севиниб кетган йигит Сурайёнинг манзилини сўради.

— А, манзилими, қарангта ҳаяжонланганимиздан аниқ манзилини сўраш ёдимиздан чиқибди. Лекин синглингиз гап орасида Дехқонобод дегандай бўлувди.

— У, бу катта туман бўлса топишмиз мушкулку. Қиинчилик билан бўлса ҳам топиб оламиз. Ҳарқалай туманини эслаб қолибсиз. Щунга ҳам раҳмат.

— Э, шошманг, бу йил қандайдир орден олишган экан. Илғор бригадир, деганди.

— Ҳа, энди топиш бир мунча осон бўлади. Битта тумандан бир йилда нари борса тўрг-бешта киши орден олиши мумкин, — деди кайфияти қўтарилиб Тошпўлат.

Шу куни акасиникага бориб хушхабарни етказди. Бир неча кундан кейин акасининг машинасида Дехқонобод қайдасан деб йўлга тушишди. Улар туман ижроия қўмита-сига келиб, у ердаги масъул кишилар билан учрашишди. Ўзлари ўйлаганларидаи орденли бригадирни топиш осон бўлди. Улар Ҳайитбой ишлаётган хўжалик идорасига келиб, раис билан учрашишди. Раис уларнинг манзилини аниқлаб берди. Тошпўлатлар қишлоқчага етиб келишгач, девор қўтараётган йигитлардан Ҳайитбойнинг уйини сўради.

— Ҳув анови охирги уй, — деди қўли лойли йигит. Чанг кўчадан асфальт ётқизилган йўлга чиқиб, кўрсатилган уй тўғрисида йўлнинг четига машиналарини тўхтатишиб, аниқ шу Сурайёмикан деб ҳовлию, уйни кузата бошлишибди. Улар машина капотини очиб қаеринидир ковлашиб туришарди. Бир оздан кейин сочини ювиб, бошига катта сочиғни ўраб олган аёл кўринди.

— Бўлди, шу Сурайё, — деди Тошпўлат ҳовлиқиб.

— Тузукроқ қарадингми, катта аёлга ўхшайди, — деди акаси.

— Ака, мен уни бошига сочиқни ўрашидан танидим. У аввал ҳам шундай ўрарди. Қолаверса, қишлоқда яшовчи аёл-қизлар бошларини ювса эскироқ рўмол билан ёки сочиқни бошқача ўрашади, — деди.

Сурайё ҳовлидан уйга кираётib кўчада турган йигитларнинг биттаси кўзига таниш кўриниб, юраги жиз этиб кетди. Тошпўлат дадил юриб ҳовлига кирди. Сурайё деразадан қараб акасини таниди. Тошпўлатнинг кўзларидан ёш қуйиларди. Сурайё ўзини акасининг қучогига отди. Унинг орқасидан катта акаси бағрига босди.

Ён-атрофдан қараб турғанлар уларнинг йиглашиб кўришаётганини кўришиб етиб келишди. Ака-укалар билан сўрашиб ичкарига таклиф қилишди. Сурайё қўшиңсига Ҳайитбойга хабар қилишни илтимос қилган эди. У велосипедига миниб далага кетди. Молларини бир болага қолдирган Ҳайитбой хабарчи йигитнинг велосипедига бир тўқлини ортиб юборди. Ҳайитбой яёв етиб келганича қўшниси Содик тўқлини бўғизлаб бўлганди.

Сурайё кейинги пайтда ўтмиши ҳақида бир оғиз ҳам ёлғон қўшмай ҳаммасини айтиб берганди. Сурайё кеттагидан кейин катта акаси Тўлқиннинг иш лавозими кўтарилиб, туман ижроия қўмитаси раисининг биринчичи ўринbosари бўлиб ишлаётган эди. Тошпўлат ҳамон мактабда дарс берар экан.

Ҳайитбой меҳмонлар билан кўришиб, сўрашиб бир чойнак чой ичилгунча, кўйнинг думбасига жигарини қовуриб олиб киришибди. Ҳайитбой иккинчи овқат тайёр бўлгунча машинасида онасини ва янгасини олиб келди. Кечроқ етиб келган Рустам кетаётганида уйларига бир пиёла чойга боришлиарини илтимос қилиби.

— Биз синглинизни тополмай жуда қийналдик. Уч кун бурун маҳалламиздаги бир аёл Сурайёни кўрганини айтиб келди. Шундан кейин излаб йўлга тушдик. Кеча ва бутун иккимиз ҳам ишдан қолдик. Оллоҳ насиб этса сизлар боринглар, бизлар келайлик. Синглинизнинг ҳаётини кўриб кўнглилиз тўлди. Янгасининг бир оз нодонлигидан хафа бўлиб, бизга ҳам айтмай кетиб қолганди. Майли ўтган ишга ўқинмайлик, борди-келди қиласайлик. Биттагина синглилиз. Соғиниб, тополмай йигит бошимиз билан иккализ ҳам жуда қийналдик. Бағримизда эркаланиб ўсганди. Яратганга шукур, бағримиз тўлди, — дейишди акалари.

Улар қудаларини уйларига меҳмонга таклиф қилиб, жўнаб кетишибди.

* * *

Ғўзаларни чеканка қилишаётган вақтда кечаси Ҳайитбой қандайдир ён дафтарчани очиб қарадида:

— Сурайё, эртага Орифнинг туғилган куни экан. Бир бориб келмаймизми, — деб қолди. Сурайё унга жавобан калласини ликиллатиб кўя қолди.

Шундан кейин у бир нимани эслагандай:

— Сурайё, илгари ҳам шу мавзуда гаплашганмиз. Энди бир қарорга келгандырсан. Ахир ўқишиңгни сүнгти йили қолганку. Увол бўлмасин шунча йил меҳнат қилиб ўқигансан. Ўқишиңгни давом эттириб диплом олсанг, бир куни керак бўлиб қолар.

— Йўқ, чин кўнгилдан айтаяпман. Ўқимайман. Кўплар аёл кишининг бахтини маълумотда, амалда деб билишади. Мен учун оила муқаддас. Сиздек ўқтам умр йўлдошим, ҳучогимда ўғлим, диёнатли қайнонам бор. Рўзгорим тинч, ҳурматим жойида. Яна нима керак. Қўйинг, бу ҳақида бошқа гаплашмайлик, — деди Сурайё кўзлари жикқа ёшга тўлганди.

— Майлику-я, кейинчалик бир вақт келиб мени ўқитмагансизлар демасанг бўлди, — деди унинг кўзларига қараб.

— Йўқ, йиғлаганимга этибор берманг. Онам ёдимга тушди, — деди кўзларини артиб.

— Бўлмаса эрталаб тайёрланиб тургин, даладан бирров хабар олиб тезда қайтаман. Орифларникига бориб келамиз.

Сурайё оққўнгил, ажойиб бу икки ёшни унингсиз ҳам кўргиси келиб юрганди. У дарров ухлай олмади. Бир йил аввал ҳам бориб келишган. Улар ҳам бир-икки келиб кетишган. У Орифларнинг уйига биринчи боришини эслади. Уларнинг қандай оила қуришганини Ҳайитбой гапириб берганди.

Ориф ўрта мактабни тугатиб, Самарқанддаги бухгалтерлар тайёрлаш билим юртига ўқишига киради. У Ойларбибининг она авлодидан. Шунинг учун Ҳайитбой Орифни тоға деб атарди. Улар талабалик йиллари ҳам бир неча марта учрашиб, биргэ ўтиришган. Ориф ўзи билан бир бўлимда ўқиётган Шоҳиста исмли қизни ёқтириб қолади. Қиз ҳам йигитга кўнгил қўяди. Шоҳиста Жizzак вилоятидаги туманлардан бирида яшайди.

Улар ўзаро келишиб, аҳди-паймон қилишади. Лекин қизнинг аммаси бешикдалигидаёқ бошлига рўмол ташлаб:

— Бу қиз энди бизники бўлди, — деган эди.

Шу сабабли гоҳ-гоҳ уйларида аммаси ва ўғли ҳақида гап сўз бўлиб турар, Шоҳистани уларнинг келини бўлишини эслатиб қўйишарди. Аммаси Бодом хола бошқа қишлоқҳда турса ҳам қиз тўққизингчи синфда ўқиётган пайтидан серқатнов бўлиб қолганди. Шоҳиста аммасининг ўғли

Парфини түй-марака баҳона бир неча марта күрган. Лекин негадир ёқтирмаганди.

Шу сабабли у онасига бир неча бор-бекор унаштирғансизлар барибир унга тегмайман, — деб айтганди.

— Ҳай-ҳай қизим, нима деяпсан. Амманг бўлади-я. Қариндошларни айриб, юзига оёқ қўймоқчимисан. Парфини бошқалардан қаери кам. Курилиш техникумидаги ўқиятти. Кеча кўзим тушиб эди, бир келишган йигит бўлибди, — деганди.

Ўнинчи синфни битираётганида тўй қиламиз, деб қолишганди.

— Йўқ, мен болалигимдан ҳисобчи бўламан, деб ҳавас қилганман. Нима бўлибди, бир ярим йилда ўқиб келаман, — деб туриб олибди.

Қизининг райидан ўтолмаган отаси Санакул синглиси ни олдига бориб:

— Бодомгул синглим, қизим бухгалтер бўламан, ўқийман деб тиқилинч қилаяпти. Бор-йўғи бир ярим йил экан. Ўқиса ўқий қолсин, — дебди яхши гапириб. Буни эшитган синглиси пов этиб ёниб кетибди.

— Нима дедингиз, ўқишига, ўқимайди. Барибир эртага болалик бўлса ҳаммаси қолиб кетади. Ана қизим, беш йилликни битириб келин бўлиб атиги беш ойгина ишлади. Учта болали бўлиб энди ошган хамирдек бўлиб ўтирибди. Парфининг ўқигани етар. Битта ўғлим, битта келиним. Менинг бошқа фарзандим йўқку, бунисини ишлатиб, иккинчисини хизматимда олиб қолсам, — деб бобиллабди.

— Парфини ўқишини тугашига қанча қолди? — деди Санакул.

— Бир йилга яқин, — чимирилди аёл.

— Ўғлинг ўқишини тутатмаган бўлса нега тўй қиламиз дейсан? — жаҳл қилди.

— Нима бўлибди, ҳа демай бир ярим ойга таътилга чиқишиади. Шу орада тўй қиламиз. Тўйдан кейин ўғлим қолган ўқишини ўқийверади.

— Йўқ, тўхта. Қизишка, ундан бўлса эшит, Парфи бир йил ўқиса Шоҳиста ҳам бир йил ўқисин. Қизим қолган олти ойини жуда бўлмаса сиртқига ўтказади.

— Э, унақа қисқа ўқишининг сиртқиси бўлмас экан, қизим айтганди.

—Ха, олти ой дегани бир гап бўлар. Қизимга айтаман. Шу ўқишининг бир йиллиги ҳам бор экан. Ўқишини тугатиб келса менга фойдаси йўқ. Бойбичча қайнона бўлиб, ўғлингни ва келинингни шилиб топганини мазза қилиб еб ўтирасан, — гапни хазилга олди Санакул.

Хуллас анча ғиди-бидидан сўнг Бодомгул рози бўлмасликка чора тополмади. Шундан кейин Шоҳиста Самарқанддга ўқишга кетди. Ўқишлари битгунча ҳам қиз бир неча марта:

Мени тинч қўйинглар, аввал ҳам айтганман: барибир Парфига тегмайман, — деб огоҳлантирганди. Аммо унинг сўзларини қиз боланинг шунчаки инжиқлиги деб тушунишиди.

Ўқиши тугашига оз қолганда Шоҳиста янгасига кўнглини ёрди.

— Янгажон, сиз буларга мен йўғимда тушунтиринг, барибир унга тегмайман. Менинг яхши кўрганим бор, — деди дангал.

— Вой мен ўлайда қолай. Ҳой қиз, нима деяпсиз. Сиз унаштирилгансизку. Бу фикринтизга на акангиз, на бошқалар қўшилади. Қолаверса, Қашқадарёдай узоқ жойга ҳеч қачон қиз беришмайди, — деди хавфсираб.

— Беришмаса ўзларидан кўрсин, қочиб кетаман, — деди кўнглидагини очиқ айтиб.

— Вой шўрим, тавба денг-а. Авлодингизда қочиб кетган қиз йўғ-а. Отангизни, акангизни юзини ерга қаратманг. Ўйлаб иш қилинг.

— Ўйладим. Ўзим билан ўқиётган йигитни яхши кўраман. Мен кеттанимдан кейин ётифи билан айтинг, — илтижоли боқди Шоҳиста. — Хўп қиз бола, хўп. Яна ҳам ўйлаб кўринг, — деб қолди.

Бу пайтда ўқишининг тугашига икки ойлар қолди.

Шоҳиста жўнаб кеттач, уйларида катта жанжал бўлди. Санакул аёлига:

— Сен ўстирган, сен таълим берган қиз, — деб қийновга олди.

— Мен унга бошқани яхши кўр деб ўргатмаганманку, — деб ўзини оқламоқчи бўлганида Санакул:

— Мен аввал бошдан қарши эдим. Лекин сен товуқ мияни сўзига кириб юргандим. Ана оқибати, қочиб кетса нима бўлади. Ҳам синглимдан айриламан, ҳам халқ ичида

бош күтаролмайман, — деб аёлини урмоқчи бўлиб қўл кўтарганда ўғиллари ўртага тушиб ажратиб олишди.

У ёқда Орифларнинг уйида ҳам озми-кўпми кўнгил хираликлари авж ола бошлаган эди. Орифнинг отаси бир неча йил илгари етти болани аёлига қолдириб вафот этганди. Мушфиқ аёл ёлғиз ҳолда етти болани оқ ювиб, оқ тараб ўстирди. Уч қизини кутлуг жойига қўндириди. Ўғилларининг каттаси бўлган Орифни ўқишига не қийингчиллик билан юборган эди. Отаси ўлганда бир сигири қолганди. Шуни боқиб кўпайтириб, тўй-маракаларга ишлатиб туришарди.

— Жон болам, узоқ юртдан келин олишга чамам йўқ. Бу осон эмас, — деб оёқ тираб туриб олди. Чорасиз қолган Ориф яқин қариндошлари билан маслаҳатлашди. Уларнинг айримлари:

— Хеч парво қилма. Қараб турмаймиз, — дейишди. Айниқса, катта опаси сахийлик қилиб:

— Битта новвос қўшганим бўлсин. Йигит моли ер остида эрта бир кун ишлаб қайтариб берарсан, — деб қолди.

Шоҳистани берган манзили бўйича Орифнинг тоғаси ва амакиси совчи бўлиб боришиди. Санакул икки ўт орасида қолди. Совчиларни қайтариб юборса қизи қочиб кетаман, деганди. Улар ҳам ўзаро келишиб, кейинги келишидан фотиҳа беришдан бошқа илож қилишолмади. Ўзига буни ҳақорат билган Парфи ўртоқлари ва яқинлари билан маслаҳатлашди. Охири:

— Нима бўлса бўлди, олиб қочаман. Дўстим айтганидек аммамнинг бузоги бўлиб қолмайман. Arap бўйсунмаса кейинчалик жавобини бериб юбораман, — деган қарорга келди. Парфи бир мунча тўқис оиласда ўсганди. У Шоҳистани олиб қочиши учун анча ҳаракат қилди. Лекин ёлғиз учратишни ҳеч иложи бўлмади.

Охири Шоҳистанинг дугонаси Саодатни қўлга олди. Унга унча мунча совга-саломлар бериб, айтганларига кўндириди. Қиздан Шоҳистани тўй либоси харид қилиш учун туман марказига келишини билиб олган Парфи ўртоғининг машинасида кузатиб туришди. Ўзига ёққан кўйлакни олган Шоҳиста ҳеч нарсадан хабарсиз йўловчи машинага қўл кўтарди. Парфи машинанинг орқа ўриндигига ёнбошлаб олганди. Тезликни пасайтириб келаётганларга

худди шу керак әди. Қиз орқа эшикни очиб ўриндиққа ўтиromoқчи бўлди. Шоҳиста ўзини ўнглаб улгурмай Парфи уни кучоғига олди. Дод солишга уринган қизнинг оғзини ёпганича қаёққадир олиб кетиши. Бирор соатлардан кейин кўм-кўк дарахтзорда машинани тўхтатиши. Шоҳиста кўркувдан дағ-дағ титраб, қаршилик қиласвериб бир соат ичидан холдан тойган әди.

У атрофга термулди. Унча баланд бўлмаган тоғлик жой эканлитгини сезди. Бу яқин атрофда на уй, на одам кўринарди.

— Норжигит дўстим, эртага эрталаб келавер. Фақат кўнгироқ қилиб огоҳлантиришни унутма, — деди. Унинг юзида на курсандчилик ва на кўркув холати кўринмасди. Норжигит юкхонадан икки тугунда алланарсаларни кўйдиди жўнаб кетди. Машина осилган Шоҳистани билагидан қаттиқ қисиб олиб қолди. Машина жўнаб кетгач, Шоҳиста уввос тортиб йиғлаб юборди.

Уларнинг ҳовлисида тумонат одам, тўй авжида. Лекин Шоҳистани дарров келаман деб кетганича кеч бўлаётган бўлсада келмаётганидан уйидагилари хавотирда әди.

Норжигит тўйхонага кўнгироқ қилди. Негадир ҳеч ким гўшакни кўтармади. Демак, телефон ишламаяпти, нима қилиш керак, боши қотди. Шундан кейин бир варақ қофозга “Отажон хавотирланманг, мен Парфи билан кетдим”, деб ёзиб, тўй бўлаётган кўчадан берида тўхтадида, ўн-ўн икки ёшли бир болани тўхтатиб:

— Буёққа келгин-а укажон, — деди. Бола ҳайрон бўлиб яқинлаши.

— Ким тўй қилаяпти, биласанми? — деди.

— Санакул бобоникидаги тўйни айтаяпсизми, — деди бола елкасини қисиб.

— Ҳа, ҳа шуни айтаяпман. Мана бу хатни бир одам мендан Санакул акага беринг, деб юборганди. Мен у кишини танимайман. Шунинг учун шу хатни ҳеч кимга кўрсатмай ўзига бергин, — деб қофоз билан бирга пул ҳам узатди. Ундан курсанд бўлган бола:

— Ҳозир етказаман, — деганича югуриб кетди.

Норжигит болани тўйхонага кириб кетганини кўргач, дарҳол бу ердан жўнаб кетди.

Хатни олган Санакул телба бўлаёзди. Хотинини, ўғлини чақириб воқсанни айтди. Улар довдираб қолишиди.

— Энди нима қиласиз,вой шўрим, — деб йиғлаётган аёлига хўмрайиб қарадида, жонингдан умидинг бўлса овозингни ўчир. Ёриб ташлайман, — деди титраб.

— Амманг тўйга келгани йўқ. Сен тез хабар олчи, Шоҳистани уйига олиб бордимикан, — деди ўғлига. Ярим соатдан кейин қайтиб келган ўғлиниң ранги бўздай оқарганди. У қалтираб титрарди. У отасига калласини сараксарак қилди. Бу орада куёв келди, куёв келди, деган шодон қийқириқлар эшиштилди. Улар бу сўзларни эшишиб бир қалқиб тушишди.

Санақул хаёлига келган фикрдан кувват олиб қудалар келган томонга юрди. Тўйхонадагилар уларни маҳсус уйга олиб киришди. Санақул улар билан кўришгач, ўғлини чақириб бир нима деди. У хўп деганича дарров бурилиб кетди. Йигирма дақиқалардан кейин чоғроққина уйда Ориф куёв билан Санақул юзма-юз суҳбатлашарди.

— Шундай ўғлим, ҳали бу хабарни ҳеч ким билмайди. Бўлар иш бўлди. Уни зўрлаб олиб қочишган. Энди оҳвоҳдан фойда йўқ сени бир маслаҳатта чақирдим, — деди ўзини босиб.

Орифнинг қулоги шангиллар, унинг қандай маслаҳат беришини қизифи йўқ эди. Унинг бу ҳолатини тушунган Санақул:

— Ўғлим, хаёлингни бир жойга йиггин. Бир фикр бор, сен шунга нима дейсан, — деди. Орифнинг қулоқ солишдан ўзга иложи қолмади. Бу гапдан ҳали ҳеч ким хабарсиз. Шоҳистадан бир ёш кичик Шоҳида деган қизим бор. Истасанг кўришинг мумкин. Ҳеч ким сезмасин, ёпилик қозон ёпиғлигича қолсин. Шу қизимни олиб кет. Кейин бошқалар билса ҳам майли. Лекин ҳозир шарманда бўлмайлик, — деди илтижоли боқиб. Йигит ўзини кўлга олди. Энди ғиди-бидидан фойда йўқ, фақат кулгига қолади.

— Ҳа, кўрсатинг, — амирона сўзлади йигит.

— Ҳозир ярим соатда олиб келаман, — деганича чиқиб кетди. Тўй эски русумда бўлаётганди. Чунки ён кўшини синикида яқинда таъзия бўлиб, шу сабабли карнай-сурнай, санъаткорларсиз ўтқизишашётган эди. Санақул ўзини тутиб ташқарига чиқди. Келиб-кетиб турганлар билан у буни гаплашган бўлиб хотинини ички хонага чақирди.

— Тезда Шаҳодатни чақириб кел, — деди. Ҳеч нарсага

тушунмаган хавотирда турган онаизор кичик қизини аста чақириб келди.

— Ота, опам қаёққа кетган кўринмаяпти? — деди ҳеч нарсадан хабарсиз қиз.

— Қизим шарманда бўлдик. Опанг Парфи билан қочиб кетибди. Овозингни чиқарма. Энди бор умидим сендан. Сен ҳам сўзимни қайтарсанг менинг ўлганим, — Санакулнинг кўзидан дув ёш оқди.

Эркак киши ҳеч қачон йиғламаса керак деб ўйлаган қизи шошиб қолди.

— Отажон, мендан нима истайсиз, — деди мўлтираб.

— Агарда рози бўлсанг сени опангнинг ўрнига узатиб юборамиз. Ҳозирча ҳеч кимга билдирамаймиз. Майли бошқа кун билишса ҳам бир гап бўлар, — деди умидвор боқиб.

— Отангни тириклиайн гўрга тиқмайлик. Биласанку қон босимининг юқорилигини. Бир нарса бўлса, шўримиз қурийди, — гапга қўшилди онаси. Қиз нима дейшини билмай жавдираб бир отасига, бир онасига қараб турарди. Кутимаган хабардан юраги гурсиллаб уради.

— Индамаяптику отаси, рози бўлгани шу-да, — деди кўрқа писа онаси.

Санақул ўрнидан туриб қизининг пешанасидан ўпиб:

— Она қизим, у дунё, бу дунё сендан розиман. Тупроқ олсанг олтин бўлсин. Илоҳим пещонанг ой баҳтли бўлсин, — дедида аёлига пичирлаб ниманидир айтди.

— Ҳа, келинни хабари бор, хўп айтганингиздай бўлади, — деди шошиб.

Бир оздан кейин оқ рўмол ёпинган, соchlари узун қизни Орифнинг олдига олиб киришди. Қизнинг сочлари ўтирганда кўрпача устида тахланиб турарди. Унинг юзи рўмол тагидан деярли кўринмасди. Ориф учун ҳозир бари бир эди. Нима бўлса ҳам шу ердан қизни олиб кетса бўлди.

Ёқмаса кейинроқ ҳайдаб юбораверади. Лекин ҳозир сир очилса унга бардош беролмаслигини, аччиқ устида бирор кор-ҳол юз бериб қўйишини ўйлаб:

— Бўлди, тез тайёргарликни кўриб, бизни жўнатинглар. Бу ердан тезроқ кетайлик, — дедида чиқиб кетди.

Шундан кейин келган машиналар тайёрланиб, келинини олиб йўлга тушишди. Тўй эгаларининг совуқкон-

лиги ва эрта аzonлаб йўлга чиқиши керак бўлгани холда тез кетишганига ҳайрон бўлишганда Ориф астагина:

— Бир кекса момолари оғирлашиб қолибди, шунга тезда жўнаб кетишга тўғри келиб қолди, — деб баҳона қилди бирга келгандарга.

Келинни олиб кетишгач, тўйхонада шивир-шивир бошлиланганди.

Икки кун ўтиб, бу сир ҳаммага ошкора бўлди. Лекин Норжигитдан янгиликни эшитган синглиси:

— Акажон, худо шоҳид, олиб қочмоқчи бўлганлигини сезган бўлсан. Ҳарқалай йигит киши ҳамиятига теккан бўлса керак, шу ишни қилибди. Нима бўлганда ҳам ўз жигарингиз. Қолаверса, унаштирилган. Ўзининг жуфти ҳалоли. Катта тўй қиласиз. Обрўйингизни оширасак оширамизу тушурмаймиз, — деб кўнглини кўтарди.

Бодомгулнинг эри ўғлиниң ишидан бир оз хабари бор эди.

— Иложини топсам олиб қочаман, — деб айтиб қўйган ҳам эди. Ўғлини фикридан қайтаролмагач:

— Ўзинг биласан, — деб қўйганди. Норжигитдан янгиликни эшитгач, Бодомгул акасиникига, Шодмон эса тўй ҳаракатига тушиб кетиши.

Эрталаб Парфиларни олиб кеттани келган Норжигит ҳамма гапни айтиб берди. Қовоғлари йифидан шишиб кеттан Шоҳиста кўрпача устида ерга қараганича ўтирас, Ориф унга нималарнидир уқтиради. Аммаси ҳамма ишни рисоладагидек ўтказди.

Бир кунгина Норжигитни уйида турган Шоҳистани эртаси куни ота уйига олиб келиши. Янгаси уни ўзининг уйига олиб кирди. Онаизор титраб-қақшаб ўзини қизига отди. Она-бала йиглашиб олиши. Шу пайт карнай-сурнай, қарс-бадабанг овозлар эшитилди. Қизни куёвжўралар қуршовида келган Парфи безатилган машинада уйларига олиб кетди...

Бир ота-онанинг фарзанди бўлиб, бир оилада тарбия топиб ўсишган бўлса ҳам, феъл-атворда ҳам бошқа-бошқа қизлар эди. Шоҳиста калта сочли сарв қоматли бўлса, Шоҳида тўлароқ, узун сочли эди. Шоҳиста анча зийрак бўлгани ҳолда, Шоҳида жуда содда, хўқиз туғибди, деса ишонадиган, оққўнгил қиз эди.

Тўйдан кейин ёқмаса жўнатиб юбораман, деган ўйда

бўлган Орифга қизнинг соддалиги, меҳнаткашлиги ёқиб қолди. Айниқса, ҳеч нарсадан хабарсиз қайнона келининг меҳнатидан кўнгли тўлиб, ҳар куни дастурхон устида дуо қиларди. Кейинчалик опасининг ўрнига синглиси келин бўлиб келганини эшишиб ажабланишди, кулишиб олишди. Секин-аста ҳамма нарса ўз жойига тушиб кетди. Тўй-маракаларга Шоҳидани отасиникига фақат қайнонаси олиб келарди.

— Нега қуёв келмади? — деган сўз ҳеч кимдан чиқмасди.

Қандай бўларкан деган хавотирда юрган Санакул қизининг очилиб-сочилиб қайнона билан келгани учун Яраттанга шукроналар айтарди.

— Қўлимга тушса ўлдираман, — деб тўй куни аччиғланган, кейинчалик «юзинг қурсин» деб тескари қараган Санакул секин аста кўниди. Парфи билан қизини осоишта ҳаётини кўриб, баразгўйлик кўтарилиб борди.

Бора-бора тоға-жиян, қайнона-қуёв топишиб, бордикелди қила бошлади.

— Оғзимдаги ошимни нега бировга олдирап эканман. Олиб қочсам ўзимга тегишли қизни олиб қочганман, — деб ҳазиллашиб кўярди.

Шоҳиста хам тақдирга тан бериб қолганди. Ўшанда машинасида олиб кеттани келган Ҳайитвой кейинчалик бўлиб ўтган воқеани эшишиб мириқиб кулганди.

Оиласа иккинчи келин келиши муносабати билан Орифлар алоҳида уй олиб чиқишига тўғри келди. Қишлоқдан бир километр узоклиқдаги янги ердан одамларга уй қуришга ер беришини эшишиб, Ориф биринчи бўлиб ўша жойдан ер олди. Ҳашар қилиб, икки хонали уй қуриб, кўчиб кетди. Ўйнинг деворлари сувоғдан чиққан, ҳали оқданмаган эди. Шифтларида ёғоч устидан босилган шоҳшаббалар орасидан қотиб қолган лойлар кўриниб турарди.

Ориф билан Шаҳодат икки ёшли қизи билан шундай уйга кўчиб келишганди.

Атроф бийдай дала. Шундай кунларни бирида Ҳайитбой билан Сурайё янги уйга чиқиши ва туғилган кунини эслалиб келиб қолишиди.

Ҳайитбойларни кириб келаётганини кўрган аёл севиниб кетди. Ҳамирли қўл билан қандай кўришишни билмай тўхтаб қолди.

Сурайё уни күчоқлаб юзидан ўпди. Ҳайитбой эса билагидан ушлаб күришди. У хамирни ўраб, күлини ювгани ташқарига чиқди.

Үйнинг поли қилинмаган. Токчада коса, пиёлалар териб қўйилганди.

Тахмонда озгина кўрпа-тўшак йифилганди. Уйлари қуёшга тескари бўлгани учунми ташқарида иссиқ олов бўлиб куйдираяпти. Уй ичи эса бир мунча салқин.

Бир оздан кейин аёл қўлида дастурхон билан кириб келди. У энгашиб дастурхон ёзаётганида устидан гуп этиб тутун иси келди. Сурайё аёлни кузатар экан, унинг болаларча соддалиги, хурсандчилиги сезилиб турарди.

— Мана ўзимиз алоҳида уй қуриб чиқдик. Яқинда чироқ олиб келамиз, шу ердан бошқаларга ҳам уй қуришга ер берамиз, дебди. Яқинда даدامиз, «у эрини дадамиз дерди», батареяли радио олиб келди. Куну тун янгиликлар, концерт эшишиб зерикмайман. Радиони кулогини бураб баланд қиласманда, ишларимни қиласвераман. Ҳозир қизим ухлаб ётгани учун ўчириб қўйгандим, — деди тез-тез гапириб.

— Ориф қачон келади? — деди Ҳайитбой.

— Дадамиз ҳар куни тушликка етиб келади. Шу денгайтиш эсимдан чиқибди. У киши ўзининг ишини кўйиб бригадир бўлиб олдилар. Бир ой бўлди. Велосипед сотиб олдилар. Энди қийналмасдан ишга бориб келаятилар, — аёлнинг кўзлари шодликдан чақнаради.

У суви қочган нон билан парварда келтириб қўйди.

— Бир пастда хамирим тайёр бўлади. Иссиқ нон ёпаман, — деди хижолат бўлиб.

Чой ичилгач, аёл хамирини ясашга чиқиб кетди. Унгача бозордан коса, товоқ олишганини ҳам айтиб ўтди.

Мен ташқарига чиқдим. Уйдан олтмиш-етмиш метрлар чамаси нарида зовур бўлиб қамишлар ўсиб ётарди. Уй атрофида бирорта дараҳт, ёки соя жой йўқ эди. Атроф зерикарли сукунат.

— Айтмоқчи, ўнта жўжа сотиб олдик, — аёлнинг овози эшигтилди.

Сурайё сал нарида ёйилиб юрган жўжаларни кўрди. Иссиқ эрталабдан ўз ҳукмини ўтказган. Юзингизга гуп этиб иссиқ урилади. Шаҳодат чирсилатиб тандирга ўт ёқар, ёнидаги ўчоқ устида қозон бикирлаб қайнаб турарди.

— Келганимиздан аввал дадаси ҳовлимиизга ва томорқамизга роса кўчат экувдилар. Билмадик, ери ўйрлик қилими, қуриб қолди. Лекин агроном ўртоғи ярим метр ернинг бетини олиб ташлаб гўнг солиб эксанг тутиб кетади, деб айтудилар. Насиб бўлса баҳорда ҳамма жойга кўчат экмоқчимиз.

— Кечаси чивин чиқмайдими ёки камми? — сўзга аралашди Сурайё.

— Зовур яқинлигиданми билмадим жуда чивин кўп. Кеч бўлди дегунча фужгон ўйнайди. Қоронғи тушмай ҳовлига пашшахона тутиб оламиз. Кечки овқатни ҳам шунинг ичидаги еймиз.

Сурайё ўйлануб қолди.

— Бу қандай аёл ўзи, Орифнинг пешанаси беш қарич экан. Агар бу ерларга шаҳардан бирорта аёлни олиб келиб қўйса борми, ўзини энг баҳтсиз ҳисоблаб нолишни бошларди. Шаҳодатчи, буларнинг ҳаммасини баҳт деб ҳисоблайди. Тўғри унинг фикрича эри, боласи бор. Соғлиғи яхши. Қозони қайнаб турибди. Келажакда ундан қилалими, бундай қиласиз, деб оғзидан бол томади-я барака топкурнинг.

Жизиллаб турган иссиқда дам қозонга олов ёқар, дам тандирдаги ёпилган нонларни узуб оларди. Иссиқ нон ёшилиб, овқат тайёр бўлганда Ориф велосипедига икки сумкани ортиб келиб қолди.

Ҳайитбойлар ош-сувдан кейин қайтмоқчи бўлишди. Ориф:

— Кечки салқинда бир мазза қилиб, мириқиб ўтирамиз. Эрта тонгда кетасизлар, — деб туриб олди.

— Сиз менга ҳам тоға, ҳам яхши дўстимсиз. Мана сизни кўргимиз келиб кўрдик. Бир оз ишимиз бор эди. Бошқа бир кун келармиз. Ўзларингиз борингизлар, — деб хайрлашиб жўнаб кетишган эди. Бир йил ўтиб, уларнинг ўзлари келиб кетишлиди. Мана яна бир йил ўтиб энди боришаётди. Ориф ёз чилласида туғилган. Бу вақтда иссиқ забтига олган бўлади.

Улар уйларини битказиб олишибди. Бу сафар ҳам Шаҳодатнинг ўзи кутиб олди. Кўришиб сўрашгач:

— Опажон, ўғилли бўлдик, — деди шоша-пиша бешикнинг бош томонини очиб, ухлаб ётган болани кўрсатди. Қайнонам меҳмон бўлиб келгандилар, — Қизим у

кишига эргашиб йиғлаган эди, олиб кетдилар. Мана кўриб турибсизлар, чироқ ҳам етиб келди. Уйимизни ҳам тўғрилаб олдик, — аёл тез-тез гапириб, шодлигини биз билан баҳам кўрарди. Энди телевизор олмоқчимиз. Илгарироқ олардик. Қайнонам бетоб бўлиб қолдилар, у кишини даволатдик. КенжА қайнимни уйланишига ёрдам қилдик. Тўй ўтиб олса, насиб қилса кейин топганимизни уйимизга қиласиз, — Шаҳодат гап орасида дастурхони тузаб ташлади.

— Дадамиз сизларни келади, деб кеча бозорга боргандилар, — деди.

Шу пайт терлаб, кўйлаги сув бўлиб кетган Ориф кириб келиб қолди. Бир пиёла чой ичсангиз ҳам шунаقا одамлар билан ичсангиз кўй гўштини егандан аъло бўларкан. Эр-хотиннинг бир-бирига мос тушгани ҳам яхши эди. Бир оздан кейин ташқарига чиқиб атрофга разм солдим. Сал нарида икки-уч кишига уй куриш учун жой ажратилгани қум-тош ва гиштлар уюмидан сезилиб турарди. Ҳайитбойнинг кўрсатмасига, агроном ўртоғининг ўргатишига асосан экилган кўчатлардан йигирма чоғли нимжонгина бўлсада кўкариб турарди.

— Олтмишга яқин турли кўчатлар эккандик. Шукр, йигирматачаси тутиб кетди. Бошқа ерлар унақа эмас. Фақат шу жойларда шўр бор экан. Насиб бўлса келаси йили кўчагларимиз ҳосилга кириб соясида ўтира бошлиймиз. Ҳар йили экаверсак атрофимиз боғ-чорвоқ бўлиб кетади. Кўшниларимиз уйларини битириб кўчиб келишса яна ҳам зерикмасдик. Эсингиздами ўнта жўжамиз бор эди. Ана кўриб турибсиз, ҳозир элликдан ортиқ товуғим бор.

Ҳалиям бунданда кўпаярди. Қайнонамга уч-тўрт кунда етказиб турамиз.

Шаҳодат лаганга сузилган қовурдоқни кўтарганича Сурайё билан ичкарита кирди. Аввалги келгандарида Шаҳодатнинг қулогида қизил кўзли сирғаси бор эди. Ҳозир эса у кўринмасди.

— Сирғангиз қани, нега тақмаяпсиз? — сўради Сурайё.

Уни ўрнига Ориф жавоб берди.

— Овсинининг қулогига тақиб кўйди, бойбичча, — деди бир оз норози оҳангда.

— Кўяверинг, сирға овқат эмаску, биз ейишимиз ке-

рак десак. Унинг қулоғида турди нима менинг қулоғимда турди нима, — у гап орасида бизга юзланди, — ўйлаб кўринг. Яқинда овсинимни туғилган кунига бордим дeng, аммаси боқиб узатган экан. Кўнгли ярим аёл. Ҳарқалай мени ота-онам бор. Қарасам кўзида филт-филт ёш. Кўнглим бузилиб кетди. Шартта қулоғимдан олиб, унга тақиб кўйдим. Унинг хурсандчилигини кўрсангиз эди. Ўзим тақ-қандай бўлдим. Яқинда ўғлимни кўргани келувди, қулоғида бирам ярашиб турибдики. Кўриб севиниб кетдим.

Сурайё у аёлга қараб ўйланиб қолди.

Аёл офтобда қорайган бўлса ҳам тетик ва соғлом эди. У нолишни ношукурчиликни билмасди. У келажакда яна ҳам яхшироқ яшаймиз деб интилар, орзу қиласди. Айтадиларку интилганга толе ёр деб. Улар ҳаётларидан мамнун, баҳтиёр эдилар.

* * *

Сурайё иккинчи ҳомиласини анча оғир кўтарди. Бош қоронғиси ҳам қийин ўтди. Ҳайитбой аёлининг кўнглига қараб нимага кўнгли кетса ўшани олиб келишга ҳаракат қиласди. Ой куни яқинлашганда қайнонаси келиб қолди. Шундан Сурайё тугруқхонага тушиб, то чилласи чиқ-қунча парвона бўлди. Улар қизларига Маъмура деб исм кўйишиди.

— Қизим, янги бўшанганд аёл ўзини яхши тарбия қилиши керак, — деб бир ойгача ҳеч нарсага кўл урдирмади. Онасидек меҳр кўрсатди. — Қизим, ҳали чилланг чиқаверсин, иш дегани олдингда. Ҳозирча сабр қил, — деди. Сурайё бу меҳҳрибонликдан мамнун бўлиб, қайнонасини кучиб олди.

* * *

Сурайё чиқиб кетганидан кейин Моҳинабону тўй тараалдудига тушиб кетди.

У Сурайё яшаган уйни исириглаб чиқди. Ўзининг тальбири билан айтганда мирқуруқ кудасию, келинидан ажралиб, киройи келининг ярашиқлик, бойваччалардан бўлса деб қилган орзусига етишаёттанидан ўзида йўқ шод эди.

— Шу дeng, ҳовлисида фаввора, уйларининг жиҳозини гапирмаса ҳам бўлади. Куда бўлмиш казо-казолардан экан. Аёл қудамнинг кўлларию, бўйнида олтинни кўяве-

ринг, олмослар тақиб олган. Уйларига қадам боссам ерга түшалған гиламнинг пати шундай момиқки, юрсанғиз пар түшакни босгандай бўласиз, — деб қўшни хотинларга мақтанди.

— Кудангиз қаерда ишлар экан? — савол бериб гапидан тўхтатди бошқа аёл.

— Вилоятда матлубот жамиятининг раиси, — у ҳар сўзига урғу бериб гапиради. — Дарвозасини кўриб ҳайратда қолдим. Қайсиdir музейми, ёдгорликмиеj, хуллас жуда буюк жойларга ишлатилган ўймакорлик билан тайёрланган экан. Тагимизга солган кўрпачалари асл духобадан. Ялтиллаб турибди. Дастурхонлариям крахмалланган. Бирорта простой идиш кўрмадим. ҳаммаси хрусталний.... Шу пайт бир неча аёл кириб келди-ю, сўзлари бўлиниб, тўхтаб қолди. Бўлмаса қудасини соатлаб мақтаб адо қилаолмасди.

Уй кўришга борган аёллар ҳам Гулчиройнинг ҳовлисидан, қудаларидан кўнгли тўлиб қайтди.

Дугоналарига қудасининг мол дунёсини, уй-жойини, уларнинг саҳиyllигини мақтаб чарчамасди. Аёллар эса Моҳинаbonуни, фийбатини қилишарди.

— Саҳиӣ, дейди. Жуда зўр одамлар экан, дейди. Бир марта меҳмон бўлиб уларнинг қандайлитини дарров била қолибдида. Барибир Сурайё келини яхши эди. Эндиги бойвучча келини сенга нима ҳунар кўрсатади ҳали, — деб орқасидан тош отишарди.

Тўй куни келиннинг икки машинада келган сепини кўриб:

— Мана, киройи келининг, қуданг шундай бўлса, — деб мағурланди.

— Айниқса, тўйдан кейинги кунлар қўлию бўйни, бармоқлари қўша-қўша кўз қамаштирувчи олтин тақинчоқларга тўла, қимматбаҳо кийимлар кийиб эгилиб салом берган келинига қараб:

— Тенгларимнинг ичидаги яна ҳам ўзиб кетдим. Уйларимиз тугул мансабимиз ҳам тўғри келаркан, — деб кибрланди. Чалларга боргандага қудаси қизи билан бир қаторда Моҳинаbonуга ҳам бир жуфт тилла билакузук совға қилди. Кагта меҳмонхонада йигирмадан ортиқ аёллар ичидаги билакузукни қўлига қўша қилиб тақар экан, атрофида ўтирганларга гердайиб қўйди.

— Мана, буни куда, мана буни келин десангиз бўла-ди. Энди келинга ёлчийдиган бўлдик. Улар вақти келиб ўғлингизга ҳам ёрдами тегади, — деди эрига хурсанд бўлиб.

— Охиринг бахайр бўлсин. Бунча суюнма, уларнинг олдинги икки қизлари бир-икки йил деганда ажралиб келиб, биттадан бола билан алоҳида уй олдириб яшаётган экан, — деди Орзубек.

— Ҳа, нима бўлибди. Кўчада қолгани йўқ-ку. Анаву мирқуруқларга ўҳшаганлар билан яшагандан кўра ёлғиз ўтгани яхши эмасми, — деди кулиб турса ҳам ичидан зил кетиб.

— Ўзинг биласан. Менга барибир, кимнинг қизи бўлса ҳам ўғлим билан тинч яшаса бўлди-да, — деди бепарво оҳангда Орзубек.

— Нега барибир бўлар экан. Бунаقا мебелларни ҳеч кимнинг уйида кўрмаганман. Асл четнинг моллари. Битта ўзингизга неча қават сарпо қилганини кўрдингиз-ку. Ўғлингизни-ку қўяверинг, бир неча йилга етадиган кийим-бош қилишган.

— О-ла, бунча ҳовлиқмасант. Ахир сенинг ўзинг ҳам қудаларинга бир неча қаватдан сарпо, қанчадан-қанча тилла тақинчоқлар олган эдинг-ку. Мақтаганингда сал тушиброқ гапир. Мол-дунё бу омонат. Улар одамга баҳт беролмайди.

— Нега омонат. Нега баҳт беролмас экан. Бошқаларга ўҳшаб учма-уч яшасак баҳт бўлармиди,— бўш келмади Моҳинабону.

— Орзубек бу аёлга тушунтириш беҳуда эканлигини сезиб, бир зум қараб турдида, бошини чайқаб чиқиб кетди. Моҳинабону мебелларга тўла айвонда икки қўшни хотин билан чақ-чақлашиб ўтирас экан, хизматкор аёл ко-саларга қуйилган шўрвани улар олдига қўйиб кетди.

Шу пайтда ичкаридан енгиз салта кўйлакда елкасига сумка осиб олган Гулчирой чиқиб келади.

— Ойижон, уйимизга кетаяпман. Бугун катта опам-нинг туғилган куни, — деди, бепарво оҳангда.

— Ҳай, ҳай қизим чиллаликсиз, бир ҳафталик ке-линисиз. Бир ўзингиз кўчага бунаقا кийимда чиқманг-а. Ҳадемай Мансур ишдан келади.

Машинасида олиб боради, — деди норози оҳангда бир оғиз сўрамасдан кийиниб чиққани учун малол келиб.

— Ие, ойижон, күчага ҳам атлас кўйлак лозимда чиқмайман-ку,— чимирилди келин.

— Лозим киймасангиз ҳам, сал узунроқ, енглик кўйлак кийиб олинг. Бу келинчакликнинг салтанати қизим,— деди Моҳинабону аёллар олдида изза бўлиб. Гулчирой тўхтаб қолди. Иккиланди. Қайта уйга кирдида, сал тўқисроқ кийимда чиқди.

— Келинжон, туғилган кунми, тўйми бир ўзингиз боришингиз янги келинчакка тўғри келмайди-ку. Бир ўзингиз борсангиз қудамлар хафа бўлишмайдими?

— Бизникилар гийбатчи, эскича фикрдаги одамлар эмас. Бизлар современний яшаймиз. Мансур ака биладилар. У киши ишдан тўғри ўша ёқقا борадилар,— дедида чиқиб кетди.

Бундай бўлишини кутмаган қайнона хотинлар олдида изза бўлиб қолди.

— Ҳой Моҳинабону, келинингиз асов кўринади. Сал сийпалаб этиб олмасангиз бўлмайди. Бир оғиз сўрамасдан тайёр бўлиб чиқиб, кейин айтишини қаранг-а,— деди аёллардан бири.

— Кеча опамнинг туғилган куни, шунга бориб келайин деганди. Лекин бугун сўрамаганди. Ҳали ёшда. Кечча сўрадим-ку деб ўйлаганда,— ёлғондан ялтоқланди. Аммо кечгача хуноби ошиб турган Моҳинабону эри ишдан келгач дардини тўкиб солди.

— Аёллар олдида ерга кириб кетмадим. Сўроқсиз калта кўйлакда елкасига сумкасини осиб опасининг туғилган кунига бораётганида зўрга бошка кўйлагини кийдирдим. Чилали келин бўлса бу нима деган гап,— деди йиғлагудек бўлиб.

— Нима бўлибди. Ўзинг пиширган ош. Энди мазза қилиб ичавер. Аввалгининг иззасини кейинги берсин жазосини, деган. Шундай бўлиши табиий хол. Ҳали бу ҳолваси. Энди чидаб яшайсан. Бундан кейин келин ҳақида менга гиди-биди қилма,— кескин гапириди Орзубек.

Моҳинабону нима деярини билмай ўйланиб қолди.

— Бекор айтибман, бу ўша зоти пастни яхши кўрардиди-ку. Бу келинни унча хуш кўрмайди. Буни очиқ айтмаган бўлса ҳам ҳаракатларидан сезилиб турибди. Лекин шундай қолдирмайман. Ўғлим келсин айтиб бераман. Хотинини қандай тутишини ўргатаман. Бўлмаса ўғлим хотинининг

кулига айланиб қоладиганга ўхшайди, — деб ўйлади.

Кечаси алламаҳалда қайтишган ёшларни қайнона дарвозани очиб кутгиди олди.

— Ойижон яхши ўтирибсизми, — деди мулойим оҳангда Гулчирой. Аммо ундан спиртли ичимлик анқиб туради. Қайнонасини тергашини айтиб чақимчиликни бошлиган Гулчиройнинг сўзларини тинглаган Мансур:

— Ойим тўғри айтибди. Одатимиз бўйича сўрашингиз керак эди, — унинг гали чала қолди.

— Нега ойингизни ёнини оласиз. Аёллар олдида опамнинг тугилган кунига бораяпман деб айтдим-ку, индамай чиқиб кетганим йўқ-ку, — деб норози бўлиб гапирди келин.

Мансур унинг сўзларини тинглар экан: «Буни секин йўлга солишим керак экан. Майли кейинроқ ўргатиб оларман», деб ўйлаган эди. «Жоним, ўзингиз биласиз, янги келинсиз. Ҳарна қилса ҳам қайнонангиз бўлади. Сизни жуда яхши кўради. Тергаса қизидай кўриб тергаган», деб уни шаштидан қайтариб келганди.

— Ароқ ичиб олганмисан дейман. Ичиб рулда ўтирганинг нимаси, — жаҳұ қилди онаси Мансурга.

— Ойижон биласизку, мен ҳеч қачон ичиб машина ҳайдамаганман. Ҳозир ҳар кўчада ДАН ходимлари туради. Ўзингиз айтганингиздек менга тинчлик керак, — деб уйлари томон бурилиб кетди.

Мансурни ичган вақтида рулга ўтирмаслигини билса ҳам қизим сенга айтаман қабилида сўзлаган эди Моҳина-бону.

Эрталаб ширчой ичишаётган пайтида дастурхон ёнига Мансур билан Гулчирой келиб ўтиришди. Унгача келинини эрталаб туриб ҳовлиларни супурмаёттанини айтиб, Орзубекка шикоят қилиб турганди.

— Уйидагилар ўргатишмаганми дейман, салом беришни билмайди. Ҳовлинини тозалаш келиннинг вазифаси-ку, — дийдиёси очилди Моҳинабонунинг.

Кечкурун анчагина спиртли ичимлик ичган Гулчиройнинг иштаҳаси йўқлиги учун ширчойни ичмади.

— Ичсангизчи, нимага ичмаяпсиз, — сўради Мансур. Моҳинабону аввал эътибор бермаганми ўғлининг сизлаб гапиришилига ғаши келиб:

— Хотинини сизлаб гапириш нимаси. Иккинчи сизла-

ганингни эшитмай, — сал зардали гапирди онаси.

Гулчирой буни кутмаган шекишли:

— Ойижон, сизлаш ҳурмат белгиси. Дадам ҳам ойимни сизлаб гапирадилар, — деди қовоқ уюб.

— У сизнинг уйингиз, бу бизнинг уй. Ҳар оиланинг ўз қонун-қоидаси бор, — чимирилди қайнона. Бу гапдан кейин келин қўлидаги пиёласини тақ этқизиб қўйдиди аразлаб туриб кетди.

— Оббо, яна галвани бошладингизми? Унисини ёмон дегандингиз. Буниси ҳам ёмон эканми? — дангал айтди ўғли.

— Ҳой-ҳой нима дединг. Бу гапни айтишга тилинг қандай борди. Ҳозирдан хотин қули бўлиб қолибсанку. Бурнингдан ип ўтказиб олганми дейман.

Ўғил онасига бир мулдат қараб турдила, ярим қолган ширчойни бор косани нари суриб ўрнидан турди. Орзубек аёлининг ҳаракатларини жимгина кузатиб нонушта қиласди. Унинг на хурсандчилигини ва хафалигини билиб бўлмасди. У биринчи кунларданоқ Гулчирой билан Сурайёни солиштириб бўлганди. Сурайё парво қилмасди. Гулчирой эрталабдан ўзига оро берарди. Сурайё икки ойлигига ҳам қайнотасининг кўзига қараб эмас, ерга боқиб сўзларди. Бу эса бетингга бақрайиб бемалол гапираверади.

Келинчакнинг юзида ҳаёси бўлса, қайнотадан имкони бўлса то чилласи чиққунча ибо билан юзини яшириб юрса. Бир дастурхонга ўтирумаса. Бу унинг дилидаги орзузи эди. Кейинги кун эрталабки нонушта пайтида келин кўринмади. Мансурнинг қовоги уюлган. Кайфияти йўқ кўринарди.

— Ҳа, нима бўлди? Ойимтилланг кўринмайди. Кечадан бери уйдан чиқмайди, — норози бўлиб гапирди Можинабону:

— Ойи, қўяверинг, менга ҳам гапирмаялти. Сиқилиб кетдим.

Мансур сўзини тамомламай туриб ичкаридан кичкина сумка ушлаган Гулчирой кўринди. У кийиниб олганди. У дастурхон ёнидан ўтар экан:

— Мазам бўлмаялти, уйимизга бориб келмоқчиман, — деб ўтиб кета бошлади.

— Касал бўлсангиз айтинг, дўхтир чақирайлик. Индамай йўлга тушиб кетаверасизми, — чирсиллади қайнона.

— Нима, касал бўлиш мумкин эмасми? Кеннойим дўхтирлар, шунга учрашмоқчиман, — у сўзини тутатгунча дарвозага яқинлашиб қолган эди.

Моҳинабонунинг фифони фалакка чиқиб, ўғлига бақира бошлади.

— Хотинингни бошинга чиқариб олибсан. Бунча лаллайган бўлмасанг, — деди зарда билан.

— Йўқ ойи, буни йўлга солиб бўлмайди. Бошқача тарбия олган. Бу Сурайё эмас, — Мансур онасининг мажбурияти асосида Сурайёга азоб бергани, лекин ҳамон кўнглининг бир четида унга нисбатан бир оз илиқлик борлигини сездириб қўйганди.

Унинг бу гапидан Моҳинабону бўзариб кетди. Мансур пиёласидаги чойни ичиб, нонга қўл ҳам текизмай туриб кетди. Аёл бир нарса десангизчи, — дегандай эрига қаради. Орзубек ҳар доимгидек бепарво кузатар, унинг хаёлидан нималар кечаетганини билолмасди.

Гулчирой шу кетганича бир ҳафта ўтса ҳам келавермади.

— Бориб олиб келсангчи, индамасак қишилаб қоладими дейман, — тўнғиллади Моҳинабону.

— Бормайман, ўзи келса майли. Келмаса ундан ҳам яхши, — дангал айтди Мансур.

— Нима дединг? Келмагани яхши дедингми? Бу қанақаси, ким айтади сенларни янги келин-куёв деб.

— Сиз ўша куни сенлаб гапир деганингиздан бери алоҳида хонада ётиб юрувди. Ўзининг айтишича уйларига кўнғироқ қилиб анча шикоят қилганмиш. Онаси кел уйга, ўзим улар билан гаплашиб кўяман, деганмиш. Сизлаб гапирсам сиздан балога қоламан. Сенласам, аразлаб кетаман, дейди. Ўртада менга қийин бўляяпти. Унинг кўнглига қараб яшашим керак экан. Уйларида онасининг сўзи қонун экан. У мендан ҳам шуни талаб қилаяпти, — Мансур зарда қилиб туриб кетди.

Онаси нима дейишни билмай индаёлмай қолди. Орзубек жимгина овқатланар, хафа бўлиш ўрнига юзида ним табассум зоҳир эди. Аёл унга қараб яна ҳам жаҳли чиқди.

— Қанақа эркаксиз. Қанақа қайнотасиз. Сиз ҳам қараб турмай бир нима десангизчи, — деди тутоқиб..

Орзубек унинг гапларини бепарво тинглаб, пиёладаги чойни ичиб ўрнидан турди. Кийиниш учун ёткxонага

кириб кетди. Моҳинабонуга ҳаммадан ҳам эрининг ўзини тутиши алам қилганди. У қизариб, бўзариб додлаб юбораёзди. Бир оз кутиб турдида Орзубекнинг орқасидан ичкарига кирди. У баланд тошойна олдидা кийиниб бўйинбое боғлаш билан овора. У жуда хотиржам эди. Бундай қараганда “баттар бўлинглар”, дегандай турарди.

Аслида ҳам шундай эди.

— Ўзингиз бормаса. Бугун ишдан вақтлироқ келинг, қудамизнигиба бориб келамиз, — деди аёл.

— Ўзинг боравер. Мен бормайман, — Орзубек шундай деб чиқиб кетди.

Моҳинабону ўйланиб қолди. Эрим ҳам, ўғлим ҳам боришимайди. Бирорта танишларини машинасида борсам келинимни аразлаб кетганини билиб гап-сўз бўлади. Сўраганларга келинимни дўхтирга кўрсатиб даволатаяпман, деб юрибман. Шунинг учун яхиси бирорта такси машинаси ёллаб қудамизнигиба бориб кела қолайин, деб йўлга тушди. Кудасининг эшиги ёнида машинани тўхтатиб туриб икки соатча кутишини тайинлади.

Гулчиройнинг онаси Зулхумор баланд қилиб қурилган айвонда баҳмал кўрпача, болишлар устида ястаниб телевизорда қандайдир кино томоша қиласарди. Ёнидаги ҳовуз ўртасида чиройли фаввора отилиб турарди.

— Келинг, яхши юрибсизми, — совуққина кўришиди.

Унинг бундай кўришишидан ичидан зил кетган Моҳинабону билмасликга олиб, ўёқ-буёқдан суҳбатлашиб ўтириди. Бу вақтда ошхона томондан чиқсан аёл дастурхон ёзиб турли ноз-неъматларга тўлдириб ташлади. Накшинкор лаганда тандир кабоб қўйиб кетди. Зулхумор бу билан:

— Кўриб қўй мен сендан зиёдман, — деб ўзини кўрсатиб қўйди.

— Қудажон, келиним кўринмайдими? — мулойим охангда сўради Моҳинабону.

— Қизим шўрлик ҳар томондан сиқувга олиниб соғлигини йўқотаёзибди, — чимирилди Зулхумор.

— Ҳай, ҳай ундей деманг куда, нима қилиб сиқувга олибмиз.

— Фақаттинга бир сизлаб гапиргани учун куёв билан иккисининг орасига совуқчилик солибсиз. Бир ҳафтадан кўпроқ бошқа-бошқа хонада ётишибди. У ҳам аввалги аёли

ҳақида гапириб, ўндай эди, бундай қыларди, деб хафа қилибди. Хотин қўйган йигитга гулдай қизимни берганим етмагандай ҳар томондан эзиш — бу нима деган гап, — бўш келмади қуда.

— Энди бизнинг уйда хотин кишини сенлаб гапириш одат бўлган. Хотинини яхши кўрса сенлайди, — ўзини оқламоқчи бўлди.

— Йўқ, сизлаб гапириш ҳам ҳурмат, ҳам қадр. Унинг нимаси ёмон. Мана бир умр хўжайним мени сизлаб келган. Ўғлим ҳам келинимни сизлайди. Бу маданият белгиси эмасми?

Моҳинабону энди бир нима деёлмай қолди.

— Келиним қани, кўринмайдими? — гапни бурди аёл.

— Гулчиройни юраги сиқилиб ўтирганди. Оқтошда яшайдиган синглим бир оз дам олиб келгин деб уйларига олиб кетди.

Моҳинабону ичидан эзилиб кетса ҳам ўзини тутиб муросага ўтди. Шундан кейин дастурхонга қаранг, олинг, олинг бошланди. Ярим соатлар ўёқ-буёқдан сухбатлашиб.

— Энди борайин, ўғлим билан хўжайним машиналарида ишга кетгани учун такси ёллаб келгандим. Ташқарида кутиб турибди, — дедида кетишга чоғланди.

Зулхумор ўзини киборларча тутиб кудасини кузатди. Зўрдан зўр чиқса оёғи питир-питир деганларида. Ўзини ҳокима ҳисоблагандай Моҳинабону Зулхумор олдида оддий аёлга айланди. Энди менинг келишишимдан ўзга илож йўқ. Агар Дилбар билан қизи шу тахлитда бўлгандами, еб ташлардим, деб аламини ичига ютиб уйларига қайтди.

Кечкурун эри билан ўғли олдида дийдиёсини бошлади. Бўлиб ўтган гапларни тўкиб солди. Гап мавзуси Оқтошга келганда Мансур:

— Нима дедингиз, Оқтошга кетган дедингизми? Холасиникига кетибди. Қачон кетган экан? — шошиб сўради.

— Билмадим. Ҳарқалай ўша ёқقا кетганини билдим холос, — деди бир ўғлига бир эрига қараб. Орзубек ҳар доимгидек ўзини бепарво тутар. Гўё ҳеч нарса эшитмаётгандек эди. Бу сафар Моҳинабону ўзини тута олмади. Эрига бақира бошлади.

— Бу уйга отамисиз ўзи кимсиз, қачонлардан буён шунча гапирсан ҳам миқ этмайсиз. Юрагимни қон-зардоб

қилиб юбордингизку, — деди йиглагудек бўлиб.

Унга жавобан Орзубек аёлига лоқайдларча бир қараб кўйдида дастурхонга фотиҳа қилиб ўрнидан турди.

— Ўғлим, улар ҳар нимага бунча катта кетишади. Бизлардан нимаси ортиқ ўшаларнинг. Ҳа айтганча, бизнинг ҳовлимиздан ортиқча жойи ўша ҳовузи бўлса керак. Бугундан бошлиб уларнидан каттароқ, чиройлироқ қилиб қурасан. Ҳаражати қанча бўлса, — у Орзубекни ичкарига кириб кетганини кўриб овозини пастлатди, — йифиб қўйган пулим бор, етмаса қўшаман, — деди.

Мансур онасининг сўзини тинглаб бир оз ўйланиб турдида, хўп дегандай бошини силкиб машинаси томон юрди. У ҳозир бирор бир нарса ҳақида ўйладиган ҳолатда эмасди. Чунки Оқтошдаги холасининг қайниси Гулчиройни оламан, севаман, деб юрганини эшиттан. Унинг эшитишича улар тўйгача бир неча марта тоғларда учрашишган. Гулчиройнинг ҳам унда кўнгли бўлган. Лекин такаббур онаси оддий ишчи бўлиб ишлаётган, учма уч яшовчи бундай йигитни асло куёв қилмаслигини айтгач, ёшлар илож топишолмай қолишган экан. Тўйлари куни столнинг келин-куёвга яқин жойига ўтириб олган хушсурат йигит, ичиб олиб Гулчиройдан кўзини узмай ўтирганини куёвжўра пайқаб Мансурга айтганди. Шунда у йигитта Гулчиройни ҳам термулиб ўтирганини сезиб қолганди. Тўйдан кейин ҳамма гапдан воқиб бўлгач, “Эй ўтган ишлар учун нима ишим бор. Никоҳимдан кейин учрашмаса бўлдида”, деб ўзини чалғитганди.

Демак, Оқтошга шу йигит билан учрашувга кетган. Шундай гумонлар туни билан Мансурга тинчлик бермади. У ишхонасига келиб, бошлиқдан тишим жуда қаттиқ оғрияпти, деб жавоб олиб Оқтошга жўнаб кетди. Мансур тўйларигача Гулчирой билан бир марта холасиникида бўлишган, дам олиш учун тоқقا чиқиб кетишган эди.

Моҳинабону келиб кетгач, Зулхумор ҳар эҳтимолга қарши синглисига қўнгироқ қилиб, Мансурни бориб қолишини Гулчиройга етказмоқчи бўлди.

Лекин уни дугонаси билан чиқиб кетганини айтгач, ичидан зил кетиб ўйланиб қолди. Мансурни яхши кутиб олган холаси:

— Гулчиройни мазаси бўлмай боши оғриб, уйдан чиқмай ётган эди. Боягина бир дугонаси билан чиқиб

кетди. Келиб қолишар, — деди хавотирланиб.

— Майли мен ҳам бир айланиб келай, унгача келиб қолар, — деб холасини ўтириинг, чой ичинг деганига қарамай чиқиб кетди.

Мансур тўйгача Гулчирой билан Оқтошга дам олишга борганида қиз уни ажойиб оромгоҳга олиб борганди. Ҳамма жой кўм-кўк майса гуллар. Дов-дараҳтларга ўралган хушманзара жой эди. Мансур машинасини ўша томонга ҳайдади. У машинасини сал пастроқда қолдириб, ўзи яёв юқорига ўрлади. Лекин Гулчиройлар дам олишиб ўтирган жойдан машина қўйилган ер шундоққина кўриниб туради.

— Мансур акам келаяпти, энди нима қиласиз? — деди Гулчирой титраб.

— Бизлар кўринмаймиз. Сизлар икки дугона ўтиргандай бўласизлар, — деб икки йигит баъзи нарсаларни олиб кафенинг орқасига ўтиб кетди.

Қизлар тезгина дастурхонни тартибга солиб, ҳеч нарса билмагандай ўтиришарди. Мансурни кўрган дугонаси:

— Э, келинг-келинг Мансур ака, — деб мулозамат қила бошлади.

Гулчирой ҳам кўришиб дастурхонга таклиф қилди. Мансур ўзини вазмин тутиб Гулчиройни соғинганию, излаб келганини айтди.

Уйдан кеча чиқиб кетишганини билган деб ўйлаган Хуморой дугонаси:

— Кеча дугонамнинг олдига борсам кўрпа-тўшак қилиб ётган экан. Зерикиб ўтирмагин деб холасидан сўраб уйимизга олиб келдим. Бизнида ётиб бугун бир айланиб келайлик деб бу ерга келдик, — деди ялтоқланиб.

— Ҳм, бу ерга неча киши бўлиб келдиларинг?

— Иккимиз келдик. Бошқанинг нима кераги бор.

— Иккингиз конъяк ичиб, сигарета чекиб дам олаётган экансизларда, — жон жойидан ушлади Мансур. Шундагина дастурхондаги кулдонни олишни унуганини кўриб қолдида:

— Турмушимиз бузилиб кетганидан кейин сиқилиб, ҳар замонда битта-иккита чекиб тураман, — деди Хумора тапни чалғитиб.

Мансур ўтирган жойдан машинасини кўриниб турганини сезгач яна шубҳаси ошди.

— Холангиз сиз билан ҳозиргина чиқиб кетди деганди. Сиз кеча кетувдик, деяпсиз. Қайси бирингизнинг сўзинизга ишонай. Қайси бирингизни гапингиз тўғри?

Бу гапдан кейин Хумора нима дейишини билмай чайналиб қолди.

Гулчирой уларнинг суҳбатини жимгина тинглар экан, гап мавзуси чигаллашиб кетганини сезиб, нима қилари ни билмай қолди. Мансур жаҳул билан туриб Гулчиройнинг кўлидан тутиб, судрагандай пастга қараб юрди. Хумора ўтирган жойида қимирламай қолди.

Мансур машинасини учириб ҳайдаб келар экан, иккиси ҳам жимгина, гап-сўзсиз кетишарди. Гулчирой кўнглида “Нима қилиб кўйдим, энди нима қиласман” деб, Мансур эса «Наҳотки хотинимга ит теккан бўлса, нима қилишим керак», деб ўйлаб борарди. Мансур Гулчиройнинг уйи томонга машинаси бурганда ҳадиксираган Гулчирой Мансурга бир қараб қўйди. Улар олдинма-кетин ҳовлига кириб боришганда Зулхумор синглиси билан телефонда гаплашиб туришарди. Унинг дугонаси билан ҳозиргина чиқиб кетувди деб айтдим деганини, Мансурни уларни излаб кетганини эшишиб, нима бўларкин деган хавотирда ўтирган экан. Күёвинг рангига қараб хавотирлансада, билмасликка олиб, яхши келдингларми, деб кутиб олди.

— Мана қизингиз. Икки кунлаб тоғда ким билан қолиб кетганини билмайман, — деб бўлиб ўтган воқеани айтиб берди.

Зулхумор Гулчиройга қараган эди:

— Ойи, бир кун олдин Хумора уйларига олиб кетувди. Тоқقا чиқицдан олдин холамнинг олдига бирров кириб ўтдик. Холам шу учун ҳозиргина кетганди, — дебди. Хумора бир кун олдин холамдан сўраб мени олиб кетганини айтди. Мансур ака холанг билан икковларинг икки хил гап айтдинглар, деб мендан шубҳаланаятилар, — деди ўзини оқлаб.

Хуллас, шунча тортишувлардан кейин қайнонаси яхши гапириб, қизини күёви билан жўнатиб юборди. Мансур бир неча кунгача ўзига келолмай шубҳа-гумон юрагини кемира бошлади. Тўргинчи куни бир шиша ароқ ва бир шиша коняк олди. Турли гўштли таомлар ва газак учун сабзавот олди.

Кечқурун ётоқхонага киргач:

— Гулчирой, мен жуда сиқилиб кетдим. Гумон қийнаб юборди. Бундай шубҳаларим бекорчи эканлигини биллиб, бугун бир күнгилхушлик қиласылар деб ўйладим, — деди мақсадини яшириб.

Иккаласи майдалаб ича бошлади. Аввалгидек шумликни ишлатиб, билдирмай конъякка ароқ құшиб ичирди. Роса маст бўлиб қолгач, алдаб сўрай бошлади.

— Жоним, сени яхши кўраман. Лекин тўғрисини айт Баротни яхши кўрасанми, тоғда у билан бирга бўлдингларми? — деди аста шивирлаб.

Гулчирой унча-мунчани фарқига борадиган ҳолатда эмасди. Шу сабабли Мансурнинг яна қайтариб сўраганда “Ха, яхши кўраман, бирга бўлганман”, деб юборди. Унинг гапларини ёнидаги магнитафон ёзиг оларди. Кейинги кун ўзининг овозини эшитган Гулчиройнинг ранги оқариб кетди.

— Мансур ака, мен Баротни ёмон кўраман, яхши кўрганимда ўшанг теккан бўлардим-ку. Мен мастилик билан нима деганимни билмайман, — деди бир оз қўрқиб.

Шундан кейин Гулчирой кўзига кўтириб эчкидай кўринар, кундан кунга ундан кўнгли совиб бораради. Хотини ота уйида бўлса ҳам назарида пайт пойлаб Барот билан учрашаётгандай ҳис қиласди. Кўйиб юборай деса Моҳинабону:

— Ҳай-ҳай болам, шундай келинни ҳайдаб учинчи марта онаси ўпмаган қиз олмоқчимисан. Эндиғиси сени оёғи билан кўрсатади, — деди афсус билан бош чайқаб.

Моҳинабону ўғлига фавворали ҳовуз қиласылар, деб бир неча бор айтди. Аммо Мансурнинг юрагига на ҳовуз на бошқа орзу-ҳавас ёқмасди. Кейинги айтишида Мансур ҳеч қандай ҳовуз қиласыларини узил-кесил айтди.

Мансур икки ўт орасида қолди. Секин-аста ичклиларга ружу кўйди. Бу орада Гулчирой қизлик бўлди.

— Шу қиз наҳотки менини бўлса, қаеридир Баротта ўхшайдими, — деб Мансур кўнглида қоралик билан қизига қарамасди. Ширингина қилиқ чиқарганига қарамай кўлига бирор марта олмасди.

Унинг бойваччани ўғли эканлигини яхши билган гиёхванд, қиморбоз ўртоқлари ўзларининг давраларига тортишди. Икки маротаба атайлаб ютқазиши.

Мансур сақарга яқын чүнтаклари пулга түлиб қайтди. Гулчирой ҳою ҳавасга берилгандар аёл бўлсада бу пулларни қайси йўл билан топганини ва унинг охири сароблигини билгани учун ҳам эрини бу йўлдан қайтармоқчи бўлди.

— Эй, чумчуқмия хотин. Шукр қилмайсанми. Шунча пулни кўриб менга қуллук қилишинг керак, — деб керилиб қўйди.

Унга гап уқтириш бефойдалигини билган келин қайнонасига дардини тўкиб солди.

— Йўқ, мен бундай пулдан ҳазар қиласман. Тўғри ишлаб пул топинг йигит бўлсангиз.

— Ҳа, мен сен айтган йигит бўлмай қолдимми? Баротдек бўлолмаяпманми? Биласанми? Хоҳласам бу пулларга ўн етти яшарлигини олишим мумкин, — гердайди Мансур.

— Ҳой қизим, нега боламни қиморбоз дейсиз. Тўғри, баъзан ичиб келаяпти, лекин уни ҳақорат қиласманг, — жеркиб ташлади.

— Ўзингиз биласиз. Кириб кўринг, бир қучоқ пул олиб келган, — деди қўзига ёш олиб.

Моҳинабону уйга кирганида Мансур қаттиқ уйқуда эди. Уни зўрга уйғотиб сўрашганида:

— Нима, ҳа деб тергайверасизми? Тинч қўясизларми, йўқми? Бир ўртогимга берган қарзимни олиб келдим. Нега ваҳима қиласпизлар, — у бақириб тушунтиридида нарити томонга афдарилиб уйкута кетди.

— Ана эшитдингизку, қарзини олиб келибдику. Нега ўғлимни мунча лойга белайсиз, — чимирилди қайнона.

Вазиятни тушунтиrolмаган Гулчирой чукур уҳ тортиб қўйди.

Киморбозлар кейинги учрашувда озроқ ютқазишли. Текин оқиб келаётган пулни кўрган Мансур ўзини жуда қобилиятли эканман, деб ўйлади.

Кейинчалик секин-аста унинг бор пулинини ютиб ола бошлишди. Ора-чора ютиб олган пулига қараб кейинги сафар яна ҳам кўпроқ ютиб оламан, деб ўйлаб ўйинхонага югуради.

Гулчирой қайнонаси билан келишолмасди. Лекин начора яшашга мажбур. Орзубек аёлининг шикоятларига:

— Ўзларинг пиширган ош. Айланиб-ўргилиб ичаверинглар. Сурайёнинг уволи сизларни бу дунё тугул у дунё-

да ҳам тинч қўймайди, — деб бир сўзни такрорларди.

Орзубекни анча вақтдан бери қон босими безовта қилар эди оиласда бўлаётган кўнгилсизликларга у ўзини ҳам бир мунча айбдор деб биларди. Айниқса, синглиси Комила-нинг ташрифидан кейин ўзини яна ҳам гуноҳкор ҳис қилди.

— Акажон, янгам туфайли уйингизга яйраб келиб кетолмайман. Майли мен келмасам ҳам ҳечқиси йўқ. Лекин сизчи, сизга нима бўлди. Нега оиласда сизнинг ўрнингиз билинмайди. Аввалги келинингиз Сурайё жуда яхши эди. Шуни сақлаб қололмадингиз. Янгамнинг қилмишларига лоқайд қараб турдингиз, бунчалик кеккайтириб юбормангда, нима қилса ҳам маъқуллайверасизми? Сурайёни ҳайдаб олган келинингиздан Оллоҳим қайтараояпти. Сал зардали бўлинг. Бунча ҳокималикни янгамга топириб қўйманг, — деб юрагидагини тўкиб солди.

Синглиси кетгандан кейин Орзубек хаёлга чўмди.

— Комила тўғри айтди. Оиласда эркаклик ўрним борми ўзи. Мен фақат пул топиб келувчи робот бўлиб қолганга ўхшайман. Сурайё келинимнинг борлигида ўз ўрнимни билиб қаттиқ туришим керак эди. Ўзинг биласан деб ҳамма ихтиёрни хотинимга бериб қўйдим. Ота-онамга тузукроқ қарамагани етмагандай ёлғиз синглим ҳам, шу уйга бемалол келиб кетолмабди. Фурбатга тоқатим йўқ деб аёлим нима қилса маъқуллаб кетаверибман. Бу инсофсиз, гердайган аёл бундан фойдаланиб келган. Нега бунчалик эрк бердим. Нега ўз тинчимни ўйлаб мулоҳаза юритмадим. Мана оқибати. Уйимиздаги ноҳушликка мен айборман... Орзубек шу ўй-хаёлда турганида хонага аёли кириб келди.

— Синглингиз Комилани бунча димофи кўтарилиб кетибди. Менинг ёнимда ўтирамай, сизнинг оидингизга кирганича чиқайин демади-я. Олдиларингизга кирсан гапдан тўхтаб қолдинглар. Нима менинг фийбатимни қилдингларми? — бобиллади аёл.

— Ҳаммани ўзингта ўхшаган гапчи деб ўйладингми? Ака-сингил бўлиб бир неча йил ичида бир озгина дилдан суҳбатлашдик. Бошқа вақт гаплашишга фурсатим бўлмаган, — жаҳҳ қилди Орзубек.

— Нима дедингиз, мен ҳали фийбатчи бўлдимми. Гулдай умримни сизга бағишлаб ўтказган бўлсам...

Унинг сўзи охирига етмай:

— Ўчир овозингни, бас қил, жонимга тегиб кетдингку, — деди Орзубек аччиқланган холатда.

* * *

Моҳинабону бир куни эрталаб Орзубекта бугун кечкурун қудамизникига бориб келайлик. Туғилған кунлари экан, деб қолди.

— Ҳозир юрагимга қил ҳам сифмайди, — унинг овози қандайдир бошқача чиқди.

— Нега, нима бўлди. Тинчликми?

— Кеча ишдан бўшашиб ариза ёздим.

— Нима дедингиз,вой шўрим ариза дейсизми? Энди нима қиласми? — айқаш-уйқаш саволлар берарди.

— Нима бўлибди шунча йил ишладим. Энди ёшларга ўрнимизни бўштишга тўғри келаяпти. Ишдан бўшашиб фожия эмаску. Пастроқ иш беришяяпти, — деди қандайдир бепарво охангда.

— Бунча бамайлихотир гапирайпсиз. Ҳеч нарса бўлмагандай, — аёлнинг ранги оқариб кетганди.

— Осмон узилиб ерга тушибдими. Пастроқ ишда ишлаганлар очидан ўлаяптими, — деди ўзини хотиржам тутиб.

Орзубек ўзини қанча хотиржам тутмасин анчадан бери юқоридаги шефи билан келишмай қолгани, ўрнига бошқа одам тайёрланаётганини эшигтгани таъсир қилиб, анча тинчлиги бузилганди, уйқусида ҳаловат йўқ эди. Бойликка ўч, келин можаралари билан овора Моҳинабону эридаги бу ўзгаришни сезмас, ухлаёлмай чиқаётган тунларини пайқамасди.

Орзубек ишга кетаётib эшик олдига етганда деворга суюниб ўтириб қолди.

— Ҳой дадаси, сизга нима бўлди. Ўзингизни тутинг, кўркитманг, — аёлнинг вахимаси ошган эди.

— Юрагим бир силкиниб олди. Ўтиб кетди. Лекин қандайдир лоҳас бўлиб қолдим, — деди.

— Юрагингиз яхши эдику, қон босимингизни юқорилигини билардим.

— Кейинги пайтлар юрагим ҳам безовта қилаяпти. Яқинда ишхонамда ҳам шундай бир силкиниб, кечгача ўзимга келолмай ётгандим. Сени хавотирга солмай деб айтмагандим, — деди хорғин овозда.

Анча вақтдан бери оиласынан барып келингизниң ичкиси, ундан гиёхвандликка берилгани Орзубекка жуда ёмон таъсир күрсатди. У Мансурни бу йүлдан қайтаришга жуда күп уринди. Даволатди, ўрганган күнгилми, даврадошлари таъсириими, яна шу йўлга киарди. Ота ўғлига насиҳат қўимоқчи бўлганида:

— Кўяверинг, жуда қаттиқ сиқилганман. Келинингизни оиласынан қандайлигини яхши биласиз. Ҳаммасига чираб, кўнишиб келардим. Лекин у хиёнаткор бўлиб чиқди. Аразлаб кетганида бир неча кунлаб аввалги жазмани билан бирга бўлган. Ҳатто қизимни ҳам ўзимники деб ўйла-майман. Бирор жойи бизга ўхшамайди, — деди дангалига.

— Ҳой бола, нималар деб валақляяпсан. Нима деганинг бу аҳмок, — деди гаплари устига кириб қолган Моҳинабону.

— Ўша эшитганингиз. Келинингиз бузилиб кетган. Қўнглим қолган. Ҳозирча яшаб турибди. Кетадими, қоладими менга барибир.

— Бекор айтибсан, келинга тухмат қилаяпсан, — деди ҳеч нарсадан хабарсиз онаси.

— Мен сизларга ҳеч нима айтмай келаётган эдим. Ормизда жарлик пайдо бўлган, — деди Мансур қатъий қилиб.

— Вой ўлай. Наҳотки, ундей дема болам. Неварамни яхши кўраман. Ҳозир ўхшамаса ҳам кейинроқ ўхшаб кетади.

Ўғли лоқайд қўлинин силкиб чиқиб кетди.

Кейинги кун Мансур яна пул билан келди. Гулчирой қайнонасидан тузукроқ фикр ололмай қайнотасига айтишга мажбур бўлди.

Орзубек ўғли ётган хонага кирди. У бу хонага ҳеч қачон кирмасди. Мансур қаттиқ уйкуда. Фижимланган даста-даста пуллар сочилиб ётарди.

Ота вазиятни тушунди.

— Қизим, қачондан бери шу иш билан шуғулланаяпти.

— Анча бўлди, ойимга айтганман, эътибор бермадилар.

— Нима деяпсан, ҳой юзсиз, шарманда, нега дадангга айтинг, — шанғиллади кириб келган Моҳинабону. Орзубек унга шундай важоҳат билан қарадики, умрида биринчи марта эрини бу ҳолатда кўрган аёл довдираф жим бўлиб қолди.

— Нега шу пайтгача мендан яшириб келдинг. Аńча бўлибдику бу йўлга кирганига, — хотинига юзланди.

— Аввал ўзимнинг пулим деганига ишонгандим. Кейин насиҳат қилиб қайтариб оламан дегандим, — деди ҳаяжонланиб.

— Қайтариб олмоқчимисан, энди-я. Энди кеч бўлди. Сен ифлос, болангнинг бошини единг. Мана қара, — ўғлиниг билагини кўрсатди. У ерда иғнанинг изи шундоққи на билиниб туради.

— Нега бошини единг, дейсиз. Нима қилибман. Укол олган бўлса бирор ери оғригандир, — бўшашиб жавоб қайтарди. Мансур бу вақтда тепасида бўлаётган можаралардан хабарсиз ҳолда ётарди.

Орзубек аёлига гап тушунтиришни ортиқчалигини билиб, бир зум қараб турдиди чиқиб кетди.

Шу куни Орзубекни ишхонасидан касалхонага тушгани ҳақида хабар келди. Уйдагилар етиб келишганида шифокорлар барча ҳаракатларининг бекор кетганини, сақлаб қолишлоғмаганларини айтишиди.

Қиморбозларга қўшилиб гиёҳвандликка берилиб ишлаб турган вазифасидан айрилган Мансур аёлига беларво бўлиб қолди. Машинасидан ва бор-будидан айрилди. Гулчирой қизини олиб отасиникига кетди. Навбатдаги ўйинда Мансур катта қарзга ботади. Уйларида кўлга илинадиган, пул бўладиган ҳеч нарса қолмаганди.

Уч кунгача шунча пулни топиб беролмагач, Мансурни икки йигит машиналарида оғзини беркитиб аллақаергадир олиб кетишиди. У ерда юзига никоб тутиб олган иккита барзанги туради. Улар Мансурнинг қўлини орқасига боғлаб кўз олдида пичоқ қайрашади. Сўйиб ташлайди, деб ўйлаган Мансур жон холатда питирлай бошлайди. Ерга юз тубан ётқизиб оғзидағи латтани олишади.

— Қани, калима келтир, — дейишибди. У эса:

— Жон акалар қўйиб юборинглар, шу бугуноқ уйимизни сотишга қўяман, — деб юборди.

— Йўқ, сен бизни яна алдаб кетмоқчимисан.

— Агар алдасам ҳар нарса бўлай. Яна ушлаб билганларингни қилинглар, — дейди жон ҳолатда.

Қиморбозларга унинг ўлиги эмас, пули керак эди. Аслида уни сўймоқчи ҳам эмасди. Уни шунчаки кўрқитмоқчи бўлишганди.

— Агар бирортага хабар берсанг ернинг остидан бўлса ҳам топиб, уй ичинг билан қириб ташлаймиз, — деб қўрқитишиди.

— То харидор чиққунича қараб туинглар. Ҳозироқ “уй сотилади” деб ёзib кўяман, — деди қалтираб.

— Ўйингни қанчага баҳолайсан? — сўради бошқа бир киши.

— Онам йигирма беш кўкидан кам эмас деганди.

— Ҳе, онангни... ҳозир энг замонавий уйлар ҳам шунча турмайди.

Ўйингни нархи жуда борса ўн беш минг. Қарзинг эса ўн минг. Энди қулоқ сол, мана сенга беш минг кўкидан. Ўйингни эртага мана шу фамилияга ўтказиб берасан. Район марказидаги тўрт қаватли домдан икки хонали уйни икки мингта олса бўлади. Ўшандан уй олингларда, ўн кун ичида ҳовлини бўшатинглар, — деди.

Ўлимдан кутулганига шукр қилган Мансур ранги бўздай бўлиб уйларига қайтди.

— Ўйимизни сотмайман, — деган онасига бўлган воқеани айтиб юрагини ёриб юбораёзди. У икки кун ичида уйларини бошқа кишига расмийлаштириб берди.

Улар туман марказидан уч хонали квартирани олиб кўчиб ўтишди.

Мансур анча вақтгача ишга киролмади. У маст ҳолатда кўчаларда ётиб қоларди. Тирикчилик учун илож тополмаган Моҳинабону уйлари яқинидаги атторлик дўконида сотувчилик қила бошлади.

Гиёҳвандликка берилиб, игнага ўтган Мансур Моҳинабонудан савдо пулларини талаб қила бошлади. Бир куни дўконнинг калитини ўғирлаб барча нарсаларни ҳамтовоқлари билан бирга қоп ва сумкаларга жойлаб олиб кетишиди. Эртаси куни бўм-бўш дўконга кирган аёл дарҳол милицияга кўнғироқ қиласди. Кўшни дўконларга қоровуллик қилаётган киши кечкурун Мансурни дўкон атрофидага юрганини айтгандан кейин суриштириш бошланди. Ўгриликни Мансурнинг ўзи қилганини аниқладилар.

Ўглиниң қамалиб кетишига кўзи етган онаси таниш милиционерларнинг оёқларига йиқилиб кечиришларини, ишни очмасликларини сўради.

Кун кўриш, тирикчилик қийинлашгани сабабли,

Моҳинабону яхна ичимликлар дўкони ёнида писта сота бошлади.

* * *

Ҳайитбой олийгоҳни битирган йили хўжаликка раҳбар бўлди.

Иккинчи фарзандини тукқанидан кейин, Сурайё яна ҳам очилиб, лобар бўлиб кетганди.

Улар бир-икки кун акалариникига, қариндош-уруглариникига бориб айланиб келмоқчи бўлишди. Уларнинг машинаси туман марказига яқинлашар экан, ўғилчаси сув ичаман деб инжиқлик қилиб қолди. Ҳайитбой машинаси ни йўл четидаги яхна ичимликлар дўкони олдига тўхтатди.

Ҳайитбой ўелини етаклаб дўконга кириб кетди. Ойнаси очиқ машинада ўтирган Сурайё сал нарида писта сотиб ўтирган аёл билан ниманидир талашиб турган эркакни кўрди. Лабига сигарета қистириб олган бу одамнинг кийимлари исқирандиган, шимининг ён томони хўл ва лой. Аёл унинг қўлидан ниманидир тортиб олди. Эркак бир силтаб уни олишга ҳаракат қилган эди тоғорага уюб кўйилган писта ва четларида турган турли номдаги сигаретлар сочилиб кетди. У одам олмоқчи бўлган нарсасини қўлга киритди ўзекили гандираклаб шундоққина машинанинг ёнидан ўта бошлади.

Сурайё титраб кетди. Ўзидан бадбўй ҳид таратиб ўтэтган бу кимса Мансур эди.

Ҳайитбой дўкондан алланималар олиб чиқиб дарахт соясида турган стол устига кўйдида, Сурайёни чақирди.

— Ўғлингни музқаймоқ егиси келибди. Шу баҳона ўзимиз ҳам бир еб олайлик, — кулди йигит.

— Ўғлингизни эмас, ўзингизни егингиз келаётган бўлса керак. Сизни музқаймоқни яхши кўришингизни биламанку, — ҳазизлашди Сурайё.

Улар курсиларга жойлашиб ўтиргач, олдига фартук боғлаб олган чаққонгина қиз ликопчаларда музқаймоқ келтириб қўйди. Қизчаси Сурайёнинг тиззасида ўтирган бўлсада, дадасига қараб талпинар, инжиқланарди.

— Сен мени ёмон дейсан. Мана қизимизни кўргин, сенда ўтиришни истамай менга интиляяпти. Демак, сендан кўра мен яхши эканман, — деди кулиб қизини қўли-

га олар экан. Улардан күзини узмай кузатиб турган аёл Сурайёни таниди. Сурайё уни машинада ўтирган пайтидаёқ таниган, билмасликка олиб ўтирганди.

Писта сотувчи аёл тоғорасини ва ўтирган пастаккина курсисини олиб жұнаб қолди. У Сурайёни күрмади деб ўйлаганди. Сурайё ҳам унта қаради. Аёл ўтиб кетар экан, уларға бир қараб олди. Күzlар тұқнашди.

Унниқиб кеттеган күйлакда, эски калиш кийиб олган, юzlари қат-қат ажинли бу аёл Моҳина болону эди.

ФАРЗАНД ДОГИ

Аслида, инсон умрининг энг гүзәл онлари — ёшлик, талабалик йиллари эса ёшликтининг жавоҳиридид.

Дорилфунуннинг сүнгти босқичида таълим олаёттан пайтимизда Хурматой дугонам акасининг уйланиш түйига таклиф қылди. Автобусдан туман марказида тушгач, дугонам соатига қарадио, хайрият, улгуримиз, деб қўйди. Кейин билсам, бу ердан қишлоқ оралаб юрадиган битта автобус бўлиб, эрталаб ва тушдан кейин икки маҳал қатнар экан. Агар шунга ултруа олмасак, такси ёллашга тўғри келаркан. Табиийки, қир-дала оралаб узоқ қишлоқларга енгил машинани кира қилиш қымматга тушади. Бир оздан сўнг ўн чоғли одам билан эски, чоққина автобусда йўлга чиқдик. Йигирма дақиқалар чамаси юрганимиздан кейин, атрофдаги манзаралар ўзгара бошлади. Аҳён-аҳёнда уйлар учраб қолади, чор-атроф эса поёнсиз қир-адирлар, кўм-кўк майсалар киши кайфиятини кўтариб, ўзга оламга кириб қолгандай бўласан. Айниқса, шовқин-суронли, ўзгача ҳавоси билан бу ерлардан фарқ қиласидан шаҳардан келаётган одамга таърифлаб бўлмас даражада гүзәл кўринади, ҳавосини симириб ичтинг келади. Кўзёшидек сузид оқаётган кўм-кўк жилғалар, юракларда ажиг ҳис уйғотади. Атрофдаги манзарадан шундай таъсирландимки, ёш қизчалардай сакраб-сакраб ўйнагим, кўм-кўк майсалар устида юмалагим, овозимни борича ашуналар айтгим келарди. Ҳайдовчига, ярим соатга тұхтатинг, бир мириқиб яйрайин, дейищдан ўзимни зўрға тутиги турадим. Ён-веримга қарадим, бирор мудраган, кимдир ўз хаёли билан овора, гүзәллик билан ҳеч ким қизиқмасди. Тўғри-

да, булар күравериб күнишиб кеттан, қолаверса, балки ижодкор бўлганим учун ҳам бошқача таъсир қилгандир. Узокдан бир тўп қорамтири даражат кўзга ташланди.

— Ана шу кўринган жой бизнинг қишлоқ, — деди дугонам Ҳурматой.

— У ерда уй кўринмайди-ку, ҳаммаси даражат-ку, — дедим ҳайрон бўлиб.

Ҳурматой кулиб юборди.

— Борсанг, кўрасан уйларни!

Беш-ўн дақиқалар чамаси вақт ўтиб манзилимизга етиб келдик. Қишлоқ каттагина бўлиб, уйлари кўп бўлса ҳам узокдан баланд ўсган қалин даражатлар орасида кўзга ташланмай, фақат бир тўда даражатнинг ўзи кўринаркан, холос. На девор, на дарвозаси бор ҳовлига киргач, уйдагилар билан кўришиб танишгач, уларнинг меҳнаткаш, меҳмондўст, яхши одамлар эканлигини ҳис қилдим.

Эртаси куни тўй бўлди. Жуда катта қозонга ош дамланди. У ер-бу ерда янгича тўй урф бўлаётганига қарамай, кудаларнинг уйи яқин бўлса керак, келинни отта миндириб олиб келишди. Куёв келинни бир силтаб торгди, лекин келин отнинг жиловини ушлаб турган укасини кучоқлаб олгани учун ҳам бирдан кўтариб ололмади. Атрофни қийқириқ, қий-чув, кулги босди. Хижолат бўлган куёв иккинчи бор бир ҳаракат билан келинни кўтариб олди-да, пўстак устига кўйди. Кейин билсам, келин кўйдай ювош бўлсин, деб пўстак устига туширкан. Ўргада гуриллаб ёнаётган олов атрофидан келин-куёвни уч марта айлантиришаркан, ихтиёrsиз келинчакни кузатдим, гарчи кун иссиқ бўлса ҳам калиш-маҳси кийган, оқ шойи кўйлакда, катта оқ рўмол ёпинган. Кўйлагидан ҳам узун, пилик солиб майдалаб ўрилган соchlари маҳсисига ўралашар, енглари учидан хина кўйилган бармоқлари кўриниб турарди. Келинчакни уйга киргизишгач, ош тортилди. Шу пайт тўйхонага баланд бўйли, қоши-кўзи қора, эллик ёшлардаги аёл кириб келди. Тўйхонадагилар аёлни айвон остига солинган дастурхон ёнига бошлаб келишди. Дарров лаганда ош келтиришди. Аёл ошни ҳеч кимга қарамай, бир ўзи ўтириб еди-да, қандай келган бўлса шундай, ҳеч кимга гапирмай чиқиб кетди. Мен Ҳурматойдан бу аёл ким, нега ҳеч кимга гапирмади, аёлларга аралашмади, деб сўрадим. У, кейин айтаман, деб кўйди.

Эртаси куни шаҳарга қайтар эканмиз, автобус тўхтаб ўтадиган жойнинг кунботар тарафида 20—25 метрлар чамаси баландлиқда жойлашган қабристонга кўзим тушди. У ернинг қабристон эканлигини янги тупроқ уйилган, ҳали ўт ўсиб чиқишга улгурмаган битта қабрдан билиб олдим. Агар ҳамма ёқни тизза бўйи майса қоплаган, бир текисда кўм-кўк бўлиб барқ уриб ётарди. Қабристоннинг пастроқ томонида, йўлга яқин жойда қўлини пешанасига соябон қилиб, узоқ-узоқларга термулиб ўтирган аёлни кўрдим. Бу — кечаги тўйхонада ош еб, чиқиб кетган аёл эди.

— Бечора ўн етти йилдан бери ўғли Хайрулланинг йўлига қарайди, — деди Ҳурматой аёлга фамгин боқиб.

Бу орада автобус келиб, бошқалар қатори ўриндиқдан жой олдик.

Яна ўқиши, имтиҳонларга тайёргарлик, бўлиб, ўша аёл ҳақида сўраш ёдимдан кўтарилиби.

Ўқиши тутатиб ҳаммамиз ҳар томонга кетдик. Тўйимиздан бир йил ўтиб, Сирдарёга кўчиб келдик. Келинчаклик ташвишлари, қувончлари, фарзанд тарбияси билан бўлиб, бир-биrimizni йўқлаб боролмадик ва йиллар давомида узилишиб кетдик.

Орадан йиллар ўтиб, нафақага ҳам чиқдим. 90-йиллар эди. Мен турмуш ўртоғим билан пойтахтимиздаги “Ботаника” сиҳаттоҳига дам олишга бордим. Маъданли сув ичиш учун маҳсус хонага кириб, сув ичаётсан, менга тикилиб турган аёлга кўзим тушди. У ёнидаги кишига мени кўрсатиб, бир нима деди. Унга кўзим тушди-ю, юрагим шиф этиб кетди.

Наҳотки, бу ўша Ҳурматой бўлса? Жуда-жуда ўхшашитти. Лекин хийла ўзгарган, тўлишган, кексайган. Мен ҳам унга қарадим, кўзларимиз тўқнашди. Беихтиёр иккимиз ҳам бир-биrimizга қараб юрдик. “Ҳурматой, сенмисан, наҳотки?!” Овозим титраб кетди. Бир-биrimizни бағримизга босдик. Кўзларимизда ёшлиар ҳалқаланди.

Сиҳатгоҳдаги кейинги кунлар қандай ўтганини билмайман. Талабалик йилларини эслаб, гаплашиб тўймаймиз. Эртага кетамиз, деган куни то саҳаргача ухламабмиз. Шунда нимагадир ёдимга ўша қабристон четида ўтирган аёл келди-ю у ҳақида гапириб беришни сўрадим.

— Унинг вафот этганига йигирма йилдан ошди. уни

сен охирги марта кўрган жойга дафн этишган.

Ўша аёл ҳақида батафсилоқ сўзлаб беришини илтимос қўлдим.

— 1920 йилларда кўпчилик ночор кун кечирарди. Қишлоғимизда Нуриддин ҳожи исмли бой бўлиб, йил ўн икки ой уйларида мардикорлар, чорикорлар хизмат қиласарди. Улар кўра-кўра молларга, экинларга қараашарди. Айтишларича, Ҳожи бир неча хотинларидан ўғил кўрган, лекин бирортаси турмаган. Фақат чиройда тенгсиз Холпошса исмли қизигина яшаб қолган экан. Бор умиди, орзуси шу қизи бўлиб, унинг айтгани-айтган, дегани-деган экан. Холпошса уйларида хизмат қилиб юрган Нодир исмли йигитта кўнгил кўйибди. Нодир серфарзанд, камбағал оиланинг энг кичиги экан. Мұҳаббат қалбига ҳукмронлик қилган Холпошса ўзгариб қолибди. Неча-неча ерлардан келган совчиларни қайтарибди. Оғир-вазмин, камгап ва ўйчан бўлиб қолибди. Унинг бу ўзгаришини кўриб Ҳожи ўзида йўқ қувонибди. Қизимиз ақлли, одобли бўлиб боряпти, деб ўйлабди. Нодир билан Холпошса холи жойларда бир неча марта учрашиб, бир-бирларига тўйишмабди. Уларнинг хуфия севгиси секин-аста қанот ёйиб, бойнинг кулогига этибди. Ҳожи шу куннинг ўзидаёт Нодирни қувиб юборибди. Қизининг атрофига қўриқчилар кўйибди. Лекин севишганлар барибир учрашувга йўлтопишибди, охирги чора қочиш дейишибди: бўлмаса, отаси қизини бир бойвачага беришини билишаркан. Нодир онасини сирдан воқиф этибди. Онаси олис қишлоқдаги синглисиникига қочиб кетишларини, у ер бехавотир эканлигини айтибди. Ёшлар туни билан йўл босиб, тонгга яқин манзилга келишибди. Холаси воқеани англаб, хавотирга тушибди. Чунки бой буларни топиб олса, қиёмат-қойим бўлишини биларди. Холаси болалари билан маслаҳатлашиб, ўтихонани ёшларга бўшатиб берибди. У ерни обдон тозалаб, гиламлар тўшабди. Керакли нарсаларни киргизиб, эшик олдига бир неча боғ ўтин босиб қўйишибди. Агар бирор киши эшикни очса, ўтинларга кўзи тушар, ҳеч ким унинг орқасида одам борлигини билмас ва кўрмасди. Улар шу зайдада кундузи одамлардан панада ўтириб, кечасига ташқарига чиқишишарди.

Бой эса қизини ким билан қочганини билиб, Нодирнинг оиласига не-не зулмлар қилмабди, қизимни топиб

бермасанг, ҳаммангни ўлдириб юбораман, деб қўрқитибди. Онаси эса уларни кўрганим йўқ, деб йиғлаб тураверибди. Ҳожи чор атрофга одам юбориб, Нодирларга қариндошлиги бўлган барча жойларни ғалвир қилиб ташлабди. Нодирлар яширинган ҳовлига келиб дағдаға қилишибди, қўни-қўшнилардан сўрашибди, улар ўтирган ўтинхонани ҳам очиб кўришибди. У ерда ўтингдан бошқа нарса йўқлигини кўриб, бу ердан ҳам кетишибди.

Шу зайлда бир неча ой ўтибди. Охири бой тақдирга тан берибди, ёлғиз қизини соғиниб, Нодирнинг онасини чақиртирибди: “Майли, қизимни ҳам, куёвимни ҳам гуноҳидан ўтдим. Уларни тирик кўрсам, бас. Келишсин, тўйларини қилиб бераман, ҳеч қачон ёмонлик қилмайман”, деб онт ичибди. Шундан кейин онаси Нодир билан Холпошшани уйларига олиб келибди. Бой сўзида туриб, қишлоққа тўй берибди. Нодир камбагал бўлса ҳам, ориягли, меҳнаткаш экан, ичкуёв бўлишга рози бўлмабди. Қишлоқ четига уй солиб, алоҳида яшай бошлабди. Ёшлар бир-бирларини шунчалик севишар эканки, икки фарзандлик бўлгунларича ҳам худди энди учрашган ошиқ-маъшуқлардек кўзларига тикилиб тўйишмас, ниҳоятда аҳил ва иноқ, баҳтиёр яшашаркан.

Кунларнинг бирида Нодир узоқ йиллардан бери нурраб ётган эски оғилни бузиб, ўрнига янгисини курмоқчи бўлибди. Деворни йиқитиб, ўрнини текисламоқчи бўлиб турганда, бирданига оёғига бир нима санчилгандай жиз этибди. Оёғини бир нима чаққанлигини сезибди-ю ўтлоқда учиб юрган ари бўлса керак, деб унчалик аҳамият бермабди. Лекин оғриқ кучайиб, оёғи кўкара бошлагач, кўнгли айниб, боши айлангандан кейингина ишини тўхтатиб, уйга кирибди. Холпошша эрининг аҳволини кўриб: “Вой шўрим, сизга нима қилди?” деб йиғлаб, тўшак солиб берибди-да, юрганича қайнонасига, табибга хабар берибди. Табиб келиб, Нодирнинг оёғини кўрибди-ю, лабинни тишлаб жим қолибди. Бу орада иситмаси кўтарилибди. Нодирни кўргани Ҳожи ҳам етиб келибди. Улар табибга нима гап деб илтижоли боқишибди, табиб бошини чайқабди. Ташқарига чиқиб, уни жуда ҳам заҳарли қора курт чаққанлигини, заҳар қонга ўтиб, бутун танани қоплаганлигини, энди ҳеч қандай муолажа, дори-дармон фойдализ эканлигини айтибди. Агар курт чаққан заҳоти келга-

нимда эди, ёки ўзи ўша ерни кесиб, заҳарни сиқиб чиқарганда эди, фойдаси бўларди, энди кеч бўлди, тақдирга тан беришдан ўзга чора йўқ, дебди-да, чиқиб кетибди. Арслондай бақувват йигитнинг тақдирини кичкинагина қурт ҳал қилибди. Холпошша дод солиб, юзини юлибди. Онасининг фарёди барчани ларзага келтирибди...

Орадан бир неча йил ўтибди. Холпошша яна ҳам очилиб, хуснита хусн қўшилибди. Атрофдан яна совчилар кела бошлади. Холпошша эса, менга Эрнинг кераги йўқ, икки паҳлавон ўғлим бор. Энди мен қолган умримни Нодиримни ёди билан яшайман, деб жавоб қайтарибди.

Аксигта олиб Холпошшанинг отасини ўйролар кулок қилишибди. Бир кечада вагонга жойлаб, аллақаेरга олиб кетишибди. Холпошшага эса камбағалнинг беваси деб тегишмабди. Бадавлат отасидан айрилган Холпошша яна ғамга ботибди. Унинг гўзаллигига қойил қолиб, кечаларни бедор ўтказаётган колхоз раиси Шербой бир куни уларни кига келиб, эшигини тақиллатибди. Узун сочлари тақимини ўпид турган шаҳло кўзли, оппоқ юзли Холпошшо эшикни очибди-ю, раиснинг мақсадини тушунибди. Илгари ҳам бир неча марта тўқнаш келганда, раиснинг ҳаёсиз сўзларига рад жавобини бергани ёдига тушиб, яхши гап бунга фойдасиз эканлигини билиб, уйга кириб, ўткир тиғли ханжарни олиб чиқади ва кўксига қадайди: “Агар бир қадам боссанг ёки яна гапирсанг, шу ханжарни кўксимга суқиб ўламан”, деб кўрқитади. Аёлнинг мард ва вафодорлигига тан берган Шербой узр сўраб, иккинчи марта келмасликка сўз бериб чиқиб кетади. Шу куни Холпошша қайноғаси Эрйигитнинг олдига бориб, воқеани айтади. Ёлғиз яшашга кўрқаёттанини сўзлаб, иложи бўлса, бирга турайлик, уйимизнинг хоналари кўп, дейди. Қайноасининг вафотидан кейин қайноғаси укасини уйлантирмақчи бўлиб юрганини, лекин келин туширишга уйнинг торлиги, уй солишга кўлининг қисқалик қилаёттанини биларди. Қайноғаси ва овсини бу таклифдан бошлари кўкка етиб, хурсанд бўлишди. Энди улар катта оила бўлиб, бирга яшай бошлашибди. Овсини оққўнгил, очик, ҷехрали аёл бўлиб, иккаласи опа-сингилдек аҳил, инок ҳаёт кечиришибди. Фарзандлари Лутфулла ва Хайруллалар ўсиб ўлгайибди.

Холпошшо уларнинг камолини кўриб, бир кувонса,

ҳадемай оталарининг ўрнини босади, деб икки севинарди. Қишлоқ аҳли аёлни вафодор ва покизалиги учун жуда ҳурмат қилишар, бирор имонли аёл ҳақида сўз кетса, дарҳол Холпошшани мисол қилишарди. Шундай кунларнинг бирида уруш бошланибди, деган гап пайдо бўлди. Ҳадемай қишлоқ йигитлари битта-битта фронтга йўл олишиди. Навбат Лутфуллаага келганда Холпошша дод, фарёд қилди, фойдаси бўлмади. Уни кўшни йигитларга қўшиб, олиб кетишиди. Холпошшо фарзандини ойлаб кутди. Биттагина хат келармикан деб, хат ташувчининг йўлига интизор боқди. Ниҳоят, хат келди, лекин у Лутфулладан эмас, унинг мардларча жанг қилиб, халок бўлганлиги ёзилган қора хат эди. Холпошшонинг дарди-дунёси қора бўлиб, аза очди, дод солиб, фарёд чекди. Кўпга келган тўй, деб секин ўзини кўлга олди. Бор меҳрини Хайрулла-га бериб, умид кўзларини унга тикди.

Даҳшатли уруш тезгина тугай қолмади. Қишлоқдан урушга жўнаганларни йифлаб кузатиб, қора хат келганда бирга фам чекиб юрган кезларда, ҳарбий комиссарликдан Хайруллани ҳам олиб кетишга одам келди. Холпошшо, “Боламни бермайман, биттасини курбон қилганим етади”, деб нола чекди, дод солиб сочини юлди, барибир фойдаси бўлмади. Ташқарида қор бўралаб ёғар, изғирин баданга иғнадай санчиларди. Куролланган ҳарбийлар қишлоқдан беш-олти йигитнинг ёнига Хайруллани ҳам кўшиб, «бричка» деган узунçoқ аравага солиб олиб кетишиди. Холпошшо араванинг кетидан у ҳолдан тойганча югорди, гоҳ сирпаниб, гоҳ чўккалааб қолса ҳам тўхтамай олға интилди. Туман марказига келиб, урушга олиб кетишаётган йигитлар қаерда деб суриштириб, станцияга етиб келади. Шу пайт атрофни ларзага солиб, титратиб, ўқириб поезд келиб тўхтади. Холпошшо у ёқдан-бу ёққа югуриб, боласини излар экан, “По вагонам”, деган буйруқ эштилди.

Куролланган кўриқчилар иштироқида йигитлар саф бўлиб вагонларга чиқа бошлашди. Холпошшо у ёқдан-бу ёққа, Хайруллагинам, болам, деб югурап экан, вагон зинасидан кўтарилаётган дилбандига кўзи тушди. “Она, она-жон!” деган товушини аранг эштилди. Хайрулланинг юзини ён тарафдан кўрди-ю, орқасидан чиқаётган йигитлар суриб, ичкарига киргизиб юборди. Холпошшо, болам-болагинам, деб чақириб, вагонга осилмоқчи бўлар, курол-

ланганлар аёлни итариб, яқинига йўлатмасди. Поезд бир чинқириб, олға силжиди. Бир қанча аёллар сингари Холпошшо ҳам вагон орқасидан узоқ муддат югурди, ҳолдан тойиб, етиб боролмаслигига кўзи етгач, ортига қайтди.

Охирги овунчоғидан ажралган Холпошшо ярим телба ҳолда ортига қайтади. Кун бўйи туз тотмаган, югуравериб, йиқилиб, ҳамма жойи шилингган аёл кечаси йўл босиб, қишлоғига яқин қолганда боши айланиб йиқилади. Боши музга тегиб, бир муддат кўз олди қоронғилашиб, ҳушидан кетади.

Тумандан қишлоққа озиқ-овқат ташийдиган аравада келаётганлар ой ёруғида, йўл ўртасида ётган одамга кўзлари тушган заҳоти иргиб тушиб Холпошшони танишади. Кўтариб аравага ортайлик дейишса, узун-узун соchlари музга қўшилиб қотиб қолган, уни ажратиб бўлмасди. Улардан бири ёнидан пичоқ чиқариб, аёлнинг сочини музлаб қолган қисмидан юқорисини кесиб ташлади. Аёл эртасига ўзига келди. Лекин қаттиқ шамоллаганиданми, иссиги кўтарилиб, дам-бадам алаҳсирар, гап орасида Хайрулла номини канда қилмасди. Ўн кунлардан кейин аёлнинг иссиғи тушиб, оёққа турди. Лекин аллақандай тушунарсиз ҳаракатлар қилас, йиғлаб туриб кулар, кулиб туриб йиғларди. Одамлар аёлнинг фарзанд доғида телба ҳолга келганилигини пайқаб қолишиди. Холпошшо ҳеч ким билан гаплашмас, ҳеч кимга тегинмас, ўзи билан ўзи овораю сарсон эди. Қишин-ёзин қабристон пастидаги тош устига ўтириб, соатлаб ўғли Хайрулла кетган йўлга термулар, кейин ҳафсаласи пир бўлгандай, уйга қайтиб келарди. Яхши ҳамки Холпошшо вақтида қайногасини кўчириб келған экан. Овсини Холпошшонинг кўнглига қарап, ошпок кийинтира, соchlарини вақтида ювиб, тараф кўярди. Орадан йигирма йиллар ўтса ҳам аёлнинг кир-чир ёки сочи пахмайған ҳолда юрганини ҳеч ким кўрмаган. Қишлиқировли кунларда уйдан кўчага чиқармасликка ҳаракат қиласалар ҳам, пайт топиб ўша тош устида бир неча соат қолиб кетарди. Заҳ тош аёлнинг ички аъзоларини касаллантиради. Врачларнинг барча ҳаракатлари зое кетади, аёл соғаймайди. Шундай кунлардан бирида ярим тунда аёл ўзида куч тўплаб, ташқарига чиқади ва ўша тош устига келиб ўтиради. Уни чиқиб кетганини ҳеч ким пайқамай қолади. Эрталабга яқин тўшакда аёлнинг йўқлигини се-

зид, қабристонга югуришади. Аёл тош устида эмас, тошга суюнган ҳолда, ўғли кеттан йўлга қараганча қотиб ётарди. Холпошонинг жанозасига жуда ҳам кўп ҳалқ йифилди. Келганиларнинг ҳаммаси аёлнинг вафодорлиги, имонлилиги, садоқати ҳақида гапирди. Уни ўзи йиллар давомида ўтириб, ўғлини куттган тош ёнига дафн этишди. Қабр атрофига бир неча тўп аёлнинг севган гули – боф гулидан (атиргул) экишди.

Кўз олдимга қабристоннинг қуий қисмидаги кўм-кўк майсалар, турли рангда гуллаб ётган боф гуллари, ёлгиз қабр келди. Ҳаёлимда қабр устидаги боф гуллари ҳамон Хайрулла кеттан йўлга қараб эгилиб тургандай, ҳамон кутаётган туюлди. Қалбимни ғамгин, аллақандай маҳзун ҳислар чўлғаб олди. Беихтиёр кўзларимдан бир неча томчи ёш Холпошшога атаб битаётган шеърий сатримга томиб кетди.

*Болам деб чўзган қўли қолиб кетди муаллақ,
Боласини бир кўриш насиб эттади, ҳаллоқ.
Қирққа кирмай қийилди, саксон яшарликдай нақ,
Ушибу қабр ёнидан бошлар эгиг ўтингиз,
Хурмат айлаб ўтингиз.*

*Неча ўн йил ўтса ҳам кутди бу онаизор,
Гулдек умрин баҳш этди, қалбида қанча озор.
Ҳижрон якуни бўлди ахийри ёлгиз мозор,
Ушибу қабр ёнидан бошлар эгиг ўтингиз,
Хурмат айлаб ўтингиз.*

ЎГАЙЛИК ҚИСМАТИ

Биринчи ҳикоя

Қадим замонда ўта қаттиққўл, золим бир эркак бўлган экан. У хотинини ҳеч қаерга чиқармас, бирор киши билан гаплашишга йўл қўймас экан. Қийналиб ғамга ботган аёл юрагини бўшатиш учун лойдан одам ясадб яшириб қўйибди. Ҳеч ким йўқ вақтларда лойодамни кўлига олиб, унга дард-ҳасратларини тўкиб солар, гарчи, ундан бирон садо чиқмаса-да, бирмунча енгил торгандай бўларди. Бир куни аёл навбатдаги ҳасратларини ўртоқлашиш мақсадида яши-

риб кўйган жойини қараса, лойодамнинг кўкси эриб, оқиб кетган ҳолатда ётганига кўзи тушибди. Шунда у кўкка нола қилиб: “Эй, Яраттан Эгам! Лойдан яратилган одам менинг фамларимга дош беролмай кўкси эзилган экан, ўзим қандай чидаяпман?!” дей оҳ тортган экан...

* * *

Ёз чилласида Ботаника сиҳаттоҳи жуда тирбанд бўлар экан. Дам олиб, шифо топаман деганлар-ку, майли, бирров келиб-кетувчи, “ҳорма-бор бўл” қилувчиларнинг ҳам оёғи узилмайди.

Ҳангоматалаб беш-олти аёл дарвоза ёнида гурунгланишб турардик. Олчаранг янги “Нексия” келиб тўхтади. Ундан қўлларига майда-чуйда тўла сумка, пакет кўтариб олган икки йигит ва бир қиз тушиб, яшаш корпусига ўтиб кетишиди. Орадан кўп ўтмай уларга эргашиб барваста, раҳбарнамо бир эркак ва ундан анча ёш кўринувчи, замонавий кийинглан аёл чиқди. Эр-хотин (бир Қаращадаёқ уларнинг эр-хотинлигини англаш қийин эмасди) хабар олувчиларни кузатиб, виқор билан ўтиб кетишиди. Эркак аёлга илтифот кўрсатиб, олдинга бошлар, меҳрибончилиги ҳаргиз сезилиб турарди. Улар беш-олти ўриндиқ наридаги скамейкалардан бирига бориб ўтиришиди.

— Ўҳ, қандай баҳтли аёллар бор-а! — деб юборди даврадаги аёллардан кимдир оҳиста, сұхбатлашиб ўтирган жуфтликдан кўз узолмай. — Ўғил-қизи “Нексия”да кўришга келса, ёнида алпдай келишган эри бўлса, товонигача зарга ботиб юрса, шуларнинг ҳам армони бормикан?

Хотини билан бирпас ҳангомалашиб ўтирган эркак ўрнидан турди-да, ғимадир деб яшаш корпуси томон йўл олди. Аёл бўлса, индамай кўлидаги рўзномани ўқишига тушди. Аёллар гуруҳи уларни муҳокама қилишни давом эттириди. Бирдан ёнимда ўтирган Баҳринисо баланд овозда уни чақириб қолди:

— Хой, синглим, келинг, бизларга кўшилиб ўтиринг!

Шундай калондимоғ аёл олдимиизга келармиди, деғандай, ўринисиз таклиф учун норози қиёфада аввал Баҳринисога, кейин буёғи нима бўларкин, деган маънода аёл тарафга қарадик. Фикримизга мутлақо қарши ўлароқ ҳалиги аёл мулоҳим кулиб ёнимизга келди, ҳаммамиз билан бирма-бир сўрашди. Биз димоғдор деб ўйлаган аёл

ўта оддий, оқкүнгил бир жувон бўлиб, исми Тошгул эканлигини билиб олдик. Орамизда сергаплигидан Қақажон номини олган ва бунга ўрганиб қолган Зарбувиш исмли аёл янги сұхбатдошни бир зумда гапга кўмиб ташлади:

— Вой, сингилжон-ей, — деди у бидирлаб, — сизни биз билан валақлашиб ўтиришни ўзига эп кўрмайдиган бойвачча аёл деб ўйлабмиз. Болаларингиз бўй етган бўлса ҳам, ўзингиз ҳали қиз боладай нозиккина экансиз. Эрингизнинг яхшилигидан бўлса керак-да!

— Ҳа, болаларим катта бўлиб қолган. Худога шукур, хўжайним ҳам, болаларим ҳам ҳурматимни жойига қўйишади.

— Неччига киргансиз? — деб сўради кимдир.

— Менми? Ўттиз бешга кирдим.

— Ие, болаларингиз катта-ку??

— Болаларимми?.. Улар хўжайнимнинг аввалги турмушидан. Туққан оналари вафот этган...

Тошгулнинг гап оҳангига битмас-туганмас ҳасрат ва дард ётар, буни ҳамма англаб еттани учун ортиқ уни савол билан қийнамасликни маъқул кўришди шекилли, гап тизгинини дарров бошқа ёқса буришди. Мен шундай кўҳлик, сўзлари бамаъни жувоннинг ичида қандай дарди борлигини билишга астойдил қизиқиб қолдим. Бу савол кун бўйи хаёлимни банд этди, у билан ҳамсуҳбат бўлишни, юрагининг тубидаги дардларини эшлишини астойдил хоҳлардим. Худо деган эканман, кечки овқатдан кейин худди шундай имконият туғилди. Ташқарига чиқсан, Тошгул ҳам хиёбон оралаб сайр қилиб юрган экан.

— Хонада юрагим сиқилди. Бирга айланайлик десам, хўжайним негадир эринидилар.

— Агар йўқ демасангиз, мен сизга ҳамроҳлик қиламан. Овқатдан кейин бирон соат пиёда айланмасам, яхши ухломайман.

— Вой худди мендай экансиз. Эрим бунинг тамом акси. Менинг кўнглим учун бир-икки кун чиқдилар. Лекин худо берган куни ё газета ўқийдилар, ё телевизорга кўз тикиб ўтирганлари ўтирган. Хўп десангиз, ҳар куни кечқурун бирга сайр қиласмиш.

— Икки марта хўп! — дедим қувноқлик билан. — Фақат битта шарт билан.

- Қанақа шарт? — ҳайрон бўлиб сўради Тошгул.
- Шу пайтача бошингииздан ўтганларни оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб берасиз.
- Олинг-а, бунинг қизиги бормикан сизга?..
- Бор-да, бўлмаса сўрармидим!
- Майли, сизга қизиқми-йўқми, айтсам айтиқолай.

Сал енгиллашаман-ку, — деб суҳбатдошим чукур сўлиш олди, кейин бир маромда ҳикоя қилди: — Менга бир назар солган ҳар қандай одам бегам, каму кўстсиз аёл экан, деб ўйладиди. Сизлар ҳам дастлаб шундай дея ўйланган бўлсангиз керак. — Тошгул менинг маъқуллаш оҳангода бош қимирлатганимни кўриб маъюс жилмайди. — Ҳақиқатан ҳам, бундан ўн беш йилча олдин дунёда мендан баҳтироқ инсон йўқ эди назаримда. Отам туманда ижроқўм раиси бўлиб ишлар, еганимиз олдимизда, емаганимиз кетимизда эди. Мени катта ниятлар билан нуфузли олийгоҳлардан бирига ўқишга киритишди. Ҳаммаси рисоладагидай кетаётганди. Бироқ биздан икки босқич юқори ўқиётган Нусрат исмли бир йигит билан яқиндан танишдим-у, ҳаммаси алғов-далғов бўлиб кетди. Дадамнинг: “Қизим, хаёлингни чалғитма, фақат ўқишни бил. Шундагина эртанг ёруғ, баҳting баркамол бўлади”, деган насиҳатлари негадир қулоғимга баландпарвоз, бачканга гапдай эшитила бошлади. Гарчи, ўша йигитдан ўзимни олиб қочсам ҳам, уни кўрганимда ич-ичимдан севинар, тез-тез олдимга келиб туришини хоҳлар эдим. Аста-секин жуда иноклашиб кетдик. У дугонам билан ижарада турган хонамизга келадиган, бизни у ёқ-бу ёққа томошага олиб чиқадиган бўлди. Бир куни шеригим йўқлигига ётиб қолди...

Тошгул қўлидаги рўмолчани кўзига босиб, ихтиёrsиз қўйилиб келаётган қайноқ ёшларини артди. Сўнг истеҳзо билан кулди-да, давом этди:

- Менинг баҳтисизлигим ана шу кечадан бошланди. Ота-онамнинг насиҳатларига қулоқ тутмаганим, ўзбошим-чалигим қимматга тушди. Ҳомиладор бўлиб қолганимни эшийтган Нусрат мендан қочиш учун баҳона қидиришга тушди. Ўз дардим, ўз муаммоларим билан қовурилиб ётар, кўзёшлиарим ёстиқни ювар, ҳаммасидан хабардор хонадош дугонамнинг таскинлари қулоғимга кирмасди.

- Йиглаб ётаверганингдан кимга фойда? — дерди ду-

гонам куйиниб. — Ўқишиңгни сиртқига ўтказ. Бор Нусратникига, ота-онасига дардингни айт, тушунган одамлар бўлиши керак, ўғлини йўлга солар, уйлансин.

Мен “йўқ” дегандай бошимни сарак-сарак қилар, ала-мимни фақат йифидан олардим. “Кимсан, фалончининг қизи ўқияпман деб ҳаммани аҳмоқ қилиб юрган экан, аслида йигитларга эргашишдан бошқа иш құлмаган, ана, охири биттасига осилиб олди”, деган маломатлар кўз олдимга келарди. Вақт ўтиб борар, бундай шармандалиқдан отам хабардор бўлса, ҳолим нима кечишини ўйлаб ичэтимни еб борардим. Ёнимиздаги касалхонага кириб, гинеколог аёлга учрашдим. У биринчи болани олдириш хавфли эканлигини, бунинг устига, вақт ўтказиб юборилганини айтди ва тувишдан бошқа чора кўрмасликни маслаҳат берди. Шу тариқа яна икки-уч ҳафта ўз ёғимга ўзим қовурилиб юрдим. Кейин бошқа бир дўхтир аёлга учраб: “Қанча пул олсангиз бераман, қорнимдаги боладан ҳолос қилинг!” дея илтижо қилдим. Дўхтир ҳомиланинг анча катта бўлганини айтиб иккиланди, халатининг киссасига солинган бир сиқим пулгина масалани менинг фойдамга ҳал қилди. Чидаб бўлмас азобда боладан қутулдим. Лекин кўп қон йўқотиб, ҳолдан кетдим, касалхонада бир неча кун ётиб қолдим. “Бир оз тоби йўқ”, деган гап уйимиздагиларга етиб борибди. Отам шу заҳоти машина тайинлаб, онамни менинг олдимга жўнатибди. Пича қон куйишганидан кейин сал ўзимга келиб, кўзимни очсам, ёнимда онаизорим йиғлаб ўтирибди. Унинг: “Болажонимнинг чивиндай жонини ўзинг асра, художон!” деган илтижолари қулоғимга худди узоқдан келаёттандай эшигиларди. Яширмай ҳамма гапни айтдим. Бундан кейин нима қилиш керак, деган масала энди икки аёлнинг бошини қотирарди. “Харқалай, отант ҳозирча билмагани маъқул”, деган қарорга келди онам. Бироқ ёмон гап тез тарқалар экан. Мени хуфёна abort қилган ва оғир ахволга тушишимга сабабчи бўлган дўхтир ишдан олингани тез орада ҳамма ёқقا овогза бўлди. Отам ҳам мени кўргани келган куниёқ ҳамма гапдан хабар топди. Шундоғам қон босими тез-тез кўтарилиб туради. Касалдан боши чиқмай қолди. Охири ногиронлик нафақасига чиқиб, ишдан бўшади. Мен ҳам олийгоҳда ўзим ҳақимда болалаб кетган ҳар хил мишишларга дош бера олмай ўқиши ташладим. Ўн йилга

яқын уйда ўтиридим. Уйимизга тез-тез совчилар келар, бироқ улар ё номаылум сабабга күра хотинидан ажраган, ёки хотини ўлган кишилардан бўлар, ҳаммасига бир зай-лдаги “йўқ” жавобини бериб қайтарадим. Бу орада инсульт хуружи отамни бағримиздан юлиб олди. Отамнинг ўлимидаги гуноҳим борлигини ўйлаб, ўзимни кўярга жой тополмас, бошимни деворларга уриб йиглар, бироқ кошки бу билан энди ҳаётни орқага қайтариб бўлса! Шу тариқа вақт кетидан вақт ўтар, уйимизга келаётган совчилар сони бир оз камайган бўлса-да, ҳамон “ҳа” жавобисиз қайтарди. Ўз уйимда ўзимни ортиқча юқдай ҳис қилас, ҳеч ким бетимга очиқ айтмаса ҳам менинг бўлажак оилас масаласи кун тартибидан бирон лаҳза тушмаганлиги ҳар қадамда сезилиб турарди. Куёвликка “даъвогар”лардан бири уч-тўрт марта одам юборди. Мен уни аввалдан танирдим. Хотини вафот этган, беш фарзанддан бир қизини чиқариб, икки ўғлини уйлантирган, бир қиз, бир ўғил билан яшарди. Ўйлаб-ўйлаб, уйдагиларга ортиқча юқ бўлмаслик мақсадида шу кишига розилик бердим. Ортиқча дабдабасиз, маҳалла мўйсафиidlарига бир чўқим ош қилиб, уйдагилардан рози-ризолик олиб янги рўзгорни бошладим. Дастребки кунлари шум тақдиримни қарғаб роса йиғладим. Ахир мен ҳам ҳамма қизлар қатори келинлик либосида, ёр-ёр садолари остида отамнинг оқ фотиҳасини олиб тўшангига қадам кўйишм мумкин эди-ку! Бунинг ўрнига, отам тенги эркакка маҳрам бўлиб ўтирибман. Менинг доно маслаҳатчим – отажоним бўлса, арши аъюда юрибдилар...

Суҳбатдошим яна чуқур тин олиб, бирпас жим қолди. Унинг билинар-билинмас сурма тортилган чиройли кўзларида тубсиз бир андух ифодаси қотиб қолганди.

— Умуман олганда, Турғун ака ёмон одам эмас экан, — деб давом этди Тошгул сал ўзига келиб. — У гуруч заводида директор бўлиб ишларди. Мени хафа қилмасликка, ҳамма масалада кўнглимга қарашиб интиларди. Биронта фарзанд туғишимни хоҳлар: “Болага овуниб, сиқилмасдинг, элга қўшилардинг”, дерди. Уч йил яшаб фарзанд кўрмаганимизга диққат бўлар, мени дўхтирма-дўхтир олиб юришдан эринмасди. Бола кўрмаслигимнинг ҳақиқий сабабини билганим боис ич-ичимдан баттар эзилардим.

— Болалар-чи? Болалар сизни қандай қабул қилди? —

деб сўрайман сабрим чидамай. Тошгул ўз дардининг янги саҳифаси очилгандай яна “уф” тортади.

— Болаларми?.. Ўгай онани қайси бир фарзанд хуш кўрарди дейсиз. Улар мени оталарининг бойлигига учиб тегди, деб ҳисоблашди. Турғун аканинг уйидаги ўғли Соҳиб билан қизи Фарида бизнинг оила қуришимиз олдидан “ЗАГСдан ўтмайсизлар!” деган қатъий шарт кўйишиди. Ўша пайтда менга ҳамма нарса барибир эди, шартта рози бўлдим. Келин бўлганимга беш-олти ой ўтгач, аввал ётоқхона, эндиликда яқин қариндош-уруглар учун кичик бир меҳмонхона вазифасини бажариб қолган хонани йиғиштираётгандим. Кўзим бурчакдаги сариқ тусли эски русумли шифонерга тушди. Калит эшигининг оғзида бўлгани учун қизиқиб очдим. Унда саф тортган илгичларда хилма-хил аёллар кўйлаги осиғлиқ эди. Зар билан тикилган, қуббали, нақшинкор безаклари бор биттасини қўлимга олдим. Энди бўйимга ростлаб кўраётсам, Фарида вожоҳат билан кириб келди. У икки қўлини мушт қилганча чексиз разаб билан шунақанги қарадики, юрагим орқасига тортиб кетди.

— Нима ҳаққинг бор?! — деб бақирди у биринчи марта сенсираб. — Онамнинг кўйлакларига қўл теккизишга нима ҳаққинг бор?

— Қизим, сенга нима бўлди? Мен шунчаки...

— Мен сенинг қизинг эмасман! — дея қаттикроқ бақирди у. — Бундан кейин онамнинг кийимларига қўлингни теккизма, ифлос қилма!

— Нега унақа дейсан, қизим, мен ахир?...

— Яна айтаман, иккинчи мени қизим дема, “қизим” дейдиган онам гўрда ётибди. Отамизни макр-ҳийла билан ўзинигта оғдирганинг етмагандай, бизнинг ҳам кўнглилизга қармоқ ташляяпсанми, жодугар? Чучварани хом санабсан! Тезда бу хонадан қорангни ўчир, иккинчи қадам қўйма, тушундингми?!

Мен бахтиқаро Фарзандларнинг бошини силовчи меҳрибон она ролини ортиқ ўйнай олмаслигимни ҳис қилидим. Бошим айланиб, кўзим тинди. Оҳиста чиқиб кетаёттиб, ортимдан Фариданинг сўнгти найзалари санчилаётганини ҳис қилиб турдим:

— Бор, ҳамма гапни дадамга айт. Чакавер, илон бўлиб...

Шунда мен бу хонадонга тамомила бегона эканли-

гимни яққол ҳис қилдим. Соҳиб мен билан умуман гаплашмас, отасининг олдида номига ҳурматимни қилғандай бўларди-ю, ҳар қадамда бегоналигини билдириб турарди. Шу куни камтаргина кўч-кўронимни йифишириб онамникига кетмоқчи бўлдим. Лекин кечгача ўйлаб, бу фикримдан қайтдим. “Бундай қараганда, Фариданинг ўрнида мен бўлсан ҳам шундай қилган бўлар эканман, — деб фикрладим ўзимча. — Онасидан ёдгор қолган кўйлакларни ўтай она қўлида кўрган фарзанднинг қалбидан отилиб чиққан нидоларни тушунса бўлади. “Ўгай” деган тамғадан кутулиш учун фарзандлар сени ўз онасилик кўришлари керак. Бу эса, энг аввало, сенинг ўзингта боғлиқ. Уларнинг меҳр-муҳаббатини қозониш учун курашишинг кепрак”.

Шу куни эримга бўлиб ўтган воқеа ҳақида лом-мим демадим.Faқат бир нарсани таъна қилдим:

— Турғун ака, иш деб болаларнинг аҳволидан жуда кам хабар оладиган бўлдингиз. Уларнинг суюнгани сиз, менга ҳозирча ўрганишгани йўқ. Айниқса, кенжангиз Фариданинг ўқишиларидан хабардор бўлиб, кўнглини кўтариб турсангиз яхши бўларди. Онасининг таъзиясидан кейин ҳалигача ўзига келолмаяпти бояқиши.

Мен болаларнинг нафратомуз нигоҳларига парво қилмасликка ҳаракат қилас, уларнинг меҳрини қозониш учун нимаики лозим бўлса бажардим. Четдан қараган одам мени шу уйнинг чўриси бўлса керак деб ўйлаши мумкин эди. Чунки уй-рўзғор ишларининг ҳаммасини ўз зиммамга олган эдим. Гоҳида Фарида кир ювиш, ёки кийим дазмолашга уннайдиган бўлса, дарҳол қўлидан дазмолни олардим.

“Сен дарсингни қилақол, бу менинг ишим”, — дердим.

Шунда у индамай туриб кетар, ўз кийимларини барабир ўзи юварди. Аста-секин ҳаёт изига тушиб борди. Фарида ҳам, Соҳиб ҳам олийгоҳни битиришди, дарантдурунг тўйлар қилиб, бирини узатдик, бирини уйлантиридик. Бирин-кетин неваралар пайдо бўлди. Кичик неварам Воҳиджонни шундай соғинцимки, Соҳиб билан кelingга янаги гал ўзларинг билан олиб келмасанглар тарсёриламан, деб тайинладим. Faқат ўзимнинг фарзанд кўриш борасидаги бутун саъй-ҳаракатларим зое кетади.

— Ҳарқалай, болалар билан тил топишибсиз-ку, — дея тасалли бераман муштипар сұхбатдошимга. — Бунинг устига, эрингиз сизни бошида күтариб юрадиганлар хи-лидан экан. Аёл учун оиланинг тинчлигидан ортиқ баҳт борми?

— Ҳа-а, түгри айтасиз, — Тошгул жилмаймоқчи бўлди-ю уddyалай олмади, бунинг ўрнига юзида истеҳзали кулги зоҳир бўлди. — Оиласнг тинч — сен тинч, деб бекорга айтишмаган. Лекин Турғун аканинг соглиғи борған сари панд беряпти. Ҳозиргача икки марта инфаркт билан оғриган. Дўхтирлар эрингиз зинҳор дикқат бўлмаслиги керак, агар юрак касали тутса, бу охиргиси бўлади, деб огоҳлантиришган. Буни Турғун аканинг ўзи ҳам яхши билади. Унинг кўнглиға қарашиб, ёш боладай парваришлашим, соядай эргашиб юришим сабабини тушунгани учун ҳам мендан чексиз миннатдор. “Яхшиям яраттан Эгам тақдиримга сени рўбарў қилган. Сен бўлмаганингда ҳолим нима кечарди?” дейди иккимиз ёлғиз қолган пайтларда. Фақат болаларимиз бошқача фикр юритади. Улар отала-рининг соглиғи мен туфайли шу ҳолга тушган, деб ҳисоблашади. Турғун аканинг биринчи хуружи менгача бўлгани, бола-чақа, раҳбарлик ғурбатлари шундоғам чарчаган юрагига таъсир қилганлиги билан ҳисоблашгилари келмайди. Биз бу ерга жўнашимиздан бир неча кун аввал катта ўғлимиз Содик уйга келганди. Турғун aka қаергадир чиқиб кетган, Содик мәҳмонхонада укаси билан гаплашарди. Мен келиннинг овқат-повқатига ёрдам керак-масмикан деб секин ошхонага ўтаётуб, тасодифан ака-уканинг сұхбатини эшлитиб қолдим.

— Ўйни номингта ўтказиб қўйган бўлсак, нимага хавотирланасан? Дадамга бир гап бўлган заҳоти бу қисир хотиннинг ...га тепиб ҳайдаймиз. Хоҳлаган жойига бориб арз-додини қиласверсин!

Мен Соҳибнинг жавобини эшлитиб ўтирумадим. Шу пайтгача оиласнг тинчини деб болаларнинг бутун эркалигини кўтариб келгандим. Улар мени ёмон кўришини билардим. Лекин яхшилик тошни ҳам эритади-ку, болаларнинг кўнгли нима деган андишада тишимни тишимга қўйиб, уларнинг хизматини қилдим. Лекин... Хонамгача аранг юриб келдим-да ўзимни ерга ташладим. Бошимни гиламга уриб нола қилдим: “Ё Парвардигор! Ўзинг била-

сан-ку, шуларни деб ҳузур-ҳаловатимдан кечдим, хўрликларга, ҳақоратларга чидадим, оқибат шу бўлдими?!” Бироқ менинг оху ноламни тўрт девордан бошқа ҳеч ким эшитмасди...

— Эрингизга секин гап очмадингизми? Соғлиғи ёмон одамларнинг ҳаммаси одатда қолдирадиган мероси ҳақида аввалдан қайгуради-ку!

— Турғун ака унақа одамлардан эмас. У ўзидан кейин болалар бирон нарсани ўзгартириши, айниқса, менга нисбатан бирон ноҳақлик қилиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Яқинда бир қўшнимиз кўчиб кетадиган бўлди. Ўйини сотиб олайлик десам, эрим кулди: “Қизиқмисан, шунча дов-дастгоҳ етмайдими бизга?” дея йигирма хонали, икки қаватли ҳашаматли уйимизни кўрсатди. Чиндан ҳам, Соҳиб келинимиз билан олти хонали, биз тўрт хонали уйда турамиз. Бўйи ўн беш метрли меҳмонхона, хориж мебеллари билан лиқ тўла, евроусулда жиҳозланган ўнлаб хоналар бўм-бўш ётади. Баъзи хоналарнинг чангини артиш учун ойига бир марта очамиз, холос. Лекин мол-мулк инсон қадри олдида нима дегани? Тирноқнинг кири эмасми? Худо кўрсатмасин-у, эртага Турғун акамларга бирон кор-ҳол бўлса, бу ҳашаматларни кўтариб кетмайдилар-ку!

— Ҳамма гапингиз тўғри-ку-я, лекин болаларингиз сизга нисбатан аллақачон ноинсофликни бошлашибди-ку! Бунақала эртага кўчада қолишингиз ҳеч гап эмас. Сиз эрингизга ўғилларининг қилмишини айтмасангиз ҳам, ўзингиз учун лоақал бирон бошпана олиб қолинг, ҳадемай кеч бўлади.

— Кўрдингизми, сиз ҳам ҳамма танишларимнинг гапини айтгасиз. Сиз айтгандай, бошқа бир нарсани баҳона қилиб номимга биронта уй олиб қўйиш мен учун қийин иш эмас, лекин калламни олишса ҳам бундай қилмайман. Агар ҳозир эримдан бирон нарса ундириб олсан, ўртамиздаги шунча йил ҳукм сурган меҳр-оқибат йўқقا чиқади. Ўғил-қизларимиз мени бармоғи билан кўрсатиб: “Ана, айтмовдикми, бу аёл отамнинг бойлиги учунгина унга теккан деб. Унинг ўлимини билиб, (балки тезлаштириб) ўзига уй олволди”, дейишлари турган гап. Йўқ, бутун уй-жойи-ю бойлиги болаларига буюрсин, мен то эримтирик экан, унга ҳамдам, намнафас бўлиб яшайман. Эрим-

дан кейин бирон кунимни кўрарман. Ким билади дейсиз, ҳали кимнинг қазоси яқин. Баъзан ана кетади, мана кетади деган одамлар қолиб, кутилмагандар бошқалар кетган ҳолатлар кўп бўлган-ку...

Вақт алламаҳал бўлганлиги учун ётоқхона корпуси тарафга бурилдик. Ёнимда кетаётган муштипар аёлга боқиб, кечагина ҳаммамиз унга ҳавас билан қараганимизни, баъзилар: “Шу жувоннинг ҳам дунёда армони бормиқан?” дея ҳасад қилганини эсладим. Тошгулга шунча йиллик азоб-уқубатларидан кейин лоақал тинчгина яшashi учун ўзига оддий шароит яратилишини талаб қилишга ҳаққи борлигини тушунтира олмадим. Очифи, у буни биларди, лекин оналик, аёллик фурури бошқача иш тутишга йўл бермасди. Мен унга ҳавас билан боқар эканман, хайрлашиш олдидан ўз ҳаяжонимни яшиrolмай дедим: “Қанийди, сизга ўхшаган аёллар дунёда кўпроқ бўлсайди!”

ЭККАНИНГНИ ЎРАСАН

Иккинчи ҳикоя

Кейинги куни аёллар даврасига янги “мижоз” қўшилди. Оппоқ юзли, қўзлари катта-катта, қўҳликкина бу аёл ҳамиша оқ ҳарир рўмол ўраб юргани учунми, ё ҳақиқатан ҳам ҳаж сафарига бориб келганми, ҳарқалай, уни Ҳожи она, дея чақиришарди. Мен унинг ҳаётда кўпни кўрган аёл эканлигига амин эдим. Шу боис аввалдан келишиб олганимиздек кейинги куни ҳикоя сўзлаш навбати унга берилишини айтдим. У қизарив кетди ва: “Менинг унчалик қизиги йўқ ҳаётимни эшлиш кимга ҳам керак?” деди маъюс кулиб.

Эртаси куни ҳарқалай, қийин-қистовсиз рози бўлди ва фикрини жамлаш учун чукур тин олди, сўнг бирпас сукутга чўмиб, оҳиста, равон маромда гап бошлади.

* * *

Хуршида оиланинг ёлғиз, арзанда қизи бўлиб, акаукаларига нисбатан унга кўпроқ эътибор беришар, айниқса, отаси уни еру кўкка ишонмас эди. Унга нисбатан “Оппогим”, “Энагинам”, “Ёлғизим” деган сўзларни иш-

латиб эркалатарди. У ҳақиқатан ҳам оппоқ, чиройли қиз бўлиб вояга етди. Мактабни яхши баҳоларга ўқиб тугатди. Маҳаллаларида Собир исмли бир йигит уни яхши кўрар, қизнинг ҳам кўнгли унга мойил эди. Бу ҳақда онаси ҳам хабардор бўлиб, Собирнинг яхши йигитлигини билгани учун уларнинг одоб доирасидаги самимий муносабатла-рига монелик қилмасди.

— Мактаб ҳам тугади. Энди нима қилмоқчисан? — деб сўради бир куни Собир.

— Айтгувдим-ку ўқийман деб. Ҳужжатларим тайёр бўлса, ТошМИга олиб бориб топшираман.

— Сени кутсам майлими, Хуршида?

— Бу нима деганингиз? — Хуршида йигитнинг нима демоқчилигини тушунган бўлса-да, атайин сўради.

— Уйларингга одам жўнатмоқчи эдим, қўлингни сўраб...

— Айтдим-ку, ўқийман деб, Собир ака. Отам ҳам, онам ҳам қачондан бери шу фикрда. Лекин кутсангиз... Бирон нарса дейишими қийин.

— Бўлди, кутаман. Йигит сўзим, неча йил ўқисанг ҳам умид билан кутаман. Бекорга отимни Собир (сабрли) дейишмаган-ку!

Хуршида унга меҳр тўла кўзлари билан қараб, жавоб ўрнига чиройли жилмайди. Бироқ отасининг фикри мутлақо ўзгарганини, уни турмушга узатиш учун тайёргарлик кўраётганини, олдинда ҳаётнинг жиддий имтиҳонлари борлигини Хуршида ҳали билмас эди. Бир куни тасодифан ота-онасининг ўзи тўғрисида гапираётганини эшишиб, нокулай бўлса-да, эшик ортидан қулоқ тутди.

— Ёлғиз қизимни қандай қилиб бўлмасин ўқитаман деб катта гапирган эдингиз-ку, нега энди айниб ўтирибсиз? — деди онаси.

— Тўғри, лекин қизинг бу қадар кўзга яқин бўлади деб ўйламагандим. Кўраяпсан-ку, кўчага чиқди дегандан ҳамманинг кўзи Хуршида. Ҳозир уни обрў билан яхши бир хонадонга узатишдан маъқули йўқ...

Эр-хотин ўз ётоқхоналарида алтамаҳалгача тортишишиди. Онаси ошхонага кириб келганида Хуршида унинг кўзлари йигидан қизариб кетганини кўрди.

— Нима қилди, онажон? — деб сўради ҳеч нарса билмагандай.

— Ҳеч нима. Отанг билан тирикчилик важидан озгина айтишиб қолдим...

Орадан бир неча кун ўтгач, отаси Хуршидани чақириб, онаси ҳузурида ўз қарорини айтди.

— Ўқишим-чи, шу пайтгача мени ўқитаман деган вაъдаларингиз-чи, отажон? Наҳотки мени, ёлғиз қизингизни шу пайтгача алдаб келган бўлсангиз?

— Аёл зоти учун яхши рўзғордан муҳимроқ иш йўқ, қизим. Шу пайтгача сенинг кўлинга тикан киритмай катта қилдим. Бу ҳаётда ким кўп — адашган кўп. Шуларнинг қаторига тушиб қолмагин дейман, она қизим.

— Менга яхшилаб қаранг, дадажон, юзингизни ерга қаратадиган қизга ўхшайманми?

— Асло ундан демоқчи эмасман! Лекин бу дунёда юз яхшига минг ёмон бор. Сени еру кўкак ишонмай улғайтирдим, энди бўлса, яхши, ўзим билган бир хонадонга обрў билан узатишга қарор қилдим. Отанг билан тортишма, сенга ёмонлик соғинмайман-ку!

Онаси индамай, пиқ-пиқ ўтираб, номаълум сабабга кўра тўнини тескари кийиб олган қайсар отага бўлса, гап кор қилмасди. Унинг Шодимурод исмли марҳум дўсти бўлар, қизини шунинг ўелига узатишга қарор қилганди. Хуршида Собирни, у билан қилган аҳду паймонларини кўз олдига келтирди. Йўқ, у ўқимаган тақдирда ҳам Собирдан бошқа ҳеч кимга турмушга чиқмайди! Бироқ отаси она-боланинг арз-ҳолини эшитишни ҳам истамади.

— Мен гулдай қизимни касб-корининг тайини йўқ бетайинга бераманми ҳали, чучварани хом санабсанлар! Бу уйда то тирик эканман, менинг айтганим бўлади, тамом! Тўйга тайёргарликни кўраверларинг!

Хуршиданинг кўзига дунё қоронғи бўлди. Ҳаёлига “Собирнинг ёнига бориб, иккаламиз бош оққан ёққа қочиб кетсанмикан?” деган фикр келди. Бироқ бу ишни ота-онасининг юзига оёқ қўйиш билан баравар деб билар, ўз баҳти учун курашишга иродаси етишмасди. Шу боис таслим бўлишга, тақдирига тан беришга мажбур бўлди.

Тўй бўлгач, орадан бир ой ўтар-ўтмас, Хуршида отаси қизини бу хонадонга узатиб, мудҳиш хато қилганини пайқади. Куёв гапга кирмайдиган, бетайин, ароқхўр чиқ-

ди. У ичиб келиб жанжал күтарар, хотинини урар, орага тушган онасига ҳам қўл кўтарарди. Ичмаса, тузуккина йигит бўлар, уй-рўзғор ишларига қараашарди. Лекин бир ичса кетма-кет бир неча кун бетўхтов ичар, устига устак, кайфи таранг пайтда ўрнига кириб индамай ётмас, молдан фарқи қолмасди. Хуршида уйдаги бу аҳволни талай вақт отасига билдирамай юрди. Қорнида қимирлаб қолган боласини ўйлар, отаси бусиз ҳам қизининг рўзғоридаги унча-мунча нарсани сезиб, дикқати ошиб юрарди. Ким билади дейсиз, фарзанд туғилса, кўзи очилиб қолар. Биронта болалик бўлгач, мутлақо бошқача одамга айланган, ичишни, саёқ юришни ташлаганлар сон мингта-ку! Йўқ, Хуршида қўчқордай ўғил туғиб берса ҳамки, эри ярамас одатларини канда қилмади. Баттар бўлса бўлдики, яхши томонга ўзгармади.

Бир куни тушга яқин ота келиб қолиб, унинг ҳамма ёғини мўматалоқ ҳолда кўрдию ранги ўзгариб кетди:

— Ие, юзларингга нима қилди?

— Ўзим... Йиқилиб тушдим.

— Қаердан йиқилиб тушдинг? Кўзларингнинг таги кўм-кўк бўлиб ётибди-ку, қизим. Тўғрисини айтавер, эринг билан уришдингми?

Шундан кейин Хуршида ўзини тута олмай йиғлаб юборди ва эрининг кирдикорларини гапириб берди.

— Вой аблаж-ей, ҳали мен гулдай қизимни бир ҳайвонга топшириб қўйдимми?! Қани у ифлос, менга кўрсатчи, кучи хотин зотига етганни бир кўриб қўяйлик. Нимта-нимта қилиб ташламасам, юрган эканман!

Шу куни эrim бошоғриқقا ароқ қидириб, қаергадир чиқиб кетган эди. Отам тезликда зарур нарсаларимни йиғишишини буюрди ва мени олиб кетишга қарор қилди. Кетиш олдидан йиғлаб қолган қайнонамга бутун заҳрини сочди:

— Мен сизлардан биттаю битта қизимни бундай аҳволга соласизлар, деб кутмаган эдим. Марҳум дўстимнинг руҳи шод бўлсин, қариндош бўлайлик, деб рози бўлибман. Ота бошқаю ўғил бошқа экан-да! Отасининг битта ҳаром тукига ҳам арзимас экан-ку! Ҳайф сизларга рўзғор!

Шундан сўнг отам қаттиқ куйиниб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Орадан ҳеч қанча ўтмай қон босими ошиб,

түсатдан қазо қилди. Ҳәётимдаги ягона сұянчигим – отамдан ажралғаним менга жуда қаттық таъсир қилди. Негадир бу ишда ўзимни ҳам айбдордай билар, ҳам юрагим, ҳам виждоним азобда куярди.

Отамнинг маъракаларини ўтказиб бўлгач, бир куни қайнонам келиб, ўтган ишга салавот деб ярашишни илтимос қилди:

— Яккаю ягона илинжим — неварамни кўргим кела-веради, — деб нолиди у. — Юрақол қизим, мен ўғлимдан воз кечишим мумкин-у, лекин сен билан неварамсиз яшолмайман.

Менинг қалб яраларим ҳали битмаган эди, очилиб кетди. Шунда аччиқ устида мудҳиш бир хато қилиб қўйдим. Ўзим туғиб, йўргаклаган азиз болажонимни қайнонамнинг қўлига жаҳл билан тутқиздим-да, унга заҳримни сочдим:

— Ма, шу алкашваччанг керак бўлса, олиб кетавер! Лекин отамни топиб бер! Отам қани, отам?!

Муштипар қайнонам индамай болани қўлига олди ва икки кўзи жиққа ёш билан чиқиб кетди. Ўз жигаргўшамни олиб кетаяптию қандай индамай турганимга, бу қадар бағритошликни ким дилимга солганига тушунмай ҳайрон эдим. Орадан бир-икки кун ўтгач, ўзимга келдим ва нақадар даҳшатли хатога йўл қўйганимни тушундим. Онами кўндириб, бирга эримникига бордик. Не кўз билан кўрайликки, эшиклар ланг очиқ, ҳамма нарса сочилиб, уйимиз остин-устин бўлиб ётар, афтидан, эрим пул қидириб, уйни шу ҳолда ташлаб аллақаерга кетган шекилли. Кўшни аёлдан қайнонам қаердалигини сўрадим, у бошини сарак-сарак қилганча, деди:

— Сизларницидан келган куни, нарсаларини олиб кетди. “Қаерга кетишимни айттолмайман, ўғлим билса, бориб жаңжал кўтаради. Мен энди шу неварам учун яшайман”, деганча йиғлаб чиқиб кетди.

Онам иккаламиз даҳшат ичида қотиб қолдик. Ўслим — сўнгги ишонган тоғим кетиб қолган эди. Хато устига хатолар мени бутунлай синдириб ташлади. Бироқ инсон зотининг шум тақдирга тан беришдан бошқа иложи йўқ экан. Аста-секин янги ҳәётимга мослашиб, яшайвердим. Шу тариқа орадан яна икки-уч йил вақт ўтди. Мен қайнонам ва ўғлимдан бирон дарак қидириб бормаган жойим

қолмади. Собиқ эрим ичкиликка бутунлай берилганды, касалхонадан боши чиқмай қолди. У уйдаги барча нарсаны сотиб тутаттады, имаратлар қайнонамнинг номида бўлгани учунгина уларни сотолмаган эди. Мен ҳеч нарса даъво қилмаслик шарти билан расман ажрашдим.

Бу орада мендан кейинги икки укам ҳам уйланиб, икки келин туширдик. Дадажоним раҳматли анча курилишлар қилган бўлса-да, жойимиз овлоқ бўлишига қарамай барибир қисиниб, ўз уйимда бегонадай яшардим. Баъзан акаларимнинг болалари чегарадан чиқадиган даражада шўхлик қилишса, очиқ кўнгил билан тартибга чақирап, жўрттага пўписа қилиб қўярдим. Айнан шу дамларда келинларнинг истеҳзо билан, норози қиёфада қараб турганини ҳис қилиб, жуда оғринардим.

Бир куни акаларим отамни хотирлаб, хатми Қуръон қилишга келишишди. Катта қўчқор сўйиб, қишлоқ оқсоқолларини чақирдик. Уларнинг менга қилган меҳрибончиликларини эслаб, туни билан йиғладим. “Бирдан-бир қизингизнинг баҳти очилишини истардингиз, отажон. Лекин нимайки яхши ният қилган бўлсангиз тескариси бўлди. Ўзингиз-ку бу дунё фурбатларидан қутулгансиз. Нега мени ҳам олиб кетмадингиз?!”

Ўшанда менинг оҳ-нолаларимга яратган эгам раҳм қилдими, ҳарқалай, бирдан ҳаётимда бурилиш ясаладиган бўлди. Худойи куни қишлоғимиз мулласи менга ғалати-ғалати қараёттанини сезиб қолдим. Ўзимни жуда ўнғайсиз сезар, ичимдан уни: “Мулла бўлмай кет, бунча гаркўз бўлмасанг”, деб сўкардим. Кейин билсам, мулланинг касалманд хотини бўлиб, қишлоғимиз оқсоқоли анчадан бери унга мени олиб бериш пайида юрар экан. Мулла иккиланар, ўз бўйи билан бараварлашиб қолган болаларини, қишлоқдаги мавқеини ўйлаб яна уйланишга ботинолмай юрар экан. Ўша куни менга кўзи тушиб, узил-кесил бир қарорга келибди. Эртасига оқсоқол онамнинг олдига келиб анча суҳбатлашди. Мен чой олиб кирганимда улар гапини тўхтатар, онам менга ғалати қараб-қараб қўярди. Унинг юзида аллақандай ташвиш ифодаси зоҳир бўлиб, бугунги гап мени ҳақимда кетаётганилигини ички бир сезги билан ҳис қилдим. Оқсоқол кеттагач, онам гапни чўзмай унинг мақсадини менга етказди:

— Мулла Охунга сени сўраб кепти. Нима дейсан, қизим?

Мен онамнинг нима демоқчилигини даб-дурустдан тушунмадим. Гап мени эрга бериш ҳақида кетаётганилиги-ни англағач, хўрлигим келди. Наҳотки, онам мени ўзимдан йигирма ёш катта эркакка беришга кўнган бўлса деб ичимни ит тирнарди.

— Мулла Охуннинг хотини, мен тенги болалари борку, онажон, — деб ёш тўла кўзларим билан илтижоли боқдим онамга.

Хотини бир неча йилдан бери касалманд, ўрнидан туролмайди. Қизи билан келинининг кўлига қараб қолган. Мулла Охунни уйланинг, қийналиб кетдингиз, деб ҳолижонига кўймаяпти экан. Сени эрга тег, деб мажбур қилмайман, лекин ўз танингта ўйлаб кўр, алоҳида уй-жойи бор, ўзи художўй, муомалали одам. Бу ерда келинларнинг қош-қовоғига қараб ўтиргандан кўра, мулланинг суюкли хотини бўлиб яшаган маъқул эмасми?

Мен ҳеч нарса демай чиқиб кетдим. Ўз хонамга кириб, роса йифладим. Шум тақдир мени доим таъқиб қиласар, мана, энди қозондай салла, узун рўдапо тўн кийиб юрувчи, салкам отам тенги одам эрликка даъвогар бўлиб турибди. Бироқ ўз уйимда соядай бегонасираб, ака-укаларимнинг, келинларимнинг қош-қовоғига қараб яшаш ҳам жонимга теккан эди. Тентим топилмагач, начора, бу гал ҳам пешнамага битганини кўришга қарор қилдим.

Сал фурсат ўтгач, кўнгли тоза, ажойиб инсонга текканимга ишонч ҳосил қилдим. Охун ака ширкатдан ижарага ер олган бўлиб, ўзи тинмай меҳнат қиласар, бизни дала ишларига камдан-кам аралаштиради. У ҳамиша менинг кўнглимга қарап, отимни айтмасдан “Гулим” деб, ҳамиша сизлаб мурожаат қиласарди. Аллақаерлардан энг янги чиққан матоларни олиб келар, кўйинг, ўзингизни кўп уринтирманг десам ҳам, “Сиз ҳали ёшсиз, тенгқурларингиздан кам кийинмаслигингиз керак”, деб қўярда-кўймай тикувчига жўнатарди. Айтганидек, рўзгоримиз кундошимницидан бошқа жойда бўлиб, катта ўғил учун солинган 6—7 хонали данғиллама уйда иккаламиз яшардик. Болаларнинг бари топарман-тутарман бўлгани учун алоҳида яшар, энг кенжак ўғил билан турмуши бузилган қизи кундошим билан бирга туришарди. Эрим икковимиз тез-тез

унинг ҳолидан хабар олиб турардик. Сал вақт ўтса, қўярда-қўймай эримни қундошимни кига бошлаб борардим. Қундошим бизни очиқ чехра билан кутиб олар, дардан қийналиб ётган бўлишига қарамай, бизга кулиб муомала қилишга ҳаракат қиласарди. Ҳар замонда кўзларига милт-милт ёш келишини кўриб қолардим-у, бунинг сабабчиси ўзим эканлигимни ўйлаб, ич-ичимдан эзилардим. Шунда унинг қўлини маҳкам қисиб, фақат икковимизгина тушинадиган оҳангда:

— Мени кечиринг, опажон! — дердим, менинг кўзларим ҳам жиққа ёшга тўларди.

— Ҳеч қанақа кечирим сўрашнинг ҳожати йўқ, — деб шу ҳолда ҳам менинг кўнглимни кўтарарди бояқиш. — Охун ака сизни топганига жуда хурсандман. Фақат шундай ноёб инсонни қадрланг...

Бу уйда мени бор вужуди билан ёмон кўрадиган биттагина одам бор, деб ҳисоблардим. Турмуши бузилиб келган Нозима мени ҳам, отасини ҳам кўрарга кўзи йўқ эди. Биз келдик дегунча у зарда билан уйдан чиқиб кетар, кетгунимизгача қорасини кўрсатмасди, бемор онасининг, кўпни кўрган отасининг илтижоли насиҳатларига қулоқ солмасди.

— Бечора қизим турмуши бузилгандан кейин шунақа серзарда, одамови бўлиб қолди. Ҳечқиси йўқ, вақт ҳаммасини жой-жойига туширади, — дерди отаси.

Бир куни Охун ака менга:

— Ҳовлимиз катта, бир ўзингиз рўзгор ишларида қийналаётган кўринасиз. Ҳўп десангиз, кенжамизни келин билан бирга шу ерга келтирсак. Келин рўзфорга, ўғил томрқамиздаги экин-тикин ишларига қарашиб туради.

Мен “ўзингиз биласиз” дегандай елкамни қисдим. Келин-куёвнинг кириб келиши турмушимизга янада файз киритди. Қунларимиз жуда ширин ўтарди. Айтганимиздек, келин рўзгор юмушларини бутунлай қўлига олди. Орадан бир йилча фурсат ўтгач, хонадонимизда чақалоқ йигиси эшитилди. Биз невараги бўлдик. Ўзим тумаганим эвазига уйимизда гўдак бор-ку деб севиниб кетдим. Бола боқишини бутунлай ўз гарданимга олдим. Чақалоқни еру кўкак ишонмай парваришлай бошладим, ҳар куни чўмилтириб, янги кўйлакчалар кийдираман.

Ўзимизнинг ҳам фарзандимиз бўлишини ҳар иккала-

миз хоҳлар, лекин негадир худойи таолога бу борада қилган ўтичларимиз инобатта олинмасди. Ҳайронман, бола кўриш хаёлимга келмаса ҳам аввалги эримдан туқсанман, Охун аканинг ҳам болалари бор. Ҳеч камчилигимиз йўқдек, лекин тирноққа зор эдик.

Ҳа-ху дегунча ўн йил вақт ўтди. Бу орада эрим билан муборак ҳаж сафарига бориб келдик. Охун акага шу қадар ўрганиб қолгандимки, бир кун кўролмасам, дунё кўзимга тордек тууларди. У ҳам менга бирон марта овозини кўтариб гапиргани, ёки жиддий дакки бергани йўқ, доимо кўнглимни овлашта ҳаракат қиласди. Бир куни у ярим ҳазил, ярим чин билан деди:

— Энди ҳожи она бўлдингиз. Шунга яраша кийимингиз ҳам ҳамманинг ҳавасини келтирадиган бўлиши керак, деб ўйлайман. Ҳув ўша, иккимиз Арабистондан олиб келган оқ шоҳидан кўйлак тикирсангиз қалай бўлади?

— Кийимларимда камчилик йўғ-у... У ёшларга ҳам бўладиган экан, қизлар билан келинларга атаб қолдирайликми девдим.

— Уларни қўяверинг, ҳеч нарсадан камчилиги йўқ. Сиз менинг айтганимни қилинг.

Охун ака қўярда-қўймай қўлимга пул тутқизиб, гузардаги тикувчига жўнатди. Қайтиб келсам, уйда келин йиғлаб турибди.

— Дадамни “скорий” олиб кетди, — деди у ҳиқиллаб.

— Соппа-соғ эдилар-ку, нимага олиб кетади? — дедим юрагим ҳаприқиб.

— Бирдан мазалари қочиб, ранглари оқариб, қайт қила бошлидилар. Йўлдош акам “скорий” чақириб, районга олиб кетдилар.

Икки дунё кўзимга қоронғи бўлди. Чала-чулпа кийиниб, уч-тўрт сўм пул олдим-да, касалхонага учдим. Ҳамма ўғил-қизлар, Охун аканинг мачитга қатнайдиган ёру дўстлари шу ерда экан. Ахвол жиддийлигини ич-ичимдан ҳис қилиб, кўл-оёғим бўшашиб кетди. Уйдан чиқмай юрган одам журъатни қаердан олганимни билмайман. Тўғри реанимация бўлими мудирининг олдига кириб бордим. Файриоддий, тақводор кийинганимдан мудир менинг кимлигимни дарҳол англади.

— Жон дўхтир, айтинг, нима қилди эримга? Нимага бу ерда одам йиғилиб турибди?

— Яширмайман, мулла аканинг дарди жуда оғир. Жигар хасталиги билан ётибди. Шахсан мен у кишидан кўп яхшилик кўрганман, шунинг учун қўлимдан келадиган ҳамма ишни қиласман. Буёфи... Худодан.

Сал бўлса-да хотиржамландим. Қизик, соппа-сог юрган одам қандай қилиб бу аҳволга тушив қолди? Охун акам билан шунча йил бирга яшаб бирон марта соғлиғидан шикоят қилганини эслай олмайман. Бу ҳақда сўрасам, дўхтири маъюс қулиб деди:

— Мулла аканинг жигар циррози билан оғриганлари га йигирма йилча бўлди. У киши касалхонада ётишга кўнмасалар ҳам доим бизнинг ҳисобда турадилар. Ичмай-чекмаслиги, меҳнаткашлаги, орастга ҳаёти билан касалига қарши курашиб келди.

Кечгача реанимация эшиги олдидан кетмай тикка турдим. Бу ердан бир қадам жилсам, Охун акани бошқа ёқقا олиб кетишаётгандай туюларди. Врач-ҳамшираларнинг: “Опажон, бу ерда мумкин эмас, анави курсида ўтиринг”, деб кўрсатган меҳрибончиликларини кўрмасдим ҳам, эшитмасдим ҳам. Шу куни кўзимга эримдан бошқа ҳеч ким кўринмасди. Ичимда қайта-қайта: “Художон, Охун акамга ўзинг шифо бер, нимаики дардлари бўлса менга берақол, бу одам яшави, бола-чақаси, катта рўзгорининг бошида туриши керак”, деб нола қилиб чиқдим. Йўқ, паймоналари тўлган экан, дуоларим кор қиласми, тонгта яқин бандаликни бажо келтирдилар.

У киши бир куни: “Оллоҳ энг севган бандаларига олтмиш уч ёш умр берар экан. Бу – пайғамбаримиз Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи вассаламнинг муборак ёшлари. Кошки, яратган Эгам менга шунча умр кўришнираво кўрса”, деб ният қиласман, мен буни “Кўйсангиз-чи, сўрагангя яраша юз йил умр сўранг, сиз бизга ҳали кераксиз”, деб ҳазилга йўйгандим. Охун ака роппа-роса олтмиш уч ёшида қазо қиласмиар.

Икки ойча келди-кетди билан бўлиб, буёғига қандай яшаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмабман. Одамларнинг келиши камайгач, ҳайҳотдай уйимиз бирдан ҳувиллаб қолгандай бўлди. Аслида энг яқин кишимни йўқотганимдан менинг кўнглим ҳувиллаб қолган эди.

Шундай кунлардан бирида ётогимизга кириб, эримнинг кийимлари турадиган жавонни очиб анграйиб қолиб-

ман. Лиқ тұла кийим-кечак илингап жовон бўм-бўш эди. Тавба, икки ойдан бери уйдан чиқмаган бўлсам, бунча кийимни ким, қачон олиб чиқиб кетдийкин? Бу ҳақда келинимдан сўраган эдим, у парвосизгина елкасини учиривб қўяқолди. Кечкурун бўлган воқеани ўғлимга гапириб бердим. Йўлдош доимий мижозига хос бўлмаган кескинлик билан деди:

— Нима ишингиз бор отамнинг кийимлари билан? Ё кейинги эрингизга кийдирасизми?

— Ҳай-ҳай, ўғлим, бу нима деганинг? Мен ахир онанг бўламан.

— Онам?! — Йўлдошнинг кўзлари ғалати тарзда олакула бўлиб кетди. — Сиз онами ҳали? Менинг онам — ана, уйда ўтирибди. Ҳеч кимнинг эрини тортиб олгани йўқ.

Йўлдош ҳеч қачон ич-ичидан мени она сифатида тан олмаганилигини, шу пайтгача индамай айтганиларимни қилиб келган бўлса, отасининг хурмати учун қилганилигини биринчи марта ҳис қилдим. Кўз олдим қоронғилашиб, ўз хонамга кирганча эртаси куни тушгача чиқмай, ёстигими ни кўз ёш им билан ювиб чиқдим. Бахтга қарши бошқа болаларнинг, айниқса, Нозиманинг муносабатлари ҳам менга нисбатан кескин ўзгарди. Иш шу даражага бордики, келиним ошхонага кирмай, бошқа жойда, алоҳида овқат қиласидиган бўлди.

Пайшанба кунлари меҳмонхонага дастурхон ёзиб қўяр, болаларимиз, яқин қариндошлар келиб, Охун аканинг хотирасига тиловат қилиб кетарди. Навбатдаги пайшанба арафасида келган Нозиманинг келинига:

— Ҳалиям кетмадими бу гўрсўхта? Шуни кўргани кўзим, оттани ўқим йўқ. Айтмайсизларми, “отамни-ку қора ерга тиқдинг, энди сенга нима бор бу уйда” деб? — деганини эшитдим.

— Қизиқ экансиз. Айтиб бўладими, бу гапларни.

Менга бу гапларни эшитиш ўлим билан баравар эди. Яна аламимни йифидан олдим. Бир амаллаб тонг оттирдим, Охун аканинг руҳи покларига атаб бу уйда сўнгти марта дуо ўқидим-да, зарур кийимларимни олиб йўлга отландим. Уйдагилардан биронтаси ҳам лоақал йўлига бўлсин, “қолинг” демади.

— Мендан яхши-ёмон гап ўтган бўлса, кечиринглар... Рози бўлинглар...

Бу гапларни йифи, хўрлик, ҳаяжон аралаш зўрға айттолдим. Аслида мен умримнинг ўн олти йилини бағишила-ган хонадондан ҳайдалаётган эдим.

Ёштим қирқдан ошганида туғилган уйимга қайтиб келишга ор қилдим. Устига устак, доим қон босими кўтарилиб турадиган кекса онамни безовта қилгим келмади. Катта акамникига бордим. Бўлиб ўтган воқеаларни эшлитиб акам тутақиб кетди.

— Шунча вақт чўрилил қилиб, уйига қараашганинг, болаларини катта қилганинг ҳурматини ҳам қилмадими, энағарлар?! Эртага бориб, тит-питини чиқараман!

— Қўйинг ака, сўймаганга суйканма, деган гап бор. Бориб жанжал қилганингиз билан жойига тушармиди?

Шу тариқа тақдир измига бўйсуниб, акамникида яшайвердим. Бироқ яшашга аввалгидай иштиёқим йўқ, кунлар бир тарзда файзу баракасиз ўтар, номига тирик жон эдим. Бир куни ўз-ўзидан биринчи эрим билан бирга яшаган уй олдига бориб қолдим. Ажрашганимиздан уч йил ўтгач, сурункали ичкилил касофатидан ўлиб кетганини билардим. Бу ерда эримнинг яқин қариндошларидан бири яшарди. Уй бекаси мени таниб қолиб, кўярда-қўймай ичкарига таклиф қилди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, дастурхон ёзди.

— Яқинда кеннойим келиб кетувдилар, — деб қолди у. — Биз уйимизни алмаштиргандик. Шунинг қофозларида камчилик бор экан...

Дастлаб, унинг гапларига эътибор қилмадим, лекин гап менинг собиқ қайнонам ҳақида кетаётганлигини бирдан сезиб қолиб, кўзларим чараклаб очилиб кетгандай бўлди.

— Ўғлим! — дедим ҳаяжон билан. — Ўғлим яхшимикан?! Қаерда туришади улар?!

— Ўғлингиз “суксурдай” йигит бўлибди. Кеннойим билан бирга келишибди. Улар Фарҳод қишлоғида туришади...

Мен бу уйга ўзимча келмаганимни, ўғлимдан бирон дарак топиш нияти бу ерга етаклаб келганини англадим. Шу заҳоти дунё кўзимга яна бошқача, ўзининг турфа рангларида намоён бўлди. Яна бир карра туғилгандай бўлдим. Гўё қанот чиқариб Ховоғса жўнадим. Бироқ мени навбатдаги бахтсизлик кутаётганини ҳали билмасдим.

Сўраб-суришириб, қайнонамнинг уйини топдим.

Эшикни унинг ўзи, менинг нуридийдам, пуштипаноҳим, болажоним очди. Унга тикилиб суратдай қотиб қолдим. Бўйининг узунлиги, юзининг дағаллиги дадасига ўхшамаса, олдимда менинг тайёр нусхам турарди! Ўзимни тутолмай “Ўғлим!” деганча бағримни очдим. Иккимиз ҳам бир-биrimizni таниганимизни шу заҳоти сезган, ўғлимнинг ёноқлари учиб, ҳаяжонини зўрга босиб турарди. Лекин кутилмаганда у ўзини тортиб:

- Сизга ким керак? — деб сўради совуққонлик билан.
- Ўғлим, Қобилжон! Ўғилгинам, мен онангман-ку! Туққан онанг бўламан. Сени соғиниб келдим.
- Менинг онам — ана, уйда ўтирибдилар. Бошқа онам йўқ.
- Мунча ҳаялладинг, Қобилжон? — деган овоз эшистилди ичкаридан. — Ким келибди?
- Ҳеч ким, — деди ўзини хотиржам кўрсатишга уриниб ўғлим. — Бир хотин адашган экан, йўл сўраяпти.
- Қанақа хотин экан у?.. — Эшиқдан чиққан қайнонам мени кўриб ранг-қути ўчди.
- Сен киравер, — деди ўғлимга ишора қилиб. Сўнг менга юзланди: — Хўш, нима керак?
- Мен гуноҳкор бандани кечиринг, онажон! Шундоям ўғлимни бағримдан узиб берганим учун роса жазомни тордим. Энди менинг ундан бошқа илинжим қолмади.
- Ўғлинг йигирмага кирганда эсингта тушдими? Жуда бағрикенг она экансан, — деб истеҳзо билан кулди қайнонам.
- Йўқ! Мен ўғлимни бирор кун, бирон дақиқа эсдан чиқарганим йўқ! Отамнинг таъзиясида алам билан қилган ишимдан эртаси куниёқ минг пушаймон бўлганман. Таъзиянинг учинчи куни худойиларини ўтказиб борсам, кетиб қолган экансизлар. Ўшандан бери изламаган, сўраб-суриштирмаган жойим қолмади.
- Бу гапларнинг энди кераги йўқ. Илтимос, мен қолган умримни бирдан-бир ёдгорим — шу неварам билан ўтказишмга халақит берма. У сени кўришни ҳам истамайди.

Шундай деб қайнонам кўча эшигини қарс этиб ёпди. Мен шалвираб, дарвоза ёнига ўтириб қолдим. Бошимдан

рўмолим тушган, соchlарим тўзгиб кетган, шу топда менга кўзи тушган йўловчи аниқ жинни деб ўйларди. Ўйлай-вермайдими, энди менга нима фарқи бор! Эй, Художон! Наҳотки шунча кўргуликларим устига лоақал бир марта ўғлимнинг бошини силашга, ҳидларига тўйишга арзимасам! Нега бир бошимга бунча кўргулик соласан? Қайси гуноҳларимга?!

Менга яшашнинг қизифи қолмаган эди. Энди кераги ҳам йўқ. Ўз жонимга қасд қилишга қарор қилдим. Гуноҳ бўлса, гуноҳ-да! Мен абадий дўзах азобида куйишга ҳам рози эдим. Шундай мудҳиш ният билан темир йўл томон бораётиб кўзим тинди, бошим айланиб йикилдим. Хушимдан кетиш олдидан хаёлимга келган фикр шу бўлди: “Рахмат сенга, Художон. Мушкулимни осон қилдинг...”

Йўқ, бу дунёдан туз-насибам ҳали кўтаришмаган экан. Дўхтирилар мени яна ҳаётга қайтаришди. Ўнг қўлим, ўнг оёгим ишламай қолган, тилим гапга айланмасди. Астасекин соғлигим жойига тушди. Акам дўхтириларнинг маслаҳати билан менга йўлланма олиб, дам олишга жўнатди.

* * *

“Ҳаётимнинг ҳеч қизифи йўқ”, деган аёлдан бу қадар таъсирли қиссани эшитамиз, деб ўйламаган эдик. Ҳаммамиз унинг гапириб берган ҳикояси таъсирида ҳаяжонимизни зўрга босиб туардик. Биринчи бўлиб мен ўзимга келдим:

— Энди умуман сиқилманг, синглим. Биласизми, ҳамма нарсага вақтдан кўра одилроқ ҳакам йўқ. Менинг гапимни эслаб қолинг, ҳали ўғлингизнинг ўзи олдингизга “Онажон!” деб келади. Мана, кўрасиз!

МАҲКАМБОЙНИНГ АРМОНИ

Маҳкамбой ишхонасидан ҳорғин ва хомуш ҳолда қайтиди. Холасининг ҳар бир сўзи юрагига наштардай ботган бўлса ҳам унинг ҳақ эканлигини ич-ичидан ҳис қиласар, ҳис қилган сари юрак-багри баттар ўртанаарди.

Бетоб онасини дўхтириларга кўрсатмагани, майдада чуйда ишларни баҳона қилиб дори-дармон олиб келмаётгага

ни, сўнгти вақтларда, ҳатто ёнига кириб бирров кўнглини ҳам кўтартмагани, афсуски, айни ҳақиқат эди. Яхшиям биттаю битта Танзира холаси бор экан, ўзи ҳам катта рўзгор бекаси бўлишига қарамай деярли ҳар куни келиб, беморнинг кўрпа-тўшагини алмаштирас, хонани супуриб-сирирас, қошиқда бир пиёла-ярим пиёла сут ичириб кетади. Бугун Маҳкамбойнинг ишхонасига келиб, хонасидаги бегона одамларнинг чиқиб кетишини сабр билан кутди. Ёлғиз қолишгач, унга афсус-надомат билан қаради-да, бошини сарак-сарак қилиб деди:

— Сендан бунақасини қутмовдим, Маҳкамбой. Хотинингдан-ку оқибат кутиш амри-маҳол, сен-чи? Онанг бир аҳволда, ана-мана бўлиб ётибдию эрталаб ишга кетаётуб, лоақал кўнгил ҳам сўрамас экансан. Одамлар ўз тукқан онаси эмас, ҳатто етти ёт бегонага ҳам мурувват қилишади-ку! Сен кимга тортдинг ўзи? Эртага кексаймайсанми? Гапларимни эслаб қол, бола, сен ҳам, хотининг ҳам тукқан, еру кўкак ишонмай сени катта қилган онангни шу кўйга соганинг учун ўз болаларингдан кўрасан ҳали! Мана кўрасан, мени айтувди деб эсларсан.

Холаси шундай деб, йифлаган куйи чиқиб кетди. Маҳкамбойнинг қўли ортиқ ишга бормади. Бошлигининг олдига кириб: “Онамни дўхтирга кўрсатиш им керак эди”, деб жавоб сўраб уйга жўнади. “Холам кўзимни мoshдай очди, — деб ўйларди у йўлда кетар экан. — Бугундан бошлаб мутлақо бошқача одам бўламан. Онамга ўзим қарайман. Энг яхши дўхтирларга кўрсатаман”.

Уйга келганида хотини Гулшод ўни безовта ҳолатда кутиб олди.

— Бугун ойингизнинг анча мазалари йўқ. Негадир гапирмаяптилар.

Маҳкамбойнинг юраги уришдан тўхтагандай бўлди. Югуриб бемор ётган хонага кирди. Онаси ҳақиқатан ҳам бир нуқтага тикилганча афтодаҳол ётар, ранги аввалгидан бирмунча оқарган эди.

— Тузукмисиз, ойижон...

Маҳкамбой ўз овозини ўзи зўрға эшитди. Онасининг bemажол қўлларини олиб силади. Шу буришиб, қотиб қолган серажин қўллар бир вақтлар ўзини кўтарганини, силаб-сийлаб эркалагинини, оқ ювиб, оқ тараб улғай-

тирганини хаёлидан ўтказди. Касаллик, ғам, ташвишлар она бечорани адо қылган эди.

Үғелининг овозини эшиштан онанинг ярим очиқ кўзла-ри Маҳкамбойга қараб, билинар-билинмас имо қылган-дай бўлди. Бу: “Раҳмат, ўғлим, бир навман”; деган маъ-нони билдирарди. Она ўғлига бир нарсалар демоқчи бўлди, кучи етмади. Кучанганидан киприклари титраб кетди. Но-чор кўзларини юмди. Ажин тўла юзларидан бир томчи ёш юмалаб, қулоғи ёнидан ўтиб, кўрпага сингиб кетди. Ора-дан беш дақиқача вақт ўтди. Маҳкамбой онасининг кўллари совий бошлаганини сезди. Югуриб чиқиб, хотинига қўшни кампирни чақиришни буюрди. Кампир беморнинг чакка томирларига бармогини оҳиста босиб кўрди-да, Маҳкам-бойга қараб:

— Иймонларини берсин, болам, онангиз бандаликни бажо келтирибдилар... — деди.

Маҳкамбой бир зумча ҳайкалдай қотиб қолди. Сўнг ўзини онасининг устига ташлаб, елкалари силкина-сил-кина унсиз фарёд қилди. Кўшни кампирнинг насиҳато-муз гапидан ўзига келди:

— Ўзингизни қўлга олинг, ўғлим, сиз шу рўзгорнинг бошлиғисиз. Ҳадемай уйингизга одамлар келади. Қарин-дош-уругларга хабар бериш керак.

Маҳкамбой кўзёшларини артди. Гулшод унга ҳозирги-на сандиқдан чиқарилган кўк тўн, қизил белбоғ ва ҳали кийилмаган чуст дўппини узатди. Онаси ётган жойнинг ўта хароблигига Маҳкамбой биринчи марта эътибор бер-ди. Уйга мебель олганларида эски сим каравотни ташқа-рига чиқариб ташлашган, дўхтири беморга ерда жой со-лишганига эътиroz билдиргани учун Гулшод уни тоза-лаб, онасига жой қилиб берган эди. Маҳкамбой болаларга ҳовли-жойни тартибга солишни буюрди. Ўзи эса қарин-дош-уруг, таниш-билишларга хабар этиб, улар келгунча онасини ёғоч каравотга ўтказиб, юзини қиблага қаратиб кўймоқчи бўлди. Ҳовлида ивирсиб юрган Гулшодни ёрдам-га чақирди.

— Э, қўйсангиз-чи! — деб норози қиёфада тўнғилла-ди хотини. — Ҳамма каравотга ўлик ётқизаверамизми?

— Нима қилади ётқизсак?

— Ақлингиз жойидами ўзи? Ўлик ётган каравотда кейинчалик болаларимиз қандай ётади?

Маҳкамбойнинг жон-пони чиқиб кетди. “Ифлос, — деб ижирғанди ичида, — бунақа пайтда одамнинг күнглини кўтариш ўрнига топган гапини қара! Ҳайвон ҳамиша ҳайвонлигича қолар экан. Ахир шу ёғоч каравотни онам бултур неварамга деб нафақа пулидан олиб бермаганими?” Бироқ хотинига индамади. Гулшод эрининг гапирмаса ҳам ўзига важоҳат ва нафрат билан тикилганини кўриб, ошириб юборганини сезди. Индамай каравотга оппоқ чойшабга ўралган янги тўшаклар солди. Маҳкамбой онасининг елкасидан, хотини оёқ томонидан кўтариб, янги тўшакка ўтказишаётганида Гулшоднинг ногаҳон бурнини жийирганига кўзи тушди. “Тўхтаб тургин, — деб ўйлади ғазабини зўрға босиб, — ҳамма қылғиликларинг учун жавоб берасан ҳали, заҳарли илон!”

Ховлини таъзияга келган яқин қариндошларнинг йиғисифиси босди. Бир зумда уйга тумонат одам тўпланди. Дарвоза олдида келди-кетгини кузатиб турган Маҳкамбойнинг қулоғига ичкарида уввос тортиб йиғлаётган аёллар орасидан хотинининг ўзига таниш хирилдоқ овози баралла эшитилар, Гулшод гўё сингиллари билан йиғлаш мусобақаси ўйнаётгандай, йиғи сўзларига “ғаниматим, маслаҳатчим, суюнчигим, онажон!” деган сўзларни қўшиб айтар, четдан қараган кишига у марҳумани ҳаммадан кўпроқ яхши кўрган бўлса керак, деган таассурот уйғтарди.

Маҳкамбой онасининг таъзиясига бунча одам келишини кутмаган эди. Таниш-нотаниш одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб келар, Маҳкамбойнинг елкасидан олиб кўришгач, ён тарафдаги қаторларга тизилишарди. Ичкари аёллар билан тўлди. Уйни кенгайтириш мақсадида онаси ётган хонадаги каравотни устидаги кўрпачалари билан ташқарига олиб чиқишиди.

Ҳа, Умри хола маҳалланинг эътиборли аёлларидан бири эди. Етти ёшдан етмиш ёшгacha уни яхши билар, чунки бутун умрини ўқитувчиликка бағишлаган бу аёлнинг кириб бормаган, боласини ўқитмаган хонадони йўқ эди. Ҳар нарсага, айниқса, қизларнинг юриш-туришига, кийини-

шига, одобига аралашаверганидан, дастлаб уни ёқтириш-масди. Бироқ унинг ўзи учун эмас, шу хонадон учун куйинаёттанини сезган сайин, Умри холага нисбатан хурмат-эътибор ортиб борарди.

У яхши муаллима эди, ишини пухта биларди. Бошқалар сингари индамай дарсини бериб кетаверса бўларди. Лекин у ўзини биринчи навбатда тарбиячи, ўқиётган қизийигитларнинг келгуси тақдири учун жавобгар деб ҳисоблар эди. Афсуски, ҳамманинг қалбига йўл топа олган меҳрибон мураббия ўз ўғлига келганда қокилди. Йўқ, у Маҳкамбойни бирон кун эътибордан четда қолдирмади. Ёлгиз ўғли учун жонини беришга тайёр эди. Бироқ ҳамма касофат унинг ёлғиз ўғил эканлигига эди. Топган-тутганини унга тиқишираверди. Болалигига энг нодир ўйинчоқлар Маҳкамбойники эди, мактабда, институтда ўқиганида кийим-кечакдан, пулдан қийналмади. Обрўли хонадонлардан бирига күёв бўлди.

Дастлаб иш, рўзгор ташвишлари билан сезилмаган муносабатлар Умри хола пенсияга чиқиши билан кўзга ташланади. Келин унинг рўзгорга аралашаверишини ёқтирас, уйда ўзим хўжайн бўлсан дерди, ўғил бўлса, ишга бориб келар, уйдаги майда-чуйда гап-сўзга парво қилмасди. “Бир жиҳатдан шуниси ҳам яхши, — деб ўйларди онаси. — Эркак киши ҳар нарсага аралашаверса, бурди қолмайди”. Баъзан келин билан ораларида жанжал чиқар, бундай ҳолларда кўни-кўшнилардан истиҳола қилиб келинига ён босиб қўя қоларди. Гулшод тўғрими, нотўғрими, ўз гапини ўтказишга ўрганганди, бошқа ҳеч кимнинг фикрини тан олмайдиганлар хилидан эди.

Кексалик ўз ишини қилмай қолмас экан. Умри хола тез-тез касал бўла бошлаганида, айниқса, тўшакка михланиб қолганидагина ўғлига ҳамма нарсани бериб, биттагина нарса бериш ҳақида ўйламаганини, бу унинг мудҳиш хатоси эканлигини сезиб қолди. Бу меҳр-оқибат туйғуси эди. Келини Гулшод касал боқиши ёмон кўтар, Умри хола баъзан овқатсиз қолган пайлар бўларди. Буни ўғли билмас, билса ҳам эътибор бермасди. Келиндан шикоят қилиш Умри холанинг табиатига хос эмасди. Арзি-

маган нарсага эр-хотиннинг муносабатларини бузишни она истамасди.

Мана энди ҳаммаси тугади. Умри хола бу дунёning фурбатларидан фориг бўлди. Ҳамма нарса: ўғил ҳам, келин, неваралар ҳам, рўзғор ҳам, оиласий машмашалар ҳам қолиб кетди. Бироқ онаси Маҳкамбойнинг юрагига зил-замбидай оғир бир тош солиб кетгандай туюлди. Бу тошнинг оғирлиги шундоғам сиқилаётган юрагини эзгандан эзарди. Жаноза маросими, ҳовли ичкарисида хотин-халажнинг чувиллаб йиғлаши унинг юрагини бадтар қисди. Айниқса, холосининг: “Опажоним, ҳаммани ўйлаб, ўзини ўйламаган, ҳаммага сифиб, ўзига сифмаган опажоним-ей!” деган фарёди жон-жонидан ўтди. Шу топда ўзини дунёдаги энг бахтсиз, энг ношуд одам, дея ҳисоблади. Устига устак Гулшоднинг оҳанг билан “Онахон!” дея зикр тушаётгани унга калакадай, тириклигига кун бермаган келин мархума қайнонасини масхара қилаётгандай туюларди. Бироқ бор кучи билан дод-вой қилиб ўтиришга Гулшоднинг ҳам тоқати йўқлигини, таомил шунаقا эканлигини, келин таъзия куни индамай юмушини қилиб юрса, эл-юрт маломат қилишини яхши биларди...

Онасини тупроққа топширганига беш кун деганда уйларига унинг яқин дугонаси Ҳафиза опа кириб келди. У таъзиядан бехабар қолганлигини айтиб, Маҳкамбойдан анча ўпка-гина қилди. Бирмунча йиғи-сифи қилиб олишгач, Гулшод чой дамлаб келди.

— Онанг ҳақиқий жаннати аёл эди, — деди Ҳафиза опа Маҳкамбойга қараб. — Отанг ўлганда уч-тўрт ёшлик гўдак эдинг. Умрихон ўз тенгқурлари ичида энг гўзали, оқиласи эди. Сени деб бошқа оила қурмади. Ўнлаб менмен, деган эркаклар қўлини сўраб келганида ҳам қайта эрга тегишга кўнмади. Биз унинг ҳали ёшлигини, ҳар қандай катта рўзғорни бемалол тебратса олишини айтиб, яхши жой чиқса, кўнишга даъват қилар, у бўлса яккаю ёлғиз ўғлимни ўтай отанинг қўлига топширмайман, деб рози бўлмасди.

Ҳафиза опанинг гаплари Маҳкамбойга қаратилган киноядай туюлди, у опага ўғринча қараб кўйди, негадир

қизарыб кетди. Орага Гулшод гап күшди:

— Қайнонамнинг одамгарчилигига гап йўқ. Невараларга меҳрибончилитини айтмайсизми? Бир кун кўрмаса туролмасди. Бир жойга кетса, албатта иккала қизимга бирон совға билан қайтарди.

Гулшод рост гапираётган бўлса ҳам, бу гапларни худди жаноза кунидаги йиғисидай астойдил айтмаётгани шундоқ билиниб турарди. Хотини кўзига шу қадар жирканч ва ёвуз кўриндики, ҳатто ҳамишадагидай бир мағомда гапириши ҳам Маҳкамбойга илоннинг вициилаши бўлиб эштиларди. Хотинига нисбатан шунча нафрат ва газабни юрагига қандай сифтирганига ўзи ҳам ҳайрон эди. Уларнинг муносабати аввал ҳам шундаймиди? Маҳкамбой ҳеч хотинини севганми ўзи? У ўз-ўзига шундай савол берар экан, Гулшоднинг ҳамиша акс ва қайсар бўлганини эслади. Кел, шу билан баравар бўлиб ўтираманми, бир гапдан қолсам қолибман-да, деган андишада дастлаб парво қилмай юрди, Гулшодга уйланиб хато қилганини англаб етганида, ўртада болалар бор эди. Бир марта жонини ҳалқумига келтирганида:

— Бўлди, етар энди! Ҳозир уйига олиб бориб, отонасининг қўлига топшириб қайтаман, — деди онасига.

— Кўй, ўғлим. Ўзинг етмагандай, болаларинг ҳам отасиз ўсишини истамайман. Сабр-тоқат қил. Хотин зоти яхши сўзнинг гадоси. Кўнглини яхши сўз билан топишга, яхши томонларини кўришга ҳаракат қил. Мана кўрасан, бирбиirlарингни тушунасизлар.

Бироқ қайсиидир ҳалқнинг “Букрини гўр тузатади”, деган мақоли тўғри экан. Гулшод оиласда ҳамма нарса ўзи айтганидек бўлишини истар, бирон пофона пастга тушишни хаёлига ҳам келтирмас, бу кетища эр-хотиннинг бирбиirlарини тушуниши амримаҳол эди. Бу ҳол қайнонаси хасталаниб, тўшакка михланиб қолгач, айниқса, яққол намоён бўлди.

Аслида, Гулшоднинг қайнонасига нисбатан заррача меҳри йўқ эди. Бир куни онаси келинига илтижо билан қараб: “Невараларим ёнимда ётсин, улар билан гаплашиб ётсан, диққинафас бўлмайман”, деб илтимос қилди. Гул-

шод буни эшитса ҳам эшитмасликка олди. Маҳкамбой эртаси куни қараса, иккала қизи ҳам ўз хонасида ётибди. Нега онасининг айтганини қилмаганини сўраганида қизиқ жавоб олди:

— Эсингиз жойидами, муштдай қизлар болалик хотиндай кампир боқиб ўтирадими? Онангиз бир ўзи ётиб зерикаётган бўлса, ана давлат очиб қўйган мурувват уйи бор, олиб бориб топширинг, ўзига ўхшаганлар билан ҳангома қилиб юради.

— Нима деяпсан, ким деб ўйлаяпсан мени?! — Маҳкамбойнинг кўзлари косасидан чиқаёзди. Қаҳр-ғазабдан аъзойи-баданини титроқ босди. Унинг бундай важоҳат билан қарашини ҳеч қачон кўрмаган Гулшод нима дейишини билмай, шошиб қолди. — Сени олиб бориб ташлайман ўша ёққа, билдингми?!

Маҳкамбой Ҳафиза опани кузатиб уйга қайтди. Ҳовлига кирганида мусиқа овозини эшитиб жон-пони чиқди. Маҳкамбой югуриб кирди-да, жаҳл билан электр симини суғуриб ташлади:

— Бу нима майнавозчилик?! — деб бақирди қизларига.
— Ахир бувиларнинг ўлган, таъзияликмиз-ку! Ҳеч бўлмаса келди-кетди тугаганча чидаёлмайсизларми?

Қизлар уялганча ер чизиб қолишли. Шу пайт қўшни хонадан Гулшоднинг нолигани эшитилди:

— Нима, телевизор кўймасак тирилиб келармиди? Бўлди-да, беш кундан бери уйимизда фақат йифи-сиги. Бувиси ўлган бўлса, болаларда нима айб?

Эрининг важоҳатини кўриб бидирлаб гапираётган Гулшод бирдан тўхтади.

— Нима деяпсан, ҳайвон?! — дея ўшқирди Маҳкамбой. Унинг муштлари қаттиқ қисилган, ранги гезарип кетган, қовоқлари асабий учарди. Кела солиб хотинининг биқинига аямай тепди. Бунга ҳам қоникмай бащарасига уч-тўрт марта мушт солди. Хотинининг чинқирифи, болаларнинг дод-войи кўзига кўринмас, шу топда ҳамма аламларини бир қилиб олишни истарди.

Обдон хумори босилгач, ҳеч кимга қарамай кўчага отилиб чиқди. Унга ҳаво етишмайтгандай кўйлагининг бир неча тумасини ечди, чуқур нафас олди. Ташқарида ҳаво

мусаффо, енгил шабада эсарди. Маҳкамбой шу күйи бемақсад кезиб, гузарга келиб қолганини сезмай қолди. Юрагини нимадир омбурдай қисиб турар, ҳадегандан күйвормасди. Бурчакдаги таниш тижорат магазинида юз грамм ароқ ичгиси келди. Таъзиялик эканлиги эсига тушшиб бу фикридан қайтди. Дорихонадан валидол олиб, тилининг тагига ташлади, сал енгил тортгандай бўлди. Ҳуши ўзига келди, фикри равшанлашди.

Уйга кириб келганида ҳамма нарса титилиб ётар, Гулшод болаларни кийинтириб, онасиникига кетиб қолган эди. Бунаقا ҳолатларда хотинининг хаёлига келувчи ягона тадбир шу бўлишини Маҳкамбой яхши биларди. У кўлидан келганча хонани тартибга солди ва диванга оҳиста ёнбошлади. Асаблари фоят чарчаганидан кўзлари оғирлашиб, уйку босиб кела бошлади. Хонада кимдир борга ўхшаб туюлди ва шу заҳоти кўзини очди. Пойгакда оппоқ, узун кўйлакда онаси унга маъюс тикилиб турарди:

— Сиз?.. — деди Маҳкамбой ҳаяжондан тили калимага келмай.

— Бекорга қизишдинг, ўғлим, — деди Умри хола. — Болаларни сарсон қиласидиган бўлдинг. Биласан-ку, уларсиз туролмайсан. Барibir ўзинг бориб ялиниб-ёлвориб олиб келасан.

— Йўқ, энди сира унга ялинмайман. Етар, шунча вақт нағмасига ўйнаганим.

— Қизишма ўғлим. Нима қилганда ҳам кўз очиб кўрган хотининг, болаларингнинг онаси. Камчилик кимда йўқ.

— Нега энди унинг тарафини оласиз, онажон?! Ахир сизга озмунча жабр ўтказдими? Айниқса, касал ётганингизда...

— Кўйсанг-чи, болам. Тўшакда ётганимда келиним қўлидан келганча қаради. Менинг ундан кўнглим қолган жойим йўқ. Лекин сендан хафа бўлишга ҳаққим бор. Айниқса, охирги кунларда сенинг, невараларимнинг ёнимда ётишларингни жуда хоҳлагандим. Сизларга тўйиб қарагим, муаттар бўйларингни тўйиб ҳидлагим келувди. Бироқ сен худди обрўйинг тушадигандай ёнимда ётишни истамадинг.

— Ойижон, шундоғам қон бўлиб турган юрагимга

пичноқ санчманг! Биласиз-ку, сизни дунёда ҳамма нарсадан ортиқ күрардим.

— Тан олишиңг керак, болажоним, сен күпроқ ўзингни яхши күрасан.

— Ундей деманг, ойижон. Мен энди сиздан бир лаҳза ҳам ажрамайман, бошимда күтариб юраман. Итингиз бўлиб хизматингизни қиласман. Фақат кетманг, ойижон!

У югуриб бориб онасининг этагини тутмоқчи бўлди. Бироқ қўли ҳавода муаллақ қолди. Она ғойиб бўлган эди.

Маҳкамбой қора терга ботиб ўрнидан турди. Остона тарафга қаради, ҳеч ким йўқ эди. Ёстиги йиглаганданми, терданми ҳўл бўлиб ётарди. Ҳайҳотдай уйда ёлғиз ўзи қолганига ҳўрлиги келди. Онаси ҳам сўнгти пайтларда ўзини шундай ёлғиз ҳис қилганигини, ўша пайтларда на ўғли, на келини, на неваралари ёнида бўлиб, кўнглини кўтармаганлигини ўйлади. Худди шундай аччиқ қисмат ўзингизни ҳам бошига тушмайтганмикан? Ота-онангга заҳмат етказсанг, ўзингта қайтади деганлари шу эмасмикан?

Ўйлаб ўйига етолмаган Маҳкамбойнинг бирдан фири равшан тортди. Хотини, болалари кетиб қолганига онасининг руҳи безовта бўлганини ҳис қилди. Зудлик билан кийиниб, йўлга отланди. “Ҳозир бориб болаларни олиб келаман, ойижон”, дея хаёлан онаси билан сұхбатни давом эттириди у. — Фақат сиздан бир илтимос, тез-тез тушларимга кириб туринг. Сизнинг муборак юзингизни кўриб турсам бас. Менга бошқа ҳеч нарса керак эмас”.

Маҳкамбой шундай хаёллар билан кетар экан, икки юзидан қуилиб келаётган қайнот кўз-ёшларни сезмасди.

БЕДОР ТАБИАТ

Баҳорда лола сайлига чиққанмисиз? Ям-яшил майсага бош кўйиб, бир оз бўлса-да тин олганмисиз? Оҳ, гиёҳлардан таралаётган нафис, губорсиз исларни тўйиб-тўйиб ҳидлаганмисиз? Ана шундай пайтда кайфиятингиз кўтарилиб, осмону фалакка учиб кетасиз гўё. Гарчи кекса ёшда бўлсангиз ҳам бир вақтлар бошингиздан кечирган ширин

ҳислар қалбингизни эгаллади. Дунёнинг ғам-ташвишларини унугасиз. Ҳаётдан завқданасиз.

Чирсиллаган қиши тугаб, кунлар илиқлашганда ҳаётнинг давомийлигини, табиатнинг уйғонғанлигини, ҳар бир гиёх ҳар бир дараҳт, ҳаттоқи қушларнинг ҳам яшашига интилишини сезасиз. Айниқса, дараҳтлар куртак очаётганда яна-да күркем бўлади. Ҳадемай дараҳтлар гулга бурканади. Шифобахш бол йиғиш мақсадида асаларилар гуллар атрофида гужгон ўйнайди. Бир томчи асал тўплаш учун минг марталаб у гулдан-бу гулга қўнади. Шу оддий ҳашаротга қараб туриб кўнглингизда меҳнат, гайрат жўш уради. Ҳа, шу митти жонивор ҳам ўз бурчини адо этиш учун тингмай изланяпти. Демакки, ўз мажбуриятини ҳис қилияпти. Табиатнинг энг буюк зоти бўлган одамлар баъзан бурчимизни, масъулиятимизни унугиб қўймаяпмизми? Тасаввур қилинг қиши мавсумида далалар оппоқ қор билан қопланади. Четдан кузатиб турсангиз, гёё она еримиз ором олиб ухлаётгандай, аслида ҳам шундайми? Йўқ, ҳатто қиши чилласида ҳам еримиз қор тагида қўпчиб, янги ҳосил учун куч-қувват тўпланаётган бўлади. Вақти келиб ям-яшил барглар орасида кичкина-кичкина, кўм-кўк до-вуччалар ҳосил бўлади. Ана шу пайтда сиз бир дамгина бошқа юмушлардан тўхтаб, фикрингизни жамлаб, томоша қилинг! Ҳаёлингизда оламда бундан ҳам чиройли, жозибали, оромбахш кўриниш бўлмаса керак, деб ўйлайсиз. Голоснинг қилингиздан бўлиб пишган пайтини эсланг. Унинг яшил барглари ўқтам йигитга, мевалари эса қиз боланинг фунча лабларига ўшаб кетади.

Фарқ пишган тарвузни олинг-да, пичноқ уринг, у таре этиб икки паллага ажралган онда ҳидлаб кўринг-чи! Тўғрисини айтинг, бу оламда шундан-да шаффоф, дилга яқин ҳид бўлармикан?

Атиргулни ҳидлаганингизда муҳаббатнинг ширин ҳисларини туясиз. Тошдан-тошга урилиб, марвариддек товланиб оқаётган сув бўйида бўлганмисиз? Агар сувнинг шовқинига қулоқ тутсангиз – ишонаверинг, асаб толала-рингиз ором олади. Юрак уришингиз рисоладагидек ҳолга тушади. Ҳоҳлайсизми-йўқми, иш яшашиб давомида турли тўсиқларга, баъзан кўнгилсизликларга дуч келишимиз

мумкин. Кундалик ҳаётимиздаги баъзи салбий ҳолатлар секин-аста асабимизни бузиб, қон босимимизни күтариб юборади. Шундай пайтда беназир Оллоҳ томонидан яратилган, баъзида турмуш икир-чикирлари билан овора бўлиб, ўзимиз сезмаган табиатнинг шундай шифобахш инъомлари борки, биз ҳаётимиз давомида улардан баҳоли-кудрат фойдалансак фойдадан холи бўлмас. Зеро, қудратли Эгам томонидан ҳар бир дарднинг давоси яратилган. Биз улардан баҳра олсак бас.

*Ҳаёт бир кун аччиқ, тўфонли бўлса,
Ҷаъзида булбулнинг навоси бордир.
Сезмай ҳам қоламиз атрофимизда
Билгинки ҳар дарднинг давоси бордир.
Битта ёмонни деб қийнама ўзинг,
Битта ёмон учун ўн яхши бордир.
Ганимга ҳам қилгин, майли илтифот,
Кечиримли дилга, Оллоҳим ёрдир.
Гафлат уйқусида бўлсак мабода
Хушёр бўл табиат мангу бедордир.*

МУНДАРИЖА

Лўли қизнинг бахти (*қисса*)

3-бет

Ҳисобли дунё (*қисса*)

62-бет

Фарзанд доғи

164-бет

Ўгайлик қисмати

172-бет

Экканингни ўрасан

182-бет

Маҳкамбойнинг армони

195-бет

Бедор табиат

204-бет

ҲАЛИМА МАЛИКОВА

ЛЎЛИ ҚИЗНИНГ БАХТИ

Қиссалар ва ҳикоялар

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2007

Муҳаррир *Қ. Қаюмов*
Бадиий муҳаррир *М. Аъламов*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*

Теришга берилди 14.09.2007. Босишга рухсат этилди 05.10.2007.
Бичими 84x108^{1/32}, Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоғи 10,9. Нашриёт-хисоб табоғи 12,2. Адали 3000 нусха. Буюрт-
ма №3995. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.